

ISBN 978-9943-4479-2-9

9 789943 447929

Бүри ЗИЯМУҲАМЕДОВ

# ПЕДАГОГИКА



# Бүри ЗИЯМУҲАМЕДОВ

## ПЕДАГОГИКА

Ўқув қўлланима

“TAMADDUN” НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 37.013(575.1)(075)

КБК 74я7

3-67

*Масъул муҳаррир:*

**Н.Н. Азизхужаева – Узбекистон Республикасида хизмат курсатган фан арбоби, педагогика фанлари доктори, профессор**

*Тақризчилар:*

**Тожисев М. – педагогика фанлари доктори, профессор.**

**Исмоилова З. К. – педагогика фанлари доктори, профессор,**

**Давронов З. – фалсафа фанлари доктори, профессор**

**Зиямұхамедов, Бури**

**3-67 Педагогика / Б. Зиямұхамедов. – Тошкент : «TAMADDUN» нашириети, 2014. – 256 б.**

УЎК: 37.013(575.1)(075)

КБК 74я7

Ўкув күллалми биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг 1997 Йили IX сессиясида кабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги конун, “Кадрлар тайёрланиши миллий дастур”и, Республика Президентининг 2011 Йил 20 майдаги 1533, 2012 Йил 28 майдаги ПҚ-1761-сонли карорларини амалга ошириш мөксалида, шимолимигинаш илгор илмий дунёқараши ва “Мажмуулар шарарине”нишо тамомилдари, Шарқ мутафаккирларининг таълим ҳамда тарбияга оид фикрлари, жаҳонда малжуд таълим назариялариниң таҳлили ва бой тажрибаларини келиб чиқиб яратилди. У нопедагогик Олий ўкув юртлари ва педагогига шұнайлишидаги касб-хунар колледжлари “Педагогика” ҳамда педагог тайёрлайдиган барча олий ўкув юртлари учун “Умумий педагогиканинг назария ва амалиёті” ўкув фанларидан дарслік сифатида яратилган бўлишига қарамай, таълим соҳасининг барча бўгинларида фаолият курсатаётган амалиётчи уқитувчи ва педагогларга ҳам, дарс ва ўкув машгулотларни замонга мос равишда амалга оширишлари учун дастурламал вазифасини ўтайди.

# МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
-------------	---

## 1 бўлим. Педагогиканинг қисқача тарихи ва жамият таракқиётидаги ўрни

1.1. Шарк мутафаккирларининг таълим ва тарбияга оид фикрлари .....	9
1.2. Ғарб ва Россия педагогларининг таълим-тарбия соҳасига кўшган хиссалари ҳамда шу замонанинг педагогика назариялари .....	24
1.3. Педагогиканинг жамият таракқиётидаги ўрни ва фаолияти йўналтирилган обьект “Ҳазарати инсон” тўғрисида умумий маълумот ҳамда инсоннинг фаолият турлари .....	33

## 2 бўлим. Педагогиканинг фалсафий асослари

2.1. Фалсафий савод ҳамда замонамизнинг илгор илмий дунёкараши ва “Мажмулар назарияси” .....	39
2.2. Педагогикада кўлланиладиган фалсафа категориялари .....	64
2.3. Илмшуносликнинг энг умумий коидалари .....	81

## 3 бўлим. Педагогиканинг назарий асослари

3.1. Педагогиканинг обьекти, предмети, максад ва усуслари .....	89
3.2. Педагогика категориялари .....	98
3.3. Педагогика фанлари мажмуи .....	104
3.4. Педагогиканинг умумфалсафий методологик асоси .....	110
3.5. Педагогиканинг хусусий методологик асоси – Дидақтика .....	150

## 4 бўлим. Педагогик амалиёт – методика

4.1. Укув машгулот мажмуи.....	173
1) Замонавий дарс ва педагог фаолиятига зарур бўлган меъёрий хужжатлар.....	177
2) Укувчи ва талабалар бажаришлари шарт бўлган коидалар .....	180
3) Уқитувчи-педагогнинг касбий компетентлик даражаси .....	182
4) Укув жараёнда иштирок этадиган техник воситалар .....	189
5) Укув машгулотида кулланиладиган педагогик усувлар .....	190
4.2. Уқитишнинг замонавий усули “Педагогик технология” – яратилиш тарихи ва унга юклатилган вазифалар .....	200
1) Педагогик технологиянинг Ўзбек модели ва унинг тамойиллари .....	208
2) Укув машгулотининг лойиҳасини тузиш алгоритми .....	210
3) Лойиҳа тузиш амалиёти .....	212
Хуносас.....	249
Фойдаланилган адабиётлар .....	253

## Кириш

Республикамен жаҳондаги тараккий этган мамлакатлар қаторидан мунисип Урниши тиллаб, уни саклаб туриши учун маънавий салоҳият бўини иккесоди қудратимизни XXI аср илмий-техника тараккиёти ташибиринг жиоб берадиган тарзда ривожлантириб боришимиш лотим. Бунинг учун халқимиз, айниқса, ёшлиларимиз дунёқаранини, касбий бўйим ва инсоний фазилатларини жаҳон андозалари даражасига юғарishимиш талаб қилинади. Бундай мураккаб ижтимоий вазифани дигъатида барча илм-фан ва амалий фаолиятлар ичида, илмий асосга суниган миллӣ педагогикага етакчи ўрин ажратиляган.

*Миллӣ педагогика деганда, замонанинг илгор шиний дунёқарашидан келиб чиқиб, муайян давлатнинг асосий гояси, Конституцияси, таълими-тарбия юзасидан қабул қилган қонуилари, ҳудудининг истиқболи ривожланниш дастури, халқининг миллӣ-маърифий мероси, ҳудуд педагогиарининг касбий менталитети, таълими-тарбия соҳасида эрнешмаган жаҳоний ютуқшар асосида шаклланган ҳамда шу мислларнинг муайян тарихий ривожланниш босқичига живоб берадиган таълими-тарбия назария ва усулларини ифода этиувчи илм-фан мажсуми тушунилади.*

Узбекистонда таркиб тоғиб келаётган педагогика – кең жамоматчилик томонидан қабул қилишган миллӣ гоя тамойилларига иносланганлиги ва 1997 йили қабул қилишган “Таълим түгрисидаги қонун”, “Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури” ҳамда ҳудудимиз ўқитувчи ҳамда педагогиарининг менталитетига мослиги, нисбатан янги, юкори самарадорлиги билан дунёда мавжуд педагогик тизимлардан фарқланниш лозим.

Мустакил Узбекистонда биринчи бор 1992 йили қабул қилишган “Таълим түгрисида”ги қонунда: “Узбекистон Республикаси таълим түгрисидаги сиёсатини умуминсоний қадриятларни, халқининг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобида кўп асрлик анъаналарини, жамиятининг истиқболдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда юргизди”,<sup>1</sup> дейилган.

Собиқ давлат тузуми даврида Узбекистоннинг ўкув юртларида, ўта мағкуралантирилган ва асосан империя марказининг педагог-олимлари томонидан яратилиб, Узбекистонда таржима қилинадиган ўкув

<sup>1</sup>“Халқ таълими” журнали, 1992 й., 10-12-сон, 1-бет.

дастур ҳамда дарсликлардан фойдаланиб келишган. Натижада фарзандларимиз ота-боболаримиздан мерос булган – ҳалк педагогикаси, миллий маънавият ва маданият ҳазинасидан маълум даражада бебахра булиб келди.

Мамалакатимизда 1997 йили иккинчи маротаба қабул қилинганд “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастур”и Республика изда янгича таълим тизимини бунёд этиб, келгусида бу соҳада амалга оширилиши лозим булган истиқболли вазифаларни белгилаб берди. Шулар сирасига, замони илм-фанининг шу кунда эришилган ютуклари билан худудимиз ўқитупчи ва педагогларининг қасбий компентентлик даражасидан келиб чиқиб, жаҳондаги илгор педагогик назарияларнинг гояларидан унумли фойдаланган ҳолда, амалдаги педагогикага таңқидий ёндашиб, уни қайта ишлаб, худудимизга мос билим бериш назария ва усуllibарини яратиш орқали шаклланниб келаётган миллий педагогикани маромига ўқитиш вагифаси киради.

Миллий дастурда қайд қилинганидек, ёнишр тарбиясига нафақат меҳнат фаолиятини таълим-тарбияни багчишлатни кинишор, балки барча ота-оналар ва жамиятнинг билимли ҳамда обручилиборли аъзолари, олий маълумотли мутахассислар ўз хиссалариши қушишлари керак. Раҳбар ходим ва малакали мутахассислар ўзларининг билимлари, қасбий малакалари туфайли меҳнат экамоаларида катта ҳутиборга эгадирлар. Ушбу фикрдан келиб чиқиб, Олий ва урга маҳсус таълим вазирлигининг 1996 йил 7 августдаги 189-сонли буйругига биноан ҳалк хўжалигига мутахассислар тайёрлайдиган барча олий ўкуп юргларида педагогика фани ўқитила бошланди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлайдиган ўкув юргларида педагогика фанини ўқитиш жараённила, уларни битирувчиларида куйидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш кўзда тутилади:

- ўз ихтисоси бўйича ўкув қўлланма ва дарсликлардаги билимларни ўзлаштириш пайтида ҳамда ижтимоий-иқтисодий, гуманитар фанлар бўйича бериладиган билимларни онгли эгаллашлари учун педагогика фанининг назарий ва амалий асосларини ўрганишлари, ўзларида бу билимларга кўникма, малака ҳосил қилишлари;

- жаҳон олимлари ва ўзбек алломаларининг педагогик мероси билан танишиб, худудимиздаги мутафаккирларнинг педагогикага қўшган хиссаларини англаб етгач, калбида ватанпарварлик хиссини таркиб топтиришлари;

- индивид, жамият аъзоси, шахс, миллат фарзанди, мутахассис деган тушунчаларни улар абстракт ҳолда эмас, балки том маънода англаб, миллат фарзандининг ижтимоий моҳиятини такомили хисобланган

баркамол шахснинг 13 фазилат мажмунин ўзларида таркиб топишига киришишлари;

- дарс бериш ва ўкув машғулотини олиб бориш қобилиятини ўзида пайдо қилишлари учун, таълим назарияси қонун, қоида ҳамда тамо-йиллари билан бирга ўқитишининг замонавий усулларини эгаллаб, уларни педагогик амалиётда қўллаш кўникмасини ҳосил қилишлари;

- “Педагогик технология” деган тушунчанинг асл моҳиятига етиб, ҳар бир ўкув машғулотининг лойиҳасини туза олишлари ва бу лойиҳалардан педагогика амалиётида моҳирона фойдалана олишлари;

- ўз маънавияти устида тинмай ишлаш кўникмасини ҳосил қилишлари;

- ижтимоий ходисаларни бониқариш назарияси ва амалиётини эгаллашлари шарт.

**Мазкур ўкув қўллашма муҳтарам Президентимизнинг таълимтарбияга оид кўрсатмалари, “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлап миллӣ дастури” талаблари ва муаллифнинг илмий асосланган концептуал фикрларидан келиб чиқиб яратилган.**

Маълумки, яқин ўтмишимиизда барча ўкув муассасаларида фойдаланиб келишган педагогика фани, хомхаёл ғояга асосланган мафкурага хизмат килган бўлиб, бу мафкурага суюнган давлат тузуми шураб кетди. Кизил империя таркибидаги Узбекистон миллий мустакилликка эришгач, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида олиб борилган ислоҳотлар қатори педагогикани ҳам қайта қурин ва уни миллийлаштириш зарурити келиб чиқди.

Бу вазифани амалга ошириш учун, биринчи навбатда, педагогиканинг фалсафий асосини макон ва замонга мос равишда қайтадан кўриб чиқишимизга түгри келди. Яқин ўтмишимииздаги давлат тузумининг фалсафаси ўта модиёнчилик ғоясига асосланган бўлиб, унинг асосий мақсади ривожланган капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятига етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш бўлган. Шу даврда педагогиканинг назария ва амалиёти ҳам бу ғояга буйсупдирилиб, унга хизмат килган. Бундай, “бул-бул” шароитда, мамлакатда яшаб келаётган аҳоли эҳтиёжи ва манфаатлари эътиборга ҳам олинмаган. Бугунги кунда, келажаги буюк давлат пойdevorини яратаетган экамиз, биринчи навбатда, давлатимиз худудида истиқомат қилиб келаётган халкларнинг орзу-истакларини эътиборга олишимиз ва ҳар бир фоалиятимизни амалга оширишда жамият аъзоларининг манфаатларидан келиб чиқишимиз шарт.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2011 йили 20 майда “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳ-

камлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тұғрисида”ғи 1533-сонли ҳамда 2012 йили 28 майда “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва урта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш ти-зимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тұғрисидаг”ғи ГК-1761-сонли қарорларини қабул қилиниши миллий педагогика назария ва усулларини ривожлантириш, уни амалиётта көңг татбиқ қилиш жарайнини жадалаштиришни такозо этади.

Ер юзидағи барча халқларнинг, шу жумладан үзбек халқини ҳам, азал-азалдан интилиб келаётган максади – баҳтли ҳаёт кечиришdir. Юртда тинчлик ва фаровонлик ҳукм суриб, аҳолининг аксарият кисми соғлом, баркамол булишлиги, халқнинг баҳтга эришишининг асосий омилидир. Аҳолининг соғлом ва баркамол булишлигига етакчи ролни, расмий равишда ташкил этилған, узлуксиз таълим-тарбия тизими ўйнайды. Таълим-тарбияни тұғри амалға ошириш учун мавжуд педагогика назарияси билан билем бериш усулларини замон ва ҳудудимизга мослаштириш зарур бўлди.

Педагогиканинг назария ви дарс бериш усулларини замон ҳамда маконга мослаштириб қайта ишлаб чиқишимиз учун, уларни шу даврнинг илгор дунёкараши бўлган “Нисбийлик назарияси” ва “Квант механикаси”дан келиб чиқувчи “Синергетика” ва объектив борлиққа “Мажму ёндашув тамойили”дан көңг фойдаланишимизга тұғри келди.

Шу билан биргалиқда ҳар кандай педагогик фаолиятни йўналтирилған обьекти бўлган “Ҳазрати инсон” тұғрисида етарлича маълумотни билиб олишимиз лозим эканлиги ҳам, тадқиқотларимиз давомида дён бўлди. Якин утмишимизда олиб борилған таълим-тарбия ҳаётда мавжуд бўлмаган, ўртача кишига йўналтирилған бўлиб, ҳамма инсонлар бир хил қобилиятга, бир хил эҳтиёжга, бир хил фикр юритишига эга деган асоссиз баробарлаштириш ғоясига буйсундирилған. Таълим-тарбиядаги бундай номутаносибликларни бартараф килишни қўлингиздаги ушбу ўкув қўлланма, маълум даражада хизмат қиласи деган фикрдамиз.

Ўкув қўлланмани укий бошлаганда, талаба ва қасбдошлир рухиятида бироз ўзига ишончсизлик кайфияти пайдо бўлиши мумкин. Чунки қўлланма янгича дунёкараш ва объектив борлиққа замонаки ёндашув тамойилидан келиб чиқиб ёзилған. Шу кунда “Синергетик” дунёкараш ва “Мажмулар назарияси” көңг аҳоли онгига, шу жумладан ўқитувчи ва педагоглар тафаккурига ҳали тұлиқ сингиб улгурмушлигини тадқиқотларимиз курсатиб берди. Шунда, улар “бұ мен инглий олмайдиган нарса экан” деган фикрга бормай, тағиқкур ин тисби-

вурини үзига солиб, сабр-төкін ва матонат билан, құлланмани қайта ва қайтын үсінші орқаш, уннің аслы мөдиятига кириб боришиңа ҳаракат қылғаныңар. Шундағынан улар, ўз фәолиятларини замон талабига мос ра-  
шинада тапкыр әттін ша үкув машгулоти давомида учрайдиган барча  
қиыншылық хамді жәб бузылишлардан химояланған буладилар.

Етакирилған лозимки, инсон фәолияти, шу жумладан педагог-  
тиқ филология қым, олдига қойилған асосий мақсадлари жиһатидан уч-  
турғы жекрліді: илмий, маърифий ва амалий фәолият (бу фәоли-  
ятында шүгрисида батағсызроқ сүз құлланманинг 2 бүлимида юри-  
ни иші). Шу нұктан пазардан келиб чиқиб, үкув құлланмадан фой-  
дашында, илмий фәолият билан шүгүлланаётган кишилар ёки шу  
ни билан шүгүлланишини үзига мақсад қылғанлар, албатта, уннің 2  
бүлиминиң чуқур үрганиб чиқишлиари шарт. Педагогика назария ва  
усулдарини үрганиш ҳамда педагогиканың амалий фәолияти билан  
шүгүлланиш мақсади билан чекланадиганлар, үкуя құлланманинг 1,  
3 ва 4 бүлимларидеги билимларни згаллаб олишларининг ўзи кифоя  
қиласы. Бу деганимиз, улар 2 бүлимни ўқимасынлар деганимиз эмас,  
бу бүлимлі ҳам қурблари етганича ўкиб чиқсалар фойдадан холи  
бүлмайды.

# 1 БҮЛІМ

## ПЕДАГОГИКАНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ҮРНИ

### 1.1. Шарқ мұтафаккирларининг таълим-тарбияга оид фикрлари

**Қадимги Марқазий Осиё худудида таълим-тарбия.** Энг қадимги замонларда билим ва тарбия берішләп күтүлған мақсад ҳамда таълимнинг усуллариниң бізгача етиб келганд археологик қазилмалар, ёзма маңбалардан билишмиз мүмкін. Туркий ва форсийзабон халқларининг ҳаёт кечириш тарзи, борлыққа амалий муносабатда булиш намунасы ифодаланған маддий-маънавий ёдгорликтер қадимги юонон тарихчи -си Герадоттинг “Тарих”, Страбоннинг “География” асарлари, Маҳмуд Кошгариининг “Девону луготит турк”, “Урхун Енисей битиклари” ва бошқа адабий, тарихий маңбалар оркынан бізге етиб келген.

Маълумки, ибтидоий жамиятда кишилар үзларининг таълим-тарбияга оид әхтиёжларини, меңнат фаолиятлари жараённанда қоидирғанлар. Уша даврда узлуксиз таълим-тарбия жараёни бир босқичдан иборат булиб, оиласдан бошланиб шуны үзіда тугар эди.

Ишлаб чыкарыш күчләри табиий равишда тараккий эта бориб одамлар йирик жамоаларга бирлаша бошлаши билан, уларда сөнни үлчаш, вактни белгилаш, күн санаш, сув тошқынларини олдини олиш, кинниларни даволаш, жамиятни бошқариш па ҳоказо билимларга әхтиёж орта борди. Жамиятда меңнатни таксимлаш жараёни чуқурлашиб, түпленған билимларни кейиңиги авлодларга колдириш ва уни ёш авлодга үргатувчи кишиларга әхтиёж пайдо була бошлади. Натижада ёзув ва уни болаларга үргатувчи муаллимлар юзага келди.

Бундан уч минг йиллар илгари Зардыштың динининг мұқаддас китоби “Авесто”да таълим-тарбия масалаларига катта ақамият берилгани ҳолда, униң ибодатхоналари қошида мектеблар ташкил этиліб, коғынлар томонидан болаларнинг таълим-тарбия тизими ишлаб чыкылған. Бу таълим-тарбия тизими қуйидеги тартибда амалға оширилған: диний ва ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия, үқиши-әлишти үргатиши. Шу билан биргаликта ёшларға отда юриш, камопдан үкүнни санъатидан ҳам сабек берилған.

“Авесто”ның мұаллифи Зардышт учун энг улуг инсон сөз ишлов беріб мүл хосил оладылған, обод, серсув яйлов ва бөгләри бор хүншарманалар, дәхқонлардир. Зардышт инсабатан дүниенің (хәйелін) змас, инсоний ва маърифий гояларни үзіда мұжассым оттап иккя

**Таңгриин** англаб етган. Янги эътиқод замирида яхши хулқ, яхши хатги-ҳаракат ва яхши амал билан боғлиқ ижодий меҳнат гоялари ётардиким, бу башариятнинг барча замонлардаги энг олий ниятидир.

“Авесто”нинг ақидалари кишиларни фаолликка, яратувчиликка, “нокомил дунё”ни такомиллаштириш учун интилишга ундейди. Зардушт, инсоннинг яшашдан мақсади метиндең этиқодли булиб, юртни обод, элни фаровон, турли қавмларни бир-бири билан инок бўлиб яшашини таъминлашдан иборат деб билган.

“Авесто”даги таълим-тарбиянинг ҳаётий моҳияти, муаллим – устозларнинг жамият маънавий киёфасини белгилашдаги, инсон камолотидаги ўрни хусусидаги фикрлари алоҳида эътиборга сазовордир. Зардуштнинг илк фаолиятиданоқ инсонларни тили рост, қалби покиза, ҳалол меҳнат, яхшина касб-корга эга бўлишиликка даъвати кўриниб турган.

“Жаҳон комил эмас, балки комиллик томон интилишдадир” деб уқтиради Зардушт. Инсон оламни комилликка етказмок учун чин қалбдан, фидоийлик билан меҳнат қилмоғи лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди. Унингча инсон ҳар жиҳатдан билимли бўлмоғи, оламни тўғрилик билан танимоғи, идрок этмоғи даркор. У яхшини ёмондан, гўзални хунукдан, сарани носарадан, покликни нопокликдан, донони нодондан ажрата билмоғи лозим дейди.

Демак, Зардушт покиза ахлокли, амалда собитқадам, ҳаётда фаол, курашчан ижодий меҳнат соҳибини шарафлайди, у тафаккур нesъматига ишонади, билим ва ахлокни инсон ҳаётидаги маёқ, деб билади.

“Авесто” З минг йиллар нари даврда жамланганини ҳисобга олсак, ёшларнинг таълим-тарбия муаммоси бизда анча қадим тарихга эга эканлигини англаймиз. Улуғ алломаларимиз, шайхларимиз ва мутафаккир олимларимиз бу борада ажойиб фикрларни билдирганлар. Умуман инсоннинг ахлоқий тарбияси аждодларимизнинг доимий дикқат марказида турган.

**IX–XV асрларда Марказий Осиёдаги маънавий кўтариқилик.** VIII аср ўрталарига келиб араблар Моварауннахрни забт этишга зришдилар. Араб халифалигида юз берган ижтимоий ўзгаришлар, ягона ислом динини таркиб топини маънавий-маданий ҳаётга таъсир этди ва унда катта кўтариқлик рухини пайдо қилди. Ислом ақидалари, унинг ахлоқий, ҳукуқий тамойилларининг асосий манбаси Куръони Каримдир. Бу муқаддас китоб, бошқа муқаддас китоблар қаби, кишиларни тенгликка, биродарликка, тинч-тотув яшашга, эзгуликка ундейди. Ислом бошқа динлар сингари, одамларни яхшиликтек даъват этади, ёмонликдан қайтаради. Инсонпарварликни тарғиб этиб, разолатни

қоралайди, одоб-аҳлок, руҳий-маънавий поклик ва камолотга, меҳнат қилишга ҳамда ер юзини обод, гўзал қилишга ундейди.

Куръони Каримда имоннинг ўзига хос мезони саналган саховат, меҳмоннавозлик, жасорат, сабр-тоқат, тўгрилик, вафодорлик ва содиқликка катта зътибор берилган. Унда кишилар орасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш тўғрисида кўпгина кўрсатмалар бор. Бу олий даражадаги инсоний хислатлар бўлиб, пок қалбли кишиларгина бунга ориша олади, дейилган. Бу хислат жамиятга тинчлик ва осойишталик келтиради. Шунинг учун ҳам кишиларниң ўзаро дўстона алоқаларини мустажкамлаш мусулмончилик талабларидан саналади.

Мусулмонларниң иккичи муқаддас китоби – Ҳадисларда *Муҳаммад (сав) пайғамбар шизининг айтган сувлари ва бажарган амаллариниң туплами*) инсонниң маънавий камолот мезони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашининг кенглиги, билимларниң қай даражада эгалланганлиги кўрсатилган. Жамият ва ўзига фойда келтирувчи шахс булиб етишишда мухим омил – билим эгаллаш деб қайд қилинган. Толиби илм қилиш фарздир. Толиби илмга ҳар бир нарса истиғор айтади, ҳатто дентиздати балиқлар ҳам. Билименин жамиятга жаҳолат, разолат хукмроилик қиласди, дейилган Ҳадисн шарифда.

Ҳадисларда билимни тақрорлаб бориш, уни факат иштиқманд кишиларгагина бериш жоизлиги қайд қилинган. Шунингдек, ҳадисларда билим кишилиниң фаҳм-фаросатини ўткир, зеҳнини зукко, хотирасини кучли қилиши таъкидланади ва “**иљму хунарни Чин (Хитой)да булса ҳам бориб ўрганинглар**”<sup>12</sup>, деб даъват этилади. Шунга кўра, “**Олим бул ёки билим ўрганинувчи бўл ёки тингловчи бўл, ё бўлмаса билим ва илм аҳлига мухаббатли бўл, бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан**”<sup>13</sup>, дейилган.

Ҳадис ёзувчилар сони кўп бўлишига қарамай ҳадисчилар ичидаги энг кучлиси Имом ал-Бухорий ҳазратлари эдилар. **Имом ал-Бухорий** миљодининг 809 йили 13 майда Бухорода дунёга келган.

Китоб ҳазинамиизда у зотнинг 20 дан ортиқ катта ва кичик китоблари мавжуд. Булар орасида “**Ал-жомеъ ас-саҳих**” алоҳида ўрин тутади. Бу шоҳ асарда аҳлок ва одобга оид ҳадислар маҳсус бир бобда мужас-самланган ҳамда аҳамияти жиҳатидан Куръони Каримдан кейинги иккинчи диний манба деб эълон этилган. “**Ал-адаб ал-муфрад**”(Адаб дурдоналари) китобида ҳам аҳлокий қадриятлар ўз ифодасини тонган.

<sup>12</sup>Муҳаммад пайғамбар киссани. Ҳадислар. Т., “Камалак”, 1991, 51-60-бетлар.

<sup>13</sup>Муҳаммад пайғамбар киссани. Ҳадислар. Т., “Камалак”, 1991, 61-бет.

Имом ал-Бухорий ўз асарларида ахлоқ-одоб ҳакида фикр юритар өканилар, одамларин ота-она хурматини жойига қўйинш, уларни эъзозлаб, дилларига ҳеч бир озор бермаслик, фарзандлар ўз ота-она олдили и бурчашини мукаммал адо этишилари зарурлиги каби масалаларга илохида тътибор берганилар.

Имом ал-Бухорийнинг инсоний сифатлар ҳақидаги қарашларида жаҳолат кишига улим келтирувчи фожеа деб кораланади. У одамларни тўғри сўзли булишга, ваъдага вафо қилишга даъват этиб, мунофиқ кишишининг учта белгиси булишилигини кўрсатади, улар: **ёлғон гапириш**, наъдага вафо **қилмаслик** ва **омонатга хиёлат қилиш**. У одамларни, айниқса, мўмин-мусулмон кишини ҳакорат қилишни гуноҳ, у билан уринишни кофирилик деб билади. У инсоннинг куч-кудрати жисмоният паҳлавонликда эмас, балки жаҳл чиккауда ўзини тия олишда, деб ҳисоблади. Улуг мутафаккир оиласи мухитни баркарор, тинч, оила аъзоларининг соғ-саломат, тўқ булишини истайди. У ўз асарларида **кичикларга шафқатли, катталарга хурматда бўлиш зарурлигини** алоҳида таъкидлайди. Умуман, улуг юртдошимиз Имом ал-Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” асарини **умуминсоний ахлокий** кадриятлар дурданаси десак ҳеч муболаға килмаган бўламиз.

**Аллома ат-Термизий** (мил. 824 йил) Термиз шаҳрида дунёга келган. Бошка ҳадисчи олимлар каби ат-Термизий ҳам ёшлик чоғидан ҳадис мутолаасига киришиб, тезда ҳадисларни тўплай бошлаган ва бу ишда у шуҳрат қозонган.

Имом ат-Термизийнинг “Сұнағ” китобида келтирилган ҳадисларда унинг киши ижтимоий сифатларига оид фикрлари кўл учрайди. Чуноичи: “Хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этишинг ва тулмудан қайтарипшиг – сенинг садаканг”, “Адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатишинг ҳам – садақа”, “Ҳатто камбағалларга ҳушмуомалада бўлишинг ҳам – сенинг садақаиг”, “Ерда ҳалақит бериб ётган бирор топ, тикаиак ёки суюкни бир чеккага олиб қўнинишинг – садақа”, “Ўз пақириигдан бошқаларнинг идитига сув солиб берипшиг ҳам садақаиг ҳисоблапади”.

Соглом таңда соғ фикр бўлади, деган ҳалқ маколига амал қилиб, аллома ёшлиқданоқ соғликни сакланашга, вактни бекор ўтказмасликка даъват этади: “**Икки нарса борким, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири соғлик, иккинчиси бўш вакт**”.

Имом ат-Термизий тўплаган ҳадислар орасида инсон камолотига багишланган ҳадислар етакчи ўрин тутади. Чуноичи: “Чипакам сабр-токатли деб мусулмон кишишиниг мусибат юз бергандада чидамлилигига айтилади”, “Мархумларнинг факат ихши сифат ва

**құлмишлариниң сұзланғлар. Үлгаш киши ҳакида ёмоп сұзлар айтилмасын”, “Ҳақиқий мүмни деб хушхұлқ ва аёлига писбатан хушмуомала кишиға айттылады”.**

Термизий тұплаган ҳадисларыннан ичида одамларнинг ахил булишита, жамоага фойда келтиришта, дұстлик ва биродарлық дағыват этувчи ҳадислар күплаб учрайди. **“Барча мусулмонлар үзаро биродардурлар. Үлар хеч қаңон бир-бирларынға ёмопликни раво күрмасылдар керак. Кимда-ким үзининг мусулмон биродарынға ёрдам қылса, охиратда Аллоҳ унға ёрдам қылады. Кимда-ким үз биродары ҳожатиниң енгіллілікте, Аллоҳ ҳам уннинг охиратиниң енгіл қылады”** деган эканлар Мұхаммад (сав) нағайтамбаримиз.

Имом ат-Термизий доимо илм-фанин тарғиб қылар ва айни вактда мұлайымлік ва ҳалимлікни ҳаммага раво күрар әди.

Ұрта Осиёга Ислом кириб келиниң билан уннинг ақидалари ва ҳаёт тарзипи ерли ахоли, дастаншал қабул қылмаган бўлса-да, кейин маъқул куриб, исломни нағакат қабул қилидилар, уни ривожлантириб, бойитдилар ҳам. Натижада тапага янги қоң қуюштани каби ҳудудимизда ижобий ўзгаришлар содир бўлиб, ижтимоий ҳаётда жекеланинг вужудга келди ва илм-фан ривож топди.

Бу даврда илм-фан уч йұналишда тараққий этилди.

**Бириңчи йұналиш** – математика-тиббиёт йұналишы бўлиб, буларга математика, астрономия, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, фармакология ва бошқа шуларга үшшаған фанлар кирилган.

**Иккисінчи йұналиш** – ижтимоий-фалсафий йұналиш бўлиб, бунда фалсафа, тарих, мантиқ, физика, рухшунослик, поэтика ва бошқа ижтимоий фанлар кирилган.

**Үчинчи йұналиш** – таълим-тарбия йұналишы бўлиб, бу соҳада қомусий олимлар үз қарашларини ижтимоий-фалсафий ва илмий асарлари таркибида ёки маҳсус тарбиявий асарларида баён этгаплар. Үша даврда ипсон муаммоси илм соҳасидаги асосий масала бўлган. Шуннинг учун ҳам барча мутафаккир олимлар ижодида таълим-тарбияга катта эътибор берилган. Яратилган асарларда шарққа хос бўлган инсоннинг ижтимоий сифатларипи, уннинг руҳий камолотини улуглаш етакчи ўрин туттган.

Таълимий рисолалар пайдо бўлиб, ахлокниң ҳам назарий, ҳам амалий масалалари таҳлил этилди. **“Фозил одамлар шахри”, “Бахтсаодатга эришув ҳакида”, “Ахлоқ ҳакида рисола”, “Ишқ рисоласи”, “Күтадгу билик”, “Ахлоқий Носорий”, “Ахлоқий Жалолий”, “Гулистан”, “Бустон”, “Махбуб ул-кулуб”** каби Форобий, Ибн Сино, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Тусий, Давоний, Кошифий, Кайқавус,

**Саъдий, Жомий, Алишер Навоийларнинг таълимий асарлари инсон шахсини маънавий шакллантириш муаммосини ҳал этишда соф педагогик асарлар сифатида мухим аҳамиятга эга.**

Мазкур таълимий асарларда инсон шахсини маънавий камолга стишувини юксак хулк-одоб, илм-фанни эгалланг асосида гина амалга ошириш мумкин, деган гоя илгари суритган. Ҳақиқий билимга асосланган таълимий усул шаклланди, шатижада таълим-тарбия олимлар дикқат марказида бўлди. Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний ва Ибн Синонлар бу усувларни асослаб беришган буюк мутафаккирлар ёди.

**Мухаммад иби Мусо ял-Хоразмий** билим олишда талабанинг шахсий кузатиниларига ҳамда олган билимларидан амалда фойдаланишга катта эътибор берган. Хоразмий билишни сезгидан мантикий тасаввур орқали фарқ қилиш ҳакида фикр билдиради. Унинг фикрича, “сезги” орқали билиш қисман билиш бўлса, “мантикий” билиш ҳақиқий билишнинг мухим томонини намоён этади деб, билиш назариясига салмоқли хисса қўшаган. У биринчилардан бўлиб, кузатиш-синов услуга асос солди. Самовий жисмларни харакатини акс эттирувчи жадвал асосида математик масалаларни алгоритм усулида очишни ишлаб чиқди.

**Ахмад Фарғоний** жаҳон фани ва маданиятига улкан хисса кўшган комусий аллома олимлардан бири. У Бағдоддаги “Байтул ҳикма”да мударрислик қилиб, табиий соҳада риёзиёт, фалакиёт, география, ҳикма ва бошқа катор фанларга оид илмий кашфиётлар килган.

**Абу Няср ал-Форобий** таълим-тарбияга бағишлигар асарларида инсон такомилида таълим-тарбиянинг мухимлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳакида фикр юритади. “Фозил одамлар шахри”, “Бахт-саодатга эришув тўғрисида”, “Ақл маънолари тўғрисида”, “Иҳсо ал-улум”, “Илмларнинг келиб чиқиши” каби маорифий асарларида олимнинг ижтимоий-тарбиявий карашлари ўз ифодасини топган.

Форобий ўз асарларида таълимни тарбия билан узвий бирликда олиб бориши ҳакида гапирган бўлса ҳам, аммо инсонни камолга етказиша ҳар бирининг ўз ўрни ва хусусияти бор эканлигини алоҳида таъкидлайди.

**Форобий баркамолликининг асосий мезони, жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиласиган етук инсонининг асосий сифатларини тузуб чиқкан.**

Унинг фикрича, ер юзида факат инсонгина билиш қобилиятига эга. Ҳақиқатни билиши эса, инсоннинг табиий ривожланиш ҳолатидан биридир. Инсон зотига икки хусусият мансуб: табиатдан берилган хусуси-

жарып. Ўз хоҳини ша ихтиёри билан таълим-тарбия орқали орттирилган хусусиятлар. Матрифаг (педагогик жараён, бизнинг изоҳ) – тарбия-танувчлигиниң хоҳини ша продасини керакли йўналишда бошқарниш сабабигинашпир, дейди Форобий.

Унга кўра, инсоннинг энг юксак хусусияти унинг баҳтга эришилганни идиdir. Баҳтии эса, дейди аллома, факат фойдали билимларни Ундан жамлаш орқали кўлга киритиш мумкин. Чунки инсон дил роҳитининг энг юқори чуқиси – **билим олини жараёнидир**.

Ал Форобий барча кишиларнинг юқори баҳт эгаси бўлишини исбот, уннинг тинмай билимлар эгаллашни тавсия қиласди. Чунки, кўп билимни оли бўлган кишигина ўз мақсадини тўғри танлай олади, дейди аллома. Яна у назарий билимлар билан бир қаторда, киши ахлоқ ва одобги ўрганиб боришлигини таъкидлайди. Фаробий фирмича, ҳақиқатни яхшилик бир-бирига уйғундирлар. **Билим олини орқали киши таъкидни англаса, ахлоқ-одобли киши яхшиликни билади ва уни кили олади, дейди.**

Инсоннинг деярли ҳамма ижтимоий сифатлари, дейди у, ташқи ижтимоий муҳит таъсирида шакланади ва ривожланади. Шунинг учун кишининг инсоний сифатларини шакллантиришда мақсадга Ўннилтирилган таълим-тарбия ҳамда тарбияланувчининг эркин танлоши стякчи ўрин эгаллайди.

Комусий олим Абу Райхон Муҳаммад иби ал-Беруний **Хасринг** иккитчи ярми ва XI асрнинг бошларида – foят мураккаб тарихий даврди яшаб, ижод этди.

Олим билим олувчиларга қалбни ёмон иллатлардан, инсон ўзи сениши мумкин бўлмаган холатлардан, котиб колдан урф-одатлардан, хиредан, беҳуда ракобатдан, очқузлик ва шоншуҳратдан сақланиши зарурлигини уқтиради.

У барча иллатларнинг асосий сабабчиси билимсизликда, деб билди. Билимларни эгаллашда эса кишида билимга интилиш, кизиқиши ва ижтимоий муҳит ўрнини алоҳида таъкидлайди.

Билим олишда тушуниб ўрганишга, ўрганувчининг маънавий покликка риоя этишига алоҳида эътибор берган. Беруний фирмича, ахлоқийлик инсоннинг энг асосий сифати бўлиши керак. Бу хислат кишиларнинг ўзаро мулокоти даврида сараланиб, муайян ижтимоий муҳитда таркиб топади.

Беруний фахрланишни яхши хулқ маъносида ишлатиб, “Ёдгорликлар” асарида шундай дейди: “Фахрланиш – ҳақиқатда яхши хулқ ва олий феълдир, олдин кегишу, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд нопокликлардан тозаланишдир. Кимда шундай

**сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар стишмаса, ҳукм унинг зарарига булади”<sup>4</sup>.**

Мутафаккир инсон камолотида меҳнатининг аҳаминти ҳакида муҳим фикрларни баён этади. У ҳар бир хунар эгасини меҳнатига қараб турлари булади. Оғир меҳнат сифатида бинокор, кўмир казувчи, хунарманц ва илм-фан соҳиблари меҳнатини келтиради. Айниқса, илм аҳли – олимлар меҳнатига алоҳида эътибор бериш, уларга хайриҳоҳ булишга чакиради.

**Беруний инсон камолотида уч нарса муҳимлигини таъкидлайди. Бу ҳозирги илм-ғанини ҳам эътироф килувчи – ирсият, ижтимоий муҳит ва тўғри таълим-тарбияидир.**

Берунийнинг билимларни эгаллаш йуллари ҳакидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Укувчи ва талабаларга билим беришда: уларни зериктирмаслик; бир хил нарсани ёки фанни ўргатавермаслик; узвийлик; изчиллик; янги мавзуларни қизиқарли, асосан кўргазмали баён этиш ва ҳоказога эътибор бериш кераклиги уқтирилади.

**Абу Али Иби Сино** камолотга эришишниң бириичи мезони саналган билим эгаллашга даъват этади. Билимсиз кишилар жоҳил булади, улар ҳакикатни била олмайдилар. деб уларни етук булмаган кишилар ҳисоблайди. Иби Сино билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини таъкидлар экан, таълимда қуйидаги талабларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди: болага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик; таълимда сингилдан оғирга бориш оркали билим бериш; олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос булиши; ўқитишда жамоа бўлиб ўқитишга эътибор бериш; билим беришда болаларнинг майли, қизикиши ва қобилиятини ҳисобга олиш; ўқитишни жисмоний машқлар билан олиб бориш. Талабаларга билим бериш ўқитувчининг маъсулиятли бурчидир, деб Иби Сино ўқитувчининг қандай булиши кераклигини ҳам кўрсатиб беради. Аллома баркамолликка эришиш учун билимлар эгаллаш зарурлигини айтиб, илм-ған табиаг ва жамият қонуниятларини очиб, авлодларга стказади. дейди. Билим олишда инсон қийинчиликлардан қўрқмаслиги зарур: “Эй биродарлар! Одамларнинг ботири мушкүлоддан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир”<sup>5</sup>. Зоро, билимли киши жасур, ўлимдан ҳам қўркмайдиган, факат ҳакиқатни билиш учун харакат қиласиган булади, дейди у фикрини давом эттириб.

<sup>4</sup>Абу Райхон Беруний. Таилантган асарлар. Т., „Фан“ нашриёти, 1968, 151-бет.

<sup>5</sup>Иби Сино. Фалсафий киессалар. Т., Бадиий адабиёт ва санъат, 1963, 15-бет.

**Ибн Сино инсоннинг шакллантиришда унинг атрофиги турбсанни ижтимоий мухит алоҳида рол ўйнашни, ала шу мухит инсоннин дунёни билишинигина эмас, балки унинг хулқиди яхши. Оси ғони жиҳатларнинг таркиб топишига ҳам таъсир этишини, шунинг учун ҳим болаларни тарбиялашда эҳтиёткор бўлиш, уни ғони ижтимоий мухитдан узокроқ сақлаш зарурлигини уқтиради.**

Ибн Сино инсон камолотида ақлий, ахлоқий тарбия бини бир киторда жисмоний тарбиянинг мухим аҳамиятини ҳам пачарий, ҳам ималий жиҳатдан исботлайди. **Ибн Синогача инсоннинг баркамолликка өришишида жисмоний тарбиянинг таъсирни хақида** муддат таълимот яратилмаган эди.

Халқимизнинг баркамол инсон тўғрисидаги қарашлари, хулқи творга оид хислатлари XI асрда яшаб ижод этган улуг олим, муғафис кир **Махмуд Кошгариининг “Девону луготит турк”** (Туркий сўннир девони) асарида кенг баён этилган.

Бу асарда билим олишининг қадри, олимларни хурматт қизини, меҳмондўстлик, хушхулқлик, мардлик ва жасурликни таркиб этувчи шеърлар кўп учрайди. Бундай шеърлар туркий халқлар қадимлардан бошлаб инсон шахсини шакллантиришга катта ётибор берганлигини кўрсатали.

“Девону луготит турк”даги мақолларда дўстлик, ҳамкорлик, меҳнатга мұхабbat, билим олиш ҳамда қасб-хунар эгаллашта ундаш, ватанинварлик, кон-кариндошлик туйгуси, тежамкорликнинг аҳамияти, адолат ва адолатеизлик, яхшилик ва ёмонликнинг оқибатлари, хулк-одоб кондалари, сиҳат-саломатликка оид ўғитлар талқин этилади.

**Юсуф Ҳожиб (XI аср)** ўз даврининг етук мутафаккири, чуқур билимли, донишманд кишиси эди. Буни “Кутадгу билиг” (Сводити бошловчи билим) асарининг мундарижаси ва мазмунидан билсек ҳим бўлади.

Кутадгу билиг – баҳт ва саодатга элтувчи билим, таълим ни тирибия деган маънони билдиради. Демак, асар номидан ҳам унинг шашнинасиҳатлари, таълим-тарбияга оид, ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялайдиган етук маърифий асар эканлиги якқол кўришиб турибди.

Асарда илгари сурилган ахлоқий хислатларни санаб унинг олимнинг баркамол инсон муаммосини кай даражада билдишинини ялолат беради. **Инсонийлик, ростгўйлик, тўғрилик, соғлик, меҳр мұхабbat, вафо, шафқат, мурувват, инсоф, адолат, шешонч, саломат, хушмуомалалик, саховат, мардлик, ҳимматлилик, гапозе, хурмат**

ва өхтиром, тадбиркорлик, ақл-таковот, ҳалоллик, әзгулик кибі ижобий хислатлар улуғланади.

Унсур ал-Маолий (Кайковус, 1021 – 98)нинг “Қобуснома” асары Шарқда сакланиб келаётган аңынага күра наанд-насиҳат тарзида ёзилған бўлиб, бир неча асрлардан бери ҳалқларни, жумладан, ёшларни ҳаётга, амалий фаолиятга тайёрлашда, уларни ҳар томонлама етук инсон килиб тарбиялашда муҳим кўлланма бўлиб келмоқда. У Шарқ манрифатчилик фикр тараккиётида, инсон камолотини шакллантириши муҳим уринни эгаллайди. Қуйида “Қобуснома”дан кичик бир нарчи келтирамиз:

“Ақлсиз одамлар билан ҳарғиз дўст бўлмагил. Ақлсиз дўст ақлли душмандан ёмоироқдир, чунки ақлсиз дўст шундок ин қилурки, ақлли душман уни кила олмас... Муруватлиғ, илмни ва вафолиг кишиларни дўст туттилки, то сен ҳам ул фазилатлар билан яшада машхур бўлгайсан.

...Илмнинг сифати уч важдандур: ё бир пеша била боғланғин билим; илм билан боғлиқ пеша; хайр ва далолатга тааллукли одам.

...Илмин дўст тут, бекорчи турмушни душман туттил... кеч ётғил ва эрта туртил, китоб ва дарсга ҳарис (бериљғаш) бўлғил, индан мадул (ғамғин) бўлмагил, хифз (ёдлаш) этғил, такрор қилғил, тақлидга рози бўлмагил, китоб, қалам, қаламторош ва буни үхшаш нарсаларни ҳамиша ёнипда саклагил, булардин ўзга ишсанни ёдинига асло келгурмагил. Оз сўзлагил ва узокни уйлагил”.

Муаллиф одамлар хислатларини уч хилга булади: бири ақл, иккini чиси ростлик ва учинчиси жавонмардликдир. Жавонмардлик асосини Кайковус уч нарсада деб билади: айтган сўзининг устидан чинин ростликка хилоф иш қилмаслик; хайрли игини эътиборда тутиш<sup>6</sup>.

Кайковус жавонмардлик йўлини танлаган ёшларга ўзини уч нарсадан: кузни ёмон назардан, қўлни ёмон ишдан, тилни ёмон сўнди саклашни тавсия этади.

Олим баркамол инсон булиш йўлини тутган толибларга ҳам йўлланма беради. Ҳамма вакт пархезли ва каноатбахш булиш, бекорчиликдан ўзини тийиш, доимо шод-хуррам ва ҳаракатчан булиш, китоб ўқишга берилиш, билим олиш йўлида қайғу-ҳасратга берилмаслиқ, билимни ёдда саклаш учун уни такрорлаб туриш, ёд олиш, билимди ҳақиқат учун курашиб, тақлид қилмаслик, доимо ўз ёнида китобни бошқа укув куролларини саклаш, оз сўзлаб кўп тиғлаш ҳақида фикр билдиради. Билим йўлида мунозарадан чекинмаслик, лекин уни жинжалга айлантирмаслик, исбот ва далиллар билан ўз фикрини биғи

<sup>6</sup>Кайковус. Қобуснома. Т., “Ўқитувчи” нашриёти, 1986, 153-бет.

жарыс тарурангини таъкидлайди. Яна у олимнинг айтгани билан шундай шот ўғри келиши, билимни чукур ўрганиш, ҳар бир касб ва саломий бўлишда доимо камтар, окил, халқпарвар бўлиши таъсирини кўрсанаб ўтади.

Бидор, якъ бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнимас, ўзига оғисаси", деган ибора ҳам Кайковусга тегишлайдир.

Кайковусининг "Кобуснома"си XI асрда юзага келган йирик тарбия-бадиасаридир. Бунда ўша даврга хос ҳар бир ёш эгаллаши зарур бўлган шархи, яхоний, жисмоний тарбия билан боғлик фаолият турлари: отда оғизи, муртазлик, сувда сузиш, ҳарбий машқлар, ифодали ўқиш, оғодлик, шеър ёзиш, мусика билимни эгаллаш, шатранж ва бора. Унингни билши кабиллар ўз ифодасини топган.

Кайковусининг катта хизмати шундаки, у ёшларни ҳар томонлама сабаботи стекашининг назарий масалаларини амалий фаолият билан бордаб олиб борди, унинг ўғитлари ҳар қандай тузумда ҳам ўз сабабини Нўкотмади ва амалий ҳаёт дастури сифатида ўз ўрнига ога беради.

Шарисиериятиининг йирик вакили, файласуф, математик ва астроном Умар Хайём (1048 – 1123) "Борлик ва мажбурият ҳакида рисола", "Уғанволга жавоб", "Умумий фаннинг предмети ҳакида аклиниг оғри", "Мажкурликнинг умумийлиги тўғрисида рисола" каби асарлар тароғдан.

Умар Хайёмининг таъкидлашича, "соглом фикр, зийрак ақл ва ғонир таҳи инсонни камолатга етаклайди"<sup>7</sup>, шунингдек, инсон юқони оғизида на бўлиши, яқинларини севиши лозим.

Борахонийлар ҳукмронлиги даврида маърифий жиҳатдан энг юксак инсонларни сенарлардан бири Аҳмад Юғиакийнинг "Хибат ул-ҳакойик" тартиби ҳам марказий ўринда инсон, уни ҳар томонлама стук қилиб тартибиши масаласи турди. Масалан:

Енинпрининг ҳамма феълинин тугал тузатган, ким карамли, шаффотин бўлса, уни эр киши деб хисоблансин. Карамсиз, шафкатсиз инсон мененга дпрахт кабидир.

Менасин ёғочни кесиб ёндириган...

"Ёмонлик қилгани кишига сен яхшилик қил, бу карам-шафкатнинг бошланашидир, буни яхши англа" ва ҳоказо.

Давриининг забардаст мутафаккири ва этук тасаввух шоири Натояндин Кубро Хивакий (1145 – 1221) уз рубоийларида асосий тарбияни боркимоц инсонни тарбиялаш, одамии ҳалокатга бошловчи нафс,

хусумат, түмөн, таъна, нифок, риё, фосиқлик каби ёмон фсыл-атвордан халос булишга, факат яхши ишлар килишга, рухий покликка чорлашга харакат килади.

Хоражмилк мутафаккир Сулаймон Бокирғоний (1186 йилда вафот этган) олоб-ахлоқ ҳакида гапиргаңда, инсонда гүзәл ҳулқ, нафси зоҳир ва нафси ботиний тарбия қилмоқни назарда тутади. Зеро шоирнинг инсоний гүзәл фазилатларга даъват этилган ҳикматларини ҳар киши уз ҳәётига татбик қилиши лозим. Айниқса, жамиятимизда маънавий тарбия ишларига эътибор қучайган бир даврда Бокирғонийнинг тарбияний панд-насихатлари дикқатга сазовордир.

**Муслиҳиддин Саъдий XII аср Шарқ мумтоз маънавиятигининг йирик намояндаларидан. Унинг “Гулистон” асари Шарқ таълим-тарбия тарихида ўзига хос маърифий шоҳ асар сифатида тан олинган.**

Бу асар инсонни баркамолликка етакловчи ҳикматлардан ташкил топган.

XIV – XV асрларда Самарқандда яшаб ижод этган улуг аллома Мирсаид Шариф Журжоний (1340 – 1413) мантиқ, хукук, фалсафа, тил ва бошқа фанларга оид 50 дан ортиқ асар ёзган. Унинг “Борлик ҳакида рисола”, “Оламни акс эттирувчи ойна” каби асарларида фалсафа, мантиқ ва тарбияшуносликка оид бир қатор илмий ва назарий маснавалар ёритиб берилган. У Шарқ мутафаккирларининг инсон камодогига оид ичанишларини ривожлантириди ва бойитди.

Шу даврда исломнинг суннитлик өркин фикрли оқим доирасида рух тарбияси билан машғул булушиб тасаввуф (сүфийлик) таълимоти пайдо бўлди. Бу таълимот бутун Шарқ маънавий ҳәётида комил инсон ҳакидаги гояларнинг шаклланишида мухим роль уйнади. Анъана вий зоҳирий билимлар билан бир қаторда рух оракали, ботиний билимларни эгаллаш усувлари хам яратилди.

**Ўрта Осиёда XIV – XIX асрларда таълим-тарбия.** Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маърифат тез тараққий этиб, жаҳондаги етакчи ўринларни эгаллаб олди.

Мирзо Улуғбек (1394 – 1449) даврида, айниқса, илм-фан, адабиёт ва санъат, маърифат янада ривожланди. Мирзо Улуғбек даврида, Ян Амос Коменскийдан анча илгари, ўқитишининг синф-тизимлари, болаларни ёши буйича табақалаштириб ўқитиш, ўқув-тарбия ишларининг аник бир муддатини белгилаб қўйиш, таълимнинг босқичма-босқич (бошланғич, ўрта, олий) амалга ошириш усувлари йўлга қўйилди. Жумладан, Мирзо Улуғбек ўқув муддатини катъий 8 йил қишиб белгилаб қўйди. Дарс бериш индивидуал усулидан жамоа усулига ўтказилди. Бунда ҳар бир гурухда 15 – 20 ўқувчи бир вақтда сабоқ олар эдилар.

**Алишер Навоий** фан ва санъатнинг турли соҳалари: адабиёт, тил, тарих, мусиқа, ҳаттотлик, тасвирий санъат, меъморчилик ва бошқа бишумларни ривожлантириш билан бирга уларни ўқитишни такомиллаштиришга ҳам катта эътибор қаратган эди. У ўзининг “Хамса”, “Махбуб ул-кулуб”, “Муножот”, “Вакфия”, “Мажолис ун-нафоис”, “Мухокамат ул-лугатайн” каби йирик асарларида инсон камолотидаги илм-фанинг ўрни, ахлоқий ва аклий тарбияни аҳамиятини ифола этган. У билимни ушуксиз ўрганиш зарурлигини таъкидлаб, таълим тизимини ҳам белгилаб берган.

Умуман Ўрта Осиёда яшаб ижод этган Абдурағзоз Самарқандий, Абураҳмон Жомий, Жалолиддин Девоний, Ҳусайн Вонғ Кошифиий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби аллома фониллар, мутафаккир уламолар таълим-тарбияга оид бир қанча маърифий асарлар ёзиб колдирдилар.

Темурийлар салтанатидан кейин Турон тож-тахт учун олиб борилган феодал урушлар майдонига айланди. Шу давр ичида илм-фан маданият ва маърифат ҳам таназзулга йўл тутди. Шунда ҳам Тошкент, Кўқон, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларда кам булса-да, мадрасалар кад кўтариб талабаларга диний ва дунёвий билимлар берриб келинди. Бу даврда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида диний мафкура ҳукмрон булиб, Ислом дини бидъатларга тулиб кетган эди. Мадрасаларда, асосан, илоҳий таълим асослари ўқитилар, ўқитиш усуллари ишоятда мураккаб ва қийин бўлгалиги учун мадрасаларни ҳамма ҳам муваффакиятли тутгата олмасди. Бу даврда кўпроқ адабиёт, тарих, меъморчилик, тасвирий санъат ривожланди. Баҳодирхон Абулғозийнинг “Шажарайи турк”, “Шажарайи тарокима”, “Манофиъул-инсон”, Суфи Оллоёрнинг “Мурод ул-орифин”, “Сабот ул-ожизин”, “Махзан ул-мутеъин”, “Фавз ун-нажот” каби асарлари машҳур бўлди.

XIX асрга келиб Ўзбекистон худудида таълим-тарбия муаммолари билан маҳсус шуғулланувчи мутахассислар камайиб кетганди. Йесин лаврнинг илғор кишилари, шоир ва уламолари ўз маърифий қарашлари асосида таълим-тарбияни маълум даражада ривожлантириб қелгандар. Улар таълим-тарбиянинг моҳияти, ижтимоий роли, мақсад ва навиғалари сингари масалалар ҳақида ўз фикрларини билдирганлар.

Темурийлардан кейин, Ўрта Осиёда давлатчилик инқирозга юз тутгач, бу ўлкани кўлга киритиш учун жаҳоннинг кўпгинча мамалакатлари харакат килдилар. Ана шулардан бири Чор Россияси эди.

Туркистон ўлкаси Россия томонидан босиб олингач, Чор маъмурияти минглаб рус оиласаларни Ўрта Осиёга кўчириб келди. Рус мухожирлари Туркистон генерал губернаторининг фармонига биноан

Улкада рус мактаблари, маҳаллий халқ болалари учун рус-тузем мактаблари, гимназия каби ўқув юртларини очиш ва уларни кенгайтириш ҳисобига маҳаллий мактаб ҳамда мадрасаларни сиқиб чиқариш мақсадида маориф ислоҳотини ўтказа бошладилар.

Бирок Чор Россиясининг улкада рус-тузем мактабларини очиб, рус тилини ўргагишига бўлган саъй-ҳаракатлари оммавийлик касб этмади. Шу боис 1917 йил 9 майдан 14 майгача Тошкент шаҳрида улка ўқитувчиларининг биринчи қурултойи булиб ўтди. Бу қурилтойда бир овоздан қурултой раиси қилиб сайланган Мунавварқори Абдурашидхон ўғли анжуманда Туркистон мактаб ишларини ислоҳ қилиш тўғрисида маъруза қилди. Қизгин баҳлашувлардан сўнг Туркистонда миллий мактаб очиш хақида қарор қабул қилинди.

XIX асрнинг бошларида Бухородаги маърифатпарвар мусулмон руҳоний ва зиёлилари орасида мактаб ва мадрасалар тизимишга ҳамда Исломга кириб қолган бидъатларни ислоҳ қилиш фикри лайдо була бошлади. Бундай ислоҳ тарафдорларини жадидлар, яъни янгилик тарафдорлари деб атай бошладилар.

Жадидчилик ҳаракатининг бошида бухоролик мударрис ва тарихчи олим Маржоний, гиждувонлик домла Фозил Мўминжон Вобкандий, мулло Худойберди Бойсуний ва бошқа мударрислар туришган.

Ислоҳотчилар раҳномоси Маржоний ўзининг дастурида қуйидаги олти масалани кўйган:

1. Куръони Каримдаги ҳар кандай диний масала юзасидан кишилар билган ҳолда ўзлари ёркин фикр юритсилар.
2. Бирорнинг биронга кўр-кўрона оғравинши катъий ман қилинсин.
3. Мадрасаларда ўқитилиадиган ҳошия на ширк каби қурук мазмунга эга, мадраса ўқувчилари учун фойдасиз бўлган ҳамда уларнинг 8–10 дақиқа вактини бекорга олуви дарслар дарс жадвалларидан олиб ташлансин.
4. Мадрасаларда Куръони Карим, Ҳадиси шариф, уларнинг таржималари ва Ислом тарихи каби дарслар ўтилсин.
5. Арифметика, тарих, жўғрофия, табиат, хандаса, мантиқ, фалсафа ва бошқа дунёвий фанларни ўқитишга қаршилик кўрсатилмасин.
6. Ҳар бир ишда мусулмончиликни Муҳаммад алайҳиссалом давридаги қадимий ислом маданиятига қайташ кўзда тутилсин.

Маржоний ва унинг тарафдорлари бўлган ўша даврнинг жадидлари мусулмон тараккийпарварларидан эдилар, улар мадрасаларда диний дарслар билан бир қаторда қадимий ислом маданияти давридагидек дунёвий дарсларни ўқитишни ҳам шарт қилиб кўйдилар.

Жадидчилик жамиятни тўнташиб йўли билан эмас, ислоҳотлар йўли билан ривожлантиришни ўзининг асосий вазифаси деб билган.

У Узининг бу вазифасини адо этишда факат ахолини бир табақасиги суннади. Умуман жадидчилик Оврӯпадагидек жамиятни синфларга бўлиб ташлаш тарафдори змас эди. Жадидлар ҳатто қадимчилар билан хам иттифок тузиб, халқ ва келажак манфаати йўлида бирга ишлиш, бугунги кун ифодаси билан айтганимизда турли сиёсий қарашларга эга бўлган халқ қатламларининг тинч-тотув яшashi ва ишилани гоясини кўтариб чиқдилар.

Жадидлар 1906 йилдаёк “Тараққий” деб номланган газета нашр оғтириб, ўз гояларини тарқата бошладилар. Орадан кўн ўтмай, “Хуршид”, “Шухрат” сингари янги газеталар дунё юзини кўрди. Марказий Осиёнинг турли шаҳарларида жадид мактаблари бодроқлек кўнайиб, уларда диний билимлар хам кенг тарғиб килинди. Жадидлар нима ҳакида гапирмасин, ҳаммаси янги нафас, янги гоя эди.

Жадидларниң харакат дастури қуйидаги масалаларни ҳил этганини қаратилган:

1. Диний фанатизмга карши кураш.
2. Диний ақилаларга асосланган ўрги аср мактаблари Үрнити дунёвий илмларни она тилида ўқитишга мосланган янги усулдиги мактабларни ташкил этиш, феодал давр миорифини ислоҳ қилиш.
3. Жадидчилик гояларини кенг халқ оммасига етказилини ниятида янги ўзбек адабий тилини ишлаб чиқиш, матбуот эркинлиги учун кураш, халқ оммасига тушунарли адабиёт ва театр яратиш.
4. Хотин-қизларни паранжидан чиқариш ва жадид мактабларни қатнашишларини таъминлаш йўли билан улар тақдириш ўзгартириш ҳамда оиласда ислоҳот ўтказиш.
5. Маҳаллий бойлар ва савдогар аҳлиниң сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан рус буржуазияси билан бир хукуқда булиши, маҳаллий амалдорларнинг чор хукумдорлари томонидан сикувга олишга қарши кураш. Шу йул билан мустамлакачилик сиёсатини ислоҳ қилиш.

Асосий талаблари ана шулардан иборат бўлган жадидларга билим ва маърифат ягона курол бўлиб, улар шу курол ёрдамида улкади ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт учун курашмоқчи бўлдилар.

Жадидчиларниң эзгу амаллари, покиза ниятлари, илгор гояларини 90 йилдан кейин амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Бу имкониятни кўлдан бой бермай миллий мактаб ва унинг янгича дарс берини усул ҳамда услубларини яратиш вақти келди.

Яқин ўтмишимиздаги ижтимоий тузум, шу кундаги тузумдан узининг гоялари, кадриятлари ва қонун-коидалари бинани тубуди фарқ қилган. Демак, аввалги тузумга хизмат қилган исдатотиканни ҳам ислоҳ қилиб истиқбол гоялари ҳамда бозор муносабатларига яхши

берувчи миллий педагогикани яратиш лозим. Аммо йиллар давомида шүролар педагогикаси шароитида тарбияланиб, унинг тамойил, конунқоидаларни сув қилиб ичиб юборган педагог олимлар ва амалиётчи педагоглар үрганган нарсасидан осонликча воз кечиб кетолмаётган бир кезда, мазкур үкув күлланма, узининг янгича ғоялари билан ас қотади деган умиддамиз.

**Назорат саволлари:** 1. Қадимги марказий Осиё худудида таълимтарбия қандай булган? 2. IX – XV асрларда Шарқдаги күтарикилик нимага боғлик булган? 3. Билимларни эгаллаш юзасидан Қуръони Каримда нима дейилган? 4. Мұхаммад (сав) пайғамбаримиз билимни эгаллаш тұғрисида нима деганлар? 5. Ал-Хоразмий билим олишда нималарни назардан қочирмаслик лозим деган? 6. Аҳмад Фарғоний қандай кашфиётлар қылган? 7. Ал-Форобий билим эгаллаганда нималарга әзтибор бериш кераклигини айтган? 8. Ал-Беруний билим берувчи ва олувчиларга қандай насиҳатлар қылган? 9. Абу Али Ибн Сино билим беришда нималарга амал қилиш керак деган?

## **1.2. Ғарб ва Россия педагогларининг таълим-тарбия соҳасига кўшизи ҳиссалари ҳамда шу замонининг педагогик назариялари**

**Қадимғи Юноностонда таълим-тарбия.** Эрамиз бошланишдан олдин Урта Осиёнинг жанубий чеккасига яқин булган жойда Урта дengiz билан Ҳиппиостонни бирлаштирувчи карvon йўли бўлган. Шу йул заминида Хитойдан Урта Осиё ҳалқаро савдо маркази булиб, маданияти равнақ топган. Биздаги маданият “Буюк Ипак йўли” орқали Ғарб мамлакатлари маданиятиниң ривожига маълум даражада таъсир кўрсата бошланган. Айниқса, Юноностонинг географик үрни ва табиий шароитининг қулиялиги туфайли, ундаги маданият ва маърифат бошқа қадимиий мамлакаларга нисбатан яхши ривожлана бошлаган.

Юноностон унча катта бўлмаган бир қанча қулдорлик давлатларидан иборат мамлакат эди. Унинг энг катта давлатларидан Лакония (пойтахти Спарта) ва Атика (пойтахти Афина), айниқса, маданият ва маърифат маркази булган. Бу шаҳарларнинг ҳар кайсисида тарбиянинг бошқа мамлакатлардан фарқли алоҳида тизими вужудга келган. Бу тарбия тизимлари шаҳарлар номи билан аталиб, “Спарта” ва “Афина” усулидаги тарбия деб юритилган.

Қадимги Юнон тарихчиси, файласуф олим Плутарх Спарталикларнинг таълим-тарбияси ҳақида гапириб шундай дейди: “Уқишиш ва ёзиш – болаларга факат уларни энг зарури үргатилар эди, тарбияниң

қолган қисми эса битта мақсадни: ҳеч сүзсиз итоат қилдириш, чи-  
дамли бўлиш ва епгиш илмиши ўргатишни кузда тутади”<sup>6</sup>.

Афиналиклар ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук киши-  
ни камолга етган, деб ҳисоблар эдилар. Шунинг учун ҳам таълим-тар-  
бия жараёни ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбиялар билан  
уйғунлаштан ҳолда кечар эди.

Юноистонда маданият ва маорифнинг тез ривожланиши таълим-  
тарбия назариясининг пайдо булишига имкон ярагди. Педагогика на-  
зариясига файласуфлардан Сукрот, Афлотун, Арасту ва Демокритлар  
асос солдилар.

**Сукрот** (эр. ав. 469 – 699)нинг фикрича, тарбиядан кутгилган  
мақсад, факат буюмлар табиатини ўрганиш бўлмай, балки кишишининг  
билим олишдан мақсади ахлоқни камол топтириш бўлмоги лозим  
эди. У яратган ахлоқий этика мактаби (кишидаги жасурлик, донолик,  
муътадиллик, адолатпарварлик ва бошқа) бир қанча фазилатлардан  
ташкил топган.

**Афлотун** (эр. ав. 424 – 347) Сукротининг шогирди, объектив идеа-  
лизм назариясининг асосчиси бўлган. Тарбия, – дейди Афлотун, – дав-  
лат томонидан ташкил этилмоги ва ҳукмрон гуруҳлар, яъни файласуф  
ва жангчиларнинг манфаатларини кўзламоги лозим. Афлотун ўзиning  
таълим-тарбия тизимида Спарта ва Афина тизимининг баъзи белгила-  
рини бирлаштиришга интилди.

**Арасту** (эр. ав. 384 – 322) таълим-тарбия назариясини яратиш ва  
уни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган аллома олим. У Афлотун-  
нинг шогирди, македониялик Искандар Зулқарнайнинг устози бўлган.  
Унинг фикрича, оламда уч хил жон бор: ўсимликдан таркиб тонгани  
жон, у озиқланиш ва урчиб кўлайинида намоён бўлади; хайвондан тар-  
киб топган жон, ўсимлик хоссаларидан ташқари сези ва истакларда  
намоён бўлади; ақлиниг ифодаси бўлган жон ўсимлик ва хайвонот  
хоссаларидан ташқари, тафаккур ёки билини хислиларига ҳам эгадир.  
Арастунинг фикрича, жоннинг мана шу уч хилига мувофиқ уч хил тар-  
бия – жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбия бўлиши керак. Арасту ўз  
педагогик қарашларида ирова ва фаолиятни неос қилиб олган ҳолда,  
аклий тарбия соҳасида куникма ҳосил қилишга кагта аҳамият берган.  
Арастунинг қайд этишича, ҳар қандай истак ҳамда фаолиятда камчи-  
лик, ортиқчалик ва ўртачалик бўлади. Ҳамма нарсада ўртачалик фой-  
далидир. Ҳамма нарсада ортиқчалик камчилик каби зиёндир.

<sup>6</sup>Плутарх, Сочинение, Превод с древнегреческого. Составитель С.Ляверсицева. М.,  
Художественная литература, 1983.

**Демокрит** (бр. ав. 460 – 370) тарбияни табиатга мувофиқлаштириш масаласини биринчи бўлиб илгари суради. “Табиат билан тарбия бир-бирига ўхшайди”... “Таълим меҳнат асосида гўзал нарсаларни ҳосил қиласди”, деб тарбия ишида меҳнатнинг роли жуда катта эканлигини тъкидлайди у.

Қадимги Юнонистондаги тарбиявий ишлар шуниси билан ўзига хос эдик, унда болани жисмоний томондан чиниқтириш билан бир қаторда маънавий томондан баркамол булишига ҳам кагта эътибор берилган. Болалар мусика, ашула ва диний ракслар тушишга ургатилиб, машғулотларнинг мазмуни жанговар ҳарбий тусда бўларди.

Қадимги Юнонистондаги таълим-тарбияни урганар эканмиз, ундан куйидаги холосаларни чикарса бўлади:

**Биринчидан**, муайян мамлакат аҳолисининг таълим-тарбия масалалари хусусий иш бўлмай, давлат тасарруфидаги муассасаларнинг фаолияти бўлиши керак.

**Иккинчидан**, таълим-тарбияни босқичма-босқич, оддийдан мураккаб томон олиб бориш мақсадга мувофиқ.

**Учинчидан**, таълим-тарбия жараёни давлатнинг мутасадди кишилари томонидан таҳлил қилиниб, тасдиқланган дастур ва роҳа асосида амалга оширилиши лозим.

**Тўртинчидан**, таълим-тарбия. асосан, унча катта бўлмаган үкувчилар гуруҳи орқали амалга ошириллади.

**Бешинчидан**, қизлар таълими ўғил болалар таълими билан бир қаторда олиб борилгани маъқул.

**Олтинчидан**, таълим-тарбияни меҳнат жараёни билан қўшиб олиб боринлик яхши самара беради.

**Еттинчидан**, ёшлар тарбиясида жисмоний машқларга катта сътибор берилиши керак.

**Саккизинчидан**, жисмоний ва ақлий тарбия билан бир қаторда нафосат тарбиясини амалга ошириш лозим.

**Тўккизинчидан**, таълим-тарбияда доимо меъёр сақлаб борилиши зарур. ортиқча билим кам билим берилгандан ҳам кагта зиён стказади.

**Урта аср Фарбий Европада таълим-тарбия.** Ўрта аср Фарбий Европа мамлакатларида икки гурухга бўлинган ва етти фанни ўз ичига олган таълим дастури мавжуд бўлган. Биринчи гурух учта фандан иборат бўлиб, унга лотинча “тривиум” номи берилган. Бунга грамматика, риторика ва диалектика кирадар эди. Иккинчи гурух тўрт фандан иборат бўлгани учун уни лотинча “квадриум” дейиларди. Унга арифметика, геометрия, астрономия ва мусика кирадар эди.

Хамма фанларнинг төжи теология ҳисобларар эди. Үрги бериларда бериладиган таълим дастури чеков мактаблари орқали амални очирилиши. Уша даврдаги Европада хотин-қизлар, айниксен, меҳнаткашларнинг килишари ёспасига саводсиз эдилар.

Европада биринчи университетлар XIII асрнинг иккичи ярминда Италия (Балония шаҳари)да, Англия (Оксфорд шаҳри)да, Франция (Париж)да ташкил қилинди.

Университетларнинг вужудга келишига кўп европаликларнинг ширқ маънавияти ва маданияти билан танишуви катта таъсир курсатди.

Араблар томонидан VIII аср бошларида истило қилинган Испанияда ташкил қилинган араб олий ўкув юртлари Европа университетлари учун маълум даражада намуна бўлди ва Европада “Ўйғониш” даврини келтириб чиқарди.

**Европа “Ўйғониш” даврдаги таълим-тарбия.** Европа “Ўйғониш” даври ер юзига ўнлаб маориф олимларини етиштириб берди. Шуларнинг энг машҳури, педагогика назариясига салмоқли ҳисса қўшган иллюма олим **Ян Амос Коменский (1592 – 1670)** эди. 1632 йили Коменский “Буюк дидактика” номли катта педагогик асарни ёзган. Ундан ташқари “Она мактаби” мактабгача тарбия қўлланмаси ва бошқа бир канча китоблари дунё юзини кўрди. Коменский ўзининг педагогик назариясида тарбиянинг табиатга уйғуш бўлиши тўғрисидаги тушунчани илгари суради. “Буюк дидактика”да ўқитиш табиийликка бўйсуниш керак дейилган. Боланинг ақлий ва жисмоний ўсиш жараёни табиатдаги ўсиш жараёнига ўхшаш бўлади. Шунинг учун ўқитувчи болани тарбиялаганда, беғон дарахтнинг биологик ўсиш конуциятини ҳисобга олган каби, боладаги табиий билиш хусусиятини хам назарда тутмолги шарт. Коменский ўқишга ҳаммани жалб этилишини, ҳамма умумтаълим олиши лозимлигини уқтиради. Коменский Европада биринчи бўлиб синф-дарс тизимиши ишлаб чиқади. Туронзаминда бундай тизим Мирзо Улугбек даврида жорий қилинган эди. “Буюк дидактика”да ўқитишнинг дидактик принциплари бериллиб, дарс жараёнида ўқитувчи уларга суюниши кераклиги уқтириллади. Мактабда ўкув йили ва уни чоракларга булиш, таътиллар берилшини, ўкув кунини ош тили мактабида 4 соат, лотин мактабида 6 соат қилиб белгилаб берди. Укувчилар бир вақтда мактабга қабул қилишиб, ўқини кузда – сенгябрда бошланиши керак, деб ҳисоблайди Коменский.

Ундан кейин англиялик файласуф Джон Лок (1632 – 1704) ҳам, ўз тадқиқотларини педагогика назариясига қаратган. Француэ олимлари Д. Дидро (1713 – 1784), К. Гельвеций (1715 – 1771), П. Гольбах (1723 – 1789), Ж. Ж. Руссо (1712 – 1778) ҳам, педагогика назариясига

ўз ҳиссалариши кўшгашлар. Ўзидан аввал ўтган педагог ва файласуф олимлар фикрини таҳтил қилиб ўз фикрини берган педагог олимлардан швццариялик **И. Г. Песталоцци** бўлган. Шунга ўхшаш, аммо педагогика назариясига чукуррок кириб борган педагог олимлардан **И. Ф. Гербарт** ва **Ф. А. Дистернеглардир**.

**Иоган Генрих Песталоцци** (1746 – 1827), 1774 йилда Нейгофда “Камбагаллар муассаси” очиб, етим ва боқимсиз болалардан 50 га яқинини шу муассасада ўзи ўқита бошлайди. У ҳамма одамлар таълим олиш хукуқига эга бўлиши лозим, деб мактаблар жамиятни ижтимоий жиҳатдан ўзгартиришининг муҳим воситаларидан бири бўлиши кераклигини таъкидлайди. Пестолоцци фикрича, меҳнат одамни тарбиялаш ва ўстиришнинг энг муҳим воситаси, меҳнат одамнинг жисмоний кучларинигина эмас, ақлини ҳам ўстиради, унда ахлоқни ҳам таркиб топтиради. Элементар таълим назарияси Пестолоццининг педагогик назариясининг узагидир. Бу назарияга кўра тарбиялаш энг оддий унсурлардан бошланиб, аста-секин мураккаброқ даражага кўтарилиб бориши лозим. Болаларда ёзув малакасини хосил қилиш учун Пестолоцци дастлаб ҳарф унсурларини, тўғри ва эгри чизикларни машқ қилишни тавсия этган.

**Роберт Оузн** (1771 – 1858) ўзининг 1813 йилда нашрдан чиккан “Жамиятни янгича қараш ёки инсонда характерни таркиб топтириш тўгрисидаги тажриба” деган асарида одамнинг характери, уни ураб турган ижтимоий муҳит шароити билан таркиб топади, деб таъкидлайди. Унингча одамларнинг иллатлари ва ҳатти-харакатлари улар яшаб турган ижтимоий муҳит назиятига бўлгандир. Одам, – дейди Оузн, – ўз характерини ҳеч қачон ўзи яратган эмас ва уни яратишни мумкин ҳам эмас. Унинг фикрича, агар биз ижтимоий муҳит шароитини ва тарбияни ўзгартирасак, ҳар қандай характерни таркиб топтиришимиз мумкин. Роберт Оузн болаларга бир ёшдан бошлаб ижтимоий тарбия бериш гоясини олга суруб, уни асослаб берди ва амалда синаб кўрди. У жаҳонда биринчи бўлиб ишчилар болалалари учун мактабгача тарбия муассасаси барпо этди. Унинг таълим муссасасида ақлий ва жисмоний тарбия берилиб, болалар жамоа руҳида тарбияланар эдилар.

**Иоган Фридрих Гербарт** (1776 – 1841), ўзининг “Тарбия муассасаларидан келиб чиқсан умумий педагогика”, “Психология дарслиги”, “Психологиянинг педагогикага татбиқ қилиш тўгрисидаги хатлар”, “Педагогикага доир маъruzалар очерки” деган китобларида педагогика назариясига доир фикрларни баён қилган. Гербарт тарбия ишида ақлий таълимга катта ахамият берди. У педагогика назариясига тарбияловчи таълим тушунчасини киритди ва таълимсиз тарбия бўлмайди,

леди. Гербартнинг фикрича, таълим қизиқишларнинг хилма-хиллигиги асосланиши лозим деб, қизиқишларни олтита мустакил турга булади. У таълим босқичлари назариясини ишлаб чиқди, бу назария хамма ма-милакатлар педагоглари орасида кенг таркалди. Гербарт ахлокий тарбиянинг ўзига хос воситалар тизимини ҳам ишлаб чиқкан.

Европа ва АҚШда классик ўрта мактаблар кўп жиҳатидан Гербарт педагогикасига асосланган. Унинг болаларни бошкарниш гояси кенг сийлди. Бу гоя болалар ташаббусини бўғишига ва уларнинг катталар обруига ҳеч сўзсиз бўйсундиришга қаратиласган. Бу эса Форобий, Ибн Сино ва Ян Амос Коменскийларнинг гояларига вид эди.

**Адольф Дистерверг** (1790 – 1866) такомиллашиб борувчи таълим дидактикасини яратди, бу дидактиканинг асосий талабларини таълимнинг 33 қонун-коидаси тариқасида баён қилиб берди. Дистерверг тақлиф килган кўрсатмали таълим “якиндан узоққа”, “оддийдан мураккабликка”, “маълумдан номаълумга” ўтиш керак, деган қоидалар билан боғлиқ таълимдир. Дистерверг ўқитувчи ўрганиб олган парсаларини упнутиб қўймаслиги учун уни тез-тез тақрорлаб туришини маслаҳат беради. Унинг фикрича, “ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб бериб кўнколади, яхши ўқитувчи эса ҳақиқатни тошишга ўргатади”.

**Россия худудида таълим-тарбия.** Россияда ҳам XIX аср бошлирида “Үйганиш” даври етиб келиб, бир неча кўзга кўринган педагог олимлар етишиб чиқкан. Педагогика назариясига Россия олимларидан В. Г. Белинский (1811 – 1848), А. И. Герцен (1812 – 1861), Л. Н. Толстой (1828 – 1910) ва К. Д. Ушинскийлар ўз ҳиссасини кўшганлар.

**Константин Дмитриевич Ушинский** (1824 – 1870). Унинг педагогика соҳасидаги асосий назарий асари – “Киши тарбия предмети сифатида” педагогик антропологиядан тажрибаси булиб, у икки жилдан иборат бўлган. Ушинский рус педагогикасининг ўзига хослигини, миллий хусусиятларини ҳимоя килди, шунингдек, тарбия халқчил булиши лозим, деб ҳисоблади. Болаларни меҳнат орқали тарбияласса катта эътибор берди. Таълимнинг мазмуни, тамойиллари, шакл ва усуларини ишлаб чиқиша ҳам кўп ишлар қилди. У таълимнинг кўргазмалилиги, онгли ва узвий олиб бориш масалаларини ишлаб чиқди, ўқитишнинг шакл ҳамда усуларини ранг-баранглилига оршишни талаб этди.

**Лев Николаевич Толстой** (1858 – 1910). У ўз замонасидаги мактабларни, чоризмнинг мактаб ишларидаги тазиикини қаттиқ ташкил қилди. Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишларини эркин равнида олиб боришга, болаларнинг ёшлигини хурмат қилишга чакирди. Толстой ўқитишдаги расмиятчилик, такаббурлик ва болаларни бир томон-

лама ҳамда пассин тарбиялашнинг ашаддий душмани эди. У ўз даври учун илгор ва ўзига хос таълим-тарбия тизими, умуминсоний характерда булган ўқитиш ҳамда тарбиялаш услубини жорий этди. Толстой савод ўргатиш учун грамматикани яхшилаш устида кўп ишлади, ўз замонасиннинг кўпгина афзалликларга эга “Алифбо”, “Ўқиш китоби” ва “Арифметика” дарслекларини тузди.

Туронзамил Чор Россиясининг тасарруфида бўлган даврдағи назариётчи педагоглар каторига Абай Кўнонбоев (1845 – 1904), Махмудхўжа Беҳбудий (1875 – 1919), Фитрат (1886 – 1938), Абдулла Авлоний (1878 – 1934), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889 – 1929), Кори Ниёзий ва бошқаларни кўшса бўлади.

**Шуролар даври педагогикаси.** Собиқ Шўро педагогикасининг тараккӣёт жараёнини шартли равишда уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи давр, Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврни ўз ичига олиб, уни Н. К. Крупская даври деса бўлади. Бу даврда Крупская Ян Амос Коменский гояларини собиқ Шуронинг таълим-тарбия тизимиға сингдириб, талайгина муваффақиятларга эришган.

Иккинчи давр, урушдан кейинги давр булиб, у 1962 йилгача давом этган. Бу даврда Крупская яратиб кетган педагогика ўзининг такомилига стиб, таълим-тарбия соҳасида анча ривожланишлар бўлган эди.

Учинчи давр, 1962 – 1991 йиллар орасини ўз ичига олади. Бу даврда Коменскийнинг асосий гоялари на дидактиканинг тамойиллари қўпол равишда бузилиб, Крупскаяниш саъй-харакатлари йўққа чиқарилди. Натижада социализм жамияти инқироз сари юз тутиб, шуролар тузумини барбод бўлишига олиб келди. Бу даврни тарих “тургунлик даври” деб номлади.

Шуролар педагогикасининг таълим-тарбия усуллари барча одамлар бир хил қобилият, дунёқараш ва эҳтиёжга эга деган ижтимоий ҳаёт конунига зид “тақлид қилиш” усулига асосланган эди. Шу билан биргаликда, иқтисодий кудрати етмай турган шароитда, ўқишига барчани жалб қилиш учун дидактиканинг ҳамма принциплариға зид ҳолда синфдаги болалар сони 40 ва ундан оширилиб ўқитишга характер қилинди. Натижада дарсларнинг ижро бўлмаслигига, ёш авлод эса “мактабга бориб келувчилар”, “битирувчилар” ва ҳеч нарсани билмайдиган кишилар тоифасига айлантира борилди. Охир оқибатда, бундай таълим-тарбия тизимиға эга мамлакат нураб, парчаланиб кетди. Парчаланиб кетган қизил империя ҳудудида бир катор мустақил давлатлар пайдо бўлди. Мустақил давлатлардаги таълим-тарбиянинг назарий асослари билан миллий педагогик усулларини яратиш эҳтиёжи келиб чиқди.

**Шу замонининг педагогик назариялари.** Эрамизнинг XVII аср Ургонаридан бошлаб, педагогика назарияси, инчинун уни ўрганувчи фан "Дидактика" шаклана бошлаган экан, ўтган давр мобайнида бўғини педагог олимлар томонидан талайгина дидактик тизимлар тақлиф ўтилиб, амалиётга сингдирилган. Аммо, уларнинг ҳаммаси ҳам тарих синовидан ўтиб, ер юзига кенг тарқалмади. Жаҳондаги кўпгина мамлакатлар педагогик амалиётига сингдирилиб, шу кунгача нуфузини оқилиб турганлари – учта. Бу ҳам бўлса, чехиялик файласуф, педагог Я. А. Коменскийнинг дидактикаси, немис педагоги ҳамда психологи И. Ф. Гербарт ва америкалик файласуф, психолог, педагог Д. Дьюнинг дидактик тизимларидир. Бу тизимларни ижобий томонларини бирлаштирувчи ҳамда анча таомиллашган ҳозирги кунда яшги дидактик тизим мажкуд.

Булар орасида кўпгина умумийлик бўлгани билан фарқлари ҳам анча. Чунончи, Я. А. Коменскийнинг дидактик тизими ўта гуманистик бўлиб, утда билим бериш ва билим олиш жараёнини бошқариш ўқитувчилар томонидан амалга оширилади дейилгани билан, билим олиш тула талабалар ихтиёрида булиши керак деб ҳисоблаган. Яъни, талабалар билим олгилари келсагина уларга билим бериш лозим. Аммо билимга қизиктириш ўқитувчига боғлик дейилган. Шу боис даре бериш усул ва услублари ўта юмшоқ, яъни болаларга тазйик ўтказмасдан, уларни хоҳишистакларига караб дарс олиб борилишини тақозо этган. Тахминан шундай фикрда Абу Наср Форобий ҳам бўлган эканлигини, унинг асарларидан билса бўлади. Қандай ва қанча билим берилиши керак? Бу саволга Я. А. Коменский, билим тури ва ҳажми қанчалик кўп бўлса шунчалик яхши деган, илмий асосланмаган, ақидадан келиб чиқиб жапоб берган (*Шу кунда бу ақида нотуери деб шоншиб, башимни ҳаддан зиёд беринганини, уни кам берилганидан зиёнироқ эканиниги аниқланган*). Шунинг учун ўқитувчи билимни бериб, ўкувчи уни эслаб қолишининг ўзи кифоя дейилган, Коменский дидактикасида. Собиқ шуролар инқилоби ғалаба қозонган мамлакатларда айнан Я. А. Коменскийнинг дидактикаси қабул қилинган эди. Бошка деярли барча хорижий мамлакатларда, шу жумладан Европа мамлакатлари ва Америкада, нисбатан қаттиқулликка ҳамда зўрлашга асосланган И. Ф. Гербарт дидактикаси кенг кўлланилди. Гербартнинг фикрича, мактабнинг асосий вазифаси ўкувчиларни ақлий ривожлантириш, яъни уларга билим беришдан иборат бўлмоги лозим. Ахлокий тарбиянинг барча масалаларини оила ҳал қилиши керак деб ҳисоблаган Гербарт. Шу боис, таълим беришнинг асосий максади тайёр билимларни бериш, ўкувчилар эса бу билимларни ёдлаб олишлари билан белгиланган. Гербарт ҳам,

“канча күп билим берилса, шунчалик яхши”, деган асессиз ақидани тұғри деб билған. Дарс жараёнида фаоллик факт үқитувчига рухсат берилған, үқувчилар зса үқитувчи айтгайларини мұлоҳазасиз қабул килиб, зелаб келишлари талаб қилишган (Шу күнде бу гоя ҳам нотұғри деб топылған). Гербарт үқувчиларга жисмоний жазони ҳам құллашни мүмкін деб билған. Коменский зса, бу холга карши бұлған. Бу масала-да Форобий, “баъзи үқувчиларга юмшоқ усул орқали билим берилса, бальзиларига қаттік усул құл келади, аммо юмшоқ усул қаттік усулдан афзаң” деган зди.

Гарчи расмий шуролар ҳокимияти Я. А. Коменскийнинг гуманистик дарс беришini талаб қылсалар ҳамки, күнчилик үқитувчилар Гербарт дидактик тизимини билмаган ҳолда, унинг коидаларига тойиб кетаверғанлар. Чунки, Гербарт үз дидактик тизимини реал ҳаётдан олған булиб, психологияннің конун-коидаларига сүянгат. Ундан ташқари бу усул нисбатан онсон булиб, үқитувчидан факт қаттиққұлликни талаб этиб, унга катта интелектуал күч сарфлашни маслаҳат бермаган. Гербартнинг таълим беришнинг бу усули үз замонасига хизмат қилиб, бугунги кунда үз кучини юқотған.

ХХ аср бошларыда америкалик файласуф, психолог ва педагог Джон Дью, Гербарт дидактик тизимига үларек қарама-карши булған үзиннинг дидактик тизимини тактиф қилди ва уни Чикаго мактабларидан бирида мұваффакиятлы синааб күрди. Дью дарсда үқитувчи эмас үқувчи фаол бўлмоги лозим деб чиқди. Унга кўра дарсда бериладиган билимлар талабалар өхтиёжига мос ва уларнинг ҳохишидан келиб чиқкан бўлиши керак. Китобдаги билимларни куруқ ёд олиш ҳеч нарсага олиб бормайди, аксинча үқувчиларни үкишдан совутиб, тафаккурини занглатади деб ҳисоблайди. Таълим-тарбияга Дыюнинг қўшган асосий хиссаси бу “акл юритишнинг тұлік жараёни”дир. Акл юритиш тұлік жараёниннинг етакчи ҳалқаси муаммони пайдо булишидир. Муаммо пайдо булғанидан кейин, үқувчи қийин ҳолатта тушиб, унинг ечимини излайди. У фаол фикр юритиб, бир катор мұлоҳазалардан кейин бу муаммони ечимини топади ва синааб кўради. Агар ечим нотұғри бўлса, яна у акл юритади ва бу жараён бир неча маротаба қайтарилганидан кейин, охир оқибатда унинг тұғри счимини топади. Натижада фикр юритишнинг тұлік жараёни амалга ошади. Кейинчалик бундай дидактик тизим муаммоли дарс ўтиш, деб иомланиб кетилди.

Бу уч дидактик тизимларни ижобий томонлари билан биргаликда салбий томонлари ҳам мавжуд. Шунинг учун, америкалик бир катор

педагог олимлар, аввалги дидактикаларнинг ижобий томонларини бирлаштирувчи дидактик тизим яратдилар ва унга янги дидактика деб ном кўйдилар. Янги дидактикада илгари сурилган гоялар жуда яхши, аммо уларни амалга ошириш ўта қийин экани амалиётда маълум бўлди. Дунёда бўлган барча дидактикаларнинг энг яхши томонларини бирлаштириб, янги дидактика коидалари асосида дарс ўтишини ўзидий педагоглар у ёқда турсин, тажрибали педагог олимлар ҳам уласидан чиқиши қийин бўлди. Шу муносабат билан, ҳамма педагоглар фойдалана оладиган, узининг қатъий тузилишига ва амалий якунга йўналтирилган ҳамда дунёдаги барча дидактик йўналишларнинг яхши томонларини бирлаштира олиш хусусиятига эга бўлган ўқитишининг сўмарали усулини топиш жаҳон педагог олимлари олдида муаммо сифатида туриб қолди.

**Назорат саволлари:** 1. Қадимги Юнонистонда таълим-тарбия қандай бўлган? 2. Урта аср Фарбий Европада таълим-тарбия тизими қандай эди? 3. Яп Амос Коменский педагогика назариясига қандай хисса кўшган? 4. XIX асрда Россияда таълим-тарбия қандай усулда олиб борилган? 5. Жадидлар ким ва уларнинг мақсади нима эди? 6. Шуролар даврининг педагогикасига таъриф беринг? 7. Ҳозирги замондаги педагогик назариялар нечта ва уларнинг бир-биридан фарқи нимада?

### **1.3. Педагогиканинг жамият тараққиётидаги ўрни ва фаолияти йўналтирилган объект “Ҳаэроти инсон” тўрисида умумий маълумот ҳамда инсониятнинг фаолият турлари**

Республикамиз тараққиётининг ҳозирги босқичи, жамиятимиз хаётининг барча жабҳаларида туб сифат ўзгаришлар амалга оширилаётганлиги билан белгиланмоқда. Бу улкни вазифани ҳал этиш фуқароларимиз ақлий салоҳиятини ошириб бориш билан боғлик ҳолда амалга оширилиши инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бу эса, таълим-тарбияни туғри йўлга қўйиш билан чамбарчае боғлиқдир. Бунинг учун, биринчи наебатда, педагогиканинг замон ва макондан келиб чиқиб фалсафий асосларини белгилаб олиш ҳамда шу асосга мос равища, унинг назариясини тартибга тушириб, замонавий дарс ўтиши усулларини яратиш талаб қилинади.

Таълим-тарбиянинг фалсафий асоси ва назариясини тартибга тушириш ҳамда замонавий педагогик усулларни яратиш учун куйндаги саволларга жавоб топишимиз керак булади: Бугунги илмий дунёкараш қандай? Инсон ўзи қашака мавжудод? Инсоннинг ижтимоий моҳиятини нима ташкил қиласди? Инсон фалояти қандай

**гурухларга ажралади?** Педагогика илм, ўкув фани ва амалий фаолият сифатида қандай вазифали бажаради? Таълим-тарбия жарабёнида ўқитувчи ва педагогларнинг фалсафий саводи шимага ёрдам беради? Таълим-тарбия ижодий жараёни булганилиги туфайли, ўқитувчи ва педагоглар илмшунослик фанининг қайси концептида хабардор булишлари шарт? Педагогиканинг назарий асосларига шималар киради? Педагогиканинг умумметодологик асосиңга амал килишлик ўкув жараёнини нимага олиб келади? Педагогикага хусусий методологик асос булиб шима хизмат килади? Педагогик жараёнини амалга ошириш учун инсоният қандай педагогик усулларни кашф қилган? Энг замонавий педагогик усул қанси? Замонавий педагогик усул қандай муаммоларни ҳал қилади? Педагогик технология қандай тамойиллардан келиб чиқади ва уни амалиётда қандай қулласа бўлади? Ўкув қўлланмамиз, ушбу умумий ва бошқа кўлгина муайян саволларга маълум даражада жавоб бера олади деган фикрдамиз. Ўкув қўлланманинг барча бўлимлари ушбу саволларга жавоб тариқасида ёзилган.

Ҳар қандай таълимий ва тарбиявий фаолиятнинг йўналтирилган обьекти «Ҳазрати инсон» экан, ўзимизга савол бериб кўрайлик, “инсон” туғрисида тўлиқ маълумотга эгамизми? Унча эмас, деган жавоб бўлади. Ер юзида ягона жанзот – “Ҳазрати инсон” кўшма моҳиятга эга. Шу боис у “Биоижтимоий мавжудод” дейилади. Биологик моҳият билан бир қаторда у ижтимоий моҳиятга ҳам эга.

Унинг биологик моҳиятига, уни бошқа жонзотлардан биологик тур сифатида ажратиб турувчи тикюриши, тасасининг ўлчамлари, бош, оёқ ва қўлларининг шакл-шамойили, тасаввур қила олиш қобилияти, асаб тизимининг тузилиши, қонининг иссиқлик даражаси ва кимёвий таркиби ҳамда бошқа сон-саноқсиз биологик кўрсаткичлари киради.

Кишининг ижтимоий моҳияти деганда, аждодлардан унга мерос булиб ўтган ирсий бирликлари(ген)даги ахборотлар билан унинг шахсий ҳаёти давомида орттирган билими, кўникма, малака ва маънавиятининг мураккаб мажмуни тушунилади. Инсонни бошқа жонли маҳлукотлардан ажратиб турадиган нарса ҳам, айлан, ундаги ижтимоий моҳиятдир.

**Киши ижтимоий моҳиятининг мазмуни.** Инсоннинг бошқа маҳлукотлардан асосий фарки уни ижтимоий моҳияти экан, ижтимоий моҳият негизида одамнинг билими, яъни билиб қиласидиган ҳаракатлари ётади. Билиб қиласиган ҳаракат фаолият дейилиб, кишининг яратувчилик кувватини ташкил қиласиди. Одам ср усти ва унинг остидаги упсурларни, яъни тупрок, сув, төғ жинслари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси

жамдид мандашларнинг табиий хусусиятларини аввалдан билган ҳолда, унорини мақсаддиги мувофик фойдаланиб, уларни ўзининг ҳаётига зарур бўлангандан моддий на маънавий неъматларга айлантиради. Бунга уй-жой ва сар тури иншиотлардан тортиб, ишлаб чиқариш машиналари, ускуносир, транспорт воситаларию, уй-рузгор буюм ва жихозлари, озука маҳсулотларию адабиёт ва санъатга тегишли моддий ҳамда маънавий бойликларни мисол келтириш мумкин. Бошқа жонзотлар бундай фаолият кўргита олмайдилар.

Инсон турли маҳсулотларни ишлаб чиқариши учун аввало, ерканийдаги упсурларнинг физик ва кимёвий хусусиятлари түгрисидаги билимларга эга булиши шарт. Шундан сўнг, бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияси, яъни усул ва услубларини ҳамда бошқа бир китор билимларни эталлашлиги талаб қилинади. Шу билан биргаликда у, жамиятда умргузаронлик килиши ҳамда ишлаб чиқариш жараённида одимлар ва давлат билан мулокотга киришиши учун, бундай муносабатлар сирларини ҳам билиши шарт. Бу эса ундан, ҳар турли ахлоқ ва одоб месъёрларини эталлашни, сиёсий, хуқуқий, диний, касбий, иктиносидий ва ижтимоий фан билимларига эга булишини талаб қиласди. **Шундай экан, инсоннинг ижтимоий моҳият асосини унинг яратувчилик қобилияти, яратувчилик қобилиятининг асосини эса, турли билимлар мажмун ташкил қиласди**, десак янгишмаган бўламиз.

Кишининг қанчалик билими кўп ва турли-туман бўлса, у шунчалик шахе сифатида ҳар томонлама ривожланган хисобланади. Инчунун, унинг имон даражаси юқори булиб, ҳалқ ичидаги обруйи ҳам баланд булади. Бунинг учун, у ўзини тинмай билим олиш жараённида ушлаб туриши керак.

Инсон биоижтимоий мавжудод булиб, унинг ижтимоий моҳият негизини билим ташкил қиласди, савол тугилиши мумкин, у бу билимларни қаёқдан олади? Инсон бу билимларни тафаккур ва тасаввурини ишлатиб, объектив борликдан ёки билим манбаси булган устоз-муаллим ёки китоб, журнал ва бошқа ахборот воситаларидан олади. Киши эталлаган билимларини ҳаётда куллаши учун уларни ўзида саклайди. Тинмай билим олиши ва уларни амалиётда қўллаб бориши натижасида ундаги билимлар ҳаёт тарзига айланниб, маънавияти ошиб бораверади.

Киши сезги аъзолари оркали ҳис килган ва тасаввур фаолияти ёрдамида англаб етган билимлари бош миянинг марказида, таққослаш йўли билан, ўз тасдигини топганидан кейин орка миядаги нейрон натижаларга тирик голограммалар сифатида жойлашиб, хотирада сакланади. Бу билимларни киши керак бўлганда хотирадан чиқариб олиб, амалий ҳаракатига дастур сифатида ишлатаверади.

Демак, инсон билимларни кундалик амалий ҳаётида күллаш учун эгаллайди. Инсон тафаккур ва тасаввур фаолияти натижасида эгалланган билимларини амалиёттега бир уришида, дарров құллай олмайды. Чунки, унинг вужудида бу ҳаракатларга хали күникма шакланмаган. Яңгитдан әгалланған билим асосида ҳаракат қилиш күникмасини ҳосил қилиш учун киши иродасини ишта солиб, тарбиячи-устоз иштиреки на күмагида хар бир ҳаракатини маълум мақсад йұналишида, шу соҳада мавжуд қонун ва қонуниятларга буйсунған ҳолда, бир неча бор тақрорлаши, яъни синааб қуриши шарт бўлади.

Киши ўз билимларини амалий ҳаётда намоён килишлигининг сифат даражалари бир неча босқичлардан ташкил топган.

**Биришчи босқич.** Киши англаб етган билимларини амалиётта қўллаётганида ортиқча куч ва вақт сарфласса ҳам-ки, мақсадга етса ва иш бажарилса, эгалланған билим кўникмага айланган деб ҳисобланади. Бу боскичда, киши тасаввурида пайдо бўлган ва қиёс усули оркали ўз таедигини топган билим жисмоний ва ақлий фаолиятлар натижасида унинг вужудига ўтиб, кўникмасига айланади. Кўникмага айланган ҳаракатлар вақти-вакти билан қайтарилиб турилмаса, бу кўникма тез кунда йўқолиб, кишида куруқ билим қолади. У билим ҳам вақти-вакти билан эслаб турилмаса, эсдан чиқиб, киши билимсиз бўлиб қолади.

**Иккинчи босқич.** Киши эгаллаган ва кўникмага айлантириб ултурган билимларини амалиётта қўллайвериши натижасида, мақсадга йўнайтирилған ҳаракатлари учун ортиқча куч ва вақт сарфламай, равон амалга ошираса, уни малака дейилади. Бундай билим вужудга сингиб, автоматлашган ҳаракатта айланиб кетган бўлади. Тафаккур факат кишининг мақсадли ҳаракатини назорат қилиб турари халос. Уз навбатида, малакани ҳам бир неча – паст, ўрта, юқори деган боскичлари бор. Малака боскичидаги билим асосида қилинған ҳаракатлар анча турғун бўлиб, киши вужуди ва хотирасидан тез йўқолиб кетмайди. Бирок, узок вақт ўтиши билан, бу ҳаракатлар тақрорланмаса, вужуд уларни ҳам уптиши мумкин.

**Учишчи босқич.** Инсон ҳаёти давомида орттирган фойдали билимларини амалда қўллайвериши натижасида, унда ҳосил бўлган кўникма ва малакалар тақомиллаша бориб, унинг рухига сингиб ҳаёт тарзига айланган холатни мәънавият дейилади. Бу боскичдаги ҳаракатлар нафақат автоматлашган бўлади, киши бу ҳаракатларни бажармаса тура олмайдиган бўлиб қолади. Мәънавиятга айланған боскичдаги ҳаракатлар киши вужуди ва рухига шунчалик сингиб кетган бўладики, улар ундан ҳеч қачон чиқиб кетолмайди. Чунки у ирсий бирликлари ичида жой олган бўлади. Шунинг учун ҳам, бу боскичдаги ҳаракатлар

шарурий харакатта айланиб, тафаккур уларни десярли на юраги қылмайды. Айнан шу пхборотлар аждоулардан ақлодуларга ирсий биринчилари оркили үтади.

Маълумки, инсон бошқа мавжудодлардан ўзининг ижтимоий моҳияти билан ажралиб турди. Ижтимоий моҳият негизини билимлар ташкил килиб, улар фойдали ва фойдасиз турларга ажралади. Фойдаласизни ижтимоий ҳётда заарали билимлар киши маънавиятини ташкил киямай, бемаъани харакатлар пойдевори ҳисобланади. Кинни маънавиятини факат фойдали билимлар ташкил этади. Фойдасизлари гайри ижтимоий ҳисобланиб, иллат деган ижтимоий категорияни юзага келтиради. Фойдасиз ва ижтимоий ҳётга заарали билимлар қаторига – ғонги гапириш, ўғирлик, судхўрлик, фирибгарлик ва бошқа бир қатор иллатлар киради.

Маънавият, биринчидан, алоҳида олинган халқ, миллат мавжудлиги билан, иккинчидан эса, маълум бир тарихий давр билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун, алоҳида олинган хар бир давлат ўзининг тарихий ривожланиш босқичи ҳамда жамоатчилик томонидан қабул килинган миллий гоядан келиб чиккан ҳолда ўз маънавиятини ва унинг жомият ҳаётидаги ўрнини белгилаб олади.

Миллий маънавиятимизни такомиллаштириш ва мазмунини бойтишда таълим-тарбиянинг роли бениҳоя каттадир. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда таълим-тарбияни юксак савияда ташкил этиш ва амалга ошириш иши давлатимизнинг устувор сиёсати ҳисобланади.

Ҳар бир шахс, халқ ва миллатининг ўзига хос орзу-умидлари, моддий-маънавий бойликка бўлган талаб ҳамда эҳтиёжлари мавжуд. Улар орасида таълим-тарбияга бўлган эҳтиёж стакчи ўринни оғаллайди. Чунки ҳар кандай соглом инсонда тинмай билим олиш эҳтиёжи мажуд. Билим инсоннинг маънавий отукаси дешинган ҳам бор.

**Педагогика жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини коидиришта йўналтирилган илм-фани ва амалий фаолият соҳасидир.**

Инсон бошқа маҳлукотлардан ўзининг фаолияти билан ажралиб турар экан, одамнинг фаолият соҳаларини уч гурухга ажратиш мумкин: илмий, маърифий ва амалий фаолият. Қуйида бу фаолиятларнинг ҳар бирига қисқача тасниф бериб чиқамиз.

Илмий фаолият деганида, кишиларнинг тадқиқотлар олиб бориш йўли билан яшги билимларни, яъни қонун ва қонуниятларни кашф қилиш фаолияти тушунилади. Бу фаолиятнинг ўзига яраша тадқиқот усуслари булиб, улар маърифий ва амалий фаолият усусларидаи фарқ киладилар.

**Маърифий фаолият, илм аниклаган билимларни бошқаларга етказиб бериш билан шугулланади.** У ота-она буладими, санъат ва адабиёт, оммавий ахборот воситалари ёки бошка зиё тарқатувчи рўзнома, ойномалар буладими ёинки расмий таълим-тарбия тизими буладими, уларнинг фаолияти маърифий фаолият дейилади. Буларнинг ҳар бирини ўзига яраша зиё тарқатиш усуллари бўлиб, бир-биридан фарқ қиласди.

Аҳолига билимларни етказиб бериш билан шугулланувчилардан энг асосийси, ўкув фан билимларини аник мақсадга йўналтирилган қаттий режа дастур асосида амалга оширадигани – расмий узлуксиз таълим-тарбия тизимидир.

**Амалий фаолият.** Киши илм аниклаган билимларни маърифий фаолият билан шугулланувчилар ёрдамида эгаллаб олиб, бу билимларни ўзининг амалий фаолиятида кўллашлиги амалий фаолият дейилади. Амалий фаолиятнинг ҳам ўзига яраша усул ва услублари мавжуд бўлиб, улар маърифий ҳамда илмий фаолият усулларидан фарқ қиласдилар.

**Ушбу мавзу буйича пазорат саволлари:** 1. Кишининг биологик моҳияти деганда нимани тушунамиз? 2. Инсоннинг ижтимоий моҳият негизини нима ташкил қиласди? 3. Биоижтимоий мавжудод қандай мавжудод? 4. Одам хаёти давомида эгаллаган билимларини амалий хаётда намоён қилишлигининг сифат даража босқичлари нечта ва улар қайсилар? 5. “Маънавият” тушучасига таъриф беринг? 6. Инсон фаолият соҳалари нечта? 7. Илмий фаолиятда инсон нима иш бажаради? 8. Маърифий фаолият қаплай фаолият? 9. Амалий педагогик фаолият жараёнида нима ишлар бажарапади?

## **2 БУЛИМ ПЕДАГОГКАНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

### **2.1. Фалсафий савод ҳамда замонамизнинг илгор илмий дунёқараши ва “Мажмулар назарияси”**

**Савод деб, кишининг муайян бир фан ёки амалиёт соҳасидан эгалланниши шарт бўлган билим ҳажмига эга бўлганлик даражасига айтилади. Санодхон одам деган тушунча, бир соҳа эгаси булиши учун ушбу соҳадан керак ҳажмдаги билимларни эгаллаб, уларни амалиётда кўллай олиш малакасига эга бўлган кишига нисбатан қўлланилади.**

Ҳар қандай саводхонликни бош асоси ва барча одамлар эгаллаши шарт бўлган савод, бу “**тил саводи**”дир, яъни оғзаки ва ёзма нутқдан фойдаланганда уни муайян адабий тилдаги мавжуд қонун-қоидалар асосида амалга ошириш. Бунинг боиси, ҳар қандай фан ёки амалиётдаги билимларни эгаллаш ва уларни бошқаларга тўгри ҳамда тушунарли қилиб етказиш учун маълум қоидаларга солинган тилини мукаммал билишлик шарт эканлигидадир. Тил қоидаларини яхши билмаган одам ўз фикрини бошқаларга тўгри стказиб бера олмайди. Бундай савод, асосан, **йўналтирилган таълимнинг бошланғич босқичи ва урта мактабнинг тил ва адабиёт дарсларидан олинади**. Ахоли орасида саводни бор деганда, айнан мана шу савод тушунилади. Бу савод, бошка турдаги саводларни эгаллашда замин ва одамлар орасидаги ахборотлар алмашувини бир-бирига тушунарли тарзда амалга ошириш учун зарур бўлган саводдир.

Саводнинг тури кўп. Буларга: **диний савод** – муайян диннаги билимларни мукаммал билганилик даражаси; **техник савод** – техника сирларини яхши тушунганлик; **сийсий савод** – сиёсатшунослик фанидаги билимларни тўла эгаллаб, улардан ҳаётда фойдалана олишлик малакаси; **математик савод** – математикадаги қонун-қоида ва формулаларни яхши билиб, улардан малакали фойдалана олишлик; **касбий савод** – маълум бир касбдан керакли билимларни эгаллаб, уларни амалиётда фойдалана олиш малакаси ва ҳоказо. Бундай саводлар рўйхатини давом эттираверишимиз мумкин, аммо, максадга яқинлашадиган бўлсан, фалсафий савод моҳиятини кенгрок тушунишига ва бу турдаги саводнингизни оз бўлса-да, оширишга ҳаракат қиласиз.

**Бахт ва саодатга интилгап ҳамда эл-юрт ичидаги обрўйн устида қайгурган одам фалсафий саводга эга булиши шарт.** Акс ҳолда кўзлаган эзгу мақсадига эришолмайди.

Элеялик Зенон (м. ав. 490 – 430 й): “Фалсафа инсонга ўлимга нисбатан нафрат туйгуларини инъом этади”, деган бўлса, Антисфен

(м. ав. 444 – 366 й): “Фалсафа менга үз-үзим билан сұхбат қуришни ўргатди” – деган. Афлотун (м. ав. 428 – 347 й) эса фалсафага таъриф беріб, қуйидаги мисраларни ёзіб қолдирған: “Оламда билимдан кучли нарса йўқдир. Билим ҳар қандай хузур-халоватдан ҳам, бошқа нарсалардан ҳам зўрроқдир”. “Фалсафа билан машғул бўлинг. Шулингдек, ёшлиарда ҳам фалсафага рагбат уйғотинг”. “Ҳайрат файласуфларга хос сифат. Ана шу сифат фалсафанинг ибтидоси саналади”. Яна у “Фалсафа билан ёшлиқда, меъёрида машғул бўлмоқлик жоиз. Бу қоидага амал килмаганларни ҳалокат кутади. Ҳар канча заковатли бўлманг, ёшиңгиз бир жойга бориб колганда умрингизни фалсафага багишламасангиз, ҳурмат-эътиборли (бахтли, бизнинг изоҳ) инсон булиш тажрибасидан айрилиб қоласиз”, деб таъкидлаган.

Теран фалсафий фикр юритадиган одамнинг ижтимоий мөхияти юкори, үзи эса босик ва мулоҳазали бўлгани учун ахоли ичиде обруйи баланд булади. Аммо, үзаро мағтиқан боғлиқ ва ҳар бир сузининг исботи бор фалсафий фикр билан, мантиқан суст боғланган ҳамда исботи йўқ сафсата гапнинг фарқига бориш лозим. Баъзилар сафсатани ҳам фалсафа деб биладилар. Бу тўғрида Арасту (м. ав. 384 – 322 й) қуйидаги фикрни айтган: “Сафсатабозлик ва диалектика ҳам фалсафа машғул бўлган масалалар билан шуғулланади. Фалсафа диалектикадан үшга хос қобилияглари, сафсатабозликдан эса танланган шули билан фарқланади. Яъни диалектика бирор жабдани дошишмандлик нуқтаси шартардан билишгя уринади. Сафсатабозлик эса ўткинчи дошишмандликдир, холос”<sup>9</sup>.

Худудимиздаги кенг омма орасида, фалсафа тўғрисида бирмунича потугри фикр шаклланиб қолганлигининг сабаби, биринчидан, фалсафий тафаккурни ҳаммада ҳам юкори булавермаслиги бўлса, иккинчидан, фалсафа билимларини анча теран, тилини нисбатан мураккаброқ бўлганлиги ва учичидан, яқин ўтмишимизда үкув юртларида фалсафа бир ёқлама талқин килиниб, ундаги фикрларни мулоҳазасиз қабул килишга мажбур этилганлигидандир (*Инсонга нимаики нарсанни зурланса, унда бу нарсаги нисбатан наффат уйғона бошгайди*).

Ушбу бўлимда фалсафа нима эканини, уни кундалик ҳётимиздаги ўрни тўғрисидаги фикрларни тушунарли ва энг умумий тарзда баён этиб беришга ҳаракат қилинди. Фалсафанинг келиб чиқиш тарихи, унинг оқимлари, ҳал қилишга йўналтирилган барча масалалари, маҳсус тушунчаларниң тулиқ тизими ва ҳоказоларга, яъни чин фалсафий билимларга кўп тўхталмай, фалсафанинг үзи ва унинг асосий

<sup>9</sup>Ҳакикат манзаралари: 96 мумтоз файласуф. Т., “Янги аср авлоди”. 2002, 100-бет.

Тармоқларига умумий таърифлар бердик. Унинг умумий қонууларини, шунингдек, фалсафада кўп учрайдиган маҳсус тушунчаларнинг бир кисми матмунини ёритиб, ХХI аср фалсафасининг йирик оқимларини кўчилишиб ўтиш билан чекландик.

**Фалсафанинг тұғавий мазмуни “доноликшинг дүсти”** булиб, көлімдә файласуфларни “доноликни севувчилар” деб аташган. Ав-шапхыры фалсафани ҳамма илм-фанларнинг отаси деб санашган. Эндиликда, фалсафа – табиат, жамият ва онг ривожланишининг умумий қонууларини урганувчи илм-фан сифатида талкин килинмоқда. Фалсафа – дүнекарашиби урганувчи илм ёки фалсафа нарса ва ҳодисаларни үрганишнинг умумий усуллари тұғрисидаги фан деб талқин қилған тиббиётлар ҳам бор. Пифогор эса, ҳаётнинг мазмунига оид қарашларга “фалсафа” деб ном берган.

Максади жиҳатидан бир-бирига үхшамаган бу таърифларнинг қайси бирни фалсафа моҳиятини тұлық ифода этади? деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, іюкоридати гапларнинг ҳаммаси ҳам фалсафаты тегишли булиб, унинг тадқиқот обьектининг у ёки бу томонларини очиб беришига йұналтирилғаи. Чунки фалсафанинг үрганиш обьекти күп кирралы булиб, жуда кенг масалалар құламини ёритиб беришни максад қилиб олган.

Фалсафага умумий таъриф беришдан олдин, унинг бошқа илм-фан соҳаларидан тубдан фарқли томонларини күриб чиқайлик.

Бириңчилан, фалсафа уз тадқиқотларини муайян нарса ва ҳодисага қаратмай, конкретлан узилған қолда нарса ва ҳодисаларнинг умумий, яъни **мавҳум (абстракт)лаштириб** үрганади. Масалан, муайян миллатта мансуб маълум ёшдаги әрқак ёки аёл жисмоний саломатлигини – тиббиёт, унинг истеъмол молларга бұлған талабини – иқтисодиёт илмининг маркетинг деган тармоги, шу одамнинг бошқалар билан үзаро муносабатини – социология, миллатининг көлиб чиқишини – әтнография, унинг ташқи мұхит билан үзаро муносабатини – әкология үрганса (*одамнинг үрганадиган илм-фан тармоқларининг бағнини давам этитириши мүмкін*), бутун инсониятни, яъни кишиликтек жамиятнинг тараккиёт қонуулари, уларнинг умумий қадриятлари, одамзоттининг билиш жарабени сирларини очиб беришни фалсафа үз зиммасыга олган. Яна бошқа мисол: ҳар бир аник фаннинг үз ўқитиши усул ва услублари мавжуд, уни педагогиканынг методика деган тармоги үрганади. Аммо, ҳар қандай таълим-тарбия маълум бир умумий максад томон *йұналтирилғаи* булиб, педагогик жарабённинг үзи эса, маҳсус қонуниятлар асосида кечади. Ана шу, ҳамма педагог ва үқитувчилар учун зинг умумий максад курсаткичлари билан таълим-тарбия жара-

ёни кечишининг умумий қонушиятларини фалсафа аниклаб беради. Ёки динни оладиган бўлсак, ҳар бир алоҳида олинган дин ўзининг ақидалари, унга эътиқод килгандарнинг бажариши шарт бўлган шариати, яъни қонун-қондадари, уларга амал қилинганда олинадиган ажр – мукофотлар тизимиға эга. Шулар ва уларни бузганда бериладиган жазояр ва бошқа диний масалаларни теология, Ислом мисолида – тавҳид, тавсир ва фикҳ илмлари ўрганса, умуман динларнинг келиб чиқиши, уларнинг жамият хаётидаги ўрни, бир-биридан фарқли ва ўхшаш томонларини, шунингдек, бошқа умумий диний масалаларни фалсафа илми ечиб беради.

Бундай масалалар устида мuloҳаза юритиш учун кишида абстракт тафаккур яхши ривожланган булиши керак. Чунки, абстракт нарсаларни фақат абстракт тафаккур ила англаш мумкин. Ҳаётда доимо аниқ масалаларни ечиб, кундалик юмушлар билан машғул бўлиб юрган одамларда абстракт тафаккур кўп ҳам ривожланган бўлмайди. Ўзида абстракт тафаккурни тараққий эттириш учун, киши вакти-вакти билан аниқ нарса ва ҳодисалардан узилиб туриб, уларнинг устидан умумий (абстракт) фикр юритиши керак бўлади. Бу эса ҳамманинг ҳам қулидан келавермайди. Бунинг учун анчагина ақлий куч ва иродани ишлатиб, вакт сарфлаш лозим бўлади. Бу эса купчиликка малол келади. Шунинг учун фалсафий масалаларга кўп одам тушунавермайди. Тўгрироғи тушунишга эринади. Фалсафа фанининг бошқа фан соҳаларидан иккичи фарқи ҳам, у абстракт тафаккур билан иш юртади.

**Учиччи фарқи.** Ҳар қандай муайян фандаги билимларни ҳаётда синаб кўрса бўлади. Масалан: техникадаги билимларнинг тўгри ёки нотўгрилигини ўша машина ёки мосламани ишлатиб кўриб билса бўлади. Ёки физика, химия, биология ва бошқа табиий ва аниқ фанлар билимларини лаборатория шароитида тажриба оркали синаб куриш мумкин. Фалсафа аниқлаган билимлар факат мантикий тафаккурни ишта солиб, маҳсус усуллар ёрдамида назарий тасдикланади, уларни амалда синаб кўриш мумкин эмас. Фалсафа қонунларининг ишланиши фақат, ақл билан тушуниб этиш мумкин.

**Айтшаган фикрлардан келиб чиқиб, фалсафага умумий таъриф берадиган бўлсак, фалсафа – мавҳум (абстракт) тафаккур ёрдамида табнат, жамият ва онг ривожланишининг, барчасига бирдай тааллукли, энг умумий қонунларини ўрганиувчи ҳамда одамлар дунёкараси, ишчунин қадрятларини шаклланаш ва инсоннинг билиш жараёни қонушиятларининг аниқловчи, шу билан биргаликда бошқа тадқиқотларга умумий илмий усул вазифасини бажарувчи илм-фан соҳасидир. Бу таъриф турли адабиётларда**

**Социалтган хусусий таърифларнинг тўгри эканини тасдиқловчи умумий аникламадир.**

Ҳакиқатдан ҳам, фалсафанинг асосий вазифаларидан бири, бутун борлик тараккиётининг умумий қонунларини ўрганиш. Фалсафа барча филлар отаси, деган иборани ҳам бизнинг таъриф тасдиқлайди, чунки филсафа қонулари барча илм-фан ва амалиётда бирдай ишлайди. Филсафа дунёқарашни шакллантирувчи фан деган таъриф ҳам, биз бериган таъриф буйича тўгри булиб чиқди. Фалсафа илмий тадқикотлар олиб боришнинг умумий усули дегани ҳам тўгри. Негаки, у ҳамма илм-фан ва амалиёт соҳаларининг фаолиятига методологик асос булиб хизмат қиласди (*Методология тушунчасига уйбу бўлишининг иккичи қисмида тушуниши берилади*). Шунинг учун ҳам, фалсафа бир юнит тармоқларга бўлинган. Уларга қуидагилар киради.

**Онтология** – фалсафанинг етакчи тармоғи булиб, борлик тўгрисидаги илм-фан ҳисобланади. У бизни ўраб турган, биз билган, билмаган, биз кўра оладиган ҳамда кўра олмайдиган нарса ва ҳодисаларнинг пайдо булиши, ривожланиши, бир турдии иккичи бир турга ўтиш қонунларини, фалсафа категорияларини (*асосий тушунчаларни*), бирламчилик масаласили, шунингдек, бутун олимга таалукли бошқа умумий масаларни счишга йўналтирилган. Бизни ўраб турган нарса ва ҳодисалар деганда, бутун борлиқнинг бирламчи асоси қвантдан тортиб, табиий ҳодисаларни пайдо килувчи қвант майдони ва моддий олам орасидаги алоқадорликлардан то коинотдаги мўъжизавий ҳодисалар қадар тушунмок лозим. Фалсафанинг бу тармоғи луғатларда берилган умумий таъриф: фалсафа-табиат, жамият ва онг ривожланишининг умумий қонунларини ўрганувчи фан деган изоҳга кўпроқ тўгри келади. Шуролар даври фалсафасида унинг кисқартирилган варианти, гнесеология билан биргаликда “Диалектик материализм” (Диамат) деб юритилган.

**Гнесеология** – билиш назарияси ҳисобланиб, инсон оламини билиб бориш жараёнидаги мавжуд умумий қонуниятларни ўрганадиган ва шу жараёнга таалукли масалаларни ёритиб беришга қаратилган фалсафа тармоғи ҳисобланади. У адабиётларда, “фалсафа – билиш тўгрисидаги фан”, деган талқинига мос келади.

**Аксеология** – жамиятдаги қадриятларнинг шаклланиши қонуниятларини ўрганувчи фалсафанинг тармоғи булиб, жамиятга оид барча умумий масаларни счиб беради. Яқин утмишимизда уни “Тарихий материализм” (Истмат) деб атаб келинган.

Илмий адабиётларда фалсафа ичida яна “Праксиология” ва “Методология” деган тармоқларни ажратиб курсатадилар. Уларнинг мак-

сад ва вазифалари устидаги баҳслар ҳали тұғамағанлиги учун уларға батағсил тәъриф берішдан тийилдик. Факат **праксепология** – ишсон амалдік фиолити ҳақидаги фалсафа тармоги булып, манттик, социология, психология, педагогика, сиёсатшынослик ва шунға үхшағ амалдістің яқин булған ижтимоий фанларни үз ичига олишини кайд қилиб үтгамиз. **Методология** эса, барча хусусий фанларнинг энг умумий масалалари ва назарий асосларини ишлаб чиқишига йұналтирилған, шу жумладан илмшүнослик фанини үз ичига олған, фалсафанинг тармоги. Масалан, физиканинг фалсафий масалалари, химиянинг фалсафасы, адабиётнинг фалсафий жабқалари, илмий фаолият билан шүғулланишда амал қилиниши лозим бўлған қонун, қоида ва тамойиллар мажмуюи ва ҳоказо.

Ушбу булимда, фалсафа счиб бериши шарт булған асосий **онтологик масалаларни** күрсатиб үтиш лозим. Чunksи, фалсафадаги оқим ва илмий мактаблар ана шу масалаларни қай йүсінде сишиға қараб аж-раладилар. Шу билан биргаликда, киши бошланғич фалсафий саводга әга булиши учун фалсафанинг асосий қонунларини ҳам билиб олиши лозим. Куйида шуларнинг баёнига үтамиз.

Фалсафа үз олдига күпгина оламий, яъни онтологик масалаларни счиб беришни муаммо сифатида қўйган. Шулардан энг қадимий ва асосийларидан бири **бирламчилик масаласидир**. Бу масала бўйича файласуфларнинг бир гурӯхи, олам пайдо бўлишида биринчи булиб гоя турткі булған, дейдилар. Ҳар қандай нарса ва ҳодисанинг ибтидоси, унинг гояси, яъни **гоя бирламчи**. Бундай фикр тарафдорлари **идеалистлар** деб ном олған.

Файласуфларнинг бошка бир гурӯхи аввал моддий нарса (материя) пайдо булған, гоя эса, энг юкори материя саналған онг фаолиятининг маҳсули булиб, кейин вужудга келған дейишади. Улар **материалистлар** деб аталади.

**Иккиси муаммо, бу ривожлапишиш масаласи.** Бу масала бўйича ҳам файласуфлар иккига бўлиниб кетган. Бириччи гурӯхи, бутун борлик статик холатда, яъни бизни ўраб турған жонли ва жонсиз нарсалар бир вақтлар ё илохий қудрат томонидан яратилиб ёки маълум бир шароитда үзидан-үзи шакланиб, сўнг мувозанат ҳолатга тушиб қолған ва үзгармай тураверади. Үзгарса ҳам берк ҳалқа ичидаги үзгариб, умуман олганда үзгармайди, дейдилар. Улар **метофизиклар** деб номланадилар. Яна бошка бир гурӯх файласуфлар, бутун борлик тинмай ҳаракат жараёнидалир. Барча нарса ва ҳодисалар тинмай ривожланиб, бир турдан иккиси бир турга ўтиб туради дейишади. Бундай назарий таълимот диалектика дейилади.

**Фалсафада ечилиши шарт булган масалалар жула күп. Чунончи, оламни үрганиб буладими булмайдими; макон ва замон масаласи ва хокизо. Уларни ҳар турли йүсінде счувчилар гурухларга бирикіб, философадаги асосий оқимларни ва уларнинг чексит күп шахобчаларини пайдо қылғанлар. Фалсафадаги асосий йирик оқимлар юкоридаги иккى масалалар ечиншігә караб булинадилар. Улар күйидагилардир:**

**Кепті бир гурух файласуфлар, бириңчи масала бүйича, олам ярлығында аввал гоя пайдо бўлган, кейин шу гоя лойиха вазифасини бажириб, унинг негизида турли-туман моддий нарсалар шаклланган. Иккинчи масала бүйича, барча нарсалар пайдо бўлганидан сўнг, ҳолатини ўзгартирган дейдилар. Гоя бирзамчи ва олам ўзгармаедир, дейдилар объектив идеалистлар ёки идеалист метофизиклар дейилади. Уларга Платон, Кант, Фихте, Шеллинг ва бошқалар киради.**

**Иккинчи гурух файласуфлар. Дунё Мутлак гоя, Дунёвий рух, Худонинг хохини шатижасида яратилган, яралганидан кейин, куррашнин конуниятта бўйсунниб, доимо ҳаракат жараённиги ўтган. Бутун борлик гоядан пайдо бўлган ва у кейин ташмай ривожланиши жараённига утиб, доимо бир турдан иккинчи бир турга ўтиб турили дегувчилар, идеалистик диалектика тарафдорлари ҳисобланган. Бу фикрини бириңчи бор Будда айтган бўлса-да, уни Гегель асослаб бергани учун бу оқим Гегельчилик деб ҳам юритилади.**

**Учинчи гурух файласуфлар. Олам пайдо булишида, бириңчи моддий дунё вужудга келиб, гоя унинг ҳосиласи, у иккиламчидир, дейдилари материалист метофизиклар. Аммо, материянинг турли-туман шаклларни, шу жумладан жонготлар ҳам, маълум бир шароитда шаклиниб, сўнг ўзгармас ҳолатга тушиб қолган. Шунинг учун бутун борлик ўзгармаедир. Бу фикрини бириңчи Қадим Юнон файласуфлари Фалес, Анаксимандр, Гераклит, кейинчалик Бекон, Гоббс, Спиноза, Гольбах, Ҷидро ва Фейербахлар асослаб берганлар.**

**Туртинчи гурух файласуфлар. Бириңчи масала бүйича, олам пайдо булишида, аввал материя вужудга келган, сўнг у тараккӣ эта бориб, турли-туман, жоили ва жоисиз қўришишларга эга бўлган. Барча мавжудод ва махлукотлар, шу жумладан инсон ҳам тараккиёт маҳсулидир. Иккинчи масала бүйича, бутун борлик ривожланиши жараённинда дейдиган оқим материалистик диалектика ёки диалектик материализм деб номланган. Бу оқим асосчилари Ф. Энгельс ва К. Маркс бўлганилиги туфайли, бундай фалсафа яқин ўтмишимида марксистик фаласафа деб ҳам юритилиб келинди.**

**Бугунги кун олимлари, бутун дунё олиму уламолари Будда, Аристотель, Форобий ва Ибн Синоплар айтиб кетишган ва Гегель томонидан илмий**

асослаб берилган, диалактика ва унинг асосий қонуиларини тан олишган ва барча фаолият жараёнларига энгумумий методологик асос сифатида қабул қылғанлар. Табиатан ўзгариши мутлак тан олмайды-ган диний дунёкараш тарафдорлари ҳам, хозир буни тан олмоқдалар.

Аслида диалактика ривожланиш деган маънони билдиради, бутун борлик – табиат, жамият ва онг тинмай ривожланиш жараённида булиб, бир турдан иккинчи бир турга ўтиб туради.

Бундай ривожланишни ҳаракатга келтирувчи куч қаёдан пайдо булади? деган табиий савол тугилади. Гегель бу куч қарама-қарши томонлар бирлиги ва кураши натижасида пайдо булади, дейди ва уни илмий асослаб бериб, диалактиканинг асосий қонуни деб номлайди. Бу фикрни Гегельдан олдин ҳам айтгандар булган. Аммо Гегель буни тизимга солиб илмий асослаб берган. Физиклар бу қонуиятни “парите – жуфтлик” қонуни деб юритадилар. Күлланмамизниң кейинги саҳифаларида бу қонунга бир неча бор мурожаат қиласмиш.

Ҳакиқатдан ҳам, бутун борлик чексиз катта ва кичик, келиб чиқиши жиҳатидан турли-тумаи мажмулардан, яъни бутунликлардан иборат булиб, ҳар бир мажму ўзининг қарама-қарши типи ёки томонига эга. Мутлақо танҳо ёки бир томонлама бутунликни, яъни нарса ва ҳодисани топа олмаймиз (*Мажму тушунчасининг ичоҳи, уибу қиссиниг отирроғида берилган*). Бу қарама-қарши томонлар тинмай бир-бирига интилиб, бир бутунни ташкил киладилар. “Икки ярим бир бутун” дегани аслида шу. Шу билан биргаликда улар қарама-қарши томон, яъни қарама-қарши куч булиб, бир-бирини ўзидан итариладилар, яъни уларниң орасида ўзаро кураш мавжуд.

Бу вокелик нарса ва ҳодисалар тадрижишнинг ички заруриятидан келиб чиқкан қонуият булиб, бутун борлик шу қонуиятга буйсунади. Шунинг учун у ривожланишнинг асосий қонуни деб юритилади. Бу ҳолни ҳар қадамда кўришимиз ёки сезишими мумкин. Масалан, атом қарама-қарши кўрсаткичларга эга электрон ва протонлардан иборат ёки шимол-жашуб, кеча-кундуз, ёш-қари, паст-баланд, оғир-енгил, ўнг-чап, яхши-ёмон, аёл-эркак, севги-нафрат, тинчлик-тўполон ва хоказо, улар чексиздирлар. Бу ҳол жамийки нарса ва ҳодисаларда ўз ифодасини топган. Бу, факат Аллоҳга тааллуқли эмас, Аллоҳ токдир – Ахадир дейилади Исломда. Авестода дунёда бир-бирига зид икки Илоҳ мавжуд – бири, яхшилик худоси Аҳурамазда ва иккинчиси, ёмонлик худоси Аҳураман. Шунга ўхшаш, оламдаги барча нарса ва ҳодисаларда бундай қарама-қарши кучлар була туриб, улар бир-бирига интиладилар, бир-бирисиз мавжудлиги мумкин эмас. Масалан, бир таёкни икки қарама-қарши томонга йушалтирилган уни

мавжуд, улар бир бутун таёқ бўлатуриб, икки қарама-қарши томонга йўналтирилгандир. Икки томонга интилиб турган учлари иккали то-  
менги кетаверсий деб, таёқни иккига булиб юборсак, шу зумнинг ўзида  
икки томонга йўналтирилган икки учли икки таёқ пайдо бўлади. Бу  
текстидир. Бундай табиий тортилиш ҳамда итарилиш натижасида нар-  
са ва ҳодиса, яъни мажму ичидаги кучланиш пайдо бўлади. У маълум  
бир вақтдан кейин микдор жиҳатидан маъёрига стапда нарса ёки  
ҳодисада харакат, яъни қўзғалиш пайдо қиласди ва мажму ўзининг  
ашаалги ҳолатини ўзгартириб, яшги бир ҳолатга ўтади.

Нарса ва ҳодисалар ичидаги кучланиш микдор жиҳатдан меъёрига  
стаплик ҳамда сифат жиҳатидан ўзгаришга тайёр бўлганилик ҳолатини  
исходаловчи диалектиканиг яна бир конуни мавжуд. Бу микдорининг  
сифатта ва сифатиниг микдорга ўтиш қонунидир. Фароз қилайлик,  
сувни қайнатиш учун уни идишга солиб, иситиш асбобининг устига  
қўйдик. Сув совуқ, иситиш асбоби иссик, булар қарама-қарши кучлир-  
лар. Шунда улар орасида кураш пайдо бўлади. Иситиш асбоби сувнинг  
ҳолатини ўзгартиришни учун унга ўз исенги билан таъсирини ўтказишни  
көрек бўлади. Сув эса ўзининг совуқиги билан иситиш асбобини  
совутмоқчи бўлади. Улар орасида кураш бошланади. Исик кучли ке-  
либ, сув ичидаги маълум микдорда иссиклик йигилгач, совуқ сув иситиш  
асбобига ён бераб, исиди. Иссиклик микдори маълум бир меъёрга ст-  
гач, сув қайнаш йули билан ҳолатини ўзгартиради, яъни суюқ ҳолатдан  
тазсимон (буғ) ҳолатига ўтади. Ёки жўжани олсак, у ташқи муҳит таъ-  
сприга қарши курашиб, хаётини давом эттириш максадида турли-туман  
овқатларни истеъмол қиласди. Маълум бир вақтда, маълум микдордаги  
овқагни истеъмол қилиб ташқи муҳитни снггач, маълум хужайралар на  
керакли ўлчамлар тўплаганидан кейин сифатини ўзгартириб, товук ёки  
хуроз ҳолатига ўтади.

Савол тугилиши мумкин, қарама-қарши кучлар бирлиги ва кура-  
ши натижасида нарса ва ҳодисалар ичидаги кучланиш йигила бориб,  
маълум бир микдорни тўплаганидан кейин бошқа ҳолатга ўтар экан,  
шунда уларнинг олдинги ҳолати нима бўлади? Жавоб – инкор бўлади.  
Бу дегани, микдор йиғилиб сифат ўзгаришлари содир булиш  
вақтида, нарса ёки ҳодиса олдинги ҳолатини инкор қилиб, янги  
ҳолатга ўтади. Бунинг учун диалектиканиг яна бир конуни манжул.  
У ҳам бўлса “инкорши-инкор қонуни”. Мисол, жўжа товук булиши  
учун жўжалигини инкор қилиши шарт. Чакалоқ маълум бир вақтдан  
кейин чакалоқлигини инкор қилиб бола, болалигини инкор қилиб  
ўспириш, ўспириллигини инкор қилиб, улгайғанлик босқичига ўтиди.  
Улгайғанлигини инкор қилиб қариди ва охир окибатда бу дунёни ин-

кор қилиб, бошқа бир дүнёга үгәди. Бу жараён чексиздир, ҳар бир нарса ёки ҳодиса, муайян бир ҳолатини ишкор қилиб, янги ҳолатта үтиб үзини намоён килганилиги учун ҳар бир ишда бу қонуниятлардан келиб чиқмаслик, ҳаракат жараённини потүрги ташкил килганимизни билдиради әр бундай ҳаракат мәксадға олиб бормайды. Чунки бу гайри табиийдир.

Мисол тариқасида, фалсафанинг умумий қопунлари маърифий (педагогик) жараёнда намоён булишини күриб чиқамиз. Маърифий жараён деб, билим бериш ва билим олиш майлида кечадиган таълим берүүчи әр таълим оловчы орасидаги муносабатлар мажмуй, яъни педагогик жараён тушунилади. Педагогик жараён бир бутун ҳодиса бўлиб, уни кўт олдимизга келтирадиган бўлсак, у таълим-тарбия мажмунини ифода этгани ҳолда икки қарама-қарши – “таълим берувчи” ва “таълим оловчы” деган томонлардан, бошқача айтганда қарама-қарши кучлардан ташкил толғанилигини кўрамиз. Ҳакиқатдан ҳам таълим бериш, бу таълим олиш эмас, таълим олиш эса таълим бериш эмас. Булар кутбий қарама-қарши нарсалардир. Улар бир-бирига интилиб, бир-биридан кочадилар, яъни ўзаро қурашадилар.

Маърифий жараён самарасини ҳосил қилиш учун, бу қарама-қарши томонларнинг бир-бирига интилиш кучини ошириб, бир-бирига қарши кучларни сўндириш йўлидан бориш керак.

Таълим-тарбияда бир-бирига интилирувчи куч бўлиб, уларга ёшлиарнинг берилаётган билимга қизиқиши, ўқитувчининг хушмуомалалиги, сўзларининг жозибадорлиги, берилаётган билимни асослаб беришлиги ва тинмай тақрорлаб турниш омилилари хизмат қилади.

**Ўкувчи ва талабаларга билим ўргатиш учун, биринчи павбатда, ўқитувчи ёки тарбиячи ўқувчи-талабаларда ўзига ишбатан мухаббат пайдо қилиши шарт. Бунинг учун педагогининг ўзи уларни жони дилидан севинчи лозим.**

Таълим берувчи таълим оловчига берилаётган билим мохиятини очиб, мантикаш боғлаб туриб, кизиқарли қилиб тушунтириш лайтида, миқдор йигилиб сифатга ўтиши учун уни тарбияланувчига эринмай бир неча бор, ҳар турли кўринишларда тақрорлаши шарт. Илмий тадқиқотлар шунни кўрсатдики, берилган билим таълим оловчининг мия қобигида ўз аксини топиши, яъни миқдор сифатга ўтиши учун уни 4 – 5 маротаба, мураккаб мавзуларни ўтасётганда ёки диққати суст болалар билан ишласётганида 8 – 9 маротаба тақрорлаши керак экан. Шундагина миқдор сифатта ўтиб, талабалардаги “билимаслик” ҳолати “билди” ҳолати билан алмашинади. Миқдор сифатга ўтади. Бола ав-

шыны "Билимсизлик" холатини инкор қилиб "билимли" дегап сифаттаңа болады.

Үйлбүр үриида фалсафанинг асосий вазифаларидаа бири, кипшишар ошгыда союлом ва улар тафаккурига мөс дунёкарашни шакллантириш өкан, дунёкараш ўзи нима деган саволга қисқача жавоб берилүү болуп кайтады.

**Дунёқараш** – дунё түгрисидаги умумий гоялар, қарашлар, инсоннинг дунёда туттган ўрни, ҳаётий йўналиши, ишонч-эътиқоди, идеали, биджин тамойиллари, узи ва бошкаларнинг ҳаётдаги ўринини билиб олиши, инсон можияти, ўзлигини англаш ҳақидаги қарашлар мажмуулар. Дунёқараш билим, қадрият, амалиёт ва уларнинг ўзаро бирлиги каби инсон фаолиятини қамраб олади. Унинг ҳиссий, ақлий ва ироданий компонентлари бор. Дунёни билиш даражасига кўра, кундалик, шигарий ва фалсафий ошгинаралари мавжуд.

Дунёқарашнинг асосий масаласи “инсон ва дунё”, “мен ва мен омас”дир. Дунёқараш ўзининг таркибига кўра илмий, фалсафий, эстетик, диний, сиёсий, хукукий ва бошқа карашларни ўз ичида олади. Тарихий тараққиёт турлари жиҳатидан дунёқараш – инсонавий (мифологик), диний, тасаввufий, фалсафий ва илмий дунёқарашлардан иборат.

**Фалсафий** дунёқарааш оламга, жамиятга, инсон ва унинг билиш жараёнига энг умумий қарашлар мажмуудир. **Фалсафа** кишиларнинг ижтимоий-сиёсий, диний, илмий, ахлоқий, этик, эстетик, хукукий йўл тутишининг асосий тамойилларини дополник билан асослаб беришни ўз олдига максад қилиб қўяди.

**Фалсафа тафаккур ривожининг буюк ютуғи на инсоннинг маънивий юксалишининг муҳим омилидир. У кишиларнинг оламини билиш, маънавиятининг таркиб топиши, жамиятнинг юксалиши, одамларни фаоллик маҳоратининг намоён булиши, инсон қадриятларининг юксалликка кутарилиши билан боғлик.**

Фалсафа борлықни умумлаштириб күриш, диний, ижтимойи табиий билимларни синтезлаш, инсон мөхияти, кадр-киммати, уннан амалий фаолияти каби масалалар билан шүгүлланади.

Фалсафанинг хусусиятларидаи бири, кини фалсафага астойдил берилиб, жон-жаҳди билан киришмаса, у ўз сирларини унга очмайди. Фалсафа қандай фан эканига тўлиқ тушуниб етиш учун Қадимги Рим мутафаккири Сенеканинг фалсафа тўғрисидаги ўз дўстига айтган фикрларини келтириш ўринилдири: “Фалсафа қўлида шоҳлик ҳокимияти бор: сен унга бир-иккى соат вактингни ажратмайсан,

у сенинг бутун өзгинг устида түлик ҳукмроидир". Ёки Сенекани Люцийга берган маслаҳатини олиб кўрсак: "Ўз фикриягни унга бутунлай тошишир, у билан хеч айрилма, у билан ҳисоблагаш, шундай ўзинг билан бошқалир орасидаги фарқни узайтирган бўласан. Шунда сен авомдан анча ўзиб кетиб, худолардан кўп ҳам орқада колмаган бўласан. Бизнинг орамиздаги фарқ нимада бўлади? – деб сўрасанг, – Улар сенга ишебатан давомийдурлар. Тан олини керакки, қиска муддат ичидаги ўзида барча нарсани жамлаш учун катта санъат керак. Баъзи нарсаларда доно Худованддан ўзади ҳам; Худовандо ўзининг табиати туфайли кўркувдан холи бўлса, доно ўзининг саъй-харакати натижасида бунга эришади. Инсоннинг ожизлигини ҳисобга олсан, Худодек кўркувдан холи бўлишлик, бу кам нарса эмас"<sup>10</sup>.

Жамият фалсафадан куйидаги саволларга жавоб кутади: Инсон табиатига мос бўлган дунё қандай бўлиши керак? Дунёга мос бўлиши учун инсонни ўзи қандай бўлиши лозим? Бу дунё яшаш учун лаёкатлими? Инсоннинг ўзи, ҳаёт номидан сўзлашга ҳакими, у ҳаётнинг қалрини биладими ва ҳоказо.

ХХ аср фалсафасидаги асосий оқимлар куйидагилардир:

"Ҳаёт фалсафаси". Бу оқим XIX аср охирида Германия ва Францияда вужудга келган. Унинг асосчиларидан бири немис файласуфи Ницшедир (1814 – 1900). У ишонида унинг ҳакилдаги анъанавий қарашларни тахлия килиб, уларга баҳо берар экан, одам боласида маҳлуклик ва холиқлик бирланиб кетганини ёзди на ўзининг бехад қудратли фалсафий тафаккурини одами махлукликдан кутқариб, холиқлик макомига кутаришга каратади.

Чиндан ҳам Ницше классик фалсафадаги мавхум тушунчалар булган материя ва рух, борлик ва онг ўрнига "ҳаёт" тушунчасини киритиш кераклигили курсатади. Ҳаёт деганда, у табиий-биологик томонини тушуниш билан бир қаторда инсоннинг мукаммалликка интилишини ҳам пазарда тутади. Ницше бу интилишда ирова кучига алоҳида эътибор беради.

**Рұхий тахлил (психоанализ) фалсафаси.** Үнда онгсизлик (ноонглийлик) инсон табиатини билишининг бош ва муҳим омили сифатида қаралади.

Рұхий тахлил асосчиси З. Фрейд онгсизликни талкин қиласар экан, дунё ва инсонни метофизикларча тушуниши снгиб, уларни диалектик талкин килишга йул очади. Фрейд онгсизликни онглийликка қараганда кенг ва чукур, деб таъкидлайди. Жинсий майлликни инсон фаолияти-

<sup>10</sup>Сенека Л.. Нравственные письма к Луцилию. М., 1986. с.106.

шунг мухим томонларидан бири, яъни онгсизликнинг белгиловчи, ҳал килувчи омили сифатида таҳлил қиласи. Фрейд жинсий майллик инсон рухияти, унинг бузилишига таъсир этувчи асосгина бўлмай, балки маданиятнинг шаклига ҳам, жумладан, бадиий адабиёт, инсон ижтимоий қадрияти, рухига ҳам таъсир ўтказади, деб кўрсатади.

Фрейд инсон борлигининг мухим томонини ташкил этувчи унинг руҳий дунёси моделини беради. Унингча, бу модел уч қисмдан иборат бўлиб, унинг асосини “У” (онгсизлик), ундан кейинги қисми эса “Мен” (онг)ни, учинчи қисми эса “Мендан юкори” (ижтимоий оғиг)ни ташкил этади. Хўш, улар инсон ҳаётида қандай аҳамиятта эга? Улар ўртасидаги нисбат қандай?

Инсон ички дунёси, рухияти ана шу “учлик”дан ташкил топади. Фрейд ноонгликини чолқир отга ўхшатади. “Мен”(онглилик)ни эса, чавандозга. Отга мишган чавандоз турли мақсадлари йўлида отни хоҳлаган томонга йўналтира олади. Бирок куч-кудрат, энергия манбай чавандозда эмас, балки отда бўлиб, у бутун юмузни бажаради. Шунинг учун бутун энергия, куч-кувватнинг манбани онгсизликда деб билади.

Руҳий таҳлил фалсафаси инсон борлигини илмий асосда текширади. Бу фалсафа тарафдорлари гарчи улар ташки дунё мавжудлигини таш олишса-да, урганиш обьекти инсоннинг борлиги – “кичик дунё”дир деб уқтирадилар.

**Антропологик фалсафа.** Йемис файласуфлари М. Шелер (1874 – 1928), А. Гелен (1904 – 1976), Г. Плеснер (1892 – 1985), Э. Ротхакер (1888 – 1965) ва бошқалар бу оқимнинг йирик вакиллари хисобланади.

Антропологик фалсафа ўз таълимотини методологик жиҳатдан асослашда Кант ва неокантчиларнинг трансцендентал (ҳодисаларни тажриба орқали эмас, балки ақл-идрок орқали тасаввур қилиши) фалсафасининг баъзи томонларидан, Гуссерлнинг трансцендентал феноменологиясидан, Хайдеггернинг инсон борлиги түгрисидаги трансцендентал таҳлилидан кенг фойдаланди. Шунингдек, Ницшенинг инсон ҳали “шаклланмаган ҳайвон” деган фикрини, кишилик ва ҳайвонот олами ўртасидаги фарқлар буйича чикарган хулосаларини асос килиб олди.

Экзистенциализм – XX аср фалсафасининг асосий оқимларидан бири бўлиб, унинг диккат марказида инсоннинг бетакор борлиги турди. Бу йўналиш, борлик ҳеч қандай тушунча ёки тадқикот категориялари билан ифодаланмайдиган обьектив категория эканлиги гоясини илгари сурали. Экзистенциализм ўзига хос оқим сифатида даниялик файласуф С. Къеркегор (1813 – 1955) карашлари асосида вужудга келган. У биринчи бўлиб Гегелнинг ақл “система”сига карши чиқади ва

ўзининг экзистенция тұғрисидаги фикрини баён қилади. Маълумки, Гегель хамма нарса түшунчада ифодаланади, инсон борлиги ҳам түшунчада тұлғы үз ифодасини топади, деб күрсатған зди. Къеркесгор бу фикрга карши “экзистенция”(яшаш)ни түшунча билан ифодалаб бўлмайди, ундан доим сиргалиб чишиб кетади, дейди. Бундан у шундай хуносага келади: инсоннинг ички дунёси, ўзини билишга илмий методни қўялаб бўлмайди. Унингча, экзистенция бу “ички” булиб, у инсоннинг мавжудлигини күрсатмайди. Инсон ҳиссий – мушоҳада жараёнида үз борлигини қонутилашган ташки мухит фактига айланади. Яъни “уз-узига”, алохиди бетакрорликка ўтади, деб күрсатади. Бу йўлни Къеркесгор Гегелнинг мавҳум ҳаётдан ажралган диалектикасига карши кўяди ва “экзистенциал диалектика” деб атайди. У ҳакиқий мавжудлик томон илгарилаб боришинг уч асосий босқичини күрсатади: 1. Эстетик экзистенция. 2. Ахлоқий экзистенция. 3. Диний экзистенция.

**Феноменология** – ҳозирги замон фалсафаси ва маънавиятидаги асосий оқимлардан бири. Унинг асосчиси немис файласуфи Гуссерль (1859 – 1938) булиб, унинг таълимотини австралийлик файласуф Брентано (1838 – 1917) бевосита давом эттирди. Брентано Кантан Демокрит таълимогига асосланған ҳолда онг тұғрисидаги гоясини майдонга ташлайди ва бу масалани ҳал килишда физик ва психик (рухий) феномен (моҳият) ўртасидаги асосий фарқларни күреатиб беради. Бирок бунда у психик фаолият билан физик объект ўргасида фарқ тұғрисида эмас, балки уларнинг онда намоён бўлиш усуллари ўртасидаги фарқлар тұғрисида фикр юртади.

Ундан ташкари фалсафада **неопозитивизм, постпозитивизм, практицизм, синергетика** ва энди шаклланиб келаётган **холодинамика** деган оқимлар мавжуд. Унинг асосчиси америкалик психотерапевт доктор Вернон Вульфлир. Вернон Вульфнинг “Холодинамика”сини кўлланмамизнинг кейинги булимларида батафенроқ кўриб чиқамиз.

**Фалсафий савод** деганда, юқорида қайд килишган фалсафа тұғрисидати умумий түшупчаларга әга бўлишликка ҳамда унинг тармоқлари ва вазифаларини билишликка, шунингдек, унинг умумий қонунлари ва категориал аппаратининг асосий кисенини әгаллаб олиб, уларни ҳаётда қуллай олиш малакасига айтилади.

Фалсафий савод мавзуини якунлар эканмиз, Араступинг қуйидаги сўзларини келтиришини маъқул курдик: “Инсон фалсафа билан шугулланиши керакми? Бу саволга шугулланишини керак ёки керак эмас, деб жавоб қайтарини мумкин. Агар “Инсон фалсафа билан шугулланиши лозим” дейилса, ҳаммаси түшунарли. Ҳеч қандай савол тугулмаслиги табиий. Бордию, одамлар “фалсафа билан

мини ул бўлмасликлари даркор” деб жавоб қайтарилигудек булса, буни ишботлаш учун ҳам фалсафий фикрлазшга тўғри келади”<sup>11</sup>. Бу сўнгари изоҳнинг кераги йўк.

Замонавий фалсафий саводнинг ажralмас қисми ва олами ишнича идрок қилишининг пегитида квант ва нисбийлик назариядири ётади. Қарийб уч юз йил аввал, Ньютон оламнинг механик маденини тушиб, бутун борлиқни шу концепцияга бўйсундирди. Ньютон тиктиф қилиган дунёнинг илмий манзарасида инсоният Коинот деган машинанинг кичик бир қисми сифатида тасаввур қилинган. Ҳозирги замон илгор фикр эгаларни олами тушунишнинг Ньютон даври ўтиб кетди демокдалар.

XX аср бошларидан бошлиб, нисбийлик назариясини пайдо бўлиши, атомни, ундан кейин электрони, протон ва нейтронларнинг бўлиши, квантни кашф қилиниши, шунингдек, физикадаги бошқа кашфиётлар, XX аср ўрталарига келиб, дунёнинг механик тасаввuriга шугур ётказди. Катта олам ва элементар зарралар босқичида кечадиган жараёнларни механик физика тушунириб бера олмади. Натижада астрофизика, космология, космизм деган илм-фанлар таркиб топли. Астрофизика ва космология коинот тадрижий ривож натижасида бунёд бўлганини исботлаб берди. Гераклит, кейинчалик Кант ва бошқалар илгари сурган, коинотни үзгариб турувчи яхлит бир бутунлик (мажму) сифатида тасаввур қилиш ҳозирги замон илмий манзарасининг асосини ташкил қилади.

Космизм деб ном олган дунёнинг шу кундаги илмий манзараси олами янгитдан, бошқача тасаввур қилишни такозо ётади. Бу дунёкарашнинг пировард максади инсон тасодифи пайдо бўлган мавжудод эмаслигини, у коинот тадрижий ривожланиши жараёнининг ажralмас қисми ва унинг гултоғиси эканини исботлаб беришдан иборатдир. Бунинг заминида табиат одам орқали ўзини-ўзи англашига, англаб стганидан кейин эса, инсоният унга ётказган шикастларни одамзотнинг ўзини ёрдамида тузатишига олиб келади деган гоя ётади.

Шу кунда, квант назариясига эга бўлганимиздан сунг, олами пайдо бўлиш сирларини англаб стмоқдамиз. Бундай билимга эга булишгач, инсоният планетамиз ва бутун коинот ҳаётига таъсир курсата олади, деган фикр илгари суримоқда.

Квант назарияси табиат, жамнинт ва бутун коинотга бошқача назар билан карашни такозо ётади. Одамлар энди коинотнинг пассив кузатувчилари эмас, улар коинот бағридан, унинг юрагидан жой олганлиги маълум булди. Улар коинот ҳаётининг фаол қатнашчилариdir. Коинотда содир бўлган барча үзгаришлар инсон саломатлиги ва ривожи-

<sup>11</sup> Уша маиба. 99-бет.

га таъсир этгани каби, ҳар бир кишининг вужуди ва онгида кечадиган биоилогик ҳамда ижтимоий ўзгаришлар ҳам бутун Коинотнинг ҳолати ва ривожига ўз таъсирини кўрсагишилигини англауб етдик.

Дунёни янгича тушуниш тафаккур ва моддиятини бир-биридан ажратиб булмайдига глобал бир бутушилик (супер мажму) спифатида тасаввур қилишни талаб этади. Фоя үзича мавжуд бўлмай моддий нарсалар ҳам ғоясиз бор бўлиши мумкун эмас. Дунё, турли моддий нарсалар тинимсиз шакланиб нураб турувчи, фикр ҳам доимо пайдо булиб йўқ булиб турувчи жараёнлардан иборатdir. Бу жараёнла, фикрларнинг биронтасида тўхташ кайфияти пайдо булса, фикрлар гужанак булиб, фикр оқими ичидарров кристаллашади ва “одат” тусини олиб моддий нарсага айланади. Шу тариқа моддий олам шаклланган ва тараққий этган.

Квантли фикр юритиш ҳозирги замоннинг энг тўғри фикр юритиш усули хисобланади. У атомнинг майда заррачаларида тортиб, биологик мажмулар, бутун биосфера, ер шари, галлактика ва коинотдаги харакатлар сирларини тушунтириб беролди. Квант – нур деган маъненинг англатиб, нур тўлқинсимон бўлганлиги туфайли, шу тўлқиншинг бир, булаги квант деб олинган. Айтилганлар, илмий нуқтаи назардан исботланган ва тажрибалардан бир неча бор утказилиб, ўз тасдигини ташкил.

Илохиӣ китобимиз бўлган Куръони Каримнинг “Нур” сураси, 35-оятида ҳам “Аллоҳ осмонлар ин сенинг нуриди, яъни уларнинг бирчасини ёритиб, кути курасиб – йўқдан бор қилиб тургувчидир” дейилган. Бу оятнинг маъмунини чақадиган бўлсак, бутун олам нурдан ташкил топган булиб, уни йўқдан бор қилган Аллоҳнинг ўзи ҳам нур эканлигини англауб етамиз.

XX аср урталарида яқинлашганда Макс Планк ва Алберт Эйнштейнлар атомнинг тургунлик ҳолатига токат қилмай, радиацион майдонга “квант улчамлари” билан ёндашдилар. Шундай килиб, ноль улчамга эга “фатон” аникланди. Улардан кейин Нильс Бор, Луи де Броль, И. Эрвин ва Шредингерлар радиацион майдон ва энергия тўлкинларини “квант”ни бир вақтнинг ўзида ҳам “бўлак”, ҳам “тўлқин” эканлигини кашф қилдилар. Бу янгилик бутун дунё олимларини уйлатиб қўйди. Дунёни анъанавий, Ньютон механик физикаси буйича тасаввур қилиш шурай бошлади. Иносониятга янгича фикр юритиш “эшик қоқиб” келаётган эди.

Квант назарияси нарсаларнинг содир булиш сабаблари хисобланган ва шур тезлигидан ташқарида бўлган улчамлар мавжуд эканини ҳам кўзда тутади. Бу одамзотнинг қийнаб келаётган бир қатор саволлар-

Ги жиңіб берди. Олимлар коинотта квант назариясын нұқтаи назардан көрінганды, макон борлиғи ичіда жуда катта күваттаға зәға бұлған күннің күчини аникладилар. Бу күч бутун коинотта чексиз майдон “күннің тұлқини” бүйіча таркалады. Бу күч, оламдаги иеталған нараса шағындығынан, бир зұмда үзгартыриш, йүк қилиб юбориш ёки йүкдан бор қилиш күчига зәға. Квант күчи, квант тұлқини ва жисмоний хусусияттарға зәға бұлған коинот “барча тартиблар ичидеги тартиб” (Бизнес Худо деб қабул қылған. Мұаллиф.) орқали бошқарилар экан. Квант тұлқини барча жисмоний борлықтарниң манбаи хисобланады.

ХХ асрнинг эңг күзге күрінгаш квантли таффакур әгаси, иқтімайлорлы олим Девид Бом бутун борлық – моддий нарасалар, энергия ва зақтыннің үзін ҳам Коинот қаърида яширишиң ётған, үз ичинде яшириштегі тартиб күчиннің натижасынан, дейди.

Үз ичинде яшириштегі тартиб, барча – жонли ва жонсиз, эңг майдаңдардан заррачалари, атом ва хужайралардан тортиб, кишилик жамияты ва Коиноттегі бұлған нарасаларни бошқарып тұрады. Бом фикри бүйіча, бу тартиб чизиқты бұлмай, “таъсир майдони” (мағниттің майдонға үшшаб) сифатыда идрок қилиніши лочим. Бу майдонда олампинг барча үнсурлари, қонун ва конуниятлари йигилицілік, бир бутунлікни, квант проекциясини ташкил қыладилар.

**Навбатдағы сұздарни ғиббийлік** ва квант назарияларынан келиб чиқувлі мажму ёндашув тамойилини тушунтырынша бағишилаймиз.

ХХ аср үргаларига келиб объектив борлық түғрисидеги маълумоттар шу даражада ортиб кетдікі, аср бошида гүёки шаклланиб битган лесб хисобланған фантармоклари тараккій этиши натижасыда уларнинг турлари қарийб юз баробар күпайды. Үрганиш объекті ва талқыкот усууллари жиһатидан, уларнинг фанлараро, интегратив турлари вужуда кела бошлады. Билим хажми, тури ва сифати ортиб бораверди. Бу билимларни кенг оммага етказып ва уларнинг тафаккурига сингдіриб, хотираларыда сақлаб қолышлары учун дүнёни бошқача тушуныш тартибини жорий қилиш зарурияты пайдо бұлды.

Үндеп ташқари, протон ва электронларни фатопларга, фатопларның нейронларга, уларннің эса квантларга булиніп кетиши, дунёның пайло булишиннің янги концепциясини тузишни такозо қилар зди.

Шу күнгача хукм суріб келаётгап оламни механик тушуныш бу вазифаны бажара олмас зди. Гап шундаки, “классик” илм-фан, нараса ва ходисаларни бұлақтарға ажратып үрганаар, сүңг бу кисмларни механик равишида бир-бирига бирлаштирип туриб идрок қилар, шунда кисмлар орасидеги алоқадорликтарға әзтибор ҳам берілмас зди. Барь-

зи фан соҳаларида, шу жумладан педагогикада объектив борликқа бундай ёндашни хозиргача давом этиб келмокда. Аслида, нарса ва ходисалар ҳамда уларнинг қисмлари тасинфидаи, улар орасидаги алоқадорликлар ҳаёт учун аҳамият- лироқдир.

Шундай шароитда 20-йилларда австриялик биолог олим Людвиг Фан Берталанфи томонидан нарса ва ходисаларни ўрганишда “органик” усул таклиф этилди. Бу усул – биологик ва ижтимоий ҳаётдаги жараёнларни ўзаро боғлиқ ҳолда, бир бутунлик сифатида ўрганишни тақозо этарди. Бошида бу усул биологияда қуллана бошланган. Аммо ҳаст бу усулни тараққиётниң бошқа жабҳаларига, жумладан, ижтимоий ҳаётда ҳам қулланишнга олиб келди. “Мен аминманки, оламдаги күнчилик олимлар биз келган натижага келишган, аммо, бизлар тарқоқ ва бир-биримизни билмаймиз, ундан ташқари фанлар орасидаги чегаралар ҳаммамизниң бирлашишимизга имкон бермай турибди”,<sup>12</sup> – деб ёзган экан англиялик иқтисодчи олим К. Боулдинг ўзининг Л. Фон Берталанфига йўллаган хатида.

Аста-секун дунёдаги илм-фан соҳиблари пайдо булишин жиҳатидан турли бўлган нарса ва ходисалар ривожининг умумий конуниятларини аниқлаш ва уларни бир тартибга келтириш зарур эканига тушуниб етдилар. Бир катор хусусий фанларда, ходисага мажму сифатида ёндашни, яъни ўзаро функционал боғликларда турган қисмлар бир бутунликни ташкил қилишлиги небогланди.

Умуман мажму ёндашувниң қадимги илм-фан ва фалсафада мавжуд эканлигини ҳам курса булади. Бутун борлик қандайдир, ўзаро боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топсанлигини Платон, Форобий, Ибн Сино ва бошқалар фикрларида ҳам куриш мумкин. Мавлоно Жалониддин Румий ҳам, оламини заррадан коинот қадар ўзаро вобасталиги, бир-бири билан торғилиб туриши ҳақида айтган.

Мажму ёндашувни англиялик иқтисодчи олимлар Адам Смит ва Адам Фергустон, ундан кейин Чарлз Дарвин ҳам қўллаганини курса булади. Маълум бир мажму ёндашувни Ф.Энгельс асарларидан англаш мумкин. “Бутун табиат муайян парсалар орасидаги алоқадорликлардан иборат, нарса деганда биз, юлдузлардан тортиб атомгача тушунамиз”,<sup>13</sup> – деган экан Ф.Энгельс.

Бирок, XIX – XX аср олимлари нарса ва ходисаларга анъанавий тасниф беришдан нарига утолмадилар.

<sup>12</sup>Берталанфи Л., Общая теория систем – обзор проблем и результатов // Системные исследования. М., 1969, 39-бет.

<sup>13</sup>К. Маркс, Ф.Энгельс. Соч. т., 20, 392-бет.

**Факат XX асрнинг 50-йилларига келиб, ўрганилаётгаш обьектин ўнро функционал бөлгүүк булган бүлаклардан ташкил тошып бир бутунлик сифатида карайдыган булиши.**

Даставвал мажмулар назарияси ўз мақсадини жамийки нарса на ходисалар ҳамда уларни ташкил қылувчи қисмларда бирдай ишләйлиштап умумий тамойилларни аниқлашга қаратди. Техник мажмуларни моделлаштириши кибернетика ўз зиммасига олган бүлсө, ахборот берүүчү мажмуларни ўрганиш жараёнида информацион назария вужудга келди ва охирида ҳаммасини интеграциялаштирувчи умуммажмулар шигарияси шайло бўлди.

Объектив борлиқин чексиз кўп, содда ва мураккаб, катта ва кичик, жонли ва жонсиз, тикланувчи ва тикланмайдиган ва ҳоказо сифатларга на булган мажмулар сифатида идрок килиш шу фан таракқиётининг маҳсулидир. Нарса ва ходисаларга мажму сифатида ёндашин ривожлина бориб, қисқа муддат ичидаги ўзининг хусусий қонуннингларига, штама ва тушунчаларига оға бўла бошлади. Мажмулар шигарияси жуди ҳам тараккий этиб кетган назария булиб, ўз қонуннингларига, қонункоидаги ва категориал аппаратига ҳамда маҳсус фикр юритин усулини та.

Мажмулар назариясига тўлиқ асосланувчи биология, химия, олий математика, кибернетика, космология, космонавтика, робототехника каби илм-фан тармоқлари мавжуд. Мажмулар назариясидан дунёни апглаз ўсули сифатида фойдаланувчи фанлар кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу кунга келиб, муайян фаннинг таракқий отганилиги ва ҳар бир олимнинг стуклик даражаси, уларниң мажмулар назариясидан нақадар унумли фойдалана олишлариги билан белгиланмоқда.

Мажмулар назарияси (теория систем), мажмули ёндашув (системный подход) ва уларга тегишли булган тушунчалар Узбекистонга якин утмишда кириб келди. Бу тушунчалар Узбекистон олимлари томонидан ўзбекчага турлича талқин қилиниб, илмий жамоатчиллик орасида “мажмуали ёндашув”, “тизимли ёндашув” ва “мажмули ёндашув” деган атамалар билан қўлланиб келинмоқда. Илмдаги ғоят муроккаб ушбу ижтимоий воқеликни бу атамаларнинг ҳаммаси ҳам тўгри ифода этмайди.

Мажмуалар назарияси ва мажмуали ёндашув деган сўнг биринчи ларидаги “мажмуа” тушунчаси биз назарда туттган воқеликни мутлақо ифода этмайди. Чунки, “мажмуа” (эътибор беринг, “мажму” сўндин “а” ҳарфи бишан фарқланади) атамаси русчадаги “комплекс” деган тушунчани билдиради. Илм ва амалиётда бундай ёндашув ҳам яслида

мавжуд. Унда баъзи бир хусусият ва жихатлари масалан, ранги, шакли, товуши, ёши ва хоказолар ухшашлигига караб бирлантирилган нарса ва ходисалар йигиндисига айтилади. Улар үзаро зарурый, яъни функционал боғлиқ эмаслар.

“Тизимлар назарияси” ва “тизимли ёндашув” деган сўз биримлари, мажмунинг метрик талқинини ифодалайди холос. Ҳолбуки, мажмулар назариясида “тизим” тушунчаси тизимли мажму (линейная система) мазмунини бериб, мажмунинг минг туридан, бир турини ифодалайди холос.

Биз таклиф килган таърифда – **Мажму деганда, үзаро функционал алоқадорликда булиб, бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар бирикмаси тушунилади**. Функционал алоқадорликда бўлган деб, мажмуни ташкил қилувчи қисмларининг тадрижий ривожи патижасида уларнинг ички заруриятидан келиб чиқсан боғлиқликларга айтилади. Масалан, стол ўз қисмлари – оёклари, об ёралиф тахта, копқоқ тахталари билан функционал боғлиқликда. Бу мажму. Бир хил ранг ва фасондаги стол ва стуллар йигиндиси – мажмуа.

Ҳар қандай мажму икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топган бўлиб, айни вактда, узи ҳам узидан юкори погонадаги мажмуга қисм бўлиб киради. Унинг қисмлари ҳам бир погона пастдаги мажмулор ҳисобланиб, улар, ўз навбатида, бир неча қисмлардан иборат бўладишиар. Бу ходиса чекли ва чексиз давом этиши мумкин.

Мажмуга жонли бир мисол келтирадиган бўлсак, одамнинг кўзи бир бутунлик – мажму. У кўт олмаси, гавҳари, киприклар, қовоқ ва ҳоказо үзаро функционал боғлиқ бўлган бир неча қисмлардан ташкил топган. Кўз олмиси ёки киприги (исталган қисми), ўз навбатида мажму бўлиб, бир неча қисмлардан иборат. Кўзниң узи ҳам мустақил мажму бўла туриб, узидан бир погона юкори турган “юз” деган мажмуга қисм бўлиб киради. Юз эса бошнинг қисмидир ва ҳоказо. Ёки автомашинанинг гилдирагини олиб курадиган бўлсак, у бир бутун нарса – мажму бўлиб, үзаро функционал боғлиқ бўлган бир неча – диска, покришка ва камера деган қисмлардан, шу билан биргаликда, узи машинанинг бир бўлаги – қисмидир. Ижтимоий ҳодисалардан мисол келтирадиган бўлсак, “тўй” деган мажму бир бутунликни ташкил қилиши билан бирга, бир неча – тўй тарафдуди, тўйни боши, авжи ва охири деган үзаро функционал боғлиқ қисмлардан иборат. Бу қисмларнинг ҳар бири бир бутун мажму ҳисобланиб, ўз навбатида, бир неча қисмлардан ташкил топади. Шу билан биргаликда туйнинг ўзи миллий урф-одатлар ва ань-аналар деган ижтимоий ҳодисанинг бир бўлагидир ва ҳоказо. Ер юзи ҳамда Коинотдаги барча нарсалар – квантдан тортиб, самодаги Сомон

Пүшингича ҳамда барча ҳодисалар – оддий кайфиятдан то жағон урушынан Бұлғаннларга мажмуу сиғатида ёндашиш мүмкін.

Оқорида қайд қилинганидек, мажмуниташкил қилувчи қисмлар деб функцияг үзаро узвий, яғни функционал алоқадорликта булған қисмларга шарттылықлади. Чунки нарса ва ҳодисаларда функционал алоқадор булмаган бөлініктіліктер ҳам жуда күп. Ҳар қандай илмий тәдқиқотнинг вазифасы, үрганилаётган объектда ана шу функционал алоқадорлардың бөшіктер турдаги боғлиқлардан ажратыб беріш. Бу эса ҳар доим ҳам осоп көчмайди. Масалан, иккі киши орасыда “муҳаббат” деган мажмунининг мавжуд ёки йүқлигини аниклаш масаласини олсак. Ҳақиқий муҳаббат деганда, иккі шахс орасидаги бир-бирига зарурий интилиш, яғни функционал боғлиқлар борлығига айтілади. Зарурий деганда, бизнинг мисолда, бир-бирисиз ҳаёт кечира олмаслик даражасидаги интилиш тушунилади. Интилиш бұлғанда ҳам, иккі томонлама баробар күвіатдаги интилиш ҳақиқий муҳаббатны ташкил қиласы. Бир одамда бөшқасыга кучли интилиш бұлсаю, у интилаёттың одамда унга нисбеттің интилиш йүк ёки сүст дейлік, бу муҳаббат бұлл олмайди. Бу бир одамнинг бөшқасыга бұлған ошиклиги холос. Күриб турғанымиздек, бу осоп змас экан. Аммо уни маълум усуллар ёрдамиш аникласа бұлади. Муайян нарса ёки ҳодисанинг ҳақиқий мажмуу эканини аниклаш учун, мажмунни ташкил қилувчи қисмларидан бирининг хусусияттің үзгартырып күриш керак. Мажмулар назарияси бүйіча, мажмунни ташкил қилувчи қисмларидан бирининг хусусияти үзгарса, бөшқа қисмлар ҳамда бутун мажмунинг хусусияти ҳам қонуний равишда үзгаришта учраса, у функционал алоқадорлик дейилади. Мажмулар замон ва мақопда мавжуд булиб, вакт үтиши ёки макон үзгариши билан мажмунинң баъзи бир хусусиятлары ҳам үзгәради. Мажмуларнинг ҳар бири факат үзиге хос хусусиятларға зға булиб, бир-биридан шу хусусиятлар йығындиси билан ажралиб туради. Мажмунинг хусусияти факат бөшқа мажмулар билан алоқаларда намоён бұлади. Алоқадорлик деб, мажмуу хусусияттіни пайдо қилувчи узвийликка айтілади. Боғлиқлар өса, факат уларнинг намоён булишидір. Ҳар қандай боғлиқлар замирида алоқадорлик ётавермайди. Яңғы хусусиятни яратувчи алоқадорлик функция дейилади. Функциялар орқали мажмулар холати аникланади. Мажмуу холатининг кетма-кет намоён булиши жараён дейилади.

Мажмуу, уни ташкил қилувчи қисмлар факат үз погонасидаги, яғни мажмуу ичидаги мажмучалар орасидаги алоқадорларда намоён бұлади. Бир мажмунинң ташкил қилувчи қисмларининг бироргаси үз погонасидаги мажмуу қисмлари билан баробар бөшқа погонадаги мажмуу қисмлари билан алоқадорликта бұлса, у бир вактнинг үзіда,

ўзининг мажмун билан бир категорда, бошқа мажмунни ташкил қилишда иштирок этган булади. Чунки, ҳар қандай мажму асосини алокадорлик ташкил қиласди. Алокадорликлар нарса ва ҳодисаларнинг табиий тадрижидан келиб чиқиб, киши ихтиёридан ташқарида мавжуддир.

Субъектив, яъни инсон ҳоҳиш-истаги натижасида келиб чиқкан ва киши тасаввурида намоён буладиган сунъий алокадорликлар ҳам мавжуд. Бундай алокадорликлар антропоген алокадорликлар дейишиб, уларга асосланниб шаклланган мажму сунъий булади. Сунъий алокадорликлар объектив конуниятлардан келиб чиқиб, жараён тадрижининг ички заруриятидан пайдо қилинган бўлса, улар амалиётди ҳақиқий мажмуга айланадилар. Ҳар қандай оддий машина ва иморатдан тортиб мураккаб харакатларни бажарувчи робот ва космик кемалар ҳам бунга мисол бўла олади. Аксинча, сунъий алокадорликлар асосида яратилган нарса ва ҳодисалар объектив конуниятларга зид ҳолда шаклланган бўлса, улар амалиётда ўз тасдигини топа олмай, инсон тафаккурида хаёлий нарса ёки ҳодиса булиб қолаверади. У мажбурий равишда амалга оширилса, муваффакиятсизликка учрайди. Бунга, битганда кулиб тушган иншоот ёки хаёлий гояларга асосланган, амалда нурабектган социализм жамиятини мисол килиб кўрсатиш мумкин.

Мажмулар назарияси (теория систем) буйича, ҳар қандай мажму, ўзидан юкори погонада турган мажмуга субстанция вазифасини ўтаб, шу вақтининг ўзида, ўзидан бир погона пастда турган мажмулар унга нисбатан субстанция вазифасини бажарадилар ва ҳоказо. Техник, яъни ёпик мажмуларда бу ҳодиса чекли, табиий, яъни очик мажмуларда у чексиз булади. Мажмуларни бир-биридан ажратиб турадиган нарса, уларниң хусусиятларидир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда фалсафада атрибут (нарса ва ҳодисаларнинг ажралмас унсури) деган тушунча келиб чиқкан. Атрибут – муайян нарсанинг ажралмас унсури сифатида намоён булиб, унинг хусусиятларини ифода этади.

Ҳар бир ишда мажмулар назариясидан келиб чиқин, биринчидан, ишни бир неча ўн баробар осонлаштиради, баъзи мураккаб ишларда, масалан, кибернетика ва космонавтика мажмулар назариясини ҳалламай туриб, ўша ишни бажариб ҳам бўлмайди; иккинчидан, ҳар қандай фаолиятни тўғри амалга ошириш гарови булиб хизмат қиласди; учинчидан, муайян нарса ва ҳодисани бошқаларга тушунириши осонлаштиради ҳамда бериладиган билимни тез тушунириб, тез узлаштириб, эса узок саклаб туритга хизмат қиласди. Чунки инсон оғиз ва тафаккури, унинг тарихий ривожланиши жараёнида мажмулар назарияси конуниятларига мос равишда шаклланган. Аслида, мажмулар назарияси инсон оғиз табиий фаолиятидан олнигани.

Биринчи бор, бутун борлик катта-кичик мажмулардан иборат деган фикрни шатиялил файласуф Зенон (м. ав. 490 – 430) айтиб кетган. У айтиши, бутун парса бўлингач, кўплаб бирликларга эга бўламиз. Бу бирликларниг ҳар бири, ўз шавбатида, бирликларга бўлишади. Бу жириёни чексиз давом этаверади<sup>14</sup>. Шу фикрга яқин фикрни қадимги юнон файласуфи Марк Аврелий Антоний айтиган: “Ҳамма парса бирлигига чатишниб кетсан. Ҳамма ерда илоҳий узвийлик мавжуд. Ўарча парсалар умумий тартиб-коидалар асосида бирлашиб, айтиши бир оламини безашга хизмат қилади”<sup>15</sup>. Бу икки аллома олим фикрларидан бутун дунё чексиз, ўзаро узвий болик бўлган бутунлик, шини мажмулардан ташкил толғанини англаса бўлади. Бироқ, оламни иктиёрий гоҳо нотўғри англашимиз натижасида, табиатдан берилган мажму ёндашув тафаккуридан ажралиб қолганмиз. **Узлигимизга, шини табиий моҳиятимизга қайтиш учун мажмулар назариясини үрганишимиз шарт.**

Мажмулар ўз асослари, яъни функционал алоқадорликлар проекция (*фазовий шакларниң тикислекдаги тасвири – чизига*) сининг шаклига қараб, қўйидаги турухларга ажralади:

- **тартибли ва тартибсиз.** Муайян дарахтнинг битта баргини тузишини ёки арифметик ракамлар тартибли, баргарнинг дарахт шохларида жойлашиши тартибсиз мажмуга мисол;
- **тезликка эга ва суст,** масалан, жонли парсалар тезликка эга, тогу тоғи суст мажмулардир;
- **икки қарама-карши ва кўп томонлама** – масалан, дарё икки қарама-карши томонли, яъни тизимли мажму, кўл эса кўп томонлама мажму;
- **нуктавий ва тизимли** – бир хужайраги микроорганизмлар нуктавийга, дарё, йўл, рақамлар тартиби тизимлиликка мисол бўлади;
- **тикланувчи ва тикланмайдиган** мажмулар – доим аввалги холатига қайтиб келувчи: кеча-кундуз, фасллар, киши кайфияти ва хоказо тикланувчи, вакт, умр эса тикланмайдиган мажмуларга мисолдир;
- **оддий ва мураккаб** – водород, кислород, тоза сув, софт темир, софт олтин ва бошқалар оддийга, жинслар. Эритмалар, қотишма ва жонзотлар мураккабларга киради;
- **марказлашган ва марказлашмаган** – агар мажму қисмлари орасидаги алоқадорлик векторларининг ҳаммаси бир асосий қисмда

<sup>14</sup>Ҳакикат манзаралари: 96 мумтоз файласуф. Т., “Яиги аср авлоди” панриёти. 2002. 49-бет.

<sup>15</sup>Ўша маинба. 174-бет.

кессинса, унда мажму марказлашган булади. Мисол учун Шарқда оиласындағи ҳамма ишлар ота билан бөглиқ, у билан барча оила аъзолари бөгликликтә, у оила деган мажмупинг марказида. Шунинг учун бу мажму марказлашган хисобланади. Мажмудаги қисмлар тенг ҳукукқа әзге булиб, бир-бири билан бошқа қисмлар оркалы змас. түгридан-түгри бөгликликтә бұлса, ундай мажму марказлашмаган дейилади. Мисол учун, улфатлар, кимёвий унсурлар ва ҳоказо.

- бир ва күп погонали – қамиш, жүхори пояси, қаватли үйлар, давлат курилмаси күп погоналига мисол, оила бир погонали мажмудир.

**Яна мажмулар ҳолатига қараб түрхұлтарта ажратылади:**

- бирламчи мажму муайян хусусиятга азалдан әзге бўлганда, иккиминчичи – у мажму булиб шакллангандан кейин муайян хусусиятга әзге бўлганда;

- тугалланған ва тугалланмаган мажмулар – тугаллангани ўзига янги қисмларни қўшилишига йўл қўймайди, тугалланмагани бунга йўл қўяди;

- иммопент ва иммопентсиз мажмулар – биринчиси – факт үзини ташкил қилувчи қисмлар билан узвий алоқадорликда, иккинчиси – шу билан биргаликда бошқа мажмулар қисмлари билан ҳам алоқадорликда булишта йўл қўяди;

- минимал мажмулар – үзини ташкил қилувчи қисмларининг биронтаси йўқ бўлганда үзи ҳам йўқ бўлади;

- тургун ва тургун бўлмаган мажмулар – тузилишига ўзгаришлар киритилганда ўзгариб кетадиганлари тургун хисобланмайди, қолгалари тургун мажмулардир;

- кучли ва кучсиз мажмулар, кучли мажму деб таркибига киравчи қисмлар хусусияти ўзгарган тақдирда мажму ўзгармай қолаверишига айтилади. Кучсиз мажму, таркибига киравчи қисмлар хусусияти ўзгариши билан үзи ҳам ўзгариб кетади;

- гомоген ва гетероген мажмулар, гомоген деб бир хил хусусиятли қисмлардан иборат мажмуларга айтилади, гетероген ҳар турли хусусиятларга әзге қисмлардан иборат мажму хисобланади;

- қайтарылиб турувчи ва қайтарылмайдиган турлари ҳам мавжуд, уларниң биринчиси – бир қонуният асосида ўзгариб яна аввалги ҳолатига қайтади, иккинчиси – тиімай ўзгариб аввалги ҳолатига ҳеч қайтиб келмайди;

- қадрыли ва қадресиз мажмулар, биринчисининг ташкил қилувчи қисмлари ҳар бирининг бошқа қисмлар билан алоқадорлиги иккитаңдан ошмайди, иккинчи туриники ошади;

- чала ва тұлық мажмулар, чала мажмуда алоқадорликда турған объектлар билан уларнинг ҳамма хусусиятлари орасида узвий алоқалар

Үрнәтилгән бүлмайди, түлиқ мажмуда унинг акси – алоқадорликда бүткін объекттерининг хамма хусусиятлари орасыда узвий алоқалар үрнәтилішін булади;

- вариатив ва вариативсиз мажмулар – вариатив деб, алоқадорлық фикат мұайян мажмунни ташкил қылувчи қисемлари орасыда мавжуд бүлмай, бошқа мажмулар кисемлари билан ҳам алоқалар үрнәтишга йүл құядиган мажмуларға айтилади, вариативсиз деб бошқа мажмуларнинг кисемлари билан алоқадорликка йүл қўймайдиган мажмуларға айтилади.

**Яңа мажмулар очик ва ёпик деган турларга булишади.** Очик мажмулар үзига ахборотларни қабул қилиб, үзидан уларларни чикариб туралди. Буларга мисол қилиб, барча табиий ва ижтимоий мажмуларни көлтирса булади. Масалан, үсімліклар ҳамда ҳайвонот дүнәсі өки одам ва унинг жамоаси. Улар доимо ривожланиб, тарақкий этиб, үзгәриб туралди. Шунинг учун доимо ташки мұхит билдіргендегі иномда алмашиниб туралди. Ижтимоий жарагашылар ҳам бунта мисол булади. Ёпик мажмулар үзига ахборот қабул қылмайды на узидан ахборотни чиқармайды. Техник өки антропоген деб номланған мажмуларни бунга мисол қилиб күрсатиш мүмкін. Уларнинг биронта унсурини олиб ташлаш өки бошқа, унга ёд унсурни киритиш мүмкін емес.

**Мажмулар назарияси буйнча, мажмулар проекция (фазовий шакларнинг текисликтеги пласири – ышмы) сини қозғ өтүп доскасыда, өт мәтода өки компьютерде ифодалашда очик, яғни табиий ва ижтимоий мажмулар доира өки зепе шаклида ёпик, яғни антропоген деб ҳиссоланған техник мажмулар уч бурчак, түрт бурчак, күп бурчак шаклларыда ифодаланадилар.**

Бу ерда биз, үкув күлланманинг олдига қўйилгап мәксаддан келиб чиқыб, мажмулар назариясидан фақат бир шингил көлтирдик холос.

Аслида, мажмулар назарияси жуда мураккаб ва яхши тарақкий этган назарий билимлар мажмуудир. Уни згаллаган одам, ҳар қандай ишни түгри ва тез амалға ошира олади. Баъзи илм-фан тармоқлари мажмулар назариясидан айри ҳолда үз фаолиятларини амалға ошира олмайдилар ҳам. Масалан, косманавтика, ахборот-коммуникация илм-фани, шу жумладан компьютер илми ва ҳоказо.

Мажмулар назариясидан фойдаланадиган фан тармоқлари ҳамда унга амал қыладиган олимлар замон талабига жавоб бередиган фан на мутахассислар булиб ҳисобланадилар.

**Ушбу мавзуу буйнча назорат саволлари:** 1. Санод деб шимшата айттади? 2. Тил саводи қандай савод? 3. Қасбий савод деганда нимани түшүннәмис? 4. Фалсафий савод нима учун керак? 5. Абстракт гафискүр қандай? 6. Аксиология нимани урганади? 7. Диалектика сүни нима-

ни аинглатади? 8. Диалектиканиң асосий қонунлари? 9. Рухий таҳлил фалсафасининг асосчиси ким? 10. Фалсафанинг замонавий таърифи? 11. Дүнёни янгича қандай тушуниш мумкин? 12. Квант назариясини тушунтириши? 13. Мажмулар назарияси қачон ва нима сабабдан пайдо бўлган? 14. Мажму ёндашувнинг асосий қоидалари қайсилар? 15. Мажму деганда нимани тушунамиз? 16. Функционал алоқадорлик нимани аинглатади? 17. Мажмулар ўз проекция асосларидан келиб чикиб нечта гурӯхга ажралади? 18. Мажму ёндашувга амал килувчи олим ва мутахассислар қанда мутахассислар дейилади?

## 2.2. Педагогикада қулланиладиган фалсафа категориялари

Киши маънавияти ва бутун ижтимоий моҳиятининг бирламчи асосини билим ташкил қилинлиги айтилди. Билим ўзи нима? – деган савол пайдо булиши табиий. Бу саволга мажмулар назариясидан келиб чикиб, қуйидаги қисқача жавобни бериш мумкин.

Билим – бу бир бутунликни, яъни мажмуни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги зарурий алоқадорликдир. Бу алоқадорлик, нарса ва ходисанинг тадрижий ривожи жараёнида, уни ташкил қилувчи қисмлар ривожининг ички заруриятидан келиб чиқади. У нарса ва ходисаларининг табиатидан пайдо булиб, бизнинг ихтиёrimиздан ташкарида мавжуд. Шунинг учун ҳам, у қонуният деб юритилади. Ҳаётда кун маротаба ўз тасдиғини толған қонуният қонун мақомига эга бўлади. Шунинг учун қонуният ва қонун синоним сўзлар хисобланади. Бу ерда бир бутунлик, яъни мажму деганда, алоҳида олинтан квантдан тортиб, Ёр шари ёки бутун Коинотни ҳам тушуниш мумкин. Инсон вужуди ёки унинг бир аъзоси – юз, куз, кулок, оёқ ва бошқаларни; бирон-бир машина ёки унинг қисмлари гайка, шайба, дунгалак, дудкарлай ҳам бир бутунлик – мажму бўлини мумкин эканини ҳам биламиз. Унга ижтимоий ходиса – муҳаббат, нафрат, газаб, шафқат ва хоказолар ҳам мисол бўла олали. Ҳар қандай бутунлик, албатта бир неча қисмлардан ташкил топган бўлади. Буни объектив борликка мажму ёндашув назариясидан биламиз.

Мана шу бутунликни бутун килиб турган нарса, унинг қисмлари орасидаги функционал (зарурий) алоқадорликдир. Бу алоқадорлик бўлмаса уша нарса ёки ходиса бутун булиб туролмайди. Зоро, мавжуд булмайди. Ўқитувчи, домла ёки бошка бир киши сизга билим берётганида, бирон-бир нарса ва ходисани тушунтираётганида уни бутун килиб турган алоқадорликларни сизга кўрсатиб беради. Масалан, тарих ўқитувчиси бир давлатнинг муайян бир даврдаги тарихини сизга

түшунтиримоқда. Шунда у, шу мамлакатнинг жойлашган ўрни, унинг табиий шароити, у ердаги халқлар маданияти, табиий шароит ва маданийдан келиб чиқиб, шу давлатда устивор хўжалик юритиш турларига химди давлат бошқарув тизимини бирма-бир тавсифлагач, улар оравидиги узвий алоқадорликни кўрсатиб беради. Чунки булар “мамлакат” деб номланган бир бутун ижтимоий ҳодисанинг моддий ва маънавий, қисмлариидир. Улар орасидаги функционал алоқадорлик қонуний равишда мавжуд булиб, уни билган киши, шу давлат тўгрисидаги билимга эга булади. Ёки бошқа мисолни олиб кўрайлик: химия ўқитувчиси, унининг дарсида, бир бутун нарса булиб хисобланган сув ( $H_2O$ )ни синги тушунтиримоқда. Шунда у сув табиий равишда аралашган моддици бўлиб, ички кимёвий тузулиши бўйича, икки унсур “водород” ва “кислород”ларнинг ўзаро зарурий бирикмасидан ташкил топган деб тушунтиради. Уларни ўзаро зарурий бириктириб турган нарса улар орасидаги зарурий алоқадорликдир. Шуларни билсангиз сувнинг кимёвий тузулишини биласиз. Яъни сув тўгрисида кимёвий билимга эга буласиз.

Билим – нарса ва ҳодисаларнинг ички заруриятидан келиб чиқиб, бизга қонуният, қонун, қоида, хусусият, тушунча, таъриф шаклида унни намоён килади. Айтилганлардан келиб чиқиб, билим деган тушунчага куйидаги таърифни берамиз.

**Нарса ва ҳодисаларда хусусият сифатида намоён бўлувчи, уларнинг қисмлари орасидаги зарурий алоқадорликнинг киши тафаккурилдаги ишъякоси билим дейилади.**

Билиш жараёни ақлий сафарбарлик орқали тафаккур ва тасаввур фаолияти натижасида содир булади. Ҳар кандай амалий ҳаракатни бошламасдан олдин, бу ҳаракатнинг кечиш қонуниятини, яъни билимини эталлаб олиш шарт. Акс ҳолда киши уйлаган мақсадига етолмайди. Тафаккур фаолияти фикр юритиш ва тасаввур килиш жараёни натижасида амалга ошади.

Фикрий жараённинг икки асосий тури мавжуд. Бири рационал тафаккур фаолияти; иккинчиси – муроқаба (ички туйгулар) ёрдамида фикр юритиш. Биринчиси объектив борлиқнинг хусусий томонини ҳискалса, иккинчиси тўлқин жабҳаси билан боғлиқ.

**Рационал тафаккур мияннинг чап ярим шарида амалга оширилиб, нарса ва ҳодисларнинг хусусиятларини ифода этади. Кундалик ҳаётимизнинг кўп қисмида, биз айнан шундай тафаккурдан фойдаланамиз. Бундай тафаккур ёрдамида биз бадиий китоб ўқиймиз, телевизор кўрамиз, уй юмушларини бажарамиз, тижорат билан шугууланамиз. Бунда киши нарса ва ҳодисларнинг хусусий томонларини қисма-қисм**

хис қилиб, уларни бир-бирига рационал болграб туриб англайди. Тасаввұф таълимотида бундай билиш сұнна ёки ибрат босқичи деб юритилади. Бу босқичда киши сезги аъзолари орқали хис қылған нарса ва ҳодисаларни тафаккурда акс эттириб, билим әгаллайди. Бу билимларни у ҳаётга тәқлид қилиш орқали құллайди. Бундай жараёнда киши әгаллаб олган билимларини эслаб қолиб, уларни механик равишда ба жаради, яғни ибрат орқали амалга оширади. Бу йүл билан әгалланған билим асотир билим дейилади.

Муроқаба ёрдамида фикр юритиш, асосан, миянинг үнг ярим шарыда амалга оширилиб, объектив борлық тұлқинининг хис килади. Бундай тафаккур орқали инсон тасаввур кила олади, хиссиётта берилади, ният ва ижод килади, завқланади, илмий адабиётларни үқыйди, илм билан шүгүлланади. Бу турдаги тафаккур ёрдамида инсон объектив борлықни бир бутунлик – мажмуу сифатида anglab, шу бутунликни ташкил қылувчи қисмлар орасидаги зарурий алоқадорликни хис кила олади. Бунда инсоннинг мантикий тафаккури билан биргалик да тасаввури ҳам фаол қатнашиб, унда үзи англаб еттан билимларни бошқаларга маълум қилиш иштиёқи пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам тасаввұфда бундай билимлар илмий билим, бу босқич эса маърифат босқичи дейилади.

Шундай қилиб, әңг оддий нарсалар устида фикр юритганимизда ҳам, миянинг иккала ярим шари ишга тушади ва ҳар бир нарса ва ҳодисаларнинг авының рационал тафаккуримиз билан хис этиб, сұнг тасаввур орқали уннан мөхиятига етиб борамиз. Нарса ва ҳодисаларнинг мөхиятини тушупиб етиш учун анчагина ақлий қувват сарфланиб, музайян вакт зарур бўлади.

Миянинг кок үргасида диагонал бўйлаб жойлашган текисликда рационал ва муроқаба тафаккурлар кесишади. Бу икки тафаккур үзаро узвий бөглиқ булиб, барча ўй-фикрлар ана шу текисликда кечади.

Миянинг чап ярим шари тананинг үнг томонини назорат қилиб турса, үнг ярим шари чап томон фаолиятини кузатиб туради. Шунинг учун ҳам әңг кучли ҳис-туйғулардан ҳисобланған севги миянинг үнг ярим шарыда пайдо бўлиб, чап томондаги юракни безовда қилади. Шу боис ҳам биз үнг қўл билан ёзамиз, чунки бу рационал харакат булиб, миянинг чап ярим шари томонидан бошқарилади. Юқорида айтилғанлар шу замон рухиятшунослик илм-фанининг тадқикот натижаларидир.

Қадимги юнон файласуфи Демокрит (м. ав. 460 – 360) куйидаги фикрни башорат қилиб айтиб кетган: “Билишнинг икки күриниши мав-

шуд. Уларнинг бир туйғулар воситасида билиш, иккинчиси тафаккур шаш билишидир”<sup>16</sup>.

Киорида келгирилган тафаккурнинг икки тури орқали билим эгалдан ташкари, тасаввуф таълимотида унинг учинчи тури мавжуд япни исботланган. Бу урфон ёки тасаввуф босқичи дейилди, унда билим эгаллаш учун рух сафарбар этилади. Яъни ички ҳиссийтни шина солиб, илхом орқали билим аниқланади. Бундай билим ботишни билим дейилади.

Тасаввуф таълимотининг таъкидлашича, инсон Коинот хожаси бўлган Ҳак таолонинг фаолият маҳсули булиб, вужудида табиат ва жамиятдаги бор бўлган жами билимлар мужассамланган. Нимаики тилмокчи бўлсанг, ўзингга, яъни руҳингга мурожаат кил, дейилади тасаввуфда. Мутасаввуф шоир айтганидек:

Бир сават ширмой нон турар бошингда,  
Тилайсан бирордан бурла нон исчун?  
Кишилар эшигин тақиллатгунча,  
Қоқсанг-чи, эй нодон, дилинг эшигин!

Бу босқичда билимни эгаллаш усуллари рух фаолияти билан чамбарчас боғлиқ булиб, маҳсус руҳий машқларни, шу жумлада, Илохий китоблар оятларини қайта-қайта тақрорлаш (зикр қилиш) орқали рух мақсад сари сафарбар қилинади.

Хозирги замонининг илм ахли ҳам бундай билим топиш тури бор эканлигини зътироф этмоқдалар. Аммо унинг замонавий усул ва услубларини, яъни тарикатини ҳали ишлаб чиқишигани йўқ. Ургағ асъда Марказий Осиёда сўфийлар бунинг бир қатор тарикат (методика)ларини ишлаб чиққанлар. Сўфий, шайх ва валилар ботиний билимдан башорат қилишда ҳамда табиат кучларидан ҳалқ манғаатлари йўлнида унумли фойдаланиб келганлар. Буюар: Бобо Фараж, Нажмиддин Кубро, Ахмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Матрудий, Маҳдум Аъзам Даҳбедий ва бошқалар.

Кишилинг маълум бир мақсад сари қилған харакати фаолият дейилса, ҳар кандай фаолиятнинг пировард мақсади шахсий ё жамоа ёхул бутун жамиятнинг кандайдир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган булади.

<sup>16</sup>Ҳақиқат мезонлари: 96 мумтоуз файласуфлар. Т., “Язги яср шилоди” панорама. 2002. 68-бет.

Жамиятнинг турли-туман эҳтиёжларидан энг асосийларидан бир шибилимга бўлган эҳтиёждир. Бунинг боиси қуидагилардан иборат:

Биринчидан соғлом инсон мияси табиий ҳолатда тинмай билим олиш эҳтиёжини сезиб турди. У мия ҳаёти мавжудлигининг шароитидир. Тирик жон қимирлаши шарт бўлгани каби, тирик мянинг ҳам, фикр юритмай иложи йўқ. “Билим инсон онги ва руҳининг озуқасидир”, деган гап бор. Гегелининг айтишича, энг жиддий эҳтиёж ҳақиқатни билишга бўлган эҳтиёж саналади<sup>17</sup>. Атрофимизни ўраб турган табиат ва ижтимоий ҳаёт жумбоклар билан тұла. Бу жумбоқларни ечишга интилиш, уларни бир бутун қилиб турган, кисмлари орасидаги зарурий алокадорликни, яъни ҳақиқатни англаш, инсон зотининг зарурий эҳтиёжларидан биридир. “Ҳақиқат олий шарофатдир”, дейилган “Авестода”. Зотан ҳақиқат – билим буюк мұъжиза. Ҳақиқат адолатга, шарофатга әлтадиган буюк қудрат. Ана шу қудратта эришиш одамнинг доимий эҳтиёжидир.

“Ашаҳ (тўгрилик), яъни ҳақиқат энг гүзал ва фаровонлик моясидир. Дуруст амалли, энг яхши хошиш – бу Ашаҳ – Ҳақиқат” – дейилган Авестода<sup>18</sup>.

Иккинчидан, ҳар қандай одам руҳий хотиржамлиги тұррисида қайғуради. Руҳий хотиржамликни эса фактат билим бера олади. Беҳуда хавотирлапиш ва рух нотинчлиги кишилининг билимсизлиги ёки билмай қилиб кўйган гуноҳлари ҳисобига булиши мумкин. Билими ошган сайин инсон тафаккури көнтаяди. Көнтайган тафаккурға дунё кенг туюлади, тор тафаккурда, у тор булиб, руҳининг безовта булишига сабаб бўлади. Дунё кўзинга тор булиб туюлгандан ортиқ баҳтсизлик бўлмаса керак.

Авестода таъкидланганидек, одамлар қалбидаги эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик туйғуларининг ўзаро қурашида яхшилик тантанаси ва эзгулик ғолиблигини таъминлашга одамларда маънавий қудрат, ижобий рағбат ва руҳий даъваткорлик вазифасини үтайдиган нарса – бу билим, яъни ҳақиқатдир.

Янги юз йиллик ва янги минг йилликнинг дастлабки пайтларида яшаётган бир вактимизда ҳаёт, келажак биздан комилликни, инсон сифатидаги етукликтини, одамий баркамолликни талаб этмоқда.

Янги юз йиллик тараққиётида бутун инсоният тарихида янги давр, янги эра бошланган бир пайтда цивилизациянинг мухим омили сифатида ақл-идрок, бой тафаккур, терапия фикр, маънавий-ахлоқий поклоник

<sup>17</sup>Тегель. Соч. Том I. Госиздат, 1930. с 14.

<sup>18</sup>Авесто. “Шарқ”. Т., 2001. 298-бет.

иң руҳий хотиржамлик катта аҳамият касб этаётганлиги ҳаммага асн  
булшин лозим.

Хик таоло биринчи бор ўз Расулига мурожаат қилиб: (“Эй  
Мұхиммад, барча мавжудодни) яратған зот бұлмиш Парвардигор-  
шының номи билан (бошлаб) үқинг”<sup>19</sup> – дейди. Бу сурада Аллоҳ ана  
шүндій марҳамат қиласы: “Уқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (ин-  
соннан) қаламни (яъни ёзишни) ўргаттан ута карамли зотдир. У зот  
инсонға унинг билмаган нарсаларини ўргатди”<sup>20</sup>. Демак, Яратганның  
мұжиласи билимдан, үкиш ва ўрганишдан бошланған.

Учичидан, фақат билими зиёда инсонғана рухан тетик ва иймони  
мустахкам бұлади. Иймони мустахкам одам баҳтли ҳисобланади. Баҳт-  
ты зеп, ҳамма интилади.

Юкорида билим әгаллашнинг аҳамияти ташкилий нұқтаи назардан  
түхлил қилиб чиқылди. Энди билим әгаллаш жараёнини инсон онғи,  
амалий ҳаракати ва руҳида содир қиладиган үзгаришлар нұқтаи начар-  
дан ўрганишга ҳаракат қиласын.

**Эхтиёж.** Инсон тирик мавжудод бұлғанлиги туғайли у үзини био-  
логик тур сифатида ва ижтимоий мавжудолигини сақтап колиши учун  
түнмай ҳаракат қилиши шарт. Кишини ҳаракатта көлтирувчи күч, ун-  
деги доимо пайдо буладиган эхтиёжлардир. Одамда пайдо бүледиган  
эхтиёжни қаноатлантириш учун, киши унга эришишни мақсад қилиб  
олышы талаб қилинади.

**Мулоҳаза.** Инсон, эхтиёжини мақсадға айлантириш жараёни-  
да, қиладиган ҳаракатини мулоҳаза юритишдан бошлайди. Инсонда  
не-не эхтиёжлар пайдо булмайды дейсиз. Уларнинг күпі яхши ният,  
яъни эхтиёж босқичида қолиб кетади. Аммо баъзи бир эхтиёжлар  
одам руҳида үзини түнмай намоён қилаверінің натижасыда киши Бу  
эхтиёжни қондириш ёки қондирмаслик устида үйлаб қолади. Кейин бу  
эхтиёжни қондириш шарт ёки шарт әмаслиги тұғрисида бир фикрга ке-  
лади. Қондиришга қарор килса, эхтиёж мақсадға айланған ҳисобланади  
ва амалий ҳаракат томон силжиш пайдо бұлади. Қондирмасликка қарор  
қилинса, эхтиёж үз босқичида қолиб кетаверади.

Инсон фаолиятидаги мұлоҳаза босқичи деб, тафаккурнан  
киши руҳида пайдо буладиган табиий ва ижтимоий эхтиёжлар усти-  
да фикр юритиб, уларни қондириш ёки қондирмаслик тұғрисида ҳукм  
ниқарыб, эхтиёжни мақсадға айлантириб берадиган фаолияттың иштеп-  
ди.

<sup>19</sup>Куръони карим. 96-сурә, 1-оят.

<sup>20</sup>Куръони карим. 96-сурә, 3-, 4-, 5- ояттар.

Эҳтиёж мақсадга айланганидан кейин киши бу мақсадга етиш йўлларини излайди ва тасаввури ёрдамида буни ижро этишининг тахминий режасини гузади.

**Гипотеза.** Нарса ёки ходисага етишиши бўйича иисон томонидан мақсад қилиб кўйилган, аммо ҳали илмий асосланмаган бўлса-да, мантиқан боғлиқ чора-тадбирларнинг хомаки режаси тахмин (гипотеза) дейилади.

Тахминий режатузилганидан кейин, уни илмий асослашга ўтилади. Яъни мақсадга етишишда кўлланадиган ҳар бир чора-тадбир шу соҳа илм-фани ва амалиётидаги мавжуд булган бокий қонуниятлар билан исботланади. Исботлаш жараённида кўп тахминий тадбирлар исботланмай чиқариб юборилади ва ўрнига янгилари киритилади ва ҳоказо. Тахминий режани илмий асослаш жараённида барча қонуниятлар ва омилларни хисобга олиш зарур. Акс ҳолда киши мақсадига ета олмайди.

**Концепция.** Мақсадга етишишнинг хомаки режасини мазкур соҳада мавжуд қонуниятлар билан асослаб берилган босқичи концепция ёки илмий асосланган тахмин дейилади.

Тахмин илмий асосланиб, концепцияга айланадиганда уз босқичида қолиб кетиши ёки хомаки тахминни баъзи ўринлари тасдик топиб, баъзи ўринлари инкор килиниш йўли билан концепцияга айланади. Хомаки тахминнинг ҳамма ўринлари юз фойиз концепция босқичига ўтмайди.

**Амалиёт.** Илмий асосланиб, маъромига етказилган тахмин концепцияга айланди, дейлик. Ҳар қандай илмий асосланган тахминни, яъни концепцияни тўғри эканини билиш учун уни амалда синаб кўриш талаб килинади. Мақсадга етишишнинг илмий асосланган тахминий режа(концепция)сини амалда синаб кўриш та жри бадейилади.

Режа, яъни концепция канчалик илмий асосланган булишига қарамай, тажрибада утмаслиги мумкин. Бундай ҳолда ҳамма жараён бошидан қайтарилади. Яна бошқача тахмин килинади ва ҳоказо. Кейинги фикрлар ҳам тажрибада уз тасдигини топмаса, жараён яна қайтарилади ёки мулоҳаза босқичига қайтиб, мақсаддан воз кечилади. Чунки тажриба хақиқат мезонидир. Фақат тажриба синовидан ўтган ва таърифи маромига етган билим ёки билимлар мажмуи тўғри деб хисобланади ва шу соҳа фани ёки амалиёти назариясини бойитади.

**Назария.** Тафаккур юритишнинг барча босқичларидан ўтган ва амалиётда синаб кўрилиб, таърифлари маромига етган билимлар мажмуи назария дейилади.

**Таълимот.** Йугатларда “таълимот” тушунчасига куйидаги таърифшір берилган:

- йирик мутафаккир ёки аллома олимнинг муайян масала ёки ижтимоий түгрисидаги қарашлари, билимлар тизими;
- объектив боршкдаги муайян ҳодиса түгрисидаги назарий билимшар тизими;
- фан соҳалари, ижтимоий ҳаёт, жамият ва шу кабилар ҳакидаги шимий қарашлар, назарий холосалар мажмуи;
- кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатиш;
- муайян соҳадаги ҳаракатларнинг асосий тамойиллар йигиндиси.

Келтирилган таърифларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, биринчиуни, барча таърифларда таълимот муайян бир масала устидаги билимлар мажмуи эканини аниқлаймиз. Иккинчидан, бу билимлар илмий асосланган бўлиши ёки йирик аллома олимнинг ботиний билимларидан фойдаланиб килган холосавий қарашлари ҳам бўлиши мумкинлигини кўриб турибмиз. Учинчидан, маълум бир соҳада тўпландиган билимлар асосида килинадиган ҳаракатларнинг тамойиллар йигиндиси эканини, уларни кўрсатма, йўл-йўриқ сифатида қабул қилиш лозимлигидан ҳам англадик.

Холоса қилиб, “таълимот” тушунчасига биз тузган куйидаги умумлашган таърифни беринг мумкин:

**Таълимот,** бу маълум бир масала счими устидаги, пайғамбар, ишлайё ёки йирик мутафаккир олимларнинг ботиний билимларига асосланган ёки муайян фандаги қонуниятлар билан исботланиган, аммо амалиётда синаб кўрилмаган шу соҳада фаолият кўрсатувчиларга кўрсатма, йўл-йўриқ вазифасини ўтайдиган билимлар мажмунидир. Бошқача қилиб айтганида, у бир неча концептуал фикрларни ўзаро мантиқи боғлаб туриб, маълум бир ўзгу массадга йоналтирилган гойлар мажмуи. Амалиётда синаб кўрилгач, у назария мақомига эга бўлади.

Таълимотга мисол тарикасида, қадимда утган буюк шахслар Сулеймон, Мусо, Ийсо ва Мухаммад (сав) пайғамбарларнинг айттин сўзларини олсак булади. Улар ўзларининг ноёб иктидорлари билан гойибдан келган хабарни ботиний билимларидан ўтказиб, ўз таълимотларини яратиб кетганлар. Улардан кейинги авлодлар, то шу кунгачи, бу таълимотларни ҳаётга татбик қилиб, уларни назарияга айлантириб келмоқдалар. Уларнинг таълимотидан озукланиб қанчадан-кинчи ишмий-назарий оқимлар келиб чиқди. Буларга исломдаги Имоми Абдуллам, Имом Шофий, Имом Фаззолий, Ахмад Яссавий, Баҳоудурин Накибий

ва бошқаларининг илмий-назарий йуналишларини мисол келтирса булади. Илм-фаи соҳасида ҳам бундай мисоллар жуда кўп.

**Маънавият.** Инсонга ирсий бирликлари оркали утган ҳамда ҳаёти давомида орттирган фойдали билимларини амалда қўллаши натижасида унда ҳосил булган кўникма ва малакалар, унинг ҳаёт тарзига айланганлик даражаси маънавият дейилади деб, юқорида айтилди.

Бинобарин, маънавиятга куйидаги фалсафий таърифни берса булади. **Маънавият** – бу кишининг эгаллаган фойдали билимлари амалий ҳаётида синалиб, кўникма ва малака даражасидан утган ҳамда руҳига синтиб, ҳаёт тарзида акс этадиган ижобий ижтимоий сифатлар мажмуидир.

Маънавиятга берилган ушбу таъриф объектив мавжуд булган мурракаб бир ижтимоий ҳодисани мушохада ва идрок қилиш, унинг энг муҳим хусусиятиши ҳис қилиш ҳамда маънавият мавзуида чоп этилган қатор адабиётларни таҳлил қилиш натижаси үларок вужудга келган.

Маълум булдики, инсон биоижтимоий маҳлукот бўлиб, унинг ижтимоий моҳияти унда жамланган билимлар ҳажми ва уларни амалиётда канчалик кўп ишлатиб, кўникма ва малакалар ҳосил қилиб, маънавиятга айланиб ултурғанлик даражаси билан белгиланар экан. Шунинг учун, ҳар бир инсон тинимсиз билим эгаллаб, уларни амалиётда узлуксиз кўллаб бориши зарур. Акс ҳолда киши жамият ривожидан оркала колиб кетади. Билим эгаллангани билан уни амалиётда кўлламаса, эгаллаган билими унинг маънавиятига айланмай, билими кўп була туриб, маънавияти паст булиб колаверади.

**Қадрият.** Ўзбекистонда чоп этилган изоҳли лутатларда “қадрия” тушунчасига таъриф беришдан тийилган. Шунинг учун биз, жамият ичида мавжуд ва муҳим ижтимоий воелик ҳисобланган бу тушунчага фалсафий таъриф беришга ҳаракат қиласиз.

Одамни куршаб турган чексиз кўп нарса ва ҳодисалар, шу жумладан, миллий маънавият ичидан ҳам, муайян шахс ёки ижтимоий груп, ё конкрет бир миллат ёхуд бутун инсоният учун алоҳида аҳамиятга, яъни қадрга эга бўлганлари қадрият дейилади.

Қадриялар моддий ва маънавий деган турларга ажralадилар.

**Моддий қадриялар** деб, кишилар моддий эҳтиёжларини қондириб, узига ҳос хусусияти ва шаклларига кўра одамларда алоҳида хис-туйғу уйғотувчи моддий нарсаларга айтилади. Уларга буюк иншотлар, боб ва хиёбонлар, антиқа уй-рўзгор буюмлари, тарихий қийматга эга бўлган уй анжомлари, курол-яроғ, озик-овқат, шахсий буюмлар ва шунга үхашаш нарсалар киради.

Маънавий қадриялар деганда, кишилар маънаний фиксию маҳсулни, билишнинг мураккаб жараёни натижасида юзиги жонги билим, қираш, малакалар самарасидир. Маънанийлик бундай хисорари моддийликка қарама-қарши қўйилмайди. Аксинча, унгар Ушро унти боялиницирлар.

Маънавий қадрият инсон ҳаётий фаолиятининг таркиби қисми, унинг маҳнати ва ижтимоий шароитлар туфайли яратилган қобишини сифтигида намоён булади. Буларга мисол қилиб, турли байрамлар, миллий урф-одат ва анъаналар, чиройли ахлоқ ва одоблар, мусиқа, мўйқалам устаси изходининг маҳсулни бўлган расмлар, бадний ҳадибиётни хокагатоларни келтирса бўлади.

Ҳакиқий маънавийлик факат инсоннинг онгига, тафаккуридирип Нарсалар эса унинг фаолият натижаси бўлиб, меҳнат маҳсулотларини, предметли шаклга кучганидир. Масалан, китоб, рассомлик асари – шунчаки оддий предметлар эмас, уларда ёзувчи ва рассомнинг изходиш фикринят натижалари гавдаланган. Бу нарсаларнинг маънавий жиҳозлари уларнинг моддийлиги билан узвий болганланган. Буларда муайян одам изходкор маънавий қадрияти онг фаолияти орқали моддийлашиди. Жамият тараққиёти жараёнида тўплланган қадриятлар ўтмиш аждоулар кўлга киритган билан – тажрибалари, маънавий маҳсулотларини ташувчисидирлар.

Маълумки, маънавий қадриятлардаги асосий нарса – предметлик эмас, балки моддий шаклга кирган маънавий мазмундир. Масалин, китоб, мўйқаламда чизилган расм, мусиқа асари ташки кўринишлари билан эмас, балки энг аквало, уларда қандай маъно ифодаланганлиши билан бизни қизикитиради. Бундай холат маънавий қадриятлар, уларни ахборотли фазилатлар мөҳиятини тушуниб етишни билдиради. Бунга эса белги ва образлар тизимини аниқлаш, уларнинг ўзига хос маъно ташувчи хусусиятларини фаҳмлаш орқали зришилади. Маънаний қадриятни фаҳмлаб унинг қадрига етиш учун, кишининг шунгичарини маънавий бойлиги булиши шарт эканини ҳам унутмаслигимиз керик.

Маънавий қадриятлариниң хусусиятларидан бири тафаккур ниҳисиётнинг энг умумий шаклда намоён булишидир. Маънаний қадриятларни яратишдан кўзланган энг бош маъно – бу моддийликни идеалликка “буйсундириш”дан иборат булади. Масалан, рассом оғимни бошқаларга үхшаб мушоҳада этади, унга ўз муносабатнин билдиради. Бирор “кўргани”ни, кечирганини, кузатишларини ҳамма ҳам моддийлаштира олмайди, ранглар билан изход қилини учун шоҳиди қобилият бўлиши лозим ва ҳоказо.

Томошабин, ўкувчи, мусика тингловчиларда адабиёт, санъат ва фан арбоблари даражасида билим ҳамда малака бўлмайди. Шу сабабли асарнинг сиртқи кўриниши ортида маънавийликнинг энг умумий жиҳатларини кўра олишларида кийинчиликларга дуч келиши мумкин. Буни бартараф этиш учун улар ижоднинг барча сирларини билиши керак; ижодкор асарининг сиртқи-предметли пардасига барҳам бериб, ижодкор билан маънавий алоқага кира олиши зарур. Бирок бунинг учун улар маънавиятли киши бўлишлари лозим. Фан, санъат асарларининг моҳиятини тушуниш учун, унинг конуният (билим)ларини илрок эта олиши зарур. Мактабларда олиб бориладиган таълим-тарбиянинг маъноси ҳам маънавий қадриятларни илрок этиш маънавиятини тарбиялашга йўналтирилган бўлиши лозим.

Яна қадриятлар умуминсоний, миллий, жамоа, оиласиб ва шахсий булиши мумкин. Бу қадриятлар орасида ўзаро узвийлик бўлса ҳам, улар бир-биридан фарқ қиласидар.

**Умуминсоний қадриятлар** – ер юзида барча ҳалқлар учун бирдай қадрли бўлган: ҳаёт кечириш, билим олиш, меҳнат қилиш, севиши-севилиш, завқланиш, хоҳлаган фаолият билан шугулланиш, ўз ҳуқукларига ога бўлиш ва бошқа ҳаётий зарур ижтимоий воқеиликларга нисбатан айтса бўлади.

Энди, нима учун умуминсоний қадрият барча одамлар учун қадрли? деган санолта келсак. Умуминсоний қадрият шунинг учун ҳам ҳамма одамлар орасида аҳамиятга эгаки, инсонларнинг моддий, ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжлари билан баробар рухий эҳтиёжини ҳам қаноатлантиради. Масалан, ҳамма учун қадрли ҳисобланган биронта байрамни, жумладан Яшги йилни олайлик. Бу байрамда киши хоҳласа – хоҳламаса ўзига – ўзи яшаб утган йилнинг ҳисоботини беради ва кейинги йилга, бирорларга айтмайдиган режаларини тузади. Одамлар кўп орзу ва умидларини яшги йил билан боғлайдилар. Бу эса рух, унинг озукаси билан боғлиқ нарсадир, шунинг учун ҳам бу байрам ҳамма учун қадрлидир.

Ёки билим эгаллаш жарабини олайлик. Бу жараён киши маънавиятининг такомили, рухининг дам олиши, роҳатланиши ва киши кунглиниң таскини билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам у инсон зотига манзур, ҳамма учун қадрлидир. Ёки қимматбаҳо брилиант, олтин, кумиши ва хоказо нарсаларни олсан, уларнинг кишига иктиносидий фойдаси, уни тақиб юрганда ижтимоий нафи тегиши баробарида одамга эстетик завқ ҳам беради. Бу эса, рух озукаси билан боғлиқ нарса. Америка Кўшма штатларининг пул бирлиги – долларни оладиган

Пүсек, у Ер юзининг барча бурчакларида бирдай муомалада бўлиб, ҳамма учун қадрлидир. Шунинг учун уни умумисоний қадрият деса булади. Ер юзида ҳёт кечириш, яъни яшаш одамларнинг ирқи, жинси, ёни, келиб чиқиши ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, ҳамма учун қадрлидир. Ота-она, кишининг жинси, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, фарзанд деб аталувчи барча учун қадрлидир. Ўзарининг ҳаммаси умумисоний қадриятлар саналади.

Миллий қадриятлар деб, муайян ҳалқнинг тили, расм-русуви, шашаси, фазилатлари, ахлок ва одоби, яшаш тарзи, байрамлари, шун бирлиги, шу ҳалқнинг аксарият қисми томонидан эъзозланишига лойик бўлган иншоотлар, миллий кийимлар, уй-рўзгор буюмлари, рӯпор тутишлари ва хоказоларга айтилади. Масалан, ўзбекларнинг меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлиги, хушхулклиги ва мулойимлиги, тайратли ва итоатгўйлиги, турли тоифадаги одамлар билан ўзаро иноклашиб кетишлиги, кечиримлилиги, мулҳаза ва тафаккур билан иш куриши, тинчликсеварлиги ўзбек миллий қадриятлари хисобланади. Буларнинг ҳаммаси “ўзбекчилик” дегин сўн билан ифодаланиб, ўзбекларнинг фазилатлари саналади. Бу қадриятларни ғалабланган киши миллий фазилатга эга одам дейилади. Энг муҳими иссиқда ҳам, совукда ҳам, яхши-ёмон кунларда ҳам маслаҳатлашиш, кепганини, кичикларнинг қатталар олдида, кенг аҳолининг оқсоқоллар, раҳбарлар оидида тавозе булиши, ўзини мулойим, камтар тутиши, донолар, дошишманлар насиҳат ва ҳикматларига қулок солиши ҳамда кундалик ҳётига татбиқ қилиши каби урф-одатлар ва анъаналар туб аҳоли қалриятлариdir. Митингбозлик, сиёсатбозлик, гурухбозлик, баъзи Гарб мамлакатларида қадрият деб ҳисобланса, бизнинг ҳалқ томонидан тубанлик деб баҳоланади. Манманлик, юзга чопиш, мактанчоғлик, ёлғончилик, мансабпарамастлик, шухратпарамастлик каби ярамас қиликлар ҳалқимизнинг руҳиятига, маънавиятига, урф-одат ва анъаналарига түғри келмайди. Тўгрисузлик, гапининг устидан чиқиш, аҳдига вағо қилиш, событқадамлик, омадни оқибат билан ўлчаш бутун вужудига сингиб кетиши – эл-юртимиз фарзандларининг қадимий сифатлари, миллий қадриятлариdir.

Ҳар бир ҳалқнинг қадрияти нафакат ўзининг миллий омиллари, шу билан бирга умумисонийларининг таъсири остида ҳам шаклланади. Ўзбекнинг миллий қадриятлар сарчашмалари бошқа ҳалқларнинг энг юксак қадриятларини ижобий ўзлаштириш анъаналари билан боғлик. Агар маънавият ва қадриятларимиз тарихига шу нуктаи назардан ёнда-

шадиган бўлсак, узбек миллий санъати, шеърияти, илм-факти ўтмишда форс, араб, рус, ҳатто юнон маънавият ва қадриятларидан баҳра олгацлигига гувоҳ булемиз.

Демак, миллий ва умуминсоний қадриятларниң муштараклиги түгрисида гапириш учун етарли асослар мавжуд. Миллий ва умуминсоний қадриятлар ургасида муносабат масаласи мазкур воқеликни фалсафий мушоҳада қилишига ёрдам беради.

Бу масала айримлик ва умумийликка хос белгилар ифодаланинг алоҳида бир соҳаси ҳисобланади. Умумийлик нарса ва ҳодисанинг энг мухим, муштарак алоқаларини акс эттиради ва факат айримлик орқали намоён булади, хусусийлик шаклига киради. Бошка томондан айримлик маълум маънода умумийликдир, бинобарин, алоҳиданинг томони ёки моҳиятидир.

Миллий ва умуминсоний қадрият ҳакида сўз борганда ҳам ана шу жиҳатлар борлигини кўрамиз. Миллий қадрият муайян эл, элат, ҳалқ ва миллатга даҳлдордир.

**Жамоа қадрияти.** Ҳар бир маҳалла, қишлоқ, меҳнат жамоаси ё ӯкув муассасасида маълум бир ижтимоий ҳодиса (тўйлар килиш, жамоа булиб сайлга чиқиш, ҳашарлар ўтказиш ва ҳоказо) урф булган. Улар уша одатни анъана килиб олишган, уни асраб-авалайдилар. Улар учун у қадрли. У уша жамоанинг маънавий қадрияти ҳисобланади. Ёки бир оила учун маълум бир маънавият (хаёт тарзи) тури, чунончи, тугилган кунни пишонлаш жуда ўтиборли нарса. Бу уша оиласининг маънавий қадрияти. Бошқа бир оила бу ганинани билса ҳам, уни ўткаташ ҳам, ўтиборга сазовор тағтана деб билмайди. Улар учун у қадрият эмас. Жамоанинг моддий қадриятлари маҳалласидаги, қишлоғидаги, шахридаги алоҳида бир ишшот, хиёбон, сайлгоҳ, ҳайкал ёки бор бўлиши мумкин.

Шунга ухшаш, ҳар бир инсоннинг шахсий қадрияти ҳам булади. Жумладан: ота-бобосидан қолган буюмлар, кишинини шу кунидаги ҳаётига жавоб бермаса ҳам-ки, баъзилар уларни отамни эслатади ёки бувимни кургандек булеман деб, уларни асраб-авалайдилар, қадрлайдилар. Уша буюм ёки бирон бир одат муайян шахснинг шахсий қадрияти ҳисобланади. Мазкур уйга келип булиб тушган аёлга у қадрли эмас. Уй йигиштирганда бу буюмларни кераксиз нарса ҳисоблаб, уларни уйдан олиб чиқиб ташлаши ҳам мумкин.

Ҳар бир инсон ўз ижтимоий ҳаётининг куринишларидан бири булган “маънавият”, “қадрият” деган тушунчалар билан бир қаторда “маданият” деган нағис бир ижтимоий ҳодисанинг том маъносини билиши керак. Куйида ана шу атамага таъриф беришга ўтамиз.

Маданият – жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида кўлга киритилган ютуклари мажмуи; бирор ижтимоий гурӯҳ,

сиф ёки халкнинг маълум даврда қўлга киритган ютуқлари даражаси. Бу таъриф рус тилидаги “культура” тушунчасининг лугавий мазмуниги мос. У лотин тилидаги “культура”, яъни етиштириш, тарбиялаш, ривожлантириш маъносидан олинган бўлиб, конкрет бир жамиятнинг муййин бир даврда эришган ишлаб чиқариш кучлари ва маънавиятини, кисқаси ҳаёт тарзини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда русчада-си культура – муййин жамиятнинг маълум бир даврдаги ҳаёт тарзини ўрситувчи тушунча. Кўлингиздаги китобда бу ижтимоий воқеликни маънавият деб номладик. Демак, мустамлакачилик асорати остида булни даврдаги ўзбек атамашунослари ва луғатшунослари ўзбек тилидаги тушунчаларни изоҳлашда рус тилида ёзилган луғатлардан унинг айниятини топиб туриб изоҳ берганлар. Вахоланки, рус тилидаги кўп тушунчаларни ўзбек тилидан ва ўзбек ҳаётини ифода этувчи баъзи тушунчаларни рус тилидан топиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, ўзбек тилидаги “маданият” тушунчаси рус тилидаги “культура” тушунчасининг мазмунини бермайди. Рус тилидаги “культура” атамаси биздаги ҳамд тарзи, яъни “маънавият” деган тушунчани кўпроқ ифода этади.

**Маданият.** Маънавият – одамларнинг ҳаёт тарзига айланниб кетган билимлари, кадрият – шахс, оила, жамоа, маълум бир миллат ёки бутун инсоният қалбида алоҳида эътибор қозонга олган маънавият ва модний ширсаларнинг бир тури бўлса, маданият – инсоннинг эгаллаган билимлари ва хосил қилган тажрибаларига асосланган малакати ҳаракатлари ёки меҳнат фаолиятининг маҳсулидан бунёл бўлган ширсалар бошқаларда завқ уйғота оладиган ижтимоий ҳодисадир.

Кишининг ҳар бир ҳаракати ёки фаолиятининг маҳсулни маданият даражасига кўтарилиши мумкин. Мисол учун, одамнинг юриш-турини, сўзлаши ёки рўзгор юритиши бошқаларни завклантирса, унинг шу юмушларни маданият даражасига кўтарганлигини билдиради. Ёки тикиувчи ўз маҳсулоти билан одамларда завқ уйғота олса, демак у ўз ишини маданиятли ижро этган бўлади. Навоий театри, МУМ ва Тошкент меҳмонхонаси орасидаги чорраҳада бир милиционер қуча ҳаракатини тартибга солиб турар эди. У хуштаги ва кўлидаги ола таёғи билан шундай овозлар чиқариб, ҳаракатлар килар эди-ки, ўтган-кетганлар, албагта бир тўхтаб, томоша қилишар эди. Томоша қилганда ҳам, ажабланиб, ҳайратланиб эмас, балки мамнуният билан жилмайиб томоша қилар эдилар. Чунки милиционернинг ҳаракатлари уларни завклантирар эди. Бу милиционер қуча ҳаракатини тартибга солиш билимини ёгаллаб, уни машқ қиласвериб, малакали бўлган ва уз ҳаракатлари билан бошқаларни завклантира олган. Бу эса маданият. Бу меҳнат фаолиятини маданият даражасига кўтариш. Шу милиционер билан биргаликда

минг-минглаб милиционерлар кўча ҳаракатини малакали тартибга солиб турган. Аммо уларнинг ҳаракатлари қанчалик малакали булмасин, одамларда завқ уйгота олмаган. Демак, завқ уйғотиш учун ҳаракатда жозиба булиши керак. Жозиба пайдо қилиш учун, ҳаракат қилувчидаги ута фидоийлик ва табиат инъом этган иқтидор булиши шарт. Шукинг учун, маданият кам учрайдиган ноёб ҳодиса. Ундан ташқари ноёблик, яъни маданиятлилик нисбийдир. Бир замонлар автомашинани ҳайдаш юқори маданият ҳисобланган. Чунки уни юришига ҳамма завқланар эди.

Юриш-туриш маданияти, муомала маданияти, нутқ маданияти, касбий маданият ва ҳоказолардан ташқари, одамларда завқ уйғотиш билан шуғулланувчи маҳсус фаолият турлари ҳам мавжуд.

**Адабиёт на санъат.** Адабиётнинг бир канча жанрлари булгани каби, санъатнинг ҳам бир қатор турлари мавжуд. Улар кишининг дил торларига таъсир этиб, уни рухлантирадилар. Бу билан кишиларга руҳий озука бериб, кўнгилли дам олишларига хизмат қиласидилар.

Бадний адабиёт тил (сўз) воситасида бадний образлар яратувчи соҳа булиб, шу соҳида яратилган асарлар шеър, наср ва драма деган турларга ажралади.

**Санъат.** Лев Николаевич Толстойнинг таърифи буйича, одамларни қачонлардир завқлантирган ва утиб кетган яокеа ва нарсаларни шу кунда сунъий тиклаб туриб, бугун яшаётган кишиларни завқлантирувчи фаолият турига санъат деб айтилади. Санъат турларига театр санъати, тасвирий санъат, наккошлик санъати, ҳофизлик санъати ва бошқалар киради.

**Маънавий ва маданий мерос.** Маънавият, кишиларнинг эгаллаган билимлари ва бу билимларнинг ҳаёт тарзига айланганлик даражаси; қадрият – маълум бир шахс ёки кишилар гурухида алоҳида аҳамиятга эга бўлган нарса ё ҳодиса ёки маънавият тури; маданият инсон эгаллаган билимларини ҳаётда кўллаётганида бошқаларни завқлантира олиш ҳолати; санъат – қадимий маданият турларидан бирини, шу кунда, сунъий равишда тиклаб, одамларда завқ уйғотувчи фаолият тури булса, маданий ва маънавий мерос – аждодлар авлодларга қолдирган маънавият ва маданият ичидан миллатнинг шу кунига асқотиб турган қисмига айтилади.

**Маънавий ва маданий ёдгорлик.** Ота-боболаримизнинг улкалар маънавий ва маданий хазинасидан бизга факат бир қисмигина стиб келган. Уларнинг кўплари тарих сахифаларида қолиб кетганлар. Сабаби, улар ўз вактида хизматини бажариб бўлган. Уларнинг кўпиги бугунги

кунда ўз аҳамиятини йўқотган. Улар фақат маънавий ва маданий ёдгорлик сифатида хотирланадилар. Мисол учун, миллатимизнинг курки булган паранжи (ёпинчик) ўз даврида зўр қадрият бўлган. Баъзилар паранжи ёпинишни маданият даражасига ҳам олиб чиқканлар. Аммо, бу бизга мерос бўлиб қолмади. У миллатимизнинг маънавий ёдгорлиги. Гаъкидлаш жоизки, маънавий ва маданий мерос деган тушунчани ота-боболаримиздан бизга етиб келиб, бугунги эҳтиёжимизга яраб турган маънавият ва маданият турига нисбатан кўлласа бўлади.

Бу дегани, бой маънавий ва маданий хазинамизни титкилашнинг ҳожати йўқ, аждодларнинг маънавий хазинасидан кераклилари тарих ғлагидан ўтиб бизгача етиб келган, бошқалари керак бўлмагани учун қолиб кетган, деган сўз эмас. Аксинча, маънавий ва маданий хазинани, илбатта үрганиш керак, үрганганде ҳам яхшилаб, қайта-қайта үрганиш зарур. Сабаби, биз биринчидан, бунда ота-боболаримизнинг унумлиб кетгани на эсламмай кўйилган меҳнатини эъзозлаган ва тарихий хақиқатни тиклаган бўламиз. Бу эса, адолатдан. Иккинчидан, бу йўл билан аждодларимиз яратгану, ўша даврда уни амалга ошириш имкони бўлмаган ёки фойдалангану кейин тарих қатърида қолиб кетган баъзи билимларни топиб, уларни янгидан кашф килиб утирмай, амалий ҳаётимизда фойдаланишимиз мумкин. Шу билан маънавий бойлигимиздан унумли фойдаланган бўламиз.

Бунга мисоллар жуда кўп. Педагогика фанлари доктори Тошпўлат Усмоновнинг китобига ёзган сўз бошини эътиборингизга ҳавола қиласиз.

“Жаҳон фани ва маданиятининг яратилишида бошқа халқлар катори Яқин Шарқ ва Марказий Осиё халқларининг ҳам кўшган ҳиссаларини ва буюк алломаларининг номларини санаб адогига етиб бўлмайди.

Ўтмишдаги босқинчилик юришлар ва ўзаро урушлар оқибатида халқимизнинг билимдан маҳрум қилиниши, бунинг оқибатида юзага келган жоҳил оқимларнинг хуружлари каби кўпгина сабабларга кўра, халқимиз аждодларимиз томонидан яратилган ана шу маънавий ва маданий бойликларимиздан бебахра бўлиб келдилар. Ўтмишдаги маънавий бойликларимизнинг жуда озгина қисмигина бизгача стиб келди.

Хозир Тошкентда сақланаётган, ҳали вараклари ҳам очилиб ултурилмаган қирк мингдан ортиқ қўлёзмалар, бошқа мамлакатни шаҳарлардаги қўлёзмаларимизни мустасно килганда ҳам, Марказий Осиё халқларининг жаҳон илму фани хазинасидаги буюк ҳиссийтиридин

ниципиалур. Тасаввур килиб кўрайлик, 40,000 қўлёзмадан ҳар йили 40 тасини таржима килиб нашрдан чиқариб борсак, камида минг йил керак бўлади. Ачинарлиси шундаки, ўтмиши ана шундай бой бўлган Марказий Осиё халклари гўё маданиятсиз, қолоқ халклар деб камси-тилиб келинди”.

Учинчидан, ҳар қандай нарса ёки ҳодиса вақт ўтиши билан уз кадрини йўкотади, модадан қолади, дейлик. Бирок, маълум бир вактдан кейин қайтиб кадрли бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун, миллий маънавиятимиз хазинасини тинмай ўрганишимиз, шу қунимизга ярай-диганларини қайта тиклашимиз керак. Бу илмий қашфиётми, урф одатми, кийим-кечакми ёки қандайдир маросимми, уй-рўзгор буюими барибир, уларни ўрганиб, таҳлил қилиб, керагини ҳаётга татбик килиш лозим. Шунда биз ўзлигимизни йўкотмай, жаҳон ҳамжамияти ичида муносиб ўрнимизни эгаллаймиз.

Маънавият, кадрият, маданият, санъат, маънавий ва маданий мерос, маънавий ва маданий ёдгорлик деган тушунчаларнинг том маъносини тушуниб етдик. Шу тушунчалар тизимиға кирувчи ва улар билан узвий боғлиқ бўлган яна битта тушунча борки, у ҳам бўлса “маърифат”. Кўйида шу тушунчани таърифлашга ўтамиз.

**Маърифат.** Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараккиёти мутафаккир Абу Наср Форобий номи билан бөглиқ булиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Машҳур юнон файласуфи Арастудан кейин Шарқда билими ва фикр доираси кенглиги билан ном чиқарган йирик мутафаккир Форобийни “муаллими ус-соний” (иккинчи муаллим) деб атайдилар. Одамзоднинг биринчи муаллими Арасту (Аристотель) ҳисобланади. Форобий уз асрларида таълим-тарбиянинг мухимлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбиянинг маҳсус тушунча ва атамалари, билим бериш усуслари ҳакида фикр юритади.

Таълим-тарбия жараёнини, яъни таълим ва тарбия берувчилар (устоз-муаллимлар) ҳамда билим оловчилар ва ўргағувчи (талаба)лар орасидаги билим бериш – билим олиш майлида кечадиган муносабатларни, аллома, маърифат жараёни деб таърифлаган. **Маърифат** – деган эди Абу Наср Форобий – тарбияланувчининг хоҳини ва ирласини керакли йўналишда бошқарини санъатидир. Бугунги кунда бу – педагогика дейилмокда. Педагогика атамаси туркий тилда маърифат дейилади.

Ўзбекистонда чол этилган изоҳли луғатда ҳам, “марифат – кишиларнинг онг-билимини, маданиятини (маънавиятити – бизнинг изоҳ)

оннингга карашилган таълим-тарбия” дейилган. Шу билан бирганинг маърифатни “билим” деб талқин килувчилар ҳам оз эмас. Масалан, сўфийлар маърифатни билим маъносига тушупган. Баҳоуддин Шиқибанд, “Рухий комолотнинг асосий максади маърифатли (билимли битини изоҳ) булишдир”, дейди.

Форобий фикрича, инсоннинг энг юксак хусусияти унинг баҳтги эршиғалигидадир. Баҳтга эса, дейди аллома, факт фойдали билимларни узида жамлаш орқали эришиш мумкин. Чунки инсондил роҳатининг энг юкори чўккиси билим олиш жараёнидир.

Форобий хошиш-истак эркинлиги ва танлов эркинлиги орасидаги фарқни англаб, уни үзининг маърифий таълимотига асос қилиб олди. Унинг фикрича, сезги ва тасаввурдан келиб чиқсан хошиш-истаклар барча жонзотларга хос, бироқ бу хошиш-истакларни тафаккур элагидан ўтказиб, ўз ҳаракатини аниқ бир максад сари йуналтириш факт инсонга мансубдир, дейди. Барча жонзотларда турли-туман истаклар пайдо булиши мумкин. Уни амалга ошириш механизми куйидагича. Жонзот кўз, кулоқ, тери ва тайм билиш органлари орқали нарсани сезади, сезгилардан асаб толачалари орқали марказий асаб тизимиға сигналлар боради. Марказий асаб тизимида маълум бир ҳаракатнинг хошиш-истаги пайдо бўлади. Тасаввuri йўқ жонзотлар тұгридан-тұгри ҳаракатга киришиб кетади. Тасаввурга эга жонзот – одам эса, киладиган ҳаракатини, яъни етишмокчи булган мақсадининг бир неча вариантини кўзининг олдига, яъни тасаввурига келтиради ва улар ичидан яшаб турган жамиятда қабул қилинган ахлоқ меъёрлари ва урф-одатлари ҳамда табиат қонунларига тўғри келадиганларини танлаб ҳаракатга киришади.

**Ушбу мавзу бўйича пазорат саволлари:** 1. “Билим” тушунчасининг таърифи қандай? 2. Билимларни аниклайдиган инсон фаолияти нима дейилади? 3. Тафаккур неча турли бўлади? 4. Тасаввур деганда нимани тушунамиз? 5. “Гипотеза” нима? 6. “Концепция” тушунчасини шарҳланг? 7. “Назария” деганда нимани тушунасиз? 8. “Маънавиятга” тариф беринг? 9. Қадрият нима? 10. “Маданият” тушунчаси нимани билдиради? 11. “Маърифат” деганда нимани тушунамиз?

### **2.3. Илмшуносликнинг энг умумий қоидалари**

Фалсафанинг “Илмшунослик” деган булимида, илмий фаолият билан шуғулланувчилар катъий амал қилишлари шарт бўлган, бир катор умумий қоидалар ишлаб чиқилган. Бу қоидаларни билмий туриб ниман

фаолият билан шугулланиб бўлмайди. Шунда ҳам шугулланаверилса, тадқиқот натижаларининг тўғрилигига кафолат бериб бўлмайди. Илм-шунослиқда бундай қондалар кўп, биз бу ерда уларниң ичидан энг умумийларини қайд қилиб ўтишликини лозим топдик.

Инсон ўзининг биологик ва ижтимоий эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида билиб қиласиган харакатлари фаолият дейилар экан, олдига кўйган мақсад ва унга етиш учун қилинадиган харакатларниң ўзига хослигига караб, фаолиятлар уч турга ажralади. Кишининг килган ҳар бир харакати бу уч турдаги фаолиятнинг бири булиши мумкин. Булар илм, фан ва амалиётдир.

**Илмий фаолият.** Объектив борлиқдаги ҳар қандай бир бутунликни, яъни мажмунни ташкил қилувчи кисмлари орасидаги зарурий алоқадорликларни тадқиқотлар олиб бориш йули билан аниқлайдиган фаолият турига илм дейилади. Соҳасидан катъи назар, ҳар қандай илм ўз тадқиқотларини муайян бир бутунликка, яъни мажмуга қаратгани бўлади.

Маълум бир илмнинг тадқиқот олиб борувчи мажмунини, шу илминг тадқиқот о бъекти дейилади. Ҳар қандай илмнинг тадқиқот обьекти деганда, мазкур илм ўз тадқиқотларини қайси мажмуга қаратганлигини тушунмок лозим. Мажму деганда оламдаги исталган бир бутун парсани, у моддий нарса буладими ёки жараён буладими истиносиз, моддий нарса деганда квантдан тортиб бутун коинотни тушунмок лозимлигини эслатиб утамиш. Аммо ҳар қандай мажму икки ёки уч упсурдан ташкил топган булғанда ҳам, унинг бир неча жабха ва хусусиятлари бўлади. Эслатиб утамиш, хусусият, бир бутунни ташкил қилувчи унсурлари орасидаги зарурий алоқадорликлар оркали намоён бўлади. Ҳар қандай мажмунинг ички ва ташки жабхаси, инчинун хусусити мавжуд.

Мажмуни ташкил қилувчи унсурлари орасида ва унинг ички хусусияти шаклида намоён бўлувчи ўзаро функционал боғлиқликларга ички жабҳалар дейилади.

Ташки жабҳалари, яъни мажмуни ташки хусусияти ўз табакасидаги мажмулар срасидаги алоқадорликларда намоён бўлади.

Ҳар бир жабҳа, яъни аниқ бир алоқадорликни алоҳида илм тармоғи ўрганиди ва у шу илминг тадқиқот предмети дейилади.

Бир обьектни бир неча соҳа илмлари ва уларниң тармоқлари ўрганиши мумкин. Объект бир булгани билан, уларниң тадқиқот предмети турлидир. Масалан, одам бир қатор илм соҳаларининг тадқиқот обьекти ҳисобланади. Чунончи тиббиёт, социология, экономика, зргономика, этика, эстетика ва ҳоказо. Бирор уларниң тадқиқот обьекти

Тор бүнгали билан тадқикот предметлари турлидир. Жумладан, тиббиеттинг тадқикот предмети – инсоннинг жисмоний саломатлиги, социологичиши – одамларнинг ўзаро муносабати, экономикачики – инсонни хўжалик юритиш фаолияти, эргономиканики – ишлаб чиқариш куруллари билан инсон орасидаги муносабатлар ва ҳоказо.

**Тадқикот обьекти муайян илм соҳаси ёки тармоғи шиманинг ўрганиди, деган саволга жавоб берса, тадқикот предмети шу шиммининг шимасини, яъни қайси жабҳасини ўрганиди, деган саволга жиҳоб беради.**

Илмий тадқикотларни олиб боришдан қандайдир мақсадлар пулади? Ҳар қандай илмнинг тадқикот ўтказишдан ягона мақсади, ўрганилаётган обьектда шу вақтгача аникланмаган ҳусусият, яъни фанга маълум бўлмаган зарурий алокадорликни аниклашдир. Янги зарурий алокадорликлар аникланиб, амалиётда бир исботини топганидан кейин улар қонуният кучига, яшада кўплаб маротаба синовнилардан ўтиб, қонун кучига эга бўладилар.

Бир бутун нарса – обьектини, яъни мажмууни ташкил қилинчни унсурлар орасидаги зарурий алокадорлик билим дейилар экан, ҳар қандай илмнинг ягона мақсади янги билимларни топниш. Илм аниклаган билимлар фанга мулк бўлиб қўшилаверади.

**Фан** муайян соҳа илми аниклаган билимларни жамлаб, уларни сарилаб, маълум бир тизимга соладиган инсон фаолиятининг бир туридир. Илм билан фан ўзаро узвий боғлиқ бўлгани учун, улар “илм-фан” дейилади. Илм-фандар ўрганиш обьектига қараб, куйидаги гурухларга якравадилар: табиий фандар – табиат сирлари мажмуини; ижтимоий фандар – жамият ҳаётидаги билимлар мажмуини; иқтисодий фандар – жамиятнинг хўжалик юритиш сирлари мажмуини; сиёсий фандар – бошқарув гурухларнинг уларга тобе ҳалқ билан кечадиган муносабатларнинг қонуниятлар мажмуини; техник фандар – инсон бунёд ўтган машина ва мосламалардаги билимлар мажмуини; гуманитар фандар – инсоннинг рухий холатида кечадиган қонуний ҳодисалар мажмуини ташкил қиласидилар.

Юкоридаги фалсафий тушунчалардан келиб чиқиб, ижтимоий фандар илмларининг умумий тадқикот обьекти, предмети па асосий мақсадини аниклаймиз.

Ижтимоий фандар илмларининг умумий тадқикот обьекти жамиятдаги ижтимоий ҳаётдир. Ижтимоий деган тушунча, шу кунди иккни маънода ишлатилмокда. Бири тор, иккинчиси кенг маънода.

Тор маънодаги ижтимоий ҳаёт тушунчаси негизида кишининг био-ижтимоий мавжудод сифатида шакллантирувчи ва унинг умри дипо-

мида эгаллагаш ижобий ижтимоий сифатларини ўз ихтиёрига биноан намоён этувчи ҳаёт жабхасига айтилади. Буларга кишининг шахсий ва онладаги ҳаётни ҳамда меҳнат ва сиёсий фаолият билан боғлик бўлмаган барча фойдали ҳаракатлари киради. Бефойда ёки жамиятга зиён келтирувчи ҳаракатлар гайри ижтимоий хисобланиб, жамият томонидан кораланади.

Кенг маънодаги ижтимоий ҳаёт жамият томонидан яратиладиган воқелик булиб, инсоннинг барча онги ҳаракати натижасида вужудга келган ҳодисалар мажмугига айтилади. Бу мажмуга элемент булиб руҳий, тор маънодаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда содир буладиган ҳаракатлар киради.

Бу тушунчаларни амалиётда қуллаганда тор маънодаги ижтимоий ҳаётни кўзда тутиб ганирамиз. Кенг маънодаги “ижтимоий ҳаёт” тушунчаси устида сўз юритганди, ижтимоий-руҳий, ижтимоий-иктисодий, ижтимоий-сиёсий деган сўз бирималарида фойдаланилади.

Инсоннинг руҳий ҳаётини гуманитар фанлар, ижтимоий (тор маънода) ҳаётини ижтимоий фанлар, хўжалик юритиш билан боғлик бўлган ҳаётини иқтисодий фанлар, жамиятни бошқариш билан алоқадор ҳаётини сиёсий фан илмлари ўрганади.

Уларнинг тадқиқот обьекти бир – кенг маънодаги ижтимоий ҳаёт бўлгани билан, тадқиқот предметлари турлидир. Одамнинг ички хиссиети натижасида содир буладиган шахслараро муносабатлар гуманитар фанлар илмининг тадқиқот предмети; жамиядаги ижтимоий гурухлар орасидаги ўзаро муносабатлар социология илми, хўжалик юритиш билан бўгликлигини иқтисодий фанлар ва ҳоким гурухларни ўз фукаролари билан буладиган муносабатлар сиёсий фан илмларининг тадқиқот предмети хисобланади.

Бу илм соҳаларининг тадқиқотлар олиб боришдан мақсади:

- гуманитар фанлар илми – инсоннинг ички хиссиет ҳолати натижасида содир буладиган одамлар орасидаги муносабатларнинг кечиш конуниятларини аниқлаш;

- социологик фанлар илми – одамларнинг меҳнат ва жамоат ишларидан ташкаридаги фаолияти мобайнида буладиган ўзаро муносабатларни амалга ошириш конуниятларини ўрганиш;

- иқтисодий фанлар илмининг тадқиқот ўтказишдан мақсади – шахсий рузгорини тебратиш ҳамда жамоа, туман, вилоят ва мамлакат хўжалигини юритиша иштирок этиш максадида кишилар орасида буладиган иқтисодий муносабатларнинг кечиш конуниятларини аниқлаш;

- сиёсий фан илми – бошқарув органлари, яъни ўз фаолиятини жамияти бошқаришга йўналтирган кишилар гурҳи билан уларга тобе оғимлар орасида бўладиган муносабатларнинг амалга ошишининг қонуниятларини аниклашдир.

Илмий фаолият жамиятда нима вазифани бажариши бизга аён бўлди. Инсоният тарихида илм аниқлаган сон-саноқсиз билимларни туринга қараб саралаб, тартибга солиб берувчи инсон фаолият соҳаси “фан” эканини ҳам билдик. Илм билан фан ўзаро узвий бөглиқ бўлгани сибаб, илм-фан деган ибора ишлатилар экан уни ҳам билдик.

**Ўкув фани.** Фан саралаб жамлаган сон-саноқсиз билимлар ичидан, муайян касб згасига керак бўладиган ва болаларнинг ёши ҳамда билимларнинг қабул кила олиш кобилияти ва бошқа омилларни ҳисобга оғган ҳолда, узулуксиз таълим-тарбия жараёнининг муайян босқичида ёшлиарга берилиши мумкин деб ҳисобланган билимларни ташлаб олиб тартибга келтирилган ҳолати ўкув фани дейилади.

Фаолият тури, соҳаси ва уларнинг тармоқларидан қатъи назар, ҳар қандай фаолият икки асосдан келиб чиқади. Ёнлар методологик ва методик асослардир. Методологик асос, ўз павбатида, умумий ва хусусий методология деган турларга ажралади. Методикалар оса сон-саноқсиз булиши мумкин.

**Умумий методологик асос** деганда, ҳар қандай фаолиятни амалга оширишдан олдин, жамият олдига қўйилган умумий мақсад ва диалектика қонунларини киши тасаввурига келтириб туриб амалга оширишлик ва улардан келиб чиқишлик тушунилади.

**Хусусий методология,** ҳар қандай фаолиятни амалга оширишда, шу соҳада мавжуд қонун, коида ва тамойилларга, яъни назарий асосларига суюниш тушунилади.

**Методика.** Мақсадга йўналтирилган ҳаракат фаолият дейилар экан, мақсадга эришиш учун, киши бир қатор усул ва услублардан фойдаланаади. Шу усул ва услублардан фойдаланиш йўриқномасини методика, узбек тилида услубият ёки йўл, тасаввуфда тариқат дейилади. Педагогикада, асосан “Методика” деган атама кўлланилади.

Ҳар қандай фаолиятни амалга оширишда, киши шу уч турдаги асослардан, яъни умумий методология, хусусий методология ва амалий фаолиятининг усулларидан бирдай фойдаланган ҳолда амалга ошириди. Уларни биронтасига амал қиласлиқ, бажараётгани ишини ногури амалга ошираётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, киши яшаб турган жамиятининг олдига қўйилгаш умумий мақсадни аниқ тасаввурига келтира олмаса, табиат, жоминиң юнг ривожининг умумий қонунларини билмаса, ўзининг соди қонун.

қоида ва тамойилларини згалламаган булса ва бажарадиган ишининг йўлларини, яъни усулларини ўрганмаган булса, у ўзига юқлатилган вазифани бажара олмайди. Бажаришга уринган тақдирда ҳам, азобу укубатлар билан уни нотўри, талабга жавоб бермайдиган қилиб бажаради.

Масалан, ўз фаолият соҳасининг қонун, қоида ва тамойилларини яхши билиб, бажарадиган ишини амалга ошириш усулларини ҳам тўлик эгаллаб олган бўлсаю, жамият олдига кўйилган умумий мақсадни ва киши ихтиёридан ташкари мавжуд фалсафа қонунларини билмаса, унинг бажарган ишининг тўғрилигига кафолат бериб бўлмайди. Бундай фаолият жараёнида, уни амалга оширувчи мақсаддан тойиб кетаверади.

Шунингдек, жамият олдига кўйилган умумий мақсадни, диалектика конунларини тўлик била туриб, соҳасининг назарий асосларини билмаса, унда ҳам кўзлаган мақсалига етолмайди ва ҳоказо.

Илмий тадқиқот ишлари билан шугулланмоқчи бўлганлар кўйидаги коидаларга амал қилишлари шарт. Акс холда, уларнинг илмий тадқиқоти амалга ошмайди, ошган тақдирда ҳам, уларнинг тўғрилигига ишониб бўлмайди.

Тадқиқот ишини бошламасдан олдин, киши, шу соҳасининг йирик олимларидан, ўзига устоз ёки маслаҳатчи толиб олиши шарт. Чунки, “устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йургалар” деган гап бўлиши билан бир каторда, пис Ахмад Яссавий айтганларидек:

Тариқатга шариатсиз киргандарни,

Шайтон келиб имонини олар эмиш.

Ушбу йўлни пирсиз амал қилгандар-ей,

Йўл-йўлакай сарсон бўлиб колар эмиш.

Бу байтни шарҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Тариқат деганда, йўл назарда тутилади. Шариат деганда, шу йўлда амал килиниши лозим бўлган қонун, қоида ва тамойиллар англашилади. Пир деганда узтоz ёки маслаҳатгўй одам тушунилади.

Сўнг, танлаган илм соҳасининг олдида турган долзарб муаммолар ичидан кучи етадиганини танлаб олиб, ўзига тадқиқот обьекти қилиб, шу обьект ичидан ечилмаган масалаларнинг бирини танлаб, ўзига тадқиқот предмети қилиб олади. Шундан сўнг тадқиқот олиб боришидан кўзланган мақсадини аниқлаб, унга эришиш учун ечиладиган масалалар тизимини белгилайди. Ечимини кутиб турган масалаларни ҳал этиш учун қўллапиладиган усул ва услубларни ҳамда уларнинг

«Улутиниши ўрнини белгилаб олганидии кейин, тадқыкот инини болашалынги түғри булади.

**Ушбу мавзу бүйича пазорат саволлари:** 1. Илмий филологияның? 2. Тадқыкот объекти деганда нимани түшүнүмүү? 3. Тадқыкот предмети нима? 4. Фан нима вазифаны бажаради? 5. Ўкуу филологияның тариф беринг? 6. “Ўкув фани” билан “Фан” түшүнчөлөринин фаркы нимада? 7. Умумий методологик асос деганда нимани түшүнүмүү? 8. Хусусий методология нима? 9. “Методика” түшүнчесини түгүрифлап?

## З БҮЛİM ПЕДАГОГИКАНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Хар кандай фандаги категориал аппарати, конун, коида ва тамойиллар йигиндиси, шу фанниг назарий асосини ташкил қиласи.

Юкорида айтилганидек, инсоннинг бошқа маҳлукотлардан асосий фарки унинг фаолият юрита олишиладир. Хар кандай фаолиятнинг эса, йўналтирилган обьекти, предмети, мақсади, мақсадга эришишда бажариши лозим бўлган вазифалари ва муайян ҳаракатни амалга ошириш жарёнида қўлланиладиган усуллари бўлади. Шу билан биргаликда, хар кандай иш ҳаракат, унга асос бўладиган учта – умумий методология, хусусий методология ва мақсадга эришиш йўли, яъни методикасининг барча тамойилларидан келиб чиқиб амалга оширилиши шарт. Бошқа холларда бажариладиган иш нотўгри бўлиб, сарфланадиган куч-куват ва вакт зос кетади.

Педагогик фаолиятдан бошқа турларини нотўгри амалга оширилган тақдирда ё кишининг ўзига ёки меҳнат жамоасига ёки иккаласига ҳам зиёни тегиши мумкин. Аммо педагогик фаолият нотўгри амалга оширилганда бутун жамиятнинг камидা ярим асрлик ҳаётига салбий таъсир этилган бўлади. Чунки таълим-тарбия берилабтган болалар эртага мамлакатимизнинг фаол фукароси бўлиб етишадилар. Гарчи, уларга нотўгри билим ва тарбия берилган бўлса, якин ўн йилдан кейин улар жамиятимизнинг ижтимоий мухитини бузиб, турли ноурин ҳаракатлар кила бошлайдилар. Шунда уларниң зиёни жамиятиниң барча аъзоларига, шу жумладан ўқитувчиларниң ўзига ҳам, акс таъсирини курсатади. Шу кезда тарбияси бузук кишиларни тузатиш ҳамда ўқитувчи ва педагогларнинг қилган нотўғри меҳнат фаолиятларини баргарраф этиш амримахол бўлади. Шунинг учун, таълим-тарбия соҳасида хатоларга йўл қўймай, барча умумий, хусусий методологик асослардан бирдай келиб чиқиб, муайян ўкув фани ва болаларниң ҳарактерига мос педагогик усулларни ўзига танлаб олиб амалга оширилиши талаб қилинади. Назарий жиҳатдан буни бажариш осондек куринади, аммо амалий ҳаётга уни татбиқ қилиш аяча мурakkab. Шунинг учун, дарс ва ўкув машгулотларни амалга оширишдан оддин, уларга жуда пухта назарий ва амалий тайёргарлик кўриш лозим. Ўкув машгулотларга аввалдан пухта тайёрланишининг технологиялашган усули қўлланмамизнинг 4.2 булимида берилган.

Дарс ва ўкув машгулотларга тайёргарлик кўриш мобайнида, биринчи навбатда, муайян жамият ўзининг ўқитувчи ва педагоглари-

дан қандай кишини тарбиялаб беришни кутадилар? Бошқача қилиб айтсаңда, үқитувчи ва педагоглар олдида қандай ижтимоий буюрғыма түршислигини ва унинг кўрсаткичларини аник билиб олишлари ва бу буюрғыма кўрсаткичларини ўзига умумий методологик асосининг биринчи қисми килиб олишлари шарт. Иккинчи навбатда, дарс ва ўкув минн улоти икки қарама-қарши томонлардан – үқитувчи ва талаба деган бир-бирига интилевчи ва бир-биридан кочувчи кучлардан ташкил тонганилигини билган ҳолда, бу вазиятни ечимини кўрсатиб берувчи инспектика конунларини яхши ўзлаштирган булишлари лозим. Бу дарс ва ўкув машгулотига тайёргарлик кўриниш учун амал қилинадиган умумий методологик асосининг иккинчи қисмини ташкил қиласди. Айтилган иккита қоидага амал қилишлик, педагогик жараённи умумий методологик асосига тўла риоя қилганликни билдиради.

Шу билан биргаликда, дарс ва ўкув машгулотига тайёргарлик кўриниш жараёнида үқитувчилар педагогика категорияларини, дидактикашинг конун, қоида ва принципларини, талабаларга бериладиган билимлар мазмунини, тарбия назариясининг қондаларини чукур билган ҳолда, бу ишни амалга оширишлари талаб қилинади. Бу педагогик жараёнида хусусий методологик асосга амал қилишлик дейнлади.

Иккита методологик асосдан келиб чиқсан ҳолда дарс ва ўкув машгулотига тайёргарлик кўришда, унда кўлланиладиган педагогик усулларини, яъни методикасини, бу жараёнда кўлланиладиган дарс тури ва типини, ўкув машгулотида фойдаланиладиган ахборот-коммуникацион технологиялар ва дидактик материалларининг турлари, кўлланиши жойларини маълум қилиб олинниши ҳам талаб қилинади.

### 3.1. Педагогиканиянг объекти, предмети, мақсад ва усуллари

Ўкув қўлланмамизнинг 2.3 булимидан бизга маълум бўлдик, инсоннинг ҳар қандай фаолиятини амалга ошириш учун, аввал, бу фаолият соҳасида мавжуд бўлган билимларни эгаллаб олиш керак экан. Фаолиятни амалга ошириш учун керак бўладиган билимларни шу соҳа ўкув фанидан олиш лозим эканлиги ҳам бизга аён. Ўкув фани, ўз наяватида, бу билимларни асрлар мобайнида олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб бориб, муайян фанда тўпланган билимларидан саралаб олишларини ҳам биламиз. Ҳар қандай тадқиқотчи ўз фаолиятини қандайдир бир бутунликка, яъни мажмуга қаратишларини ҳам реалайлик. Илмнинг муайян тадқиқоти йўналтирган нарса ёки ҳодисани, шу илм соҳасининг тадқиқот объекти экани ҳам, ўкув қўлланмамизнинг 2.3 булимидан бизга маълум. Шунингдек, муайян тадқиқот объекти-

нинг жабҳалари кўп бўлиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида илм соҳа тармоклари ўрганишини ва уни шу тармоқ илмининг тадқикот предмети дейилишини ҳам хотирамизга келтирайлик.

**Инсоннинг илмий, маърифий ва амалий фаолият турлари мавжудлиги юқоридаги бўлимда айтилди. Ҳар бир фаолият турининг узини фаолият олиб бориш объекти, предмети ва ўзига хос мақсади ва усуллари мавжуд булиб, улар бир-биридан фарқ қилиши ёки колмаслиги мумкин.**

Педагогика соҳасида: педагогика илмининг фаолият объекти, предмети, мақсад ва усуллари, “Педагогика” ўкув фанининг фаолият объекти, предмети, мақсад ва усуллари, педагогик амалиётининг фаолият объекти, предмети, мақсад ва усуллари мавжуд булиб, улар бир-биридан фарқ қиладилар.

Кўйида шулар юзасидан фикр юритилган.

#### **Педагогика илмининг тадқикот объекти, предмети, мақсади ва тадқикот усуллари**

**Педагогика илмининг тадқикот объекти.** Педагогика илми ўқиш, ўрганиш жараёни устида тадқикотлар олиб борар экан, унинг тадқикот объекти таълим-тарбия жараёни булади. Таълим-тарбия жараёни, бу жараёнида иштирок этадиган бешта – “Таълим берувчи”, “Таълим олувчи”, “Меъёрий хужжатлар”, “Техник воситалар” ва “Педагогик усуллар” деган унсурлар орасидаги функционал алокадорликлардан ташкил топади. Педагогик жараёни ташкил қилувчи бу бешта унсурни бағафенлроқ тавсифи, ўкув қулламамизнинг 4 булимида амалга оширилади.

**Педагогика илмининг тадқикот предмети.** Педагогик жараён, уни ташкил қилувчи бешта унсур орасидаги функционал алокадорликлардан ташкил топар экан, педагогика илмининг тадқикот предмети – “Таълим-тарбия берувчи”, “Таълим-тарбия олувчи”, “Меъёрий хужжатлар”, “Техник воситалар” ва “Педагогик усуллар” орасидаги таълим бериш ва таълим олиш майлида кечадиган функционал алокадорликлардир.

**Педагогика илмининг тадқикот олиб боришдан мақсади.** Педагогика илмининг тадқикотлар олиб боришдан мақсади, таълим-тарбия жараёнида иштирок этадиган бешта унсур орасида кечадиган функционал алокаларни амалга ошиш қонуниятларини аниқлашибир.

**Педагогика илмининг тадқикот усуллари.** Педагогика илми ўз тадқикотларини олиб боришда бир катор анъанавий ва замонавий тадқикот усулларидан фойдаланади.

**Педагогика илмининг анъанавий тадқикот усуллари кўйидағилар:**

**Илмий кузатиш** – кеңг тарқалған да осон ҳисобининг, үкитуви  
ни педагогларнинг амалий фаолияти устида олиб бориладиги сипаттама  
усуяларидан ҳисобланади. Ўкув жараёнини илмий кузатиш деңгизи  
иниқ максадга мувофик ва режа асосида олиб бориладиги табиит йукув  
жараёнини кузатиш усулига айтилади. Ўкув жараёнини шикмий құтап-  
шыны, оддий кузатишлардан күйидагилари билан фарқланаради: 1) аниқ  
максад қүйилиб, кузатиш жараёнида хал қилишиши лозим бўшил ми-  
ниллар аникланиб олинади; 2) ечилиши шарт бўлган масалаларини  
кутиши схемаси ишлаб чикилади; 3) кузатиш натижалари, албатта  
олиб борилади; 4) кузатиш натижалари таҳлил қилинади; 5) кузатиш  
натижаларини таҳтия қилиш орқали, ўкув жараёнини ташкил қўшуви  
чесурлари орасидаги зарурый, яъни қонуний алокалар аниқланиади.

Кузатиш илмий усулининг самарадорлигини ошириш учун, ку-  
затишни узок муддат давом этиб, ўкув жараёнини ҳамма томонларини  
кимраб олган ва холисона булиши шарт.

Кузатиш илмий усули, кулай ва уни барча амалга ошира олишлари  
билин бир қаторда, бу усул ўкув жараёниниг ички қонуниятларини  
тўлик очиб беролмайди. Шунинг учун бу усулдан, асосан, талқикот  
жараёниниг бошида, яъни муайян ўкув жараёни устида умумий та-  
саннурин пайдо қилишда фойдаланилади.

**Тажрибани ўрганиш.** Шу кунда бу усул, тор маънога келтирилиб,  
илгор тажрибаларни ўртаниш сифатида талқин қилинмоқда, аслиди бу  
усул кадимдан фойдаланиб келинаётган талқикот усулларидан булиб.  
Ўкув жараёнини ташкил этишда унлаги умумий қоидаларни аникланид  
шуналтирилган. Бу усул орқали, ўкув жараёнидаги муайян масалаларни  
ечиш йўллари, уларни конкрет худуд, муайян вакт ва муайян  
ўкув фанини ўқитиш жараёнида кўллаш мумкин ёки мумкин эмасли-  
ги ўрганилади. Шунинг учун ҳам бу усул, кўпичча тарихий ёки архив  
усули деб юритилади. Бу усулдан фойдаланилганда тарихий манбалар  
чукур ўрганилади.

**Педагогик тажрибани ўрганиш** усулини самарали қўлланишини  
учун куйидаги қоидаларга риоя қилиниши шарт: 1) ўкув жараёнидан и  
фактлар қайд қилиниб, уларни педагогикада кабул килинган қондиш  
ириципларига тўғри келиши ёки келмаслиги аникланиади; 2) агар ўкув  
жараёни юкори самарадорлик билан ёки самарасиз ўтган бўлса, униш  
сабаблари ўрганилади; 3) ўкув жараёни кечишини чукур таҳлил қилиб,  
уни самарали ёки самарасиз ўтганлигининг сабаблари аниқланили; 4)  
мактаб ва ўқитувчининг меъёрний хужожатлари текшириллади. Уларни  
– синф ёки гурух журнали, турли мажлис ва йигилини баённомизлари,  
иниқ интизом тизими, ўкув машғулотлар жадвали, ўқитуви на педагоги-

ларининг тақвимий ва дарс режалари, ўкув машғулотининг сценограммалари, лойихалари, конспектлар ва хоказо материаллар киради.

**Ўкувчи ва талабалар меҳнат маҳсулатини үрганиш.** Уларга ўкув фанлари буйича уйга берилган вазифалар, синфда бажарилган машқлар, ишишолар, рефератлар, амалий машгулот бўйича хисботлар, болаларнинг бажаргани эстетик ва техник ижодиёти ва дарсдан ташқаридаги фаолиятлари киради. Қадимгилар, “ижод маҳсули ижодкорни ифода этади”, дегани бежиз эмас. Бу усул ҳам, бошқа тадқиқот усуллари сингари, чукур уйлаб тузилган режа асосида ва ута хушёрлик билан олиб борилишини талаб қилади. Бу усулдан фойдаланилганда, бошқа тадқиқот усуллари билан биргаликда фойдаланиш юқори натижаларга олиб келади.

**Сұхбат.** Бу усул анъанавий педагогик усуллар сирасига кириб сұхбат, диолог, баҳс-мунозараларни қузда тутади. Бу усул орқали сұхбатдошнинг қўйилган масала юзасидан бўлган кайфияти, ички хиссиёти, ўкувчи-талабалар ва ўқитувчи-педагоглар орасидаги муносабатлар, муайян масалага билдирган баҳоси ва шунга үхшаш хислатларни бошқа тадқиқот усуллари орқали билиб бўлмайдиган саволларга жавоб олса бўлади.

Сұхбат усулининг самарадорлыгини ошириш ва уни шахсий муносабатлардан холи қилиш учун бир қатор чора-тадбирларга амал қилиш лозим бўлади.

1) Сұхбатдошнинг шахсий фазилатлари ва сұхбат жойини эътиборга олган ҳолда сұхбатнинг аниқ режасини тузиб олиш.

2) Тадқиқотчишинг қизиқтирувчи саволларни, тадқиқот объектига турли куринишда ва турлича қилиб бериш.

3) Саволларни текширилаётган кишига турлича қилиб, турли шаклда беринш.

4) Савол бериш ва жавоблар олиш учун турли вазиятлар ва топкирликдан фойдаланиш.

Сұхбат усулидан фойдаланиш учун, уни сабр-тоқат билан узок вакт үрганиш талаб қилинади, акс ҳолда тадқиқотингиз тескари натижага олиб келиши мумкин.

Сұхбат жараёни, замонавий техник воситалар ёрдамида, сұхбатдошнинг розилиги билан ёзиб олинини мумкин.

**Интервью** сұхбат усулининг замонавий кўриниши бўлиб, у педагогикага социологиядан кириб келган. Бу усул, педагогик тадқиқотчилар томонидан ҳали тўлик эгааллаб олинмаган булиб, ундан фойдаланилганда хушёрликни кўрсанда бой бериб қўймаслик лозим. Чунки бу усул,

респондент (*саволларга жаоб берүүчى*) фикрини оммашыптириши билан бөглик. Бу усулдан фойдаланилганда, респонденттеги берилдиши саволлар аввалдан чукур уйлаб түзилади ва бир неча күрүштөн бүләди.

**Педагогика илмийн замонавий усууларига күйндагилар киради.**

**Мажму ёндашув тамошыли.** Педагогик тадқиқот усулиниң эңг замонавийси, бутун үкув жараёныни ва унинг упсурлари булиб ҳисобланган таълим-тарбия босқичлари хамда даре ва үкув машгулотларга, үзаро функционал бөгликликтөрдөн яхшитүүк сифатида ёндашадиган объектив борликка “Мажму ёндашув тамошыли” деб айтилади. Бу усулдан фойдаланишиндеги назарий асослары күлләнмәмиздинг 2.1 булимида күрсатылган.

**Педагогик эксперимент.** Эксперимент сүзи лотинчадан олинган булиб “тажриба” маъносини билдиради. Педагогик эксперимент – аник ҳисобга олинган шароитта үкув жараёныни қайта ишләштөрмөк македи килиб олинган илмий тажрибадир. Альбанавий педагогик тадқиқот усууларидан фарқи, педагогик эксперимент мактубул воқеликларни күйд килиб қолмай, яратувчилик характерига ога. Эксперимент оркалы, үкув жараёни учун янги таълим-тарбия усул ва услублар, шакт ва математикалык бүнёд килинади.

Мохияти жиҳатидан эксперимент – бу катъий назорат остидаги үкув машгулотини кузатиш жараёницир. Бу кузатиш жараёнынин бошқа кузатышлардан фарқы шундаки, у тадқиқотчи тасаввурида пайдо булган үкув жараёныни илмий асослаб, концепцияга айланган күришишини тадқиқотчининг олдига күйилгандык максадыга мувофик равишида амалга онтариади.

Педагогик эксперимент бир гурух талабаларни ёки бутун үкув мусасасини, ёинки бир неча үкув юртлари на бутун худуддагы үкув мусасасаларини камрага булиши мумкин. Тадқиқот максадидан келиб чиқиб эксперимент киска муддали ва узок муддатли бүләди.

Педагогик эксперимент үзининг якунида эришиладиган илмий тахмин билан унинг концепциясини, экспериментни амалга оширишини катъий режасини, режага катъий риоя килишини, эксперимент натижаларини аник кайд этиб боришни ва якуний натижаларни илмий тавсифиб беришни талаб қиласы. Экспериментда илмий асосланган тахмин, яны унинг концепцияси етакчи рол үйнайды. Эксперимент олиб бориштап максад ҳам, тадқиқотчи тасаввурида пайдо булган ва илмий асосланган үкув жараёныни текшириб күриш, кам-кустини тузатиш, потүрги булса ундан воз кечиштүрүү. Тадқиқотчи концепциясини эксперимент-

дан үтказиш, бу вокеликни назорат қилишдан ундағи қонунияттарни анықлаштырыши үтишдір.

Эксперимент якунининг ҳақиқий эканлиғи, эксперимент үтказыш шарт-шароитларига қатый амал қилишликтағы бөглиқидір.

Күйилған мақсадға мувофиқ экспериментлар “қайд қилувчи эксперимент”, “текширувчи эксперимент”, “ижодкор эксперимент” деган турланағада ажрападилар.

Үтказыш жойига караб экспериментлар “табиий” ва “лабораториялық” деган турларга бўлинадилар.

Экспериментта қатта умид болграб, тиравардида педагогик жараённи ҳақиқий қонуналарини ишлаб чиқишни ўзларига мақсад қилиб күйил олимлар мажмун педагогикада “Экспериментал педагогика” оқимини ташкил қилганишлар.

**Педагогик тест.** “Тест” атамаси инглизтилидан олинган булиб, “Синов” маъносини аңглатади. Педагогик тест – мақсадға йўналтирилган, қатый назорат остида, барча синалувчилар учун бирдей шароитда олиб бориладиган ва педагогик жараённи объектив тафтпш қилиш имконига эга илмий тадқикот усулидир. Бошқа тадқикот усуllibаридан тест, ўзининг аниқлиғи, оддийлиги, ҳамма хам бажара олишлиги ва уни автоматлаштириш мумкинлиги билан фарқланади. Бу усул психологиядан олинган булиб, анча қадимий булишига қарамай, педагогиканинг илмий талқикотларида кам ишлатилади. У кўпинча, амалий ўкув жараёнида, талабалар билимларни ўзлаштиргачалик даражасини аниқлашда фойдаланилади.

**Жамоаларда рўй берадиган ҳодисаларни ўрганиш.** Негизда, таълим-тарбия жараёни жамоа характеристига эга. Шунинг учун у, маълум бир режа асосида олиб бориладиган, оммавий сўровлар үтказишда кенг қулланилади. Сўров вақтидаги саволлар оғзаки ёки ёзма булиши мумкин.

**Анкета усули.** Махсус сўров варақлари оркали жамоа фикрини ўрганиш усули булиб, суралувчилар ўз фикрини холис намоби қилишлигига суннади. Аммо, тажриба шуни кўрсатдик, суралувчилар ичидан, факат 50 фоизи тўгри жавоб қайтарар эканлар. Шунинг учун бу усулдан фойдаланганда усулининг шу хусусиятига эътиборни каратиш лозим.

Анкета усулининг жозибадорлиги, унинг ёрдамида қиска муддатда йирик оммавий сўровларни амалга ошириш мумкинлиги, арzonлиги ва уни автоматлаштириш имкони борлиги билан изохланади.

Шу кунда педагогик анкеталаш усулининг турли типларидан фойдаланилади: очик ва ёник, поми ёзилган ва аноним, тўлик ва

кисқартирилган, киришдан иборат бўлған ва назорат вазифасини біжерадиган ва ҳоказо.

Анкета ўтказиш усулидан илмий тадқиқот жараёшида фойдаланишучилар билан бир қаторда амалиётчи педагоглар ҳам, укувчи ва талабилар фикрини ўрганишда муваффақият билан фойдаланадилар. Маслан, синф ёки гурӯҳ талабалари ичидаги кичик гурӯхларни ажратиши, уларнинг орасидаги муносабатларни ўрганишда ва ҳоказо.

Езма усуллардан ташқари педагогикада илмий тадқиқотлар олиб боришида, юқорида қайд килинганидек, оғзаки усуллардан – сұхбат, интервью, оғзаки сұров каби усуллардан ҳам кенг фойдаланилади.

**Педагогика илмидаги миқдорий усуллар.** Сифат – ишрея ва ҳодисадаги хусусиятлар йигинидини миқдор оркали ифодалайти. Миқдор иарса ва ҳодисалар хусусиятлар йигинидиндаги ўлчам ши мезонларни ракамлар оркали күрсатиб беради.

Тадқиқотчи, ўрганаётган нараса ёки ҳодисанинг сифатини анықтунуучуи, ўрганаётган обьектги, шу соҳанинг қайсан тибиқдиги мансуб әкинлигини аникланни лозим. Бунинг учун у, обьектининг хусусиятирини миқдор ўлчамларини аниқлаб олади. Сифат на миқдор бир бирини такозо этиб, тибиатда мавжуд нараса ва ҳодисаларнинг хусусиятини ўлчамга соладилар.

Миқдорий усулларга: статистика, математик моделлантириши, кореляцион усул ва бошқалар киради.

Шулар билан бир қаторда педагогик тадқиқот ишларида графо-алатик, таққослаш, қиёслаш, анализ ва синтезлаш каби умумилмий тадқиқот усулларидан ҳам фойдаланилади.

### **Педагогика ўкув фанининг фаолият обьекти, предмети, мақсади ва ўкув машғулотини амалга ошириш усуллари**

**Педагогика ўкув фани** – педагогика илми тадқиқотлар олиб бориб аникланган ва Академик педагогика фанига мулк килиб берган чексин кўп билимлар ичидан танлаб олинган ва замон талабига ҳамда тилябалар ёшига жавоб берадиган, узлуксиз таълим-тарбия жараёшини маълум бир босқичида ўшларга берилиши мумкин деб топилган билимлар мажмуудир.

**Педагогика ўкув фанининг обьекти.** Педагогика ўкув фанинин вазифаси, келажакда педагогик фаолият билан шугулланасини Унинг мақсад килиб олган талаба ўшларга педагогика ўкув фанинин спиритуини ўргатиш экан, унинг фаолиятини йўналтирилган обьекти бўлиуси педагоглардир.

**Педагогика ўкув фанининг предмети.** Ҳар қандай ўкув машгулоти ҳакикий булиб ҳисобланиши учун, уни ташкил килувчи бешта унсури ўзаро функционал боғликларда булиб, бир бутунликни ташкил килишлари кераклигини юқоридаги сатрлардан билдик. Шундай экан, педагогика ўкув фанининг фаолият предмети – “Таълим берувчи” билан “Гаълим оловчиги”, уларни “Меъёрий хужжатлар” билан “Техник воситалар” хамла “Педагогик усуллар” орасидаги қонуний, яъни функционал алокадорларидир. Эътибор беринг, педагогика илми билан ўкув фанининг объекти турли бўлгани билан фаолият предмети бир булиб чиқмоқда.

**Педагогика ўкув фанининг фаолият юритишдан мақсади.** Педагогика ўкув фанининг биринчи мақсади, келгусида ўзининг меҳнат фаолиятини усиб келаётган авлодга билим ва тарбия бериш билан боғлиқ талаблар, шунингдек, тадқиқотлар натижасида аниқлаган ўкув машгулотини амалга ошириш қонун, коида ва тамойилларини ургатиш. **Иккинчи мақсади**, жамият учун, келажаги буюк давлатни барпо этишида фаол катнашадиган ҳамда Олий ва ўрта маҳсус ва қасб-хунар таълим мини ривожлантириш маркази томонидан ишлаб чиқилған 13 фазилатга мустакил Ўзбекистон фукаросини тарбиялаб стиштиришdir.

### **Педагогика ўкув фанининг усуллари**

Ўқитувчилик қасби пайдо бўлиши билан таълим-тарбия бериш усуллари ҳам шакллана бошлаган. Инсоният тарихида таълим-тарбия усуллари жуда күп булиб, бугунга келиб уларнинг ичидан сараланиб, ҳайтийлари сақланиб қолишиган. Сакланиб қолишиларининг энг умумий томонларини ҳисобга олган ҳолда, уларни куйидаги тоифаларга ажратиш мумкин.

**Биринчи тоифадаги педагогик усуллар** – “Анъанавий усуллар” дейилиб, талаба-ёшларга билимларни “етказиб бериш” тамойилига асосланадилар. Уларга: “айтиб бериш”, “курсатиб бериш”, “намойиш”, “маъруза тақдимот”, “савол-жавоб” ва “турт поғонали усуллар” киради.

**Иккинчи тоифадаги педагогик усуллар** – “Интерфаол усуллар” деб аталиб, билим оловчиларни билим эгаллашларида “аклий фаоллаштириш” тамойилига суюнадилар. Уларга: “муаммоли дарс”, “аклий ҳужум”, “кичик гурухлар билан ишланиш”, “давра сухбати”, “ишбоб ўйин”, “ролли ўйин”, “баҳс-мунозара”, “кластер” ва бошқа шунга ухшаш чексиз кўп усулларни киритса булади.

**Учинчи топгадаги усуллар – “Ноанъанавий ёки илгор ва замонавий усуллар” дейилиб, таълим-тарбия жараёнини “жадаллаштириши ши самарадорлигини ошириш” тамойилидан келиб чиқадилар. Унта: “лойиха усули”, “дастурлаш”, “модулли ўқитиш”, “технолого-тик жарига усули” ва бошқа бир қатор замонавий усуллар киради. Ва индеги, барча педагогик усулларни ҳамма яхши томонларини үзиди бирланшигира олган “Педагогик технология” усули мавжуд.**

“Педагогик технология” усулинин батафсилик маълумоти, ўкув кўлланмамизниң 4 булимида берилади.

### **Педагогик амалиётининг фаолият объекти, предмети, мақсад ва усуллари**

**Педагогик амалиётининг фаолият объекти.** Ўқитувчи ва педагоглар, педагогика ўкув юртларида, педагогика ўкув фанидаги билимларни оғаллаб, умумурта, ўрта маҳсус ва қасб-таълим ўкув юртларида ўз қисбий фаолиятларини олиб боришига йўлланма олиб кетар эканлар, уларниң фаолият объекти ёш актод хисобланади.

**Педагогик амалиётининг фаолият предмети.** Уларниң фаолият предмети “педагогикинг узи” билан “ўкувчи ёки таълабалар”, “ўқитаётган ўкув фани билимлари” ҳамда “ўқуп жараёнида широк этадиган бошқа унесурлар орасидаги” зарурий, яъни функционал алоқадорлик хисобланади. Бу дегани, ўқитувчи ёки педагог узининг педагогик фаолиятини амалга ошириш жараёнида ўкувчи ски таълабаларининг шу фандан олган билим даражаларини, уларниң психологияк ҳолати ва физиологиясини, ўқитаётган фанининг узига хослигини, ўқитишининг техник воситалари ҳамда таълаб олган педагогик усулинни яхши эгаллаган ҳолда амалга ошириши шарт. Бошқа барча ҳолларда, ўкув машгулоти талабга жавоб берадиган тарзда олиб борилди деб бўлмайди.

**Педагогик амалиётининг усуллари.** Педагогик амалиёт жараёнида ўкув машгулотини амалга ошириш усуллари, педагогик ўкув юртларидаги усулларга ухшаган булиб, уларниң батафсилик тавсифи кўлланмамизниң 4 булимида берилади.

**Ушбу мавзуу бўйича назорат саволлари:** 1. Педагогика илмининг тадқиқот объекти нима? 2. Педагогика ўкув фани ўз фаолиятини нимага қаратган? 3. Педагогикадинг амалий фаолиятининг объекти ким? 4. Педагогика илмининг тадқиқот предмети нима? 5. Педагогика ўкув фани, узининг амалий фаолиятини нимага қаратади? 6. Амалиётчи педагоглар ўз фаолиятини кимга қаратган? 7. Педагогика илмининг тадқиқот олиб боришдан мақсади нима? 8. Педагогика илмининг тадқиқот усул-

лари қанақа? 9. Педагогика ўқув фани ва амалиёти қандай усуллардан фойдаланадилар?

### 3.2. Педагогика категориялари

Ҳамма илм-фан ва қасб-хунарларда бўлгали каби, педагогикада ҳам бошқалар кам тушунадиган ёки умуман тушунмайдиган махсус тушунчалар мавжуд бўлади. Шу соҳанинг категорик аппарати дейилади. Нарса ва ҳодисаларининг муҳим ҳусусиятларини, яъни бир бутунинг ички унсурлари орасидаги зарурӣ ва шу бутунинг ташки муносабатларини акс эттирувчи тафаккур шаклия тушунча дейилади. Тушунчанинг мантикий вазифаси, бирон нарса ёки ҳодисани бошқасидан фикран ажратишдаи иборат. Ҳар бир фан муайян тушунчалар билан иш кўради. Тушунча ҳиссий билиш шаклларидан фарқ килиб, инсон тафаккурида тугридан-тугри акс этмайди. У таккослаш, таҳлил, синтез қилиш, абстракциялаш, умумлаштириш каби мантикий усуллардан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинади.

**Дарс ва ўқув машғулоти.** Узлуксиз таълим-тарбиянинг бирламчи асоси бўлган ўқув жараёни, умумурта таълимда “Дарс”, махсус ва қасб-хунар ҳамда олий таълимда “Ўқув машғулоти” дейилади.

**Дарс ва ўқув машғулоти** -- аниқ мақсадни кўзлаб, ажратилган вакт мобайнида, бир хил ёшдаги ўқувчи-ёшлар билан ўқитувчи ёки педагог раҳбарлигида олиб бориладиган машғулот тури. Дарс ва ўқув машғулотларининг мақсади, мазмуни ва ҳажми Давлат таълим стандартлари асосида белгиланади. Педагогик фаолиятнинг асосий ташкилий шакли, дарс ва ўқув машғулоти экан, ўқитувчи ва педагоглар бу жараёнда:

- хар бир синф ёки гурӯхда ўқувчи ёки талабаларнинг ёши ва билим даражаси бир хил бўлишига;
- дарс ва ўқув машғулоти қатъий жадваи бўйича белгиланган аниқ муддатда олиб борилишига;
- дарс ва ўқув машғулотлар ўқитувчи ёки педагог раҳбарлигида бутун синф ёки гурӯх ва алоҳида ўқувчи талабалар билан ишлаш шаклида олиб борилишига;
- дарс ва ўқув машғулоти ўқув фанининг характеристи, берилаётган билимларнинг мазмунига қараб турли усул ва воситалар ёрдамида олиб борилиши ва узлуксиз таълим тизимининг бир кисми сифатида тугалланган билим берилишига ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратишга каттиқ риоя қилишлари шарт.

Шуни унутмаслик керакки, ўқув юртларида таълим-тарбия ишлари факат синф-дарс шаклида олиб борилмай, балки амалий машғулотлар,

төкриба ишлари шаклида ҳам амалга оширилади. Бу машгулотниң синфын мактабдан ташқарида булиши ҳам мүмкин.

Дарс ва ўкув машғулоти – таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол булиши, билимлар мустаҳкам ўшиштирилиши, ўкувчи-талабанинг шахсий хусусиятлари эътибориги олинган ҳолда ташкил этилиши шарт.

Педагогика фани ўкув машғулотининг олдига бир қатор дидактик тарабаларни кўяди, улар қўйидагилардан иборат:

- ҳар бир ўкув машғулоти аниқ мақсадини кўзлаган ҳолда нухта ресалаштирилиши ёки лойиҳаси тузилган булиши лозим. Бу жараёни педагог ўкув машғулотининг таълимий ва тарбиявий мақсадини белгилайди. Ўкув машғулот босқичларини, яъни қандай бошлини, янги материални қандай ўтиш, қандай тамомлаш, ахборот-коммуникацион технологиялардан, кургазмали ва бошқа дидактик материаллардан қандай фойдаланиш кабиларни олдиндан ҳал қилиб олади;

- ҳар бир ўкув машғулоти аниқ гояниш изланинг эти бўлини дошим;

- ҳар бир ўкув машғулоти ўкув муассасасининг ижтимоӣ мухитимониятини хисобга олган ҳолда амалиёт билан бօгланниши, кўргачмади воситалар билан жиҳозланиши шарт;

- ҳар бир ўкув машғулоти, машғулотнинг характеристига мое усул ва услублардан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши керак;

- ўкув машғулоти учун ажратилган вакт ва унинг дақиқаларидан тежакорлик ва унумли фойдаланиш талаб қилинади;

- ўкув жараёнида ўқитувчи ва ўкувчи ўзаро фаол муносабатди булиши ўкувчи ва талаба пассив тингловчига айланмасликлари лозим;

- машғулотлар бутун синф ва ҳар бир ўкувчи ва талаба билан, уларнинг шахсий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда олиб борилиши юкори самара беради;

- ўкув машғулотининг мазмани ва характеристига караб ҳалқимизнинг бой маънавий меросидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқидир.

Педагог ўтилаётган мавзунинг мазмунига боғлик ҳолда мустаҳкам Узбекистондаги ўзғаришлардан ўкувчи ва талабаларни хабардор этиши талаб қилинади.

**Маърифат (педагогик жараёни)** – бу таълим-тарбияни имконига оширувчи инсоннинг фаолият соҳаси. Махсус билимлар миждуни эга ва уни бошқаларга ўргатишни ўзига касб қилган “таддим-тарбияни берувчи”лар: боғчада – тарбиячи, умум ўрта мактабларда – устич, шиг

демик лицей ва касб-хунар колледжларида – ўқитувчи, олий ўкув юртла-рида – педагог, катта ўқитувчи, асистент, доцент, профессор ва малака ошириш босқичида – маъruzachi деб номланадилар. Билимга талабгор-лар, яъни “билим олувчилар”, юкоридагиларга мос равишда – бодча болалари, ўкувчилар, талабалар, тингловчилар ва шогирд деб аталади.

**Билим** – бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги уларнинг тадрижий ривожининг ички заруриятидан келиб чиккан алоқадорлик. У конуннат, қонун деб ҳам юритилади. Бу зарурий боғлиқлик парса ва ҳодисаларнинг табиатидан келиб чиқиб, бизнинг ихтиёrimиздан ташқарила мавжуд. Уни ўзгартириб булмайди. Уни би-либ олиб, хусусиятидан келиб чиқиб, иш юритилади. Билим кишидан кишига маълумот (ахборот) оркали ўтади. Билимлар тушунча, таъриф ва тавсифлар оркали ўзини намоён қиласди.

**Маълумот** – у педагогикага оид; икки маънода ишлатилади. 1. Хабар – укиш жараёнини амалга оширувчи восита. Билимли киши-нинг вазифаси, ўзидағи билимларни унга талабгор бўлганларга етказиши, маълум қилиши, яъни тия ва кургазмалар ёрдамида муайян объектининг ички ва ташки алоқадорликларини бошқаларга билдиришдан иборат. 2. Билим даражаси, яъни укиш, билиш, борлиқдаги объектив конуниятларни ҳис қилиши натижасида олинган билимлар йигиндиси. Масалан, паст маълумотли, ўрга ва юкори маълумотли ва ҳоказо.

**Таълим** – билимин маълум бир тартибда бериш ва уни олиш жа-раёни. Бу жараён бир қатор педагогик усул ва услублар оркали амалга оширилади. Таълим турлари кўп: ахлок-одоб таълими, табиий билимлар буйича таълим, техник таълим, касб-хунар таълими, олий таълим, сиёсий таълим, хукукий таълим ва ҳоказолар.

**Тарбия** – кенг қамроали тушунча бўлиб, унинг уч хил талқини мав-жуд: 1. Болани бокиб, вояга етказиши. 2. Парвариш-карор. 3. Олинган билимларни амалиётда қўллашга ўргатиш.

Педагогикага унинг учинчи талқини мос келади. Масалан, одоб ва ахлокка ўргатиш ахлокий тарбия: касб-хунарга ўргатиш хунар тарбияси; ислом ақидалари ва шариат коидаларига ўргатиш диний тарбия ва ҳоказо. Тарбия таълимсиз амалга ошмайди. Таълим (билим) беришдан максад, унинг кетидан тарбия беришdir, яъни таълим орқали эгалла-ган билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатиш. Таълим-тарбия ту-шунчалари ўзаро узвий боғлиқ. Таълим – билим бериш ва уни эгаллаш билан боғлиқ бўлса, тарбия олган билими буйича харакат килиб, уни кўниумага айлангиришdir. Буюк аллома Абу Наср Форобий “Таълим

Учтии, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия – назарий билимларни, маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ ва имоний малакаларни ўргатишдир”, сунг “Таълим фақат сўз ва ўргатиш бинанини булади, тарбия эса, амалий иш тажриба билан” деган эди.

**Шахс шаклланishi.** Иносон биожитимий мавжудод бўлганлиги туфани, биологик ривожи билан бир каторда у ижтимоий ҳам ривожланниб боради ва камолотнинг маълум бир босқичида шахсга айланади. Биниди бир катор ижтимоий сифатлар таркиб топиб, илмий асосланни мустақил фикр шаклланади.

Ижтимоий тараққиёт – ташки ва ички, бошкариладиган ва бонкарилмайдиган омиллар билан кишига ижобий таъсир этиш, яъни ташкешшт ижтимоий шаклланни жараёни.

**Педагогик фаолият** – жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган ташкешини қондириш максадида катор фанлардан билим бериш ҳамда умумисоний ва миллий фазилатларни шакллантиришни илмий асосланни режа-дастурга мувофик амалга ошириш, яъни авлодни ҳайтга ташкеслайдиган ижтимоий зарур фаолият туро.

**Педагогик жараён** – ўқитувчи билан ўкувчи ёки педагог билан ташба орасидаги билим бериш ва билим олиш, ўргатиш ҳамда ўрганиш, тарбиялари ва тарбияланиш майлида кечадиган муносабатлар тизими.

**Педагогик тамоийл** – ўқитувчи ва ўкувчи ўртасидаги муносабат орқали бериладиган билим турни, ҳажми ва мазмуни, шунингдек, ўкув куроллари ва тарбияланувчиларнинг руҳий ҳусусиятлари ўртасидаги зарурий боғликлардан келиб чиқсан конуниятга амал қилиш.

**Педагогик тажриба** – таълим-тарбия берувчи томонидан педагогиканинг қонун, қонда ва тамоийллари ҳамда таълим-тарбия беришнинг муайян усул ва услубларини тұлик ўзлаштириб, уларни амалда куллашдаги реал шарт-шароитларни, болалар жамоаси ва хар бир боланинг ўзига хослигини хисобга олган ҳолда амалиётта тәғбиқ этиши.

**Илғор педагогик тажриба** – ўқитувчи томонидан педагогиканинг қонун, қонда ва тамоийллари ҳамда таълим-тарбия беришнинг усул ва услубларини яхши ўзлаштириб, уларга ижодий ёндашган ҳолда, нисбатан самаралироқ усул ёки услуб яратиш.

**Шахснинг ҳар томонлама камолга етиши** – маълум бир тарихий шарт-шароитлардаги индивид қобилияти ва иқтидори, унинг биожитимий моҳиятини ташкил киладиган ҳамма қучларни тұлик ривожлантиришдан иборат.

**Ижтимоий мухит** – киши шахсини шакллантирувчи ижтимоий муносабатлар мажмуи. У ижтимоий тафаккур, турмуш тарзи ва шахслараро, гурухлараро ҳамда миллат ва халқаро муносабатларнинг үзаро мувофиқ келиши ва бир-бирини бойитиш орқали шаклланади.

**Педагогик мухит** – таълим-тарбия максадларига мувофиқ равишда тузилган шахслараро, яъни ӯқитувчи-ӯкувчи ҳамда ӯқувчилар орасидаги муносабатлар мажмуи.

**Ички мухит** – кишининг ӯзига хос ҳаётий фаолияти, характеристика нинг ӯзига хослиги, ҳаётий тажриба ва ирсий тафаккур кўникмалари мажмуи, одатдаги руҳий ҳолатларда ӯзини намоён этадиган таъсирчаник ва воқсликка муносабатларнинг үзаро бир-бирига мувофиқ келиши, бир-бирини тұлдириши ва бойитиши.

**Ирсийлик** – кишининг ӯзига хослигини белгилаб берадиган анатомик, физиологик, психологик, ташкилий жиҳатлар, оға-она томонидан ирсий бирликлар орқали үтадиган белгилар.

**Руҳият** – шахспинг субъектив киёфаси, кишининг вужуди ва юкори даражада ташкил этилган материя – оиги ҳамда руҳининг биргаликдаги харакат маҳсулі.

**Үз-ӯзини англаш** – кишининг ӯзига ва ӯз фаолиятига муайян бир жамоа ёки бутун жамият нуктаи назаридан баҳо бера олиш.

**Фаолият** – қандайдир шахсий, гурухий, мишлий ёки умуминсоний эҳтиёжларга жавоб берувчи мақсад сари йушалтирилган харакат.

**Таълим-тарбиянинг инсонийлиги** – педагогик жараённи, яъни таълим-тарбия берувчи билан ӯкувчи орасидаги педагогик муносабатлар оқимини ўта инсоний (үзаро иззат-хурмат ва муҳаббат) руҳда амалга ошириш.

**Таълимни демократлаштириш** – муайян жамият ва конкрет шахс эҳтиёжи ҳамда имкониятидан келиб чиқиб, маълум билимлар тури ва хажмини эркин ҳолда ташлаб олинш.

**Мақсад** – ҳар қандай харакатни бошлашдан олдин харакат якунида әришиладиган нарса ёки ҳодисанинг бутунлигича ҳамда унинг асосий курсаткичлари билан киши тасавурида пайдо булиши.

**Ақлий тарбия** – табиатдан берилган ақлий куч, сезги, руҳий ҳолат, билувланулик ва фаолият өркинлигиги ривожлантириш натижасида инсонда мустакил фикр юритиб, олдига мақсад кўя олиш ҳамда кўзланган мақсадига эришиш қобилиятини шакллантириш.

**Ахлоқий тарбия** – оиласа, меҳнат жамоаси ҳамда кенг жамоатчилик үртасида, умуман ҳудудда, миллатда, давлатда қабул қилинган

конун-коида ва тартибларга бўйсунган ҳолда уларга риоя қилиш ҳамда умуминсоний кадриятларга асосланган ахлок ва одоб коидаларини ўзлаштириш.

**Жисмоний тарбия** – инсоннинг ҳамма жисмоний хусусиятларини; анатомик, физиологик мажмуларини ҳар томонлама ривожлантириш, соглом ҳаёт кечиришинг афзалликларини тарбиб қилиш ва жисмоний маънавиятнинг зарурий асосларини шакллантириш.

**Хукуқий тарбия** – инсонда хукуқий билимларни ошириш, конунларни яхши ўзлаштириб, уларга тўлиқ риоя этиш кўникмасини ҳосил қилиш.

**Эстетик таълим-тарбия** – инсонда завқ уйготувчи ва уни ҳаракат, шижаот ва қаҳрамонликларга ундовчи барча турдаги кўринишлар, ҳолатлар, ҳодисалар орқали бадиий-эстетик тафаккурни шакллантириш.

**Иқтисодий тарбия** – ишлаб чиқаришнинг жамиятда тутган ўрни, ишлаб чиқариш воситалари ва иш қуролларининг моҳияти, улар орасидаги узвий алокадорликни ўргатиш ва ўқувчи-талабшарда шу билимларга кўникма ҳосил қилиш.

**Экологик таълим-тарбия** – ёш авлодга экологик билимларни бериш, уларга ташки мухит ва вужуд орасидаги узвий боғлиқлик мавжудлигини хис эттириб, табиий ва ижтимоий мухитга нисбатан оқилона муносабатда булиш кўникмаларини ҳосил қилдириш.

**Педагогик муроқот** – таълим-тарбия билан боғлиқ муроқот тури.

**Маҳорат** – ўзлаштирилган билим ва ҳаётни тажрибалар асосида барча амалий ҳаракатларни шу соҳада мавжуд конун-коидалар асосида кам куч ва кам вақт сарфлаб бажарини.

**Малака** – киши эгаллаган билимлари кўникма босқичидан утиб, доимий (автоматлашган) ҳаракат турига лйланиши, маҳорат ҳосил қилиши. Малака – паст, урта ва юкори булиши мумкин.

**Диккат** – фаолият курсатиш мақсадида ташланган обьектга (жумладан, муайян фанга) онгнинг жамланиш ҳолати.

**Тафаккур** – билиш ва англашнинг юкори шакли булиб, онгнинг ўзида обьектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни ташкил қилувчи қисмлар ўртасидаги ўзаро алокадорликларни акс эттириш.

**Касбга йўналтириш** – жамият эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда, тарбияланувчига маълум бир касб-хунар ўргатишнинг маърифий жараёни.

**Ушбу мавзу бўйича назорат саволлари:** 1. Тушунча деганда нимани англаймиз? 2. Дарс ва ўқув машғулоти орасидаги фарқ нимада? 3. “Маълумот” тушунчасини шарҳланг? 4. “Таълим” дегани нима-

ни билдиради? 5. “Тарбия” билан “Таълим”нинг орасида нима фарқ бор? 6. Ижтимоий таракқиёт қандай кечади? 7. Педагогик фаолият қандай фаолият? 8. Педагогик жараён қайси ҳолларда амалга ошган хисобланади? 9. Педагогик тажриба нима? 10. Педагогик мулокот қандай кечади?

### 3.3. Педагогика фанлари мажмуи


Фалсафадан ажралиб чиқкан педагогика, кўпгина тармоқларга бўлишиб кетмоқда. Бугун педагогикани педагогика фанлари мажмуи дейишлик тўғри булади. Педагогика фанлари мажмуини ўрганишда, уни ўзаро функционал боғлик бўлган ва бир поғона пастда турган тўртта мажмуга ажратиб ўрганиш максадга мувофиқдир.

Биринчисига, бошқа барча педагогика фанларига асос бўлган “Педагогика тарихи ва назарияси” деган фанлар мажмуи киритилган. Бу мажмунинг таркибига “Педагогиканинг фалсафаси”, “Педагогика тарихи” ва “Умумий педагогика” деган фанлар киради.

Иккинчиси, “Ёш педагогикаси” деб номланади. Унга умумий педагогика ишлаб чиқкан қонун, коида, атама ва тамойиллар, одамларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда “оила педагогикаси”, “мактабгача тарбия”, “умумўрта таълим”, “махсус таълим”, “олий таълим”, “олий таълимдан кейинги таълим” ва “малака ошириш” босқичларига мослаштирилган педагогик фан тармоқлари киради. Улар ўз босқичидаги таълим-тарбия хусусиятларини ифода этган атамалар билан номланадилар. Масалан, “Мактабгача таълим педагогикаси”, “Умумўрта таълим педагогика” ва ҳоказо.

Учинчиси, “Махсус педагогика” деб ном олган фанлар мажмудан иборат бўлиб, унга умумий педагогика ишлаб чиқкан назарий асосларни болаларнинг жисмоний нуксонлари (кар-соков, кўзи ожиз ва ҳоказо)дан келиб чиқиб, қайта ишлаб чиқилган “Сурдопедагогика”, “Олигафренопедагогика”, “Тифлопедагогика” ва “Ижтимоий педагогика” (тарбияси оғир болалар педагогикаси) деган фанлар киритилган.

Туртинчиси – “Методика”. У умумий педагогиканинг назарий асосларидан келиб чиқиб, “Ёш педагогикаси”нинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, дарс ўтиш усулларининг ичидан танлаб олиб, ҳар бир ёш босқичлари учун ўзининг усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илм-фан тармогидир. Унга “Мактабгача таълим методикаси”, “Умумтаълим методикаси”, “Махсус таълим методикаси”, “Хунар таълим методикаси”, “Олий таълим методикаси” ва “Малака ошириш методикаси” деган фан тармоқлари киради. I-расмга қаранг.



1-расм. Педагогика фан-лари мажмуи

Педагогика фанлари мажмуининг энг умумий таркибий қисмларини 1-расмда номма-ном көлтиридик. Энди уларниң ҳар бирини қисқача таснифи ва улар таркибиға киругчи унсурларни ҳам күриб чиқамиз.

**Педагогика тарихи ва шигариясими** ташкил қылувчи учта педагогик фан тармоклариға умумий тасниф берадиган бұлсак, уларниң учаласи үзаро функционал болғылғы булиб, бошқа педагогик фан мажмұлари ва уларниң қисмларига хусусий методологик асос булиб хизмат қылади. Бу мажму унсурларининг таснифини “Педагогик фалсафа” деган фан тармокидан бошласак, мәнтиқан түгри бўлади.

**Педагогик фалсафа.** Айтиш жоизки, “Педагогик фалсафа” (“Философия воспитания”) фанин узок на яқин хорижий мамлакатларда яхши ривожланган булиб, унинг асосида шаклланған умумий педагогика фани яхши самара бермоқда. Бизниң ҳудудда педагогик фалсафа энди шаклланыб келмоқда. Шунда педагогиканинг барча фан тармоклари мустахкам умумфалсафий методологик асосга эга булиб, миллый педагогиканинг ривожига йул очилади. Педагогик фалсафанинг педагогик хаётдаги фаолияти қуйидагилардан иборат.

Дунёдаги фалсафий оқимларни таҳлил қилиб чиқиб, педагогика илми, фани ва амалиётiga умумфалсафий методологик асос сифатида қабул қилиши лозим булған энг умумий гоялар тизимини аниклаш. Бу гоялар асосида, үқитувчи ва педагоглар томонидан ёш авлодда шакллантириш лозим булған дунёқарагашнинг пазарий асосларини яратиб бериш. Шунингдек, муайян маънавий шароитдан келиб чикқан холда, миллый таълимнинг мезонлари, тамойиллари ва педагогикада күлланиладиган маҳсус түшунчаларни ишлаб бериш. Шу билан бир каторда, мураббий, үқитувчи ва педагоглар томонидан тарбияланыётгандарда шакллантирилиши лозим булған ижтимоий сифатлар тизимини яратиш ҳам файласуфларга юқлатилған.

Унутмаслигимиз лозимки, педагогик фаолиятимизда болаларга муайян фан билемларини етказиб бериш билан ческленмаслигимиз керак. Ҳар бир мураббий, үқитувчи ва педагог ёш авлодда жамиятга зарур бўлган ижтимоий сифатларни шакллантириши шарт. Бунинг учун маънавий меросимиз хазинасидан унумли фойдаланиб, одамнинг ижтимоий сифатларига ҳозирги замон қўяётган талабларидан келиб чикқан холда комил инсон сиймосини яратиш лозим. Буни эса, факат файласуфлар уддасидан чиқа оладилар. Айнан шу – педагогиканинг фалсафий жабҳасининг асосий қисми ҳисобланади. Мазкур ўкув кўлланмада шу масалаларни ечимиға ҳаракат қилинганди.

**Педагогика тарихи.** Таълим-тарбияни ижтимоий воқелик сифати-да кўриб, инсоният тараққиёти давомидаги педагогик таълимотларининг ривожланиш тарихини “Педагогика тарихи” фани ўрганади. Ҳар бир фанинни ўрганишда тарихийлик тамойилидан келиб чиқишилик, муайян фанининг ривожланиш истиқболини тўгри белгилашга хизмат қиласди. Чунки, фақат ўтмишни ўрганиб, уни шу кундаги ҳолатга таққослаб, ривожланишининг истиқболли режасини тўгри бслгилай олиш мумкин.

**Умумий педагогика.** Умумий педагогика “Педагогика тарихи ва назария”си мажмуининг марказий унсури хисобланиб, у ишлаб чиқкан қонун, қонда ва тамойиллари, бошқа барча педагогик фан тармоқларига хусусий методологик асос вазифасини ўтайди. У таълим-тарбия жа-раёнининг асосий қонуниятлари, қонун, қонда ва тамойиллари билан бирга, педагогикада кўлланиладиган маҳсус тушунчаларни ўзида му-жассамлаштирган. Умумий педагогика икки босқичдан иборат бўлиб, бирни назарий қисми бўлса, иккинчиси амалий қисмдир. Анъанавий Умумий педагогика тўрт бўлимдан иборат бўлган. Буларга “Педагогиканинг умумий асослари”, “Дидактика (таълим назарияси)”, “Тарбия назарияси” ва “Мактабшунослик” киради.

Анъанавий Умумий педагогиканинг бу қисмлари кейинги вақтда тараққий этиб, мустақил фан сифатида ажralиб чиқкан. Жумладан, “Педагогиканинг умумий асослари” деган қисми умумий педагогика деб юритилмоқда. “Дидактика” – таълим назарияси сифатида алоҳида фан. “Тарбия назарияси” ва “Мактабшунослик”лар ҳам шу кунда мустақил фанлар сифатида қабул қилинган. Ваҳоланки, буларнинг бар-часи умумий педагогиканинг таркибий қисмлари эди.

Ёш педагогикаси мажмуи ҳам “Оила педагогикаси”, “Мактабгача тарбия педагогикаси”, “Умумурта таълим педагогикаси”, “Хунар таълими педагогикаси”, “Олий таълим педагогикаси” ва “Малака ошириш педагогикаси” деган таркибий қисмлардан иборат.

Мактабгача таълим ва мактаб педагогикаси, ёш болалар ҳамда ўсмиirlар таълими ва тарбияси учун, умумий педагогиканинг қонун-қонда ва тамойилларидан келиб чиқкан ҳолда, билим бериш ҳамда уни куникмага айлантириш сирларини ишлаб чиқсан. Катталар педагоги-каси ҳам шундай, умумий педагогикадаги назарий асослардан келиб чиқиб, ёши катта одамларнинг ўз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолди таълим ва тарбия беришининг қонун-қонда ҳамда тамойилларини иш-лаб берган.

**Махсус педагогика мажмуига кирувчи илм-фан тармоқлари** ушук сиз таълим жараёнида алоҳида ўришга эга. Чунки, педагогиканинг бу тури, жисмоний нуқсони бор (кўр. соков, ақлий заиф) ва тарбияни оғир

болаларининг таълим-тарбияси билан шуғулланади. Шу соҳага ихтисослашган педагог олимлар, умумий педагогика билимларини эгаллашларидан ташқари, одам физиологиясини, ўсмирлар психологиясини жуда яхши билишлари керак. Шу билан бир каторда соқовлар тилини ва кўрлар алифбосини тўлиқ эгаллаган булишлари лозим. Шундагина улар умумий педагогиканинг таълим-тарбия бериш қонун-коида ва таъмйилларини кайта ишлаб, ўз фанига мослаштира оладилар.

Методика мажмууига кирувчи фанлар “Ёш педагогикаси” мажмудидаги “Хусусий педагогика” ва “Махсус педагогика” фани вакиллари гузиб берган назарий асослардан келиб чиқкан холда узлуксиз таълим жараёнигининг ҳар бир босқичига ҳамда жисмоний нуқсони бор болаларга алоҳида-алоҳида дарс утишининг умумий усусларини яратади. Методика мажмунининг ҳар бир босқичига унсур булиб кирувчи “Хусусий фан методика”лари ҳам мавжуд. Бу фан вакиллари муайян ёш босқичига ва махсус таълимга ишланган усусларни ўзининг хусусий фанини ўқитишга мослаштиради. Масалан, бошлангич мактабда математика ўқитиш методикаси ёки умумтаълим мактабидан юкори гурухларда география ўқитиш методикаси ва ҳоказо.

### **Педагогика фанлар мажмунинг бошқа фаплар билан алокалари**


Педагогика ҳам бошқа фанлар каби бир қатор фан соҳалари билан узвий алокада ривожланади. Биринчи навбатда, педагогика фалсафа билан узвий боғлик. Бу боғликлар юкорида кўрганимиздан ташкари фалсафанинг тармоқлари бўлган: дитишунослиқ, ёпёсятшунослиқ, диалектика, илмшунослиқ, социология, этика ва эстетика билан чамбарчас боғлик. Педагогиканинг фалсафа билан боғлиютиги, педагоглар учун умумфалсафий методологик асос бўлган комил инсон фазилатлари ва диалектика конунлари асосида таълим-тарбияни амалга оширишdir.

Педагогларнинг фалсафа илмшунослигидан олган билимлари педагогика соҳасида тадқиқот олиб боришга ёки бирорларнинг тадқиқот натижаларини тўғри тафтиш қилишга ёрдам беради. Социология эса, ўкувчилар жамоаси ва оиласларда ҳукм сурувчи муносабатлар конуниятлари билан педагогларни таништиради. Этика, педагоглар учун, таълабалар билан ахлоқий тарбияни олиб боришнинг илмий асосини яратади. Эстетика, билимлари билан ўқитувчи ва педагог ёшларга нафосат тарбиясини беради. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи ва педагог фалсафанинг асосий қонунларини, категорияларини ҳамда социология, этика ва эстетикадаги назарий билимларни эгаллаб олишлари лозим.

Педагогика фанлари мажмуи одам анатомияси ва физиологияси билан ҳам боғлиқ. Бу фанлар билимлари ўқитувчи ва педагогларга бошчап организимининг тузилиши, олий асаб тизими(мия)нинг фаолияни очиб беради. Ахир бизлар жонли, унинг устига ақлли, ижтимоий маҳиятли мавжудод билан иш олиб борамиз. Менгнат фаолиятимизнинг обьекти хисобланган инсоннинг биологик маҳиятини яхши билишимиз учун ҳам анатомия ва физиология фани билимларини эгаллашимиз керак.

Педагогика учун унинг психология билан бўлган алоқадорлиги муҳим аҳамиятга эга. Психология инсон руҳиятининг ривожланиши қонуниятларини ўрганса, педагогика шу қонуниятлардан фойдаланиб, тарбияланувчилар руҳиятини тараккӣ этиради. Педагогика фанинг ҳар бир тармоғи психология бўлимларидан ўзига мадад олади. Натижада маҳсус “Педагогик психология” деган фан пайдо бўлган.

Педагогика тарих, этиография ва этнопедагогика билан ҳам узий боғлиқ. Сўзсиз, педагогиканинг “Ватан тарихи”, “Адабиёт”, “Со-



2-расм. Педагогика фанлари мажмуининг бошқа фанлар билан алоқалари

циал география”, “Антропология”, “Экология”, “Иқтисодиёт” ва “Си- ёсатшунослик” билан бөлгүк томонлари ҳам күп. Кейинги вақтларда педагогиканинг кибернетика билан бөлганиши күзда тутилмокда. Үзига үқитувчиликтиң касб қилиб олған киши бу фанлардан ҳам яхши хабардор булиши керак. 2-расмга қаранг.

Ушбу маззу буйнча назорат саволлари: 1. “Педагогик фалсафа” фани үқитувчи ва педагогларга нима беради? 2. “Педагогика тарихи ва назарияси” нимага үргатади? 3. “Ёш психологияси” деб ном олган үкув фанлар мажмуди нима вазифани бажаради? 4. “Махсус педагогика” үкув фанлар мажмуди кимларға билим беради? 5. “Методика” үкув фанлар мажмуди қандай фанлардан ташкил топған? 6. Педагогик фанлар мажмуди фалсафа билан қандай бөгликтікта? 7. Педагогика фанлари мажмуди Умумий психология билан қандай алоқадорлықта? 8. Педагогика фанлари мажмуди одам анатомияси ва физиологияси билан қандай бөгланған? 9. Педагогика Кибернетика билан бөглиқми?

### **3.4. Педагогиканинг умумфалсафий методологик асоси**

Юкорида кайд килинганидек, педагогиканинг умумфалсафий методологик асоси иккى кисмдан иборат. Бири, ижтимоий буюртма бұлса, иккінчisi, диалектика қонунларидир.

#### **Ижтимоий буюртма педагогиканинг умумфалсафий асосининг бириңчи кисми сипатида**

Нисбатан тугашланған бир бутунликни ташкил қилған ва “давлат” деб номланған мажмудишиң бир қатор унсурлари бўлиб, улар шу давлатнинг фаолият соҳалари саналади. Улар соҳа мажмулари бўлиб, сиёсат, иқтисодиёт, маданият, санъат ва маърифат деб ном олғанлар. Ҳар бир соҳа бир бутун бўла туриб, ўз навбатида, бир нечта соҳа унсурларидан иборатдир. Масалан, сиёсат – ташқи ва ички сиёсат деган унсурлардан, иқтисодиёт – ишлаб чиқариш, ташиш ва сақлаш ҳамда тарқатиш деган, бир погона пастдаги мажмулардан ташкил топған ва хоказо. Булар ҳам, ўз навбатида, бир қатор унсурларни ўз ичига олади. Буни бизга мажмулар назарияси тушунтириб беради.

Шунда, ҳар бир соҳа мажмуди жамиятнинг қандайдир эҳтиёжини қаноатлантиришга бағишлиланған бўлади. Иқтисодиёт давлат, вилоят, туман, жамоа ва оила хўжаликларини ривожнни таъминлаб беришга йўналтирилған бўлса, бошқа соҳа мажмуларига ҳам, үзига яраша, жамият эҳтиёжини қаноатлантириш вазифаси юклатилған.

Маърифат, яъни педагогика соҳаси, жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини қаноатлантиришга бағишлиланған бўлиб, унга ёш авлодни замон талабига жавоб берадиган соглом ва баркамол этиб тарбиялаш вазифаси юклатилған.

Болаларни соглом ва баркамол этиб пояга етказиш учун, дар бир көнди, бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бири билан функционаллык бүлгап күйидаги фазилатлар шакллантирилиб борилшини таңып, буларга: “соглом ва эзгу ниятли”, “мустақил фикр юргуучи шағыннымлі”, “шмон-эътиқодлы”, “мехр ва мұхаббатлы”, “аҳлоқ на әдебети”, “мұлкий мұносабаттаға әга”, “уддабурон на тадбиркор”, “мекнітеспар ва шілжоатли”, “хұқуқтың ва экологик мәденияттің оған”, “миллій ғуурун бор ва ватаншарвар”, “толерант на иисендерлер”, “мард ва жасур”, “сабр-қапоатли ва сақоватли”. Бу фазилатлар йигма характерга әга булып, бошқа барча, ҳаммага мәдениум бүлгап ижтимоий сифатлар шу фазилатларга субстанция вазифасини бажаради ва уларнинг таркибига унсур бўлиб киради. Масалан, “соглом ва эзгу ниятли” фазилати таркибига “рухий саломат”, “жисмоният бакувват”, “ижтимоий фаол” сифатлар унсур бўлиб киради. Ўз иншабатида, “рухий саломат” деган ижтимоий сифатга “виждонли”, “оқ кўнгил”, “дили пок” ва шунга үхшашиб сифатлар унсур вазифасини үтайди. Бошқа ижтимоий сифат ва фазилатлар хам шундай, бир-бирини тақозо этиб, бир-бирига субстанция вазифасини үтайди. Буни, можмулар назариясидаги қонуниятлардан бири тақозо этади.

Куйида, юкорида санаб ўтилган фазилатларга қисқача мәдениум берилилган. Сабаби, таълим-тарбиядаги бу методологик асос, педагогик адабиётда, биринчи бор ўз ифодасини топмокда.

### **Соглом ва эзгу ниятли**

Боланинг жисмоний соглигини шакллантиришда вужуд билан бир қаторда унинг руҳи ҳамда ақли фаол иштирок этади. Демак-ки, соглом боланинг руҳи баққувват, ақли расо, вужуди оса яхши ривожланган бўлиши шарт.

**Боланинг руҳий саломатлиги.** Руҳ саломат бўлиши учун килинадиган биринчи амал, ҳар бир ишни бошлашдан олдин, шу ишни түгри ният қилиш керак. Түгри ният қилинди деганда, чин дилдаш ва факат яхши ният қилиш тушунилади. Яхши ният деганда, ниятнинг заминида тама ётмаслики шарт. Масалан, “фalon ишни қилсан, бойиб кетардим” ёки “шу ишни қилсан, менга яхши бўлар” эди деб ният қилиб, ҳаракатни бошлашлик, тамагарлик ҳисобланади. “Муайян ишни қилсан ҳалққа ёрдамим тегар эди ёки бу ишимдан оиласам катта наф бўлар эди, ёинки бу ишимдан фалончига фойда булар эли” деб, холисона ният қилишлик, яхши ният ҳисобланади. Факат шундай руҳиятта әга бўлган боланинг виждони бутун, дили пок, кўнгли очик бўлади. Бу айни ҳақиқат, бу гаплар хаётда кўп маротаба синовдан утиб ўз тасдиғини топган.

**Боланинг ақлий саломатлиги.** Ақлнинг саломатлиги факат билим олиш йули билан амалга оширилади. Билим олиш жарабёнини амали оширишда, ҳал қилувчи ролни боланинг ўзи уйнайди. Ҳеч қандай отона, ёру биродар ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар, бола миясини “ёриб”, ақлини чархлаб, ичига билим солиб қўймайдилар. Ақлни факат болни ўзи “кайраши”, ҳар қандай билимни факат ўзи олиши шарт. Отана, мураббий ва бошқалар боланинг бундай ижобий ҳәракатларига, факат ёрдам бероладилар холос. Боланинг қанчалик билими кўп бўлса, шунчалик унинг ижтимоий моҳияти юкори, эл ичидаги обрўйи баланд имолти мустаҳкам бўлади.

**Боланинг жисмоний саломатлиги.** Кишиининг жисмоний саломатлиги, асосан, соглом ҳаёт тарзига бояликдир. Соғлом ҳаёт тарзини таркиб топтиришининг талайгина сирлари бўлиб, бу сирларни ўрганувчи ва уларни кенг аҳолига етказувчи, маҳсус илм-фан соҳаси борки, уни “Валеология” дейдилар.

Валеология – лотинчада “соғ булиш” маъносини билдиради. Бу нарса, жамият учун ўта зарур булганлиги туфайли, “валеология” тушунчаси ижтимоий фан олимлари орасида кенг ёйилиб, айни пайтда, шу ном билан аталувчи илм-фан соҳаси таркиб топиб, ривожланиб бормокда.

Ҳақиқатни айтганда, валеология – келажакнинг илм-фанидир. Чунки инсонларнинг аксар қисми, сог ва куркам бўлишини, узак умр кўриб, баҳтли ҳаёт кечиришини истайдилар. Жамиятнинг хоҳиши борми, демак ижтимоий буюртма бор деган сўз. Ижтимоий фан олим ва амалиётчилари бу буюртмани бажаришлари шарт.

Валеологияга оид адабиётнинг кўпчилигида, бу фан тиббиётга тегишлилиги курсатилган. Шу билан биргаликда, бир қатор адабиётларда, уни руҳшуносликка, одобшуносликка ёки жисмоний тарбияга оид фан деб ҳам айтмоқдалар. Бундай бирёқламалик валеология фанини мазмунини тўлиқ очиб бермайди. Чунки валеология фанлараро янги илмий йўналиш бўлиб, уни бирдай, ҳам тиббиётга, ҳам одобшуносликка, ҳам руҳшуносликка, ҳам жисмоний тарбияга оид жабҳалари бор. Валеологияни тўғри тушуниш учун, бу тўрт илмий йўналишини омихта холатини кўра олиш керак. Вокеликка бундай ёндашув, юкорида айтиб ўтганимиздек, мажму ёндашув дейилади. Демак-ки соглом турмуш муаммоларини ўрганишда, бу жараённи бир бутунликда кўриш лозим.

Соғликнинг таркибий қисмини жисмоний саломатлик ташкил қиласар экан, жамиятимиз аъзоларини жисмоний томондан соғ ва баркамол бўлишлари учун, “жисмоний баркамоллик ўзи нима, бундай баркамолликни қандай қилиб инакллантиrsa бўлади?” деган саволларга жавоб топишимиш лозим бўлади.

Жисмоний баркамол – бу кишида жисмоний сифатларнинг иборти даражада ривожланганлигидир. Жисмоний яхши ривожланганни тўгри ва сингил қадам ташлаб юриш, югуриш, сузиш ва барча қаримларни тез бажариш каби ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган қаракат малакаларини мукаммал эгаллаган бўлини керак.

Кипини ёшлигидан бошлаб жисмоний жиҳатдан мунтазам тарбиялаб бориш натижасида, унинг ҳақиқий жисмоний баркамоллигига чишини мумкин. Демак, ҳар қандай инсоннинг жисмоний соглиги, уни ўсиб унган оиласининг соглом ҳаёт тарзига бөглиқ. Шу тамоминчи биноан Республика “Оила” илмий-амалий маркази “Соглом оила – соглом фарзанд” ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 42-сонли “Оилада тиббий маданиятни ошириш, шартийларнинг соглигини мустаҳкамлаш, соглом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари түгрисида”ги қарорига мувофик, бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқдаки, улар энг аввало оналаримизнинг жисмонан соглом ва бакувват бўлишлари, соглом фарзанд дунёга келишининг оила мухитига бөглиқ омилларини ўрганишга қаратилган. Оилани саломатликнинг асосий негизи деб қараб, нафакат туғиш ёшидаги аёллар, балки бўлажак оналар – қизлар ва ўсмир қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Педагогика фани ӯкувчи-талабаларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашни ташкил этишда физиология фанининг одам организимидағи барча аъзоларининг узаро алқадорлиги ва бир-бирига таъсир этиши, барча органларнинг функцияси ҳақидаги маълумотларга таянади. Инсонга нисбатан илмий, физиологик нұктай назардан ёндашиш, одамнинг жисмоний тарбияси билан бутун вужуднинг гармоник ҳолда ривожланишини таъминлайдиган қилиб йўлга қўйишни талаб этади.

Инсонни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш жараёнида қўйиндаги вазифалар ҳал қилинади:

- согликни мустаҳкамлаш ва чиникириш, вужуднинг жисмоний жиҳатдан түгри ривожланишига ҳамда ишчанлик қобилиятининг ўсишига ёрдамлашинг;

- ҳаракат малакалари ва кўникмаларини таркиб топтириш ҳамда тақомиллаштириш, ҳаракатнинг янги турларини ўрганиш ва бу билан бөглиқ бўлган билимлар бериш;

- асосий ҳаракат сифатларини (кучлилик, чидамлилик, тезлик ва чаққонлик) ўстириш;

- ирода, ботирлик, қатъийлик, интозомлилик, жамоавийлик, дўстлик туйгуларини, маданий ахлоқ, меҳнат ва жамият мулкига тежамкор муносабатда булиш малакаларини тарбиялаш;

- жисмоний машқлар билан мунтазам шугулланиш одатини ҳосил қилиш ва бунга қатъий риоя қилиш күнилмасини пайдо қилиш;
- гигеник малакаларини сингдириш, жисмоний машқлар ва чиникиш гигенасига мувофиқ билимлар бериш.

### **Мустакил фикр юритувчи ва билимли**

Бола соғлом ва барқамол булиши учун зарур бўлган фазилатлардан бири мустакил фикр юритиши, яъни ақиллиликдир. Дарҳақиқат, инсоннинг бошқа маҳлукотлардан асосий фарқи, унинг аклидир. Ақллининг луғавий маъноси – фикр юргимок, билмок деган мазмунни билдиради. Шундай экан, киши қашчалик кўп фикр юритиб, кўп билимга эга булса, шунча кун ақили ҳисобланади. Баъзилар, чукур фикр юртмай, бошқалардан кўрган, эшигтаниларини, китоблардан ўқиганларини ҳамда устоз муаллимлар айтганини эсда сакчаб қолиб, шу йуллар билан олинган билимларга амал қилиб юриши ҳам мумкин. Бунда ҳам ақл иштирок этади, яъни рационал тафаккур ишлайди, бунда ақл фаол бўлмай, ёрдамчи вазифани бажаради. У холда киши кўп ҳам интелектуал кучини сарфламайди. Доимо шундай ҳаёт кечириб юрган одамини ақлли деб бўлмайди. Билими кўп, ахлоқли ва бошқа фазилатларини санаб чиқилса ҳамки, ақилли деб бўлмайди. Чунки у мустакил фикр юритолмайди. Бироқ, аксарият ҳалқтинг шундай ҳаёт кечиришга мояйлилиги кўпроқ. Чунки бу йул онсонроқ булиб, киши унча кўп ақлий қуввати сарфламай кўзлаган мақсадига, бошқаларнинг аниқлаб бергани билими орқали ета олади.

Лекин баъзи болалар, ота-онаси, ўқитувчи ва домлаларнинг айтгани ва китобларда ёзилганлитига қаноат қилмай, ҳар бир нарсанинг негизига ўзлари етиб боришини истайдилар ва тайёр андозалар турганда, уларга амал қилмай, ҳар бир нарсанинг мазмунига ўзлари мустакил фикр юритиб етишга ҳаракат киладилар. Мана шундай инсонларни ақилли дейиш мумкин. Аслида бундай хислат ҳар қандай инсонда табиатан мавжуд булиб, кимдир уни ўзида ривожлантирган, кимдир бу хислатини ривожлантирмай, уни сўндириш йулидан кетган бўлади. Болаларимизни мустакил равишда ақлини ишлатмаслигига маълум даражада, билиб-бilmай, ота-она ва ўқитувчилар сабаб бўлади.

### **Имон ва эътиқод**

Имон деганда, фақат шариат аҳларининг фикридан келиб чиқиб, Аллоҳнинг яккалигини, Унинг китоблари, пайғамбарлари ҳамда фаришталарини тан олган ва вафот этанидан кейин қайта тирилиш ҳақ эканига ишонган, шунингдек, ислом шариати буорган беш вақт намозни ўкиб, 30 кун рӯза туттган, закотни вактида тўлаб, доимо эҳсонлар қилиб юрган ва ҳажамалини кўнглига туғиб ёки буни бажариб қўйган

одамни тушунниб қолманг. Гарчи булар ҳак амаллар бўлиб, ислом лишини кабул килишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлсалар ҳам. Бу Ислом шариати тушунчасидаги имон энгизидан кириш фарзандидир холос. Шариатда ҳам, имонга киргандан кейин уни такомилишинг ишрӯири ўнча.

Бизнинг фикримизча, имони мукаммал одам деганда, энг аниги оламнинг ижодкори бўлган ягона Худога ишониб, ёргу дунёга келишидан мамнун ҳолатда, ўз камолоти устида тинмай ишлайдиган, келяжакка ва одамларга ишонч билан қарайдиган, уларга ихлос қўя олин қобилиятига эга, шариат талабини иложи борича бажарувчи, уйининг энгиги ва кўнгли ҳаммага очик, ростгўй, мард, диёнатли, ҳақгўй, ширин сўз, сабр-қаноатли, саховатли ва меҳнаткаш, жасур ва шижоатли ҳамда дили пок одамни тупуниш керак.

Эътиқод деган тушунчага шарх берадиган бўлсак, бу тушунчанинг фалсафий талқини, бирор нарсага астойдил ишонмок ва уни амал кильмоқликдир. Кўриб турганимиздек, имон ва эътиқод тушунчалари бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар бўлиб, бир-бирисиз мавжуд булиши мумкин эмас. Киши бирор нарсага астойдил ишонса, яъни шунга имон ҳосил қиласа, кетидан, албатта уни тасдиклаб, унга эътиқод қилиши шарт. Ёки киши бирор амални бажармоқчи бўлса, аввал унга астойдил ишониши керак бўлади. Бу тушунчалар бир-биридан фарқ қиласа ҳам, ўзаро узвий боғлиқдирлар. Эътиқод имоннинг маҳсули. Ҳақиқий имонли одам, албатта эътиқодли бўлади. Имон ва эътиқодли булишлик барча бажарадиган ишларимизнинг индаллосидир.

### **Мехр ва муҳаббат**

Мехр ва муҳаббат, инсон табиатининг завқлангани паренси майли кўйишdir, деб қисқача тариф берса бўлади. Инсоннинг муҳаббати дунёдаги ҳар қандай нарсага тушинши мумкин. У табиат гўнаси, мальум бир ўсимлик тури ёки жонивор, ё сун хизиси, тог, даши, бор ёки мусиқа, расм, меҳнат фаолияти, иншоот ё бирон-бир ишлаб чиқирилган буюм ёки инсоннинг ўзи бўлиши мумкин.

Киши назари тушган бирон-бир нарса ёки ҳодисани беихтиёр яна кўргиси, ҳис қилгиси келиб, унга илҳақ бўлса, демак унинг шу нарса ёки ҳодисага меҳри тушган бўлади.

Муҳаббат руҳий ҳодиса бўлиб, муҳаббатни тоза ва ҳақиқийлиги, инсондаги мавжуд рухнинг такомли билан узвий боғлиқ. Одамнинг дили пок, ширин сўз, меҳнатни севувчи, сахий ва жасур бўлса, ундан кишининг муҳаббати чин ва покиза бўлади. Руҳи айниган, қўпол сўз ва дангаса одамнинг муҳаббатига ишонманг, ундаги муҳаббат факат майлдир холос.

Мұхаббатта илмий нүктаи назардан тушунча берар әкаптамыз, эстетик, рухий ва инахвоний мұхаббат билан бирга, барқамолликка якинлашып одамларда сүз билеп таърифлаб бұлмайдиган Олий мұхаббат пайдо бұлади. Бу бутун борлыққа, уни вужудға келтирған Худога бұлған мұхаббатдир. Ана шунда инсон мұтлак баҳтга әришади. Қолған мұхаббатту баҳтлар үткінчи бұлиб, Олий мұхаббат бокийдир. Бундай мұхаббатта инчинүң абадий баҳтга әришиш учун киши үзининг рухи, акли ва танаси устида тиімдай ишләпші лозим.

### Ахлоқ ва одоб

Ахлоқ ва одоб кишининг әндік ижтимоий сифатлари бұлиб, инсон фазилаттарининг гүлтожиси хисобланади. Ахлоқ ва одоб жамиятда әзтироф этилған хүлқ нормаси бұлиб, шахс маңнавий ҳәётининг ташқи жиһатини ифодалайды ва у үзгелар билеп мұносабатда намоён бұлади. Ахлоқ ва одоб – боланинг жамият орасыда үзини қандай тутиши, одамлар билан қай йүсінде мұомала қилиши, үз турмуши, бүш вактини қандай ташкил этиши, ташқи киёфаси қандай бұлиши лозимлигига тегишли қоидаларни үз ичига олади. Ахлоқ ва одоб қоидаларига – түгри сузлик, шарм-хаё, дилбарлик, камтарлик, хүшімұомалалик, озода ва саромжонлик ҳамда бошқа күргина ижобий ижтимоий сифатлар киради. Одоб ва ахлоқ таълим-тарбия ҳамда амалий тажриба жараённанда шакллашади ва ривож топади.

Ахлоқ ва одоб муайял жамият ва даврда үзгаришларга учраши, ри-вожланиши ёки сұниши мүмкін. Ҳар бир халқининг ёки мизлуттінинг үзінің хос ахлоки билан бир қаторда, умумбашарий одоб мейёрлари ҳам бор.

Марказий Осиё халқлари одобшунослик соҳасыда бой анъанага эга. Ахлоқ ва одобға оид фикрлар “Авесто” китоби, қадимги түрк битиклари ва бошқа ёзма манбаларда үз ифодасини топған. Булардан ташкари, үзбек халқи үргасыда кенг тарқалған пәннендер, үгіт ва одобномаларда, халқ педагогикасыда, дипломатиялық рисолаларда, алломалар меросыда ахлоқ ва одобға кенг үрні берилған.

Алишер Навоийнинг сағдоши ва шогирди Ҳусайн Вөиз Кошифий ижтимоий ахлоқий фазилаттарни юзага чиқаришнинг асосий воситаси деб илм-маърифат билан ахлоқий тарбияни тушунади. Илм-маърифат, Қуръони Карим, Ҳадиси шариф, нужум, ал-химия, математика ва мусикадан огох бўлиш, дунёни билиш, оламни таниш, яхши-ёмонни түгри англашдир, деса, ахлоқ, инсонийликни ҳаёт кечиришдаги әндік зарур, ҳаво каби керакли восита деб тушунади. Вөиз Кошифий инсоннинг кадр-қиммати, үзининг мол-мұлқи ёки ижтимоий келиб чиқиши

билинг әмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан үлчанади, дейди<sup>21</sup>.

ХХ аср бошларида аллома Абдулла Авлоний ахлоқин шундай тарифлайди: “Инсонларни яхшиликка чакиравчи, ёмонликдан қайтарувчиң бир илмдур. Яхши хулқларниң яхшилигини, ёмон хулқларниң ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейлиур”.

Ўзбекистон келажагининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий вазифаларини хал этиш кўп жиҳатдан жамиятниң ва ундаги ҳар бир инсоннинг ахлоқ даражасига боғлиқдир. Ахлоқ ва одоб шахс ижтимоий сифатларини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Меҳр-оқибат, садоқат, самимилик, иззат-хурмат, андишалик сингари яхши ахлоқларни фарзандларга сингдириш шу куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бу ахлоқлар тарбия орқали шаклланади ва камол топади. Шунинг учун ҳам ахлоқ ва одобни оиласдан бошлаб болаларда шакллантириш ва уларни ўкув муассасаларида давом эттириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир ота-она ўз болаларига ва ҳар бир ўқитувчи-муаллим ўз талабаларига юксак ахлоқий фазилатларни ўргатишлари зарур. Отана ва ўқитувчилар, ўз қарамогидаги болаларга соғлик ва ахлоқий баркамолликнинг ҳаётдаги ўрни ва фойдасини тушунтиришлари, айниқса, муҳимдир.

Ахлоқ ва одобни шакллантириш, яъни қалбини жамиятга фойдалани одатлар билан тўлдириш йўллари кўп. Шулардан бири бадиий адабиёт ўқиши. Адабиёт – арабчада одоб сўзининг кўплигини билдиради. Авваллари адабиёт оғзаки булган, ёзув пайдо бўлгандан сўнг ёнма шаклиги утган.

Адабиёт сўз орқали руҳга таъсир этиб, инсоннинг ҳис-туйгулирини кенг ва чукур акс эттириш имконига эга. Адабиётнинг мақсади мильум бир ижтимоий воқеликни гўла ифодалаш ва айни ниқтуда индивидуаллашган образ яратишдир. Яратилган бундай образлар “тип” деб аталади. Масалан, Фарход, Ширин, Мажнун, Отелло ва бошқа шунга ўхшаш образлар “тип” даражасидаги образлардир. Адабиёт воқеликни акс эттирас экан, унга гўзаллик қоидалари нуқтаи назаридан ёндашади. Асарнинг таъсирли чиқиши учун, бошқа кўп мезонлар асос қилиб олинади. Масалан, фикрни эмоционаллиги, кўтариқилиги ва ҳоказо.

Бадиий адабиётни, айниқса, мумтоз асарларни ўқиганда, киши асар ичидаги қаҳрамонлар образига сингиб, уларнинг ижобийларига таҳсинлар ўқиб, салбийларидан нафратланади. Шу йўл билан, китоб-

<sup>21</sup>Маҳмудов Р., Деганимни улуска марғуб эт. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1992, 35-бет.

хон одамнинг яхши ахлокларига меҳр кўйиб, ёмон ижтимоий сифатларига салбий муносабати ошади. Натижада ўзидағи номаъкул ижтимоий сифатларни кўра олади ва улардан қутилиш йўлларини излай бошлайди.

Шу вазифани мусиқа, ракс, саҳна асарлари билан радио, телевидение ва кинолар ҳам бажаради.

### **Мулкий муносабатга эга**

Соғлом ва баркамол болани вояга етказишда, болаларда мулкга бўлгани тўғри муносабатни шакллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун бола тарбияси билан шугулланувчи кишилар, аввало, “мулк” тушунчаси, “мулк шакллари” ва улардан келиб чиқадиган “мулкий муносабатлар”, “мулкни хусусийлаштириш”, “мулкдор”, “мулкий жиноятлар”, “мулкий зарар”, “мулкни хатлаш” каби тушунчалар тўгрисидаги билимларга эга бўлиши ва шундан кейин бу билимларни болаларга стказишлари лозим. Куйида шулар тўгрисида фикр юритамиз.

**Мулк – моддий ва маънавий неъматларни алоҳида олинган кишилар ёки юридик шахслар эгалигида бўлиши.** Юридик шахс деганда муассаса, корхона ёки бошқа турдаги, расмий ҳужуматлаштирилган, мулк кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, ишхона тушунилади.

**Мулк обьекти** ер, сув, ер ости бойликлари, корхона, бино, иншотлар, машина ва ускуналар, тайёр маҳсулот, пул, қимматли қозозлар, санъат ва адабиёт асарлари, илмий ва техникавий ишланмалар кабилар бўлиши мумкин.

**Мулк субъектлари.** Моддий ва маънавий неъматларни амалда узлаштирувчилар, яъни эгалари мулк субъектлари саналади. Буларга айрим кишилар, оиласлар, жамоалар ва ниҳоят давлат киради.

**Мулкдан амалда фойдаланиб, бупдан наф кўриш мулкни иқтисодий тасарруф қилиш хисобланади.** Кишиларниг моддий неъматларни яратиш, уларни тақсимлаш ва истеъмол этишдаги ўри, сиёсий ҳаётда тутган мавқеи, асосан, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик килишларига боғлик. Жамият тараққиёти тарихида эгалик килиш шаклига кўра мулкнинг бир неча тури мавжуд. Ибтидоий жамоа тузумида ишлаб чиқариш кучлари гоят паст ривожланганлигидан кишилар биргаликда, гурух-турух бўлиб меҳнат килишган. Шубҳасиз, бундай шароитда меҳнат куроллари ва ишлаб чиқилган маҳсулотлар жамоанинг умумий мулки хисобланган. Меҳнат куроллари ва меҳнат малакаси юксалгач, кишилар якка ҳолда меҳнат қила оладиган бўлган. Бу ўзгариш туғайли жамоа мулки парчаланиб, хусусий мулкга айланган.

**Хусусий мулк** – бу мулкни ўзлаштиришинг хусусий усулини исое-  
нанган шакли. У 2 хил бўлади: 1) индивидуал – яккі хусусий мулк,  
яъзи айрим шахслар ёки оиласарга тегишли мулк; 2) корпоратив ху-  
сусий мулк, бу ҳам айрим кишиларга қарашли, лекин акциядорлар жи-  
миятидаги умумий мулкнинг бир қисми сифатида мавжуд бўлган мулк.  
Корпоратив мулк дивидент (даромат) келтирувчи мулкдир.

**Жамоа мулки** – жамоага ихтиёрий равинда бирлашган кишилар-  
нинг умумий мулки бўлиб, унинг эгалари шу жамоада меҳнат қилинши  
шарт. Бу ерда мулк эгаси айни бир вақтда шу мулкнинг амалда ишлап-  
тувчиси ҳам ҳисобланади.

**Давлат мулки** – давлат ихтиёрида бўлган, давлат ҳокимияти ор-  
гандари томонидан тасарруф этиладиган монополлашган мулкдир.  
Бундай мулк обьекти – ер, табият ресурслари, асосий воситалар, бино-  
лар, молия, моддий ресурслар, ахборот, моддий ва маънавий бойлик-  
лар булиши мумкин. Бу мулк ижтимоий иеъматларни яратишга хизмат  
қилади. Давлат бор ерда унинг мулки мавжуд, лекин ушбу мулкининг  
миллий иқтисодиётдаги улуши турли мамлакатларда турлича, у мамла-  
кат иқтисодиётининг моделига боғлиқ. Давлат мулки давлатта қарашли  
бўлиб, унинг таркибига, давлат ўз вазифаларини бажариш учун зарур  
барча мол-мулклар ва мулкий ҳуқуқлар киради. Давлат мулки тушун-  
часи “давлат” тушунчаси билан узвий боғланган бўлиб, улар доимо  
бир-бирини тақозо этиб келади. Давлат мулки таркибига ер ва шмо-  
ратлардан ташқари озик-овқат маҳсулотлари, от-улов, ем-хашак на-  
бошканлар киради.

Жаҳон тажрибасида давлат мулки, асосан иккى йул билан шайло-  
бўлади: биринчиси, давлат бюджет воситалари ҳисобидаги мол-мулк  
объектлари ёки давлат корхоналарини барпо этидиган мол-мулк; ик-  
кинчиси, давлат хусусий мулкнилик оғалигини бўлган мол-мулкни  
қисман ёки тўлалигича миллийлаштиришини амалга ошириш йули би-  
лан пайдо бўлган мол-мулк.

Давлат корхоналари мулки шу тартибда давлат бюджети воси-  
талари ҳисобидан бутун иқтисодиётнинг фаолият кўрсатиши учун  
зарур бўлган серхаражат инфратузулма корхоналари (коммунал  
хўжалиги, энергетика, транспорт, алоқа)ни барпо этиш, илмий-техни-  
ка тараққиёти билан боғлиқ катта маблағ талаб қиласиган тармоқлар  
(электроника, авиация)ни ривожлантириш, зарар кўриб ишлаетган кор-  
хоналарни миллийлаштириш ва бошқа йўли билан шакланади.

**Ўзбекистоннинг давлат мулки Республика мулки ва маъмурий-  
худудий тузулмалар мулкидан ташкил топади.**

Республика мулкига ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, мамлакат худуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва хайвонот дунёси, республика ҳокимият ва идора органлари мол-мулки, республика ҳалкларининг маданий ҳамда тарихий бойликлари, республика бюджети маблаглари, олтин захираси, валюта фонди ва бошқа давлат фондлари, Узбекистон Республикасининг хорижий далатлардаги мулки, давлатнинг бюджети ёки бошқа маблаглари эвазига яратилган ёки сотиб олинган корхоналар, ташкилотлар, ўкув, илмий, илмий тадқикот муассасалари, шуғингдек, интелектуал фаолият натижалари ва бошқалар киради.

Маъмурий-худудий тузулмалар мулки – маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари мулки, коммунал уй-жой фонди ва коммунал ҳўжалиги корхоналари, маҳаллий бюджет маблаглари, маданият, соглиқни сақлаш, ҳалқ таълими муассасалари ва бошқалардан иборат.

Узбекистон давлат мулкига бўлган мулкчилик ҳуқуқини ҳалқ номидан Узбекистон Республикаси Олий мажлиси, Узбекистон Республикаси Президенти ва улар ваколат берган давлат идоралари (вазирликлар) ҳамда маҳаллий ҳокимият идоралари амалга оширадилар.

Давлат мулкини бошқариш – шахслар ва давлат идоралари томонидан қонунчиликда белгиланган ҳуқук ва ваколатлар доирасида давлат мулки эгаси вазифасини бажариш, Узбекистон Республикаси Конституцияси ва 1990 йили 31 октябрда қабул қилинган “Узбекистон Республикасида мулкчилик тұғрисида” конунига кўра давлат мулкини ҳалқ номидан тегшшли ҳалқ депутатлари кенташи ва улар ваколат берган давлат органлари тасарруф этади. Масалан, Узбекистон давлатининг мулкини Узбекистон Республикаси Олий мажлиси, Узбекистон Республикаси Президенти, Узбекистон Республикаси ҳукумати ёки улар ваколат берган давлат органлари тасарруф этади ва бошқаради. Маъмурий худудий тузилмаларда давлат мулкига нисбатан мулкчилик ҳуқуқини маҳаллий ҳокимият идоралари амалга оширади. Республика ёки маҳаллий ҳокимият идоралари эгалигига бўлган мулк ҳўжалик юритиш ёки жорий бошқариш ҳуқуқи билан юридик шахсларга берилиши мумкин. Кўпгина ривожланган мамлакатларда давлат корхоналари давлат мулкининг муҳим обьектларига киради ва уларни тармок вазирликлари бошқаради. Молия вазирлиги эса, мулкни тұғри тасарруф этилишини назорат килади. Айрим мамлакатларда давлат мулкини бошқариш билан шуғулланадиган маҳсус вазирликлар таъсис этилган.

Узбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ислоҳотларини амалга ошириш давомида 1994 йилда Вазирлар Мажкамасининг Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш

«Кўмитаси ҳамда Молия вазирлиги хузуридаги Давлат мулки фонди негизидавлат бошқарув органи – Ўзбекистон Республикаси Ҷаънат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-куватлани давлат кўмитаси (Давлат мулки кўмитаси) ташкил этилди. Давлат мулки кўмитаси данлиг корхоналари ва бошқа мулкка, корхоналарининг устав фондидағи диний ҳиссасига тўғри келадиган акциялар пакети ва пайларга мулкчилик хукукини амалга оширади. Давлат мулк кўмитаси белгиланган тартибда Ўзбекистон худудидаги ва чет эллардаги Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларини бошқариш ва тасарруф этиш; данлиг сиёсати конунчилиги асосида давлат корхоналари, кўчмас мулк объектлари ва улар жойлашган ер майдонларини хусусийлаштиришини амалга оширади, шу билан бир қаторда, давлат тармоқ, минтақа бўйича хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тармоқлараро ва минтақалараро мувофиқлантириш; Давлат мулки кўмитасининг худудий бўлинмаларига раҳбарлик; хусусийлаштириш ва тадбиркорликни кўллаб-куватлани ҳамда инвестицияларни жалб этиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлайдиган бозор инфратузилмалари ва муассасаларини барпо этиш ҳамда бошқа вазифаларни бажаради.

**Давлат мулкини хусусийлаштириш** – давлат ихтиёридаги ишлаб чиқариш яоситалари, мол-мулк объектларини, корхоналар, уй-жой, транспорт яоситалари, табиат ресурслари ва бошқа мулкларни давлат тасарруфидан чиқариши ва фуқаролар, жамоалар, шунингдек, давлатга тегишли бўлмаган юридик шахсларга бериши ёки сотиши; давлат мулки асосида турли акцияли, хусусий, оиласий, кўшма, араюни, корпоротив мулк шаклларини вужудга келтириш демакдир. Ҷаънат мулкини хусусийлаштириш давлат мулкини келтусида шу мулк негизидага хўжалик фаолиятини юритувчи ва униш натижалари бўйича тўлик мулкий масъулиятни зиммасига олувчи иктисадий субъектларга турли шартларда бериш ёки сотиш орқали амалга оширилади ва мулк эгасини ўзгартиришни назарда тутади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мулкини бенул бериш, корхонани имтиёзли шартларда сотиш, корхоналарни ижарага бериш, майда корхоналарни кимошди савдосида сотиш ва бошқа усулларда амалга оширилади.

Тарихан давлат мулкини хусусийлаштиришнинг ўз табиатига кура тамомила фарқ қиласиган икки тури шаклланди.

**Биринчи тури**, ишлаб чиқариш механизмидаги ўзгаришлар XX дарнинг 70-йиллари 2-ярмида саноати ривожланган мамлакатлар

иктисодиётида давлат мулки ва давлат тадбиркорлигининг ўрни ва ахамиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда юзага келди.

Саноати ривожланган мамлакатлардаги хўжаликни бошкариш ва иқтисодиётида давлат мулкини хусусийлаштириш кўринишлари ғоявий таъсир, баъзида эса ривожланган мамлакатларнинг ёрдам курсатиш шартлари билан боғлиқ ҳолда ёки тўғридан-тўғри иқтисодий босимлар туфайли ривожланаётган мамлакатларда амалга оширилди. 80 – 90-йилларда 80 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатларда давлат мулкини хусусийлаштиришнинг турли дастурлари ишлаб чиқилди. Бу мамлакатларда хусусийлаштириш жараёни бозор ракобати мухити амал қиласан хусусий сектор ва хўжалик тизимида амалга оширилди.

Иккинчи турн, жаҳон социалистик тизими мамлакатларида 1989 йилдан бошлаб амалга оширила бошлади.

Хўжалик юритишнинг маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш тизимига ўтишда хусусийлаштириш алоҳида ўрин тутади. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибаси айнаи хусусий мулк иқтисодий ўсишини ижтимоий ларзаларга йул қўймай таъминланишини тасдиклади.

У ёки бу мамлакатлардаги хусусийлаштириш миқёси илгари хусусий секторни миллийлаштириш қай даражада кўлланилганига боғлиқ. Миллийлаштириш усули қисман ўтказилган АҚШ, Германия ва Японияда хусусийлаштиришнинг турлари кам учрайди. Миллийлаштириш жараёни узоқ вакт давом этган Буюк Британия, Франция мамлакатларида эса давлат мулкини хусусийлаштириш кең кўламда амалга оширилган.

Хусусийлаштиришнинг пешқадами бўлган Буюк Британияда давлат мулкини хусусийлаштиришнинг акцияларни текин тақсимлаш ва сотиш; хизмат курсатиш учун пудратлар; давлат уй-жойларини ижарага оловчиларга сотиш; ракобатни ривожлантириш максадида давлат монополияларидан воз кечиш каби усуллари кўлланилди. Жаҳон тажрибаси давлат мулкини ва унинг вазифаларини тўлиқ ёки қисман хусусий секторга ўтказишнинг 22 усули борлигини курсатади. Умуман олганда, хусусийлаштириш узоқ муддатли жараён. Японияда у 10 йил, Фарбий Европада 10–15 йил давом этган.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон моделига кўра мамлакат ва халқнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўп укладли иқтисодиётни яратиш ва хусусийлаштиришнинг давлат дастури ишлаб чиқилди ҳамда амалиётда татбик этилмоқда. Шунга кўра Ўзбекистонда, биринчилан, давлат мулки мулкининг янги эгасига факат сотиш йули билан ўтказилиши мумкин. Бу

усул, мулк объектларининг тўгри тақсимланиши ва сомарали фойдаланишини таъминлайди деб хисобланади. **Иккичидан**, давлат мулкини хусусийлаштиришининг маҳсус дастури ишлаб чиқилган ва у боскичмур боскич амалга оширилиб келитмоқда. Хусусийлаштириш бўйича барча ишлар изчил, бир тизимда олиб борилмоқда. Мулкка муносабатларни ўзгаришлар жараёни ҳар йили Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хусусийлаштиришининг давлат дастури ва тармоқ, минтақа дастурлари асосида амалга оширилмоқда. Учинчидан, хусусийлаштириш муаммолари йирик бошқарув ва ишлаб чиқариш тизимларини монополиядан чиқариш, уларнинг таркибидан савдо объектлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ажратиб олиш, шунингдек, мукобил ракобатчи ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш йўли билан бирга ҳал этилмоқда.

**Мулкчилик муносабатлари** пайдо булиши учун мулкка айланадиган нарсалар наф келтира олишлари зарур. Мулкчилик муносабатлари мулкини кишиларнинг ўзиники ёки ўзганини эканлигини билдиради. Бундай муносабатларнинг З жиҳати бор: 1) **Мулкка эгалик қилиш**, яъни мулкдорлик хукукининг мулк эгасида сақланиб туриши; 2) **Мулкдан фойдаланиш** ва уни амалда инплатиш. Мулкдан фойдаланилганда шахсий эҳтиёжларни кондириш ёки даромад топиш юз беради. Мулкдор ўз мулкини инплатганда эгалик қилиш ва мулкдан фойдаланиш бир қўлда тўпланади. Мулк келтирган нафни унинг эгаси танҳо ўзлаштиради. Мулк ўзгалар қўлида инлатилганда бундан олинган дароматни мулкдор мулки амалда инлатувчи билан баҳам кўради; 3) **Мулки тасарруф этиш** – бу мулк тақдирини мустакил ҳал килиш, яъни мулкини сотиш, меростга колдириш, ҳадя этиш, гарона кўйиш каби хатти-ҳаракатларни эркин амалга оширилишидир. Мулкий муносабатларда мулкни ижарага бериш мухим ўрин тутади. Ер, сув ҳавзалари, бино ва иншоот каби кўчмас мулклар оддий ижарага берилади. Қимматбаҳо машина ва ускуналар (трактор, комбайн, юк автомашиналари, самолёт, тепловоз, вагонлар) ижароси лигининг шаклида амалга оширилади. Мулк бўлган пул маблаглари ўз отаси томонидан, ўзгаларга фойдаланиб туриш учун бериш кредит шаклига киради.

**Мулкдор** – мулк субъекти, яъни мулкка нисбатан оғалик, фойдаланиш, тасарруф этиш хукукий томойиллари асосида мустаҳкамланган хукуқларга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахе.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига биноан, “ҳар бир шахс мулкдор бўлишига ҳисли”. Узбекистон иқтисодистининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат барча мулк шаклларининг тенг хукуклилигини ва хукукий

жихатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади. Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги қонуни асосида бозор муносабатларининг ташкил толиши учун иқтисодий маиба ҳисобланган хусусий мулкчиликка йўлочилган. Мулк эгасигатегиши билан мол-мulkни турли сабаблар ва ҳар хил йўллар билан давлат идоралари ва мансабдор шахслар томонидан олиб кўйилиши, мулкдан эркин фойдаланиш учун тўсқинликлар вужудга келтирилиши гайриқонуний ҳисобланади. Мулк эгаси ўз мулкidan абадий фойдаланиш, уни ҳоҳлаган вақтда тасарруф этиш ҳукуқига эга. Ушбу қоиданинг мантикий давоми сифатида Фуқаролик Кодексининг 166-моддасида мулкнинг даҳлсизлиги ва қонун билан муҳофаза қилишини белгилаб кўйилган.

**Мулкий жиноятлар.** Ўзбекистон Республикасида иқтисодий жиноятлардан бири. Мулкий жиноят ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлик бўлган ва боғлик бўлмаган жиноятларга бўлилади. Мулкни талон-тарож қилиш ва талон-тарож билан боғлик бўлмаган, аммо жиноят туфайли мулкий зарар келтириб чиқарадиган жиноятлар учун жавобгарлик Жиноят кодексининг "Махсус қисми"нинг 11-13 бобларида назарда тутилган. Мулкни талон-тарож қилиш учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 10-бобида берилган бўлиб, уларга босқинчилик (ЖК, 164-модда), товламачилик (ЖК, 165-модда), талончилик (ЖК, 166-модда), ўзлаштириш ёки расстрата қилиш (ЖК, 167-модда), фирибгарлик (ЖК, 168-модда), ўғирлик (ЖК, 169-модда) жиноятлари киритилган.

**Мулкни талон-тарож қилиш** – ўзганинг мулкини ёхуд мулкий ҳукуқларни қасдан қонунга хилоф равишда гараз ниятларда кайтариб бермаслик мақсадида қонуний эгаси ёки мулк учун жавобгар бўлган ёхуд мулкнинг гайриқонуний эгалланишига тўсқишлиқ килган шахсдан айборнинг ўз ихтиёри ёки бошканинг ихтиёрига олиннишидир.

**Мулкий жиноятнинг предмети** – инсонларнинг меҳнати натижасида яратилган, иқтисодий жихатдан фойдали сотиш ва сотиб олиш ҳамда алмашув қийматига эга бўлган, инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган буюмлар, саноат ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек, Ўзбекистон пули ёки чет эл валютаси ҳисобланади.

Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлик бўлмаган жиноятларга, айборнинг ҳаракати туфайли мулк шаклидан қатъи назар, ўзгаларнинг мулкига зарар етказувчи ёки мулкни нобуд қилувчи жиноятлар (ЖКнинг 175 – 186-моддалари) ҳамда хўжалик соҳасидаги жиноятлар (ЖКнинг 186 – 192-моддалари) киради.

**Мулкий зарар.** Ўзбекистон Республикасида – жисемоний ёки юри-  
ниш шахсга етказилган моддий зарар мулкий зарар дейнләди. Мул-  
кий зарар ва уни қоплаш масалалари фуқаролик хукуқига таваллуюн  
мисаллалардир. Умумий коидага биоан, етказилган мулкий зарар  
ўйл микдорда қопланиши керак. Етказилган мулкий зарарни камрок  
мисдорда қоплашга факат қонун ёки шартномада назарда тутишган  
холларда йўл кўйилади. Мулкий зарар “ҳақиқий зарар” ва “бой бер-  
илган фойда” деган туркумларга булинади. **Ҳақиқий зарар** деганди,  
бучилган мулкий хукукни тиклаш учун қилинган ёки қилиниши керак  
бўлган харажатлар, мол-мулкии йўқолиши, камайини, нобуд бўлиши,  
шикарсланиши тушунилади. **Бой берилган фойда** деганда, зарар  
кўрган шахснинг хукуклари бузилмаганида олиниши мумкин бўлган,  
лекин олинмай қолган даромад тушунилади. Амалдаги фуқаролик кодексида мулкий зарар мулкий ва ашёвий хукуклар бузилган тақдирда  
қўлланиши мумкин бўлган жавобгарлик сифатида белгиланган. Давлат  
органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу  
органларнинг мансабдор шахсларининг гайриконуний харакатлари ёки  
харакатсизликлари, шунингдек, ушбу органларнинг конунга мувофиқ  
бўлмаган ҳужжатлари мулкий зарар етказилишига сабабчи булиши  
мумкин. **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-модда-**  
**сига кўра, ҳар бир шахсга давлат органлари, мансабдор шахслар,**  
**жамоат бирлашмаларишининг гайриконуний хатти-харакатлари**  
**устидан судга шикоят қилиши хукуки кафолатланади.** Бу асосий  
коида Фуқаролик кодексида хам ўз ифодасини топган. Унга кўра, дав-  
лат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқиро  
ёки юридик шахснинг хукуқ ва мағфаатларини гайриконуний равиш-  
да бузишга каратилган ҳужжат қабул килса, бундай ҳужжатни ҳиссий  
эмас деб топиш ва бупдай ҳужжат тагтижасида етказилган мулкий чи-  
рарни ундириш ҳақида фуқаролај, юридик шахслар судга мурожаат  
қилишлари мумкин. Етказилган мулкий зарарни давлат органлари,  
фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахс  
тўлайди.

**Мулкни хатлаш.** Ўзбекистонда мулкни хатлаш деганда, мол-  
мулкии рўйхатга олиш ва уни тасарруф этиши ман этилганлигини эъ-  
лон қилиш, зарур холларда эса, мол-мулқдан фойдаланиш хукукини  
чеклаш, уни олиб кўйиш ва сақлашга топшириш тушунилади.  
**Фуқоролик процессида** мулкни хатлаш суд ҳал қилув қарорларини  
ижро қилиш босқичида, датвони таъминлашнинг бир чораси сифати-  
да қўлланилади. **Жиноят процесси** узунчилигида эса, фуқаровий  
даъволарни таъминлаш мақсадида терговчи ҳам мулкни хатлаши мум-

кин. Бундай пайтда баённома тузилиб, унинг нусхаси тилхат асосида мулк эгасига берилади. Мулк хатлангач, унинг эгаси: мулкни сотиб юбориш, совға қилиш, алмаштириш, гаровга қўйиш каби ҳукуклардан маҳрум булади. Мулкни хатлаш далолатнома орқали рисмийлаштирилади. Далолатномада: у тузилган вакт ва жойи, суд ижрочисининг, далолатнома тузилишида иштирок этган шахсларнинг исми шарифлари, мулкни хатлаш учун асослар, ундирувчи ва қарздорларнинг исми шарифлари, мулк ҳакидаги маълумотнома, унинг тавсифи ва киймати, мулкни саклашта берилган шахснинг номи, мулкни хатлаш жараёнида қатнашган шахсларнинг эътиrozлари кабилар кўrsатилади. Далолатномага суд ижроиси, қарздор ва далолатнома тузилишида иштирок этган шахслар имзо чекади. Мулни хатлаш жараёнида суд ижроиси ноконуний хатти-харакатлар қилган бўлса, манфаатдор шахслар судга шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин.

Юқорида, ҳукукий давлатларда, шу жумладан Ўзбекистонда, конун асосида шаклланган ҳукук тўғрисидаги тасаввурга эга булиб, мулк турлари ва улардан келиб чиқувчи мулкий муносабатлар ҳамда уларни ҳукукий томонларини, энг умумий тарзда куриб чиқдик. Бунга қўшимча қилиб айтиш жоизки, жамиятнинг ижтимоий ҳаётида ислом дини етакчиллик қилган мамлакатларда, мулкни ислом дини нуқтаи назардан тушуниш, миллий қадрият сифатида эътироф этилган. Мулкни исломий тушунчиси Ўзбекистон Республикасида кабул қилинган мулк тўғрисидаги конунларга энд келмайди.

Болаларимизда мулкка бўлган муносабатни туғри шакллантиришда ота-оналар билан бир қаторда, расмий таълим-тарбия билан шугулланувчи ўқитувчи ва педагоглар масъулдирлар. Улар ўқитаётган фанлар магзига мулкка бўлган муносабат билимларини қўшиб юборишилари лозим. Синфдан ташқаридаги таълимий тадбирларда, тарбиявий соатларда, ўқитувчилар, бу мавзуни доимо эсларида тутишлари шарт.

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, таълим-тарбия билан оммавий ахборот воситалари ҳамда подавлат ташкилотлар бўлган маҳалла ва турли жамоат ташкилотлари ҳам шугулланадилар. Шунинг учун, юқорида ота-она ва расмий таълим-тарбия тизимига берилган тавсияларимиз уларга ҳам тегишли.

### **Уддабурон ва тадбиркор**

Киши фазилатларнинг ичидаги боқий, яъни барча замон ва маконлар учун ўзгармайдиган фазилатлар мавжуд бўлиши билан бир қаторда, муайян замон ва маконга зарур бўлган фазилатлар гурухи ҳам мавжуд.

Узбекистон мустакил булиб, муайян бир ижтимоий тұлумдан мутлақо бошқа бир түзумга үтгап бир даврда, үтә зарур булиб қолған ижтимоий сифатлардан бири үддабуронлык ва тадбиркорлықтың. Болашаримизда бу сифаттарни шакллантириш шу күннинг асосий вазифаларидан бири булиб қолди.

Үддабурон деб, киши ҳар бир ишни тез үзлаштириб олиб, уни шикқонлык билан амалға ошира олишлігін айтлади. Таъкидлаш жөннеки, фактада үддабурон одам тадбиркор бұла олади, тадбиркор бүлинш үчун эса, киши үддабурон булиши шарт.

Тадбиркор одам ибораси, ҳар бир ишнинг күзини билиб, үз фаолиятида бошқаларга қараганда юқори натижага зриша олғап кишиға инесбатан құллапидади. Тадбиркорлық фаолияттың кишиларнинг таваккал қилиб, мулкий жағобгарлық асосида қонуучилик доирасыда ташаббус билан фаолият курсатиши экан, бундай вазифаны фактада үддабурон одам бажара олади. Бу фаолият маблағта табний ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали күзланған мақсад – фойда ёки тадбиркорлық даромадини олишга қаратилади.

Бозор иқтисодиети әркін тадбиркорлықка, хусусий мулкчилікка асосланған иқтисодиёттір. Шуннинг учун ҳам тадбиркорлық фаолияттің шаклларини шағындауда, биринчи навбатда, иқтисодиётта бозор муносабатлари ҳукмрон булиши лозим. Иккінчи навбатда, тадбиркорлық амалға оширувчи шахс үддабурон одам булиши шарт. Тадбиркорлықда қандай маҳсулотни, қанча ва қандай қилиб ишлаб чиқарып, ишлаб чиқарылған маҳсулотини қаерда, кимнеларга ва қайси баҳоларда сотиши лозим деган саполларга жағоб бериліди. Буннинг учун эса, тадбиркор шахснинг иқтисодий фаолияті, қонун доирасыда, әркінликни тақозо этади. Нарх-нақо ҳам әркін шаклларын, талаб да тақлиф муносабатларига күра ҳал өтілади.

Тадбиркорлық фаолияттің ривожланишине мұхым шарыларидан бири күп мулкчилік шакллари ва рақобат мұхиттіннің яратылышынан. Шу сабабли иқтисодий истроҳотларнинг асосини, юқорида қайд қылғанимиздек, хусусийлаштириш ва мулкни дашын тасарруфидан чиқарып ташкил килади. Тадбиркорлық фаолияттің тараққий этиши эса, уншын жараптарни амалға ошириш усууларига, суръатларига ва күламиға боялған бүләди. Айтиш мүмкіншік, мулкчилікке түрли шаклларига асосланған иқтисодиёттің барынан тақиши тадбиркорлық тараққиёттіннің асосидір.

Бозор иқтисодиети шароитида тадбиркорлық, әндегі аввало, кам маблағ талаб этувчи, қисқа муддатларда фойда келтирүвчи тармоқларда кенг ривож топади. Бу эса, кичик бизнесни, яъни майда корхоналарни равнақ топишига олиб келади.

**Кичик тадбиркорликнинг афзаликлари қуйидагиларда ўз ифодасини топган:**

- кичик тадбиркорлик бозор талаби ўзгаришига сезувчан бўлади. У янги технология ёки янги маҳсулот ишлаб чиқаришга осонлик билан утиши мумкин. Йирик корхоналарда эса бу жараён катта харажатлар ва кўп вакт талаб қиласди. Ижтимоий вақт тезлашиб бораётган бир шароитда, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳал қилувчи аҳамиятга зга;
- кичик корхоналарни ривожлантириш маҳаллий ресурслардан кенг фойдаланиш имконини беради. Йирик корхоналарни бундай фаолиятлар учун рағбатлантирмайди;
- кичик бизнес корхоналари йирик сармояни талаб қилмайди ҳамда сарф килинган маблагнинг қопланиш муддати қисқа бўлади;
- кичик бизнес янги инн ўринларини барпо этиб, ишсизлик муаммосини ҳал қилишда мухим роль ўйнайди;
- кичик корхоналар жамиятда ўрта мулкдорлар қатламини шакллашишига олиб келади;
- тадбиркорликнинг мазкур шакли бозорни истеъмол моллари билан тулдиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш ва мамлакатларнинг ижтимоий ва иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан эркин тадбиркорлик фаолияти натижаларига беносита боғлиқ бўлганлиги туфайли, барча давлатлар бу соҳани жадаллаштириш ва кўллаб-кувватлашга қаратилган мукаммал чоратадбирлар дастурларини яратиб, уларни амалга ошириш тартибларини жорий этганилар ва бу соҳанинг иқтисодиётдаги мавқенини мунгазам равишда оширишга эришмокда. Бундай устуворлик, соҳанинг жаҳон ялпи ички маҳсулотида 50–60 фоизни ва жами банд бўлганларнинг ярмидан оргигини ташкил этиш билан белгиланади.

Шу нуктаи назардан, мамлакатимизда ҳам бу фаолият тури тез суръатлар билан юксалиб, унинг ялпи ички маҳсулотининг 46 фоизини, банд бўлган кишиларнинг 65 фоизидан зиёдрогини ташкил этиб, иқтисодиётимизнинг кучли манбаига айланиб бормокда. Аммо таҳлиллар бу соҳанинг барча имкониятлари ҳали тұла истифодага киритилмаганлигидан далолат бermокда.

**Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг “...биз бугунги кунда кичик бизнеснинг мавжуд салоҳиятнин тұла шамоён қилолмайтганимиз учун етарлича ишга сололмаётганимизниң қайд этишга мажбурмиз”<sup>22</sup> деб зътироф этиши вә кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик устувор йұналиш сифатида белгилапши ҳамда**

<sup>22</sup> “Ўзбекистон овози” газетаси, 13 февраль 2007 йил. И. А. Каримовнинг Республика Вазирлар Мажкамасининг 12 февраль 2007 йилги мажлисидаги мажруzasидат.

**“кишк бизнес орқасида Президент турнибди”<sup>22</sup> деб тайкидлани бу фоалиятнинг мамлакат ялни ички маҳсулотидаги улусини беш-ун Интида 60 фоизгача етказиш имкониятини яратади ва уни иктиносидий ривожланган мамлакатлар даражасига кутарилишига ва бундан муррабаларни эгаллашга моддий ва маънавий кафолатлар беради.**

### **Мехнатсевар ва шижаатли**

Инсоннинг ўзи ва жамиятга фойда келтирувчи мақсадга мувофик харакати меҳнат дейилиши ҳаммага маълум. Меҳнат кишилик ҳоётининг асосий шарти, чунки у туфайли инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади.

Меҳнат одамни ҳайвондан фарқлантирадиган энг муҳим белгидир. Меҳнат туфайли одам табиатдаги нарсаларни ўзгартирибгина қолмай, балки ўзи ҳам соғломлашиб, баркамоллашиб боради, унинг ақлий ва жисмоний қобилияtlари ўсади. Меҳнат жараёнида бола табиат кучларини мақсадига буйсундиради.

Меҳнат узининг мазмуни ва характеристи жиҳатидан **ақлий, жисмоний, малакали (мураккаб) ва малакасиз (оддий)** деган турларга булинади.

**Ақлий меҳнат** – инсоннинг, асосан, тафаккур фаолияти ҳамда маълум даражада жисмоний харакати натижасидир. Бунга ўқитувчи, олим, муҳандис, врач, агроном, рассом ва бошқа ақлий меҳнат соҳибларининг меҳнат фаолияти мисол бўлади.

**Жисмоний меҳнат** – инсоннинг, асосан жисмоний кучи ҳамда ақлнинг иштирокида бажариладиган иши. Бунга ишчи, дехқон, косиб ва бошқа касб-хунар кишиларининг меҳнати мисол бўлади.

**Малакали меҳнат** – маҳсус тайёргарликни талаб қиласидиган иш, ҳаракат. Малакасиз меҳнат эса, маҳсус тайёргарлик ва қобилиятни талаб этмайди, масалан, юк ташувчи, фаррон, коровул меҳнатини мисол килиб олсан бўлади.

Болаларда меҳнатсеварлик фазилатини таркиб тонишига ёришиш учун меҳнат тарбияси билан шугулланиш талаб қилинади. Меҳнат тарбияси кишидан ижтимоий фойдали меҳнатга ички эҳтиёж, интизом, батартиблик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, ишчанлик, ишни кузини билиш сингари сифатларни карор топтиришга хизмат қиласиди. Меҳнат инсон эҳтиёжларини қондиришининг биринчи ва асосий воситаси бўлганлиги учун ҳам меҳнат тарбияси тарбиянинг бошқа ҳамма турларидан олдин пайдо бўлган.

<sup>22</sup>“Халқ сози” газетаси, 9 февраль 2008 йил, И. А. Каримовнинг Республика Вазирлар Маҳкамасининг 8 февраль 2008 йилги мажлисидаги нутқидан.

Мехнат тарбияси ғоят кең фалсафий-педагогик категория бўлиб, “мехнат таълими”, “касбга йўналтириш”, “политехник таълим” сингари тушунчаларни уз ичига олади. Мехнат тарбияси билан шуғулланиш ҳамма замонларда ҳам жамият тараққиётининг асоси, болаларни ҳайтга тайёрлашнинг энг мухим воситаси бўлиб келган. Шунинг учун ҳам барча илохий китоблар ва ҳамма мутафаккирлар томонидан яратилган битикларда меҳнат тарбиясига катта эътибор берилган.

Мехнат тарбияси, аввало, оиласда бола узини англай бошлиши биланок амалга оширилиб борилади. Жумладан, чакалоқлар гўдаклик босқичига ўтишлари биланок, уларга дастлабки меҳнат тарбияси берила бошланади. Шундай қилинмаса, бола фактат истеъмолчига айланиб қолади ва натижада у ношуд ва ялқов бўлибгина эмас, маънавияти ҳам камтик шахс бўлиб шаклланиши мумкин.

Болаларга меҳнат тарбиясини беришда богча, мактаб сингари ижтимоий педагогик муассасалар катта ўрин тутади. Чунки бу муассасаларда меҳнат тарбияси илмий асосда тегишли мутахассислар томонидан уюштирилади. Бу муассасаларда меҳнат тарбиясини ташкил этишдаги асосий жиҳат шундаки, у болаларнинг ёш хусусиятлари, руҳий, аклий ва жисмоний имкониятларига мувофиқ бўлишини таъминлайди. Енгил меҳнат тарбияси, болани зериктиргани каби, оғир топшириқлар бериш ҳам уларни меҳнатдан бездиради. Меҳнат тарбиясини амалга оширишда узлуксизлик ва интизом бўлишга қатъий риоя қилиниши жоиз. Акс ҳолда, ҳар қандай қобилияти бола ҳам етарлича меҳнат тарбиясини ололмаслиги мумкин. Меҳнат тарбияси учун мактаб даври энг қулай фурсатдир. Биринчи нафбатда, ўкиш жараённининг ўзи оғир ақлий-жисмоний ва эмоционал меҳнатдир. Мактабга ўз вактида келиб-кетиш, ўкиш-езишни ўрганиш, берилган билимларни эталлаш учун ўкувчиларга меҳнат тарбияси берилган бўлиши керак. Чунки ўкув топшириқларни бажариш, дарс узлаштириш, ўтилганларни такрорлаш, ёзма ишлар бажариш, керакли матнларни ёзиш, кўчирмалар олиш, лугатлар билан ишлаш учун ўкувчи муайян интизомга риоя этиши, ташкилотчилик қобилияти ва ишчалик хусусиятига эга бўлиши, ишнинг кўзини билиши лозим. Меҳнат тарбиясида, аввал айтилгандек, меҳнат таълими ва касбга йўналтириш жараёнларининг ҳам ўрни катта. Чунки бу жараёнларда ўкувчилар бевосита тегишли меҳнат кўникмаларини эталлаш ва уларни мустақил равишда кўллаш босқичини ўтайдилар. Шунингдек, улар бу аснода қайси бир меҳнат йўналиши ўзига мувофиқроқ эканлигини билиб оладилар. Шунинг учун ҳам меҳнат таълими имкон қадар хилма-хил бўлиши ҳамда

Болаларниң ақлий, жисмоний имканиятлари ва жиңсий хусусиятларынан мувофик келиши зарур.

Үкув жараёни үкувчилар меҳнатининг асосий ва муҳим турларидан биридир. Бу меҳнат тури үкувчидаш қатъиятни, қунт ва ақлий түр берилешін талаб қылади. Үкув жараёнида үқитувчи үкувчининг фикрлары көбилиятини ўстириб боради, Баъзи үкувчиларга ақлий меҳнат килинг мөхнатининг бошқа турларига нисбатан оғирдек туюлади. Аслида ҳам шундай. Шунинг учун, улар үкув жараёнида дарров ҷарчаб қолиб, зерикадилар ва фан билимларини ўзлаштиришда сүсткашлик киладилар.

Лекин, үқитувчи үкувчиларда пайдо бўлган ана шу ҳолатни дарров пайқаб олиши, үкув жараёнини қизиқарли мазмунда ва турли шаклда ҳамда усусларда олиб бориши, бор билими ва маҳоратини ишга солиш зарур.

Болаларда меҳнатсеварликни тарбиялаш учун, аввало улар бажаралиган ишнинг инсон ҳәётидаги аҳамиятини тушунтириш ва бу ишни бажаришга уларни қизиктириш зарур.

### Хуқуқий ва экологик маданият

Ҳозирги даврда болаларниң ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлиги жамиятимиз тараққиётидаги муҳим ўрин тутади. “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”да таъкидланғанисек, юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда давлат ҳуқуқий тизимини етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳәётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларниң, барча ижтимоий гуруҳларининг жипслашувига кумаклашувчи, жамиятининг яхлитлиги ҳамда ботартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Конунни ҳурмат килиш, ҳуқуқий демократик жамиятининг сиёсий ва ҳуқуқий тизимлариниң самараали фаолиниң кўреатинининг асосий талибларида бири хисобланади.

Мухтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига багишлаган маърузаларида инсон омилига биринчи навбатда эътиборни қаратиш зарурлигини, шу билан бирга конунлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда мағфаатлари онг олий қадрият эканлигини таъкидладилар.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият деганда кишиларниң ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий саводхонлик даражаси, уларниң конунларга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий нормаларни ижро этиш, ҳаётга татбиқ эта олиш даражаси, ҳуқукбузарликларга нисбатан муросасиз булиши, конунларга штоаткорлик, фаоллик, ташаббускорлик даражасини тушунамиз. Демак, жамиятимизниң маънавий янгиланиши аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятига чамбар-

час боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу масала, бизда, давлат сиёсати даражасига кутарилмокда.

Хуқукий демократик давлатни вужудга келтиришнинг асосий шартларидан бири ҳам, жамият аъзоларининг хуқуқий онги ва маданиятини туғри шакллантиришdir. Давлатимиз болалардаги хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятни шакллантириш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда, уларнинг ҳак-хуқуқларини кафолатламокда.

Болаларимизниң хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятиниң ўсиши, уларнинг шахс сифатида ривожланишиниң ўзига хос томони булиб, улардан хуқуқий саводхонликни, яъни хуқуқий билимларни ўзлаштириши ва юридик маълумотларга эга бўлишини талаб этади.

Хуқукий саводхонлик, амал қилиб турган қонунларни ўрганиш, уларни ҳётда татбиқ қилиш ва хуқуқ-тартибот соҳасидаги бошқа фаолиятлар ёрдамида шаклланади. Болаларда конунларга бўлган хурматни ошириш ва амалда намоён этишининг ўзи хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятнинг намоён булишидир. Хуқукга бўлган хурматни шакллантиришда юридик месъёрларга амал қилиш катта таъсир курсатади. Мухтарам Президентимизнинг қуйидаги фикрларига тўхталамиз: “Хуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларниң барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунлар ва норматив хужжатларга ишбатан чукур хурмат хиссии тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зоро хуқуқий нормалар одамлар онига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рӯёбга чиқади”<sup>24</sup>.

Мамлакатимизда барча турдаги ислоҳатларни олиб боришда, болаларимизга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Фуқаролик кодекси”<sup>25</sup>ни мазмуни, моҳияти, ҳусусиятлари ва аҳамиятини тушунтириш эътиборли аҳамиятга эга. Бундай масъулиятли вазифани давлатнинг расмий таълим-тарбия тизимида амалга оширишлик максадга мувофикдир.

**Бурч ҳиссаси.** Бурч – боланинг бирор шахс, оила, жамоа, эл-юрт, Натан ва инсоният олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча. Бурчда объектив муносабатлар ифодаланади, яъни у жамиятниң

<sup>24</sup>Каримов И. А., Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, баркамоллик шартлари ва тараққийт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1997, 84-бет.

<sup>25</sup>Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: (2007 йил майгача булган ўзгариш ва күшимчалар билан). Расмий пашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” нашриёти, 2007, 520-бет.

и житомий ва иктисодий ҳамда ахлокий негизлари билан белгиланади. Бурчниң үшінга хос хусусиятлари мавжуд булиб, у инсоннинг ички қызметшары, ташқаридан туриб назорат қилинмайдиган мураккаб руhiй холатини ифодалайди. Бурч ийман-эътиқод, онглилик, одобришк, ҳалоллик, виждон каби түшунчалар билан чамбарчас боғлиқ. Бурч кандай вазифа, кимнинг олдидаги мажбурият эканлигига қараб тиң исека турларга бұлинади – шахсий бурч, оила бурчи, жамоа бурчи, миляй бурч, ижтимоий бурч ва умуминсоний бурч. Ижтимоий ва шахсий бурч, оиласа ота-оналик бурчи, фарзандлик бурчи шақыртқа бурчлар бор. Бурч нисбий түшүнча. У ижтимоий тараккиёт жағрылышында мазмұнан бойиб, шаклан үзгариб боради. Ҳозирги шароитта инсоннинг табиат ва авлодлар олдидаги бурчи янгича мазмұн касб шынында, ойлавиј бурч эса жамият олдида турған мақсадлар билан яна-да уйғуналашмоқда. Она Ватанга, ҳалққа хизмат қилиш әнг улуг ва шарығын инсон бурчи ҳисобланади.

**Экологик маданияттың ривож топтырыш.** Ер шарыда жадаллашиб бораётган илмий-техникавий ишқилоб инсоннинг табиатта күрсатған таъсир қувватини кундан-кунга ошириб бормоқда. Бу қувват табиат күчларининг күдрати билан таққослана бошланди. “Инсоният, яхлиг олиб қараганда, қүдратли геологик күчга айланмоқда”<sup>126</sup> деб ёзған эди академик В. И. Вернадский. Турли хил ресурслардан ноокилюна фойдаланиш туфайли инсонияттың Ерни жуғрофикалық қобигига улкан миқёсда таъсир этиши, ахолияннан ишлаб чыкариш, дам олиш ҳамда маиший турмуш фаолияти билан боғлиқ булған чиқындыларни ҳавога, сувга, ерга тобора күпроқ чиқарылаётгани Ер куррасида экологик мұаммони көлтириб чыкарди.

Бу мұаммони ҳаң қилиш мақсадыда “Экология” деган илм-фанны шақылланиб, жадаллық билан ривожланиб бормоқда.

“Экология” түшүнчеси илк бор Э. Геккелнинг 1866 йили чөп этиялған “Организмларнинг умумий морфологиясын” номлы китобида тилгә олинган эди. Э. Геккель мазкур асарыда тирик организмларнинг атроф мұхит билан үзаро мұносабати физиологик конуниятларини таҳлил қылған. Жөнли мавжудоднинг атроф мұхитта мұносабатини борликнинг кандайлар бир “кесмаси” сифатида күрсатыб, “Экология” илми худди шу ходисани үрганиши керак деган фикрни билдирган.

Геккелнинг таъбирича экология “Хайвонотнинг уни үраб турған органик ёки иоорганик мұхитта мұносабати, жумладан унинг бевоси-та алокада буладиган хайвон ва үсимликтарга дүстона ёки душманлық мұносабаттарини үргаништыр”.

<sup>126</sup> Вернадский В. И., Химическое строение биосферы земли и её окружения. М.: Наука, 1965, 328 с.

Ч. Дарвин эса экологияни биотанинг (жонли сирт) яшаб турған мұхити билан үзаро муносабати ҳақидаги фан сифатида талқин қылған<sup>27</sup>.

К. А. Тимирязев, А. Гумбольдт, В. В. Докучаев ва А. Воейковлар мослаштириш (адаптация) түшүнчесининг карор топиши билан бир пайтада Геккель мұомалага киритган “Экология” номини олған фан соҳаси пайдо бүлди деб, экологик мұаммодар вужуддаги мослашын механизмами ожизлик қылған жойда юзага келади, деган фикрни айтишты.

“Экология” сүзининг классик маъноси – айрим жонзот турлари, Уларнинг популяцияси ҳамда жамоаларининг атроф мұхит билан муносабати ҳақидаги илм-фан деган түшүнчәні беради. Бундай түшүнча илм оламида биологик экология деб юритилади. У биология илм-фан соҳасыда хозиргача сакланған ва ривожланып мокда<sup>28</sup>.

Айрим мұхитті замонавий фан-техника инқилобининг таъсири оқибатида “экология” түшүнчесининг мазмунни ўта көнгайиб кетди. Шу тарика бугунғи кунда “курра экологияси”, “табият экологияси”, “инсон экологияси”, “қалб экологияси”, “муҳандислик экологияси” ва ҳоказо түшүнчаларнинг құлланиши одат тусига кирмоқда. Экология фанининг бутун бир тизими пайдо бүлди ва экология түшүнчеси ҳам ўша мікёсда талқин қилина бошлади. Шу кунга келиб экология ўрганилаёттан объектига күра, умумий ва хусусий экологияга ажрапади.

Умумий экология организмдан юқори туралыған ҳар хил мажмұларнинг тузилиши ва функцияларының үрганади. У популяциялар экологиясы, биоценология, экотизимлар экологияси каби бұлымлардан иборат.

Популяциялар экологиясы популяцияларнинг структурасы ва міндорий динамикасининг умумий қонуниятлари ҳамда ҳар хил турлар популяциялари үртасидаги үзаро муносабатларын тадқиқ қылади.

Биоценология (ҳамжамоалар экологияси) биоценозларнинг тузилиши қонуниятлари, таркиби ва вазифасини үрганади.

Хусусий экология муайян таксономик груптарға мансуб организмларнинг мұхит шароитига муносабатлари мажмuinи үрганади. Масалан, одам экологияси, құнгир айылдар экологияси, ҳашаротлар экологияси ва ҳоказо. Баъзан хусусий экологияга муайян экотизим ва ҳамжамоаны үрганадиган илм-фан сифатида ҳам қаралади. Масалан, агроэкология, үсімлікшар экологияси, зооэкология ва ҳоказо. Сув экотизимлари ва сув организмлари экологиясини үрганадиган гидробиология ҳам экологиянинг бир қисми ҳисобланади. Яна санэкология – организмлар ва

<sup>27</sup>Дарвин Ч., Происхождение видов путём естественного отбора. Соч. т. 3. М.: 1939.

<sup>28</sup>Дажо Р., Основы экологии. М.: 1975, с. 9.

улар мажмуалари ўртасидаги муносабатларин ўргашадиган илменин тури ҳам мавжуд.

Маълумки, табиат унсурлари бир-бирлари билан узний боғлишини ҳамда доим ўзаро алоқада ва таъсиридадир. Бу алоқа ва таъсирилар унсурлар ўртасида муттасил равишда руй берип туралиган модда ва энергия алмашинуви оқибатида ҳосил бўлади ва табиатининг бир буғулигини таъминлайди. Табиат унсурлари ўртасидаги бундай ўшро таъсири ва алоқалар узок геологик даврлар мобайнида ривожланиб, турли жойларда турли экотизимларни шаклланишига олиб келган. Экотизимларда модда ва энергиянинг кириб келиши билан чиқиб кетиши ўртасида динамик тенглик (мувозанат) юзага келган. Бундай мувозанат экотизимни сифат жиҳатдан маълум бир ҳолатда узок муддат мавжуд бўлиб туришини таъминлайди.

**Экотизимлар ҳаётига инсоннинг ҳаддан зиёд аралашуни, экотизимдаги мувозанатни бузилишига ва экологик муаммоли келиб чиқишига олиб келади.** Табиий экотизимлар бузилиш жараёниди шу экотизимнинг унсури ва биосферанинг таркибий кисми булган инсон ҳам жабр куради. Айнан шунинг натижасида “инсон экологияси” ва унинг муаммолари пайдо бўлган.

**Инсон экологияси.** Инсон тирик организмларнинг олий босқичи ҳисобланиб, табиий муҳитда ҳам, ижтимоий муҳитда ҳам айни бир пайтда яшайди. Чунки у биоижтимоий мавжудоддир. Бу фикрни бир неча бор айтдик. Шу боис у биологик ва ижтимоий қонуниятлар таъсирида, бирдай ривожланиб боради ва уларнинг доимий ўзаро таъсири остида бўлади. Шу туфайли инсоннинг кўникма механизми ва тадрижий ривожланиш қонуниятларини ўрганиш пайтида табиий-тадрижий ривожланиш назарияси билан бирга ижтимоий-тадрижий ривожланиш асосларини ҳам, табиат кўникма қонунлари қаторида инсоннинг ижтимоий кўникма қонувларини ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлали.

Юқорида тилга олинганидек табиий-экологик муаммо, инсоннинг уни ўраб турган табиий муҳитга ҳужумкор таъсири остида юзага келди. Инсон хўжалик фаолиятида табиатни ўз манфаатлари ва эҳтиёжларига мослаштира бориб, унга кучли таъсири этмоқда. Айни пайтда у табиат унсурларини қайта ишлайди, жамлайди, ҳудудлар буйича қайта тақсимлайди, баъзан эса уни тайёр маҳсулот сифатида тўғридан-тўғри истеъмол қиласди.

Иктисолиётнинг ишлаб чиқариш шароитини яратадиган табиат ресурсларидан фойдаланиш тобора кенгайиши муносабати билан боғлик ҳолда бугунги кунда бир қатор экологик муаммолар пайдо бўлди. Мазкур соҳада йиғилиб қолган барча муаммоларни куйндаги

саволлар остида жамлағы мүмкін: табиат ресурслар чекланған шароитта ижтимоий ишлаб чыкарышни қандай амалға ошириш мүмкін? Одамдар яшаб келаётган мұхиттің іфлослашышига қандай қилиб йүл күймаслық мүмкін? Жауоб: табиат ресурсларидан фойдаланишдаги асосий тамойил улардан оқилона ва тәжаб-тергаб фойдаланишдан иборатдир.

Табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш деганда, хозиргача амал қилиб келингандықори самарали табиат ресурслари билан бир қаторда, кам самарали ресурслардан хам фойдаланиш тушунилади. Масалан, илгарилари фойдаланылмаган хамда кераксиз жинс сифатида чыкараб ташланған, таркибида метал кам бұлған қашшоқ рудалар, юпка күмир қатламлари шундай ресурс ҳисобланади. Бундан ташқары асосий фойдали қазилмалар таркибида учрайдиган йүлдош үнсурлардан хам гула фойдаланиш керак. Аяваллари улар хам чиқынциларға ташланар ёки ёкиб юборилар хамда ҳавога чыкараб юбориларди. Дәккөнчиликда бунга унумсиз ҳисбланиб келингандық ерларни хұжалик зәтиёжлари учун ярокли ҳолға келтириш мисол бұла олади.

Табиат ресурсларидан тәжамкорлық билан фойдаланиш деганда тайёрланаётган маңсулот бирлигига хом ашё, энергия, мемнат ва сув ресурслари сарғини иложи борича қискартириш хамда буюмларни ишлов берилаётганды чықыт чиқишини йүк даражага олиб келиш, чиқытсиз технологияларға ўтиш, бунинг имконияти булмаган жойда табиаттың хом ашени сұнъий хом ашё билан алмаштириш, тикланмайдын ресурслардан тикланадыганды ресурсларға ўтиш тушунилади. Яроқсиз маңсулотлар ишлаб чыкаришдан мутлоко воз кешиш керак. Зоро, бу исрофгарчылықнинг олий күриниши. Бундай пайтда хом ашё, энергия, ускуна, вақт хамда инсон умри бекітудегі кетади.

Табиат ресурсларини оқилона ва тәжамкорлық билан ишлатиш деганды тайёр маңсулотлардан авайлаб ва үрнида фойдаланиш хам тушунилади. Чунки, улар учун аввалдан табиат ресурслари ва күплаб одамларнинг вақти ва умри сарф бұлған. Мемнат буюмлари муддатидан олдин эскириб қолишига йүл күймаслық, улардан рисоладағидек фойдаланиб булингач, уларни иккіламчи хом ашё сифатида қайта ишлашга топшириш керак. Мемърида овқатланиш, буюмлардан ақыл билан фойдаланиш хам шу жумлалаға киради. Бунинг учун инсон экологик маънавиятта эга булиши керак. Экологик маънавиятта эса, ёш авлодимизга болалигидан экологик билимларни бериб бориш ва уларға ҳастада амал қилиб боришини назорат қилиш йули билан эришилади.

Табиаттың мухиттің мухофаза қылыш хам экологик мұаммолосының қалыптасында етакчи роль үйнайды. Табиаттың мухиттің мухофаза

жиниң дегендә бизни үраб турған табиаттын – ҳайвани, сувни, түркіни, өзінік үшін ҳайвонот дүнйесіні асраш, яғни улардан тоғын фойдаланаң болса үзіл күймаслик, уларни ифлослантириштап мухофаза қилиші үшін оғанар тушунилади. Бугунғи кунда ишлаб чикарған чикінділардың өзінің ҳам, тоишлаб чикарған чикінділари билан ҳам ифлосланыш жүзін бормақда.

Халқ хужалигигинң дәярли барча тармоқларида, пестемде, миңшының түрмуш, дам олни соҳаларида ҳам умумий тарзда чикінді дебном сияп ёрдамчи маҳсулотлар ҳосил бұлади.

Табиаттын үшін атроф мұхиттің бүндай чикінділар билан ифлосланышидан мухофаза қилиш зарурияты пайдо булып қолди.

**Болаларимиз тарбиясида, биз учун биринчи масалы, уларда экологик маънавияттың шакллантириштеп.**

Экологик маънавияттың шакллантириш учун, биринчи циынбатта, әмбекимизнің тарихан таркиб топған экологик – маънавий меросыннан Үргашынан зарур.

Марказий Осиё халқлари, үз даврида, хом ашё сарфлашнинг түркінде маънавиятига зәға бұлғанликларини англаш учун үтмишта бир иншар таштаймыз.

Марказий Осиё худудидаги халклар, шу жумладан узбек халқы орталықта ажадодлардан авлодларга үтиб келаётган бир қоида мавжуд. Бу хар кандай шароитта ҳам энг кам миқдорда хом ашё, күч, вакт ҳамда инсон мекнатидан фойдаланыши борасидаги қатъий қоидадан иборат. Бу мекнат маҳсулотларига ҳам тегишилдір. Халқ орасыда “увол” деган ибора жуда кең тарқалған зди. Бу эса ҳозирги авлод орасыда, миннеге афsuski жуда кам ишлатилади.

Табиат үнсурлари бұлмиш сув, тупрок, ўсимлик үшін барча қазилма бойликлардан бемақсад фойдаланыши увол саналарди. Ахлоқтың харакаттар, яғни одамнинг меъеридан ортиқ еб-ичиши, ҳаттоқи катыншының кулиши ёки үт-үланларни пайхон қилиніш одобсизлик хисобланарди. Бу юксак маънавият, шу жумладан юкори экологик маънавият күринишидір.

Увол деган қоида одамларнинг бой ёки камбагаллигига қарамасдан ҳамма учун баб-баравар тегишли. Увол килмаслик, ножуя иш біліктілік мәслик, бекорга сарф килмаслик, тежамкор булиш баъзи замондошлиримиз үйлаганидак, хасислик белгиси змас. Бу юксак маънавият, шу жумладан экологик маънавият белгисидір.

### **Миллий гуур үшін Ватанпарварлық**

Болаларда миллий гуурин пайдо қилиш учун, биринчи нағылайтын, үнда инсоний гуур мавжуд булиши шарт. Инсоний гуурун бұлматын

одам, уз таракқиёт боскичининг биринчи погонасида турган бўлиди. Кимки ўзи ва болаларида инсоний гуурни сезмаса дарров уни тайди қиласин.

Ўзида инсоний гуурни шакллантириш ва ривожлантиришини мақсад килган одам, аввалом бор, Тангри таоло инъом этган ақлни ишлатиб, “ахир мен инсонман, мен фикр юрита олиш ҳамда мустақил равишда бир ишни бажариш қобилиятига эгаман. Мен барча жансотлардан анча юқори тураман, шу билан биргаликда, узимга ухшаганларни ҳам, хеч қандай кам жойим йук. Профессор ҳам, вазир ҳам, ҳоким ҳам менга ухшаган одам, мени улардан нима камим бор, факат менда итилиш ва шижоат етишмай турган бўлса керак” деб, Аллоҳга, ўзиши тасаввур эгаси қилиб яратгани учун, шукроналар айтиб, ўзида инсоний гуурни шакллантириш харакатини бошлаб юбориши керак. Бу фикрларни куни бўйи ўнлаб маротаба ва бир неча хафталаб қайтарсан, кишида, у мустақил фикр юритувчи жонзот эканлигидан мамнунлик туйғуси пайдо бўлади. Бу ўй-фикрларни факат хаёлидан ўтказиб қўймай, уларни амалда ҳам синаб кўриши шарт. Жумладан, мустақил равишда бирор ишни бажариш ёки ўз олдига бир муаммони қўйиб туриб, уни ечимининг йўл-йўрикларини мустақил равишда тузиб чикиб, уларни амалга ошириш ва ҳоказо.

Аслида инсоний гуур кишида ёшлигидан шакллана бошлайди, факат уни сўндириласлик керак. Кўпчилик ота-она, уз боласини ҳали ёш деб ўйлаб, унга мустақил равишда бир ишни амалга оширишига рухсат бермайдилар. Бу ўта нотугри. Болаларни 3, 4, 5 ёшлигидан бошлаб бир ишни мустақил бажаришга ўргатиш лозим. Шунда бола нафакат мустақил харакат қилишга ўрганади, балки унишга тафаккури ўсиб дунёқараши кенгаяди ва бажарган ишидан мамнун булиб, унда инсоний гуур ривожлана бошлайди. “Уйнаб қолсин. Катта бўлганда ишлаб улгурад” деган фикр ўта нотугри булиб, бу болаларни харакатсизликка, локайдликка, охир оқибатда баҳтсизликка олиб келади. Боласини ҳақиқатдан совған ота-она уни келажаги ва баҳти ҳакида қайғуради. Факат мустақил фикр юритишга ўрганганди бола чинаккам баҳтлидир. Ҳамонки бу туйғу кимдадир ривожланмай қолган бўлса, биз берган тавсиялар ёрдамида, албатта ўзида инсоний гуурни пайдо қилиб олсин. Инсон ўзини ҳамма нарсага қодир эканини ҳис килса, албатта унда қандайдир инсоний гуур пайдо бўлади.

Гуури бор кишининг келажаги бор. Аммо бу гуурни ластга йўналтириб, мактаниш, гайрлилик, жаҳлдорлик, қасоскорлик ва бошқа гайри ижтимоий сифатларга айлантириб юбормаслик керак.

Бабони инсоний гуур бор экан, уни сусайтирасдан, ҳар күни, ширинең ишебий инпларни амалга ошириб, бу гуурни озиклантириштариш депим. Маълум бир вакт ўтганидан кейин, унинг инсоний гуурни маншиятига айланиб, унда миллий гуур пайдо булишига таъсир оғаттилган бўлади.

Унди на болаларида миллий гуурни шакллантириш учун, ўспенский, яшаб келаётган миллий худуднинг тили, урф-одатлари, шиомонларини ҳамда маданий ва маънавий меросини ўрганиши жони. Бу оғартида, кишида шу миллат вакили эканидан мамнунлик хисси нафас була бошлайди. Бу мамнунлик, ривожлана бориб, миллий гуурни айланади.

Демак, кишининг миллий гууруи бор деганда, ўзидағи инсоний гуур заминида, яшаб келаётган ҳудуди туб ҳалқининг урф-одатлари, айъаналари ҳамда маданий ва маънавий меросини яхши билдиши ҳолда, шу миллатга мансуб эканлигига мамину бўлиб, шу молиятидан фахрланадиган ва миллати равнақи йўлида фидойи-лирча меҳнат қиласига нисбатан айтилар экан.

Миллий гуури бор бола, миллатини чин дилдан севиб, унни равнақи йўлида тинмай фидокорона меҳнат қиласи. Ҳудуднинг миллий қаҳрамонлари, олиму фозилларини яхши билган ҳолда, уларга оргашиб, ўзини уларга тенглаштиришга астойдил ҳаракат қиласи. Тенглаштириш оғизда эмас, унинг кундалик ҳаракатида ифодаланади. Утган алломаю мутафаккирлар ва ҳозирги замон олимларию юртди ном қозонган одамларнинг қилган ишларига ижодий ёндашган ҳолда, уларни такрорлашга ҳаракат қиласи. Шу билан у, миллати равнақи ҳисса қўшиб, шу миллатнинг ҳақиқий вакили эканини исботлайди.

Болаларда миллий гуурни шакллантириш учун, уларга муайян миллатнинг тарихий қаҳрамонлари, олиму фозиллари, авлиёю анбислари, уларнинг дунё маънавияти ва илм-фанига күшган хиссалари ҳақида маълумот бериш зарур. Шунда, кимнинг вижданни тоза, ўзи рен меҳнатга чанкок бўлса, унинг қалбида миллатига нисбатан фахр ҳисси пайдо бўлади. У маънавий ва моддий бойликларини оширишга бел боғлайди. Киши миллатнинг маънавий хазинасини бойитиш ва юри фаровонлиги йўлида меҳнат қилишга киришибдими, билишки, унда миллий гуур пайдо бўлган.

**Ватанпарварлик** – кишиларнинг она юртига, ўз ватанига мухаббати ва садоқатиши ифодалайдиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, ҳалқлар ва миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомиши сайқалланиб келган умуминсоний туйгу, маънавий қадриятларнинг бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари

такдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, ҳалқларнинг ўзлари яшаётган худуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги куранни жараённида такомиллапиб келган хис-туйғулар жамламасидир. Бу шаштанинг ўтмиши ва ҳозири билан фахрланишда, унинг мафгаатлариниң ҳимоя қилишда намоён булади.

Ўз Ватанига, давлатига муҳаббат туйғулари барча болаларга хос хусусиятдир. Улар ана шу муҳаббатларини Ватаннинг шухрати ҳамда қудратини мустаҳкамлашга қаратилган конкрет ишлари билан ифодга этадилар. Шу тариқа ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат туйғулари миллий эътиқод ва ҳалқига бўлган муҳаббатининг жамланган ифодасидир.

Ўз юртининг ватанпарвари, ҳақиқий фуқаросида болалик чоғларини данок қон-кардош кишиларига, жонажон ўлкасига, табиатига, миллий урф-одат ва анъаналарига муҳаббат туйғулари таркиб топа бошлайди. Ҳамма учун муштарак бўлган ана шу хис-туйғулар негизида Ватанинг муҳаббат туйғулари таркиб топади ва мустаҳкамланади.

Бугунги кунда ватанпарварлик алоҳида таълимий кадрият сифатида намоён бўлмоқда. Ватанпарварлик тарбиясини таълимнинг турли босқичларида амалга оширишда ўқитувчи-педагоглар билан бир қаторда, бадиий адабиёт таълимий восита бўлиб хизмат қилиши иммий жиҳатдан асосланган.

Ўқув муассасалар ўз куч-ғайратини болаларнинг ватанпарварлик туйғулари Ватан баҳт-саодати йўлидаги фойдали ишларида ўз ифодасини топишига сарф қиласи. Бошқа бир вазифа – ўз мамлакатини ҳимоя қилишга шай бўлиб туриш руҳида тарбиялаш вазифаси ҳам шу билан боғланган.

Болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мураббий ўқитувчи ва педагоглар етакчи аҳамиятга эга деб айтилди. Булажак ўқитувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун: а) уларга маълум фалсафий категориялар билан боғлиқ умумметодологик ёндашувлар – педагог идроки ва фаoliятини ривожлантириш назарияси, педагогик жараённи бир бутунлик деб билиб, унинг унсурларининг ўзаро узвий алоқадорлиги, назария ва амалиёт бирлиги ҳақидаги билимлардан хабардор булишлари; б) ўқув жараённига мажму сифатида ёндашув, замонавий билим асослари, умуминсоний ва миллий кадриятлардан фойдаланиш йўлларини ўзлаштирган булишлари; в) болаларга тақдим этилаётган ватанпарварликка оид билимларнинг яхлитлиги ҳақидаги ёндашувни англатилари; г) болаларни миллий-маънавий кадриятларни идрок этишларига кўмаклашадиган усул ва услубларни ташлай олишлари; д) болаларга ватанпарварликни моҳиятини очиб бериш

ш) оғарини билиши; с) инсанарварлик билан бошқа фазилатларни узвий оғанынгинан сөзиши; ж) болаларнинг маънавий дунёқарашларини оғолиштиришга хизмат қиласиган дидактик воситалардан фойдаланишини шарт бўлади.

### Толерантлик ва инсонпарварлик

Толерантлик ва инсонпарварлик фазилати, кишининг ижобий ижтимоий сифатларидан бўлиб, жаҳонда тинчлик ва ҳалқаро тутувликни ўрнатишни, умумжаҳон иқтисодиётини тараккӣ эттириш, пировардида оғзини фаровон ҳаёт ўрнатилишининг асосий омили ва гарови бўлиб шиммат қиласиди.

Толерантлилик, ер юзидағи турли миллат ва ирқларга ҳамда ҷиншларга мансуб кишиларнинг ҳалқаро бирдамлиги, уларнинг биринчирини тушунишлари ва ўзаро ишончининг заминида ҳосил бўлади. Жаҳонидаги барча миллат ва элатларнинг маданиятлари, қадриятлари, бирим ва технологияларининг ўзаро сингиб боришининг асосидир.

Чунки, ҳар қандай миллий маданият ўзаро таъсир ва алоқаларсиз ғибоякланмайди. Тарихда объектив ва субъектив сабабларга кўра, ўзаро тинчлардан маҳрум бўлган маданиятларга кўплаб мисоллар келтириш мүмкин. Бироқ, уларнинг ҳаммаси тараккиёт давомида юзага келган муниммоларни ўзаро таъсир ва алоқаларсиз ҳал этолмаганларни ҳам мальум. Ўзаро алоқалар аҳамиятини инкор қилишда давом этган маданиятлар умумий тараккиётдан орқада колиб инқирозга юз тутади<sup>29</sup>.

Толерантликни акси миллатчилик, маҳаллачилик, ирқчилик, корпоративликдир. Такидлаш жоизки, миллатчилик, маҳаллийчилик, ирқчилик ва шунга ўхшаш бошқа ғайриинсоний сифатлар бўлиб, улар дунёда миллатлараро, ҳалқлараро, ирқлараро можароларни ва барча турдаги урушларни келтириб чикаради. Ер юзида бўлиб ўтган минглаб урушлар, миллиардлаб қурбон бўлган ҳаётлариниң сабабчиси миллатлараро, ирқлараро инчунун давлатлараро урушлардир.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, қайси худудда миллатлараро тутувлик ҳукм сурган бўлса, шу ерда тараккиёт, шу ерда фаровон ва баҳтили ҳаётни кўриш мумкин. Қаердаки миллатлараро, ирқлараро ва давлатлараро урушлар бўлса, шу ерда қаҳатчилик, тушкунлик ҳукм суради. Чунки уруш факат ўлим, гамгинлик, инчинун баҳтсизликни олиб келувчи нарса. Тинчлик эса, унинг акси, тинчлик бўлган жойда ривож, у ерда фаровон ва баҳтили ҳаёт, у ерда кутаринкилик, у ерда бойлик бўлади. Тинчлик – бу дўстлик, тараккиёт, баҳт-саодатдир.

Инсоният тарихи турли миллатлар, ирқ ва элатлар орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқалар ўрнатилиб, улар-

<sup>29</sup>Ерасов Б., Социальная культурология. – М.: 1996. С.419–420.

нинг тобора мустақкамланиб бориши жараёнидир. Мазкур муносабатларсиз эса ижтимоий тараққиёт амалга ошмайди.

Мустабид шуролар тузуми даврида толерантлик байналминалчилик деган ном олиб, бир томонлама талқин қилинди. Фақат ишчилар синфи, унинг партияси, мағкураси ва сиёсатининг асосий тамойилларидан бири, социализм ва коммунизм учун курашдаги бирлиги деган маънода тушунтирилиб, бунда “пролетар интернационализими”гина кўзда тутилди. Узингиз ўйлаб кўринг, ахир жамият фақат ишчи ва деҳқондан ташкил топмаган-ку. Ҳар қандай жамият ўта мураккаб ички тузилмасига эга булиб, уларнинг таркибига нафакат ишчи ва деҳқонлар, зиёлилар, майший хизмат ходимлари, савдогарлар, бошқарув хизматчилари (мененжерлар) ва бошқалар киради. Шу кунга келиб, жамият ҳётида, ишчи ва деҳқондан кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиган ходимлар, зиёлилар ва мененжерлар етакчилик қилмоқда. Жамиятнинг бундай ривожланиб кетинини кўролмаган коммунизм раҳнамолари пролетар диктатураси (хокимлиги)ни илгари ўринга қўиганлар. Бу уларнинг қулфати бўлиб, охир оқибатда бу гояга асосланган жамият ўз-ўзидан нураб кетди. Аслида байналминалчилик толерантликни тақозо этиб, умуминсоний ҳодиса бўлиб, барча ҳалқлар ва мамлакатларнинг тараққиёт сари харакатининг, мустақиллик ва миллий озодликка интилишининг ғоят зўр омилидир.

“Бинобарин, биз давлатимиз келажагини ўз кобигимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур узлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тарақкий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳукуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳайтимизга янада кенгроқ жорий қилишда қўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, ҳалқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаравон ҳайт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз”<sup>30</sup> деб ёзадилар мухтарам Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” деган асарларида.

Ўзбекистон Президентининг айтган бу яхши ниятларини, Ўзбекистон аҳолисида толерантлик туйғуларини кенг ривожлантириш натижасида эришса булади. Бунинг учун эса, барча боғча, мактаб ва олий ўқув юртларида болаларда толерантлик туйғуларини шакллантириш ва бу туйғуларни оммавий ахборот воситалари орқали ривожлантириш зарур.

<sup>30</sup>Каримов И., “Юксак маънавият – енгилмас куч”, Т: “Маънавият” нашриёти, 2008, 112–114-бетлар.

**Инсонпарварлик** – одамларга меҳр ва муҳаббат билан муносабатди бўлиши, уларни хурмат килиш, инсоннинг моддий фаровонлигин юксалтириш ва **кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик** килиш демакдир. Бу тушунча, инсоннинг кадри, оркинлиги, баҳт-саодати, тенг ҳукуклилиги ҳамда инсонийликни барчи тамойилларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳакида ғамхўрлик қилишни ифодалайди. Унга қўра, дунёда энг кимматли нарса инсондир, бутун мавжудод, борлик инсонга, унинг баҳт-саодатига хизмат килиши лозим. Инсон тақдиди, ҳалқ манфаатлари, мамлакат кишилари ҳакида ғамхўрлик инсонпарварликинг асосий гоясидир.

Инсонпарварлик гоялари узок тарихга эга. Улар баҳт-саодат ва адолатга эриптип орзулари тарзида қадимги ҳалқ оғзаки ижодида, адабиётда, диний ва фалсафий таълимотларда ўз аксини топиб келмокда.

Шарқ фалсафаси ва ижтимоий тафаккурида инсонпарварлик гоялари азалдан кенг тарқалган бўлиб, унинг кўп минг йиллик тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Ўрта осиёлик мутафаккирлардан Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқалар асарларида инсонпарварлик, инсон эркиннинг қадр-киммати гоялари илгари сурилган. Форобий инсонларнинг инок ва дўст яшаши ҳалқقا катта фойда келтиришини исботлашга интилган ва тинчликни катъий қувватлаб, бутун фаолиятини инсон хизматига қаратган. Навоий инсон тақдиди, ҳалқ манфаати, мамлакат ҳакида ғамхўрликни ўзининг асосий максади килиб қўйган. Дунёда энг кимматли нарса инсондир, деган фикрни олга сурган. Унинг фикрича, бутун мавжудод, борлик инсонга, унинг баҳт-саодатига хизмат қилиши лозим. Жаҳон динлари, жумладан ислом динида ҳам инсонпарварлик гоялари ўз ифодасини топган. Унда фақир, камбагил, мусоффир, муҳтож кишиларга ёрдам беришга, саҳоватли бўлишга узинаг қилиниди.

Инсонпарварлик яхлит дунёкараш тизими сифатида Европа Ўйғониш даврида шаклланган. Инсонпарварлик гоялари Европада ўрта асрларда инсоннинг камситилишига, уни Худо ва дин тартиблари номидан ҳакоратлаб инквизиция гулханига ташлаган шафқатсиз диндорларга ва уларни қўллаб-қувватлаган жамият вакилларига қарши, инсон ҳукуклари учун муросасиз кураш сифатида намоён бўлди. Ўйғониш даври схоластика ва черковнинг маънавий ҳукумронлигига қарши турган дунёвий хурфикирлик гуманизм деб атала бошланди. Гарбий Европада бир неча мамлакатларда гуманизм ижтимоий тафаккур соҳасида, адабиёт, санъат ва илм-фақида католицизмга ва шахснинг куллигига қартилган илгор ижтимоий ҳаракат эди. Гуманизм

тарфдорлари ўз замонасиинг тарақкийпарвар кучлари бўлган. Улар инсон хукуклари ва олийжаноб фазилатлар, илм-маърифат ва ҳуррият учун, кишиларниң ҳар томонлама эркин ривожланиши учун куран олиб борганилар. Гуманизмнинг атоқли намояндлари Ф. Петrarка, Ж. Боккаччо, Леонардо да Винчи, Ж. Бруно, Т. Кампанелла, М. Монтень, Ф. Рабле, Т. Мор, Ф. Бекон, Эразм Родердамлик, Н. Коперник ва бошқалар эди.

Кейинги асрлар давомида инсонпарварлик гоялари гуманизм номи билан ривожланди. Бу атама биринчи марта XIX аср бошларида фанди ишлатила бошланди ва XX асрниң ўрталаригача жамиятдаги адолат-сизлики, тенгизлики тақид қилишга қаратилди.

“Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ёғдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқсаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида куп нарсаларни бошидан кечирди – маданият, илм-фан ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо булди. Лекин тарихнинг уйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий оғатлар ва очарчилик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига дөг туширолмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқишиларга ва бошқаларниң кайгусига ҳамдардлик мужассамлашгандир”<sup>31</sup>.

### Мард ва жасур

Боланинг энг жозибадор ва ижобий ижтимоий сифатларидан бири, бу мардлик ва жасурлиқдир. Бу сифатларга, асосан, пайғамбарлар, буюк саркардалар ва халқ қаҳрамонлари эгалик қиласидилар деган фикр бор. Аммо, оддий одамлар ичидан ҳам, гарчи жуда юқори яражада булмасада, бундай фазилатга эга бўлганлар анчагина топилади. Факат улар ё камтаринлик қиласидилар ёки уларда бу сифатларни очикдан-очик намоён этиш шароити бўлмай келган бўлади. Ҳар ҳолда бу фазилат ноёб фазилатлардан ҳисобланади ва одамлар орасида у ёки бу кўринишда намоён бўлиб туради. Бундай фазилатта эга бўлганларга ҳамма ҳурмат билан бокади.

Бу икки ижтимоий сифат ўзаро узвий бўлиб, бир-бирини тақозо этади. Мард бола жасур бўлиб, жасур бола мард бўлади. Шунинг учун ҳам уларни тушунишда, кўпчилик, бу сўзларни маънодош сўзлар тарихосида курадилар. Ундан ташқари, кўп холларда, мард деганда, сахий одамни ҳам тушунадилар.

<sup>31</sup> Каримов И. А., Узбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон” науриёти, 1992, 66-бет.

Мардлик тушанчаси уч-тўрт маънода ишлатилиб, бирин жасурлик инсонларга, “мард йигитни майдонда кўр” майлида тушуниш бўлса, иккичиси, кўрдикки саҳийликни билдирар экан, учинчиси эса тўғри ўшиликни. Биз бу тушунчани кўпроқ кўркмас – жасур маъносиди ўшилик.

Мард боланинг дили пок, нияти факат эзгуликдир. Шунинг учун ёнм, у саҳий ва қули очик булади. Билими кўп, ўзи ақилли, нияти факат ўшилик, сўзи чин ва қули очик бола ҳеч нарсадан кўркмайди. Чунки, унинг тилини қисиқ жойи бўлмайди. Боладаги кўрқоқлик ҳис-туйгуси, унинг билими камлигидан ёки килиб кўйган гуноҳлари зазига пайдо бўшиши аниқ.

Яна мард деб, лафзида турувчи, яъни айтган сўзи ва берган ваъданинг устидан чиқувчи болани ҳам тушунилади. Бу ҳам тўғри, чунки, барча яхши фазилатларга ўранган боланинг виждони пок булади. Тана виждон эса, ҳеч қачон ва ҳеч вақтда ўзига нопок нарсаларни қабул килемайди. Ваъдасининг устидан чиқмаслик ва айтган сўзларидан кийтишлиқ, ўта гуноҳ ишлар сафига киради. Бу ишни мард бола ҳеч қачон килолмайди.

Мардлик ва жасурлик инсон шахсини улуғлайди, инсонг бошқа яхши фазилатларни таркиб топтириб юксалтиришга кўмаклашади. Марказий Осиёда мардлик ғоялари халқ оғзаки ижоди, фалсафа, сиёсат, ахлок, тарих, адабиёт, нафосатшунослик, санъатнинг турли соҳалари ва диний манбалар ҳамда тасаввуф таълимотида ўз аксини топган.

Хусусан “Алпомиш”, “Рустами достон”, “Гурӯгли”, “Манас”, “Шоҳсанам ва Ғариф” ва бошқа адабий меросимизда мардлик ва жасурликка катта эътибор берилган. Уларда Марказий Осиё ҳалқларининг жнабий босқинчиларга қарши мардоновор кураши, жасорати, бирбирига ёрдами, бағрикенглиги, саҳий ва меҳрибонлиги, ҳалоллиги ва бошқа фазилатлари тараннум этилган. Шунинг учун бугунги кунда аждодларимиз қолдирган мардлик намуналарини илмий жиҳатдан ўрганиш, уларни болалар онгига, қалбига сингдириш долзарб вазифалардан биридир.

### **Сабр-қапоат ва саҳоват**

Бу фазилат ноёб булиб, жуда кам болаларда учрайди. Бунинг боиси шундаки, инсон бир нарсани максад қилдими, унга тез етишишни истайди. Ниятга тезроқ етиб бориш истаги яхши, аммо, ниятга етиш жараёнининг ўзини тадрижий ривож тезлиги булишлигини ҳам унумаслик жоиз. “Ҳар бир нарсанинг вакти-соати бор”, деган халқ мақоли буни яхши ифодалаган.

Мақсадга етишиш учун, унинг вақти-соатига амал қилиш лозим. Бунинг учун эса, сабр-тоқат қилиш керак. Бу масаланинг бир томони, унинг иккинчи томони ҳам бор.

Инсоннинг ҳәёти ҳеч қачон текис кечмайди, кишининг ҳәётида яхши күнлари билан бир қаторда, нохуш ва ёмон күнлари ҳам бўлиб туради. Таракқиётнинг қатъий қонуни буйича, куннинг ярми ёруг бўлса, ярми коронғу бўлиши табиий ҳол. Шунинг учун, табиат қонуни буйича, ҳәётингизнинг ёруғ фазасида эканлигингизда ҳовлиқиб қолиб, доим шупдай булаверар экан деб, хомтама бўлмайт. Эртанги коронгу күнларни келишини ҳам аник билиб туришт. Ҳозир омад сизга қулиб бокканда, ўзингизни тутиб олиб, сабр билан, келажакда омадсиз кунлар бўлишини билган ҳолда иш тутиш керак.

Ёки айтганиларимизнинг акси булиб, ҳәётингизнинг коронғу фазаси кириб келганда, тушкупликка тушиб, шундек ҳам коронгу ҳәётингизни зимиstonга айлантирмаиг. Аксинча, сабр-тоқат билан, “бу күнлар ўтар кетар, яхши күнлар ҳам, албатта келар”, деган фикр билан иш тутишт. Аммо, тўқликни енгиш онсонми, ё очликнами? Буни билиш қийипроқ. Бир бой-бадавлат огайним, кўйидаги гапни кўп айтар эди: “Пулсизликка чидаш онсон, чунки бошка иложинг йўқ, аммо бойликка чидаш кийин, ёмон йўлга кириб кетиб, гуноҳ ишлар қилиб қўниш хавфи бор”. Сунг у “Мен бойликка чидаш юрган одамман” деб, ўзини мактаб ҳам куяр эди. Ҳакикатдаи ҳам, қайси бирига чидаш осону қайси бирига чидаш кийин? Бу катта масала. Бизнинг қатъий фикримиз буйича, ўзини қийнамай, жонини куйдирмай, ҳаммасига ҳам чидаш мумкин. Муаммо, сабр-қаноат қила олиш ёки қилолмаслиқдадир.

Кишининг имони мустҳкам, ақли яхши ишлайдиган ва билими кўп бўлса, “Дунё ўзи шундай, бири кам бир дунё экан, кўп еб-ичиб, шаҳона кийиниб юрсанг ҳам, кам еб-ичиб, оддий кийиниб юрсанг ҳам умринг ўтаверади” дейди. Еб-ичишу яхши кийиниб юриш ҳамда бошка истеъмол амалларини кўпроқ бажариш асосий мақсад булмаслиги керак. Мақсад имонни мустаҳкамлаб, бу дунёда бахтга эришиш ва боқий дунёга кўпроқ савоб олиб кетиш бўлмоғи лозим. Шунда, киши барча ташвишлардан қутиласди ва унда сабр-қаноат деган фазилат ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Сабр-қаноатли бўлиш сирларини, бизлар миллий қадриятларимиздан излашимиз керак. Ҳар бир халқнинг ўзи учун эъзозли, кадрли, қимматли санаған маънавий бойликлари бўлади. Булар асрлар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келган ва ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган, шу халқнинг ифтихор манбаига айланган дурдона маънавиятлардир. Шундай дурдона қадриятлардан бири ўзбек

хилқининг сабр ва қаноатлилигидир. Бу қадрият хилқини Унинг хослигини саклаб қолишида, болаларни тарбияланида, шахснинг ижтимоийлашувида мухим роль уйнайди. Миллий қадриялар, шу жуммийин сабр-қаноатлилик болаларда ижобий сифатларни таоминлаштириш, миллат ривожига түгонок буладиган салбий иллатларни барнариф ишинга хизмат қиласди.

Саховатли деган ижтимоий сифат, юқорида тавсифланган ўзи иккита фазилатнинг бирлаштирувчи ва ўзида уларни барча хусусиятларини мужассамлаштирувчи олий даражадаги ижтимоий сифатдир. Бундан фазилатни тұла әгаллаган одам таомил босқичининг зәңг юқори лиражаси булғап соғлық ва барқамолликка зришган деб ҳисобланади. Аммо, бундай фазилатнинг бәзі бир күринишлари барча болашарда ҳам мавжуд. Саховатли деганда, күйида күриб чикадиган сахонеттунсурларини ҳаммасини ўзида йига олган бола тушунилади. Бундан бола тулиқ баҳт әгасидир. Саховатли бола деганда, барча бажарадын ҳаракатларини факт ҳалқ фаровонлиги йўлида амалга оширадигин инсон тушунилади. Шу нуктаи назардан келиб чиққанда, саховатнинг тури куп, күринишлари ундан ҳам куп.

Биринчи тури, саховатли бола меҳнатини одамлардан аямайди. У ўч хўжалигига иш бисер булиб турганда ҳам, бир одам ёки қандайдир жамоа вакили ундан бир ишни бажариб беришни сўраганида, ўзининг барча зарур ишларини ҳам қолдириб, шу одамнинг ёки жамоа ишини бажаришга, ҳеч иккиланмай киришиб кетади. Бажарганда ҳам, хўжакурсинга эмас, бор кучини сарфлаб, фидоийларча, ҳак олмай бу ишни бажаради.

Иккинчи тури. Ўзидаги бор билимларни бошқаларга пийсабилло, яъни эвазига ҳеч нарса талаб қилмай улашади. Билим катта мулк оқишини ва уни беришда жуда катта қувват сарфланишини ҳисобга оладиган бўлсак, саховатнинг бу тури зәңг олийжаноби ҳисобланади.

Учинчи тури. Ҳар қандай одам ёки жамоа ундан қандайдир мөддий ёрдам сўраб келса, сахий киши бор бисотини сарфласа ҳам, унинг ҳожатини чиқаради.

Умуман олганда, инсондаги олий фазилатларни бир-биридан айри ҳолда тарбиялаб бўлмайди. Болаларга ақлий тарбия бериб бораётганингизда, уларда билим ҳажми кўпайиб боради. Билим ҳажми кўп булғап инсонда ўзига ишонч ҳисси, яъни имони мустаҳкамланиб боради. Имон-этиқодли, ақилли ва билим куп инсон, албатта маҳнатсевар ва соглом булади. Меҳнатсевар ва соглом одамда инсоний гурур пайдо булиб, ватанпарварлик туйғуси шаклланиб боради, бу туйғу эса, ўз шавбатида, толерантлик ва инсонпарварликни етаклаб келади. Имон-

эътиқодли одам, ақилли, меңнатсевар ва билимли, ватанпарвар, инсон-парвар, инчилгүп мәрд, жасур ва шижаатли ҳамда саховатли булади. Куриб турғанимиздек бу ижобий ижтимоий сифатлар бир-бириниң тақозо этиб, бир-бирини етаклаб юрап экан. Булар бир-биридан айри ҳолада учрамайдылар. Шунинг учун болаларга тарбия берәётганды, бу фазилатларга мажму сифатида ёндашған ҳолда, ҳаммасини баб-баравар шакллантириш ва ривожлантириш шарт.

### **Диалектика қонуплари педагогиканың умумфалсафий методологияк асосининг иккинчи қисми сифатида**

Бугунги күнде бутун дүнё олимлари, Арасту ва Форобийлар айтиб кетгандар, Гегель томонидан ривожлантирилиб фалсафанинг энг умумий қонуниң сифатида эълон қилингандык диалектиканың уч асосий қонуниниң тан олиб, ўзларининг ҳаракат жараёнларига энг умумий методологияк асос сифатида қабул қылғандар.

Бу уч қонун түғрисидаги маълумотни китобимиздинг 2 фаслида берган бұлсак-да, бу ерда уларни қисқача қайтариш йўли билан эслаб ўтамиш.

**Аслида диалектика ривожланиш деган маънениң биэдниради, бутун борлық – табиат, жамият ва оғиг тинмай ҳаракат жараённанда булиб, бир турдан иккичи бир турга ўтиб туради.**

Бундай ривожланиши ҳаракаттага келтирүвчи күч қаёқдан пайдо булади? Гегель: “Бу күч қарама-қарши томонлар бирлігінен қурашидан пайдо булади”, деди ва уни диалектиканың асосий қонуниң деб номлади.

Дарвоқе бутун борлық, аввал кайд қилиб ўтганимиздек, чексиз катта ва чексиз кичик, келиб чиқиши жиҳатидан түрли-туман мажмулардан ташкил топған булиб, ҳар бир мажму ўзининг антиподига, яъни қарама-қарши томонига зга. Мутлақо ёлғиз ва бир томонлама мажмуни, яъни нарса ва ҳодисани топа олмаймиз. Бу қарама-қарши томонлар тинмай бир-бирига интилиб, бир бутунни ташкил қыладылар. Шу билан биргаликда улар қарама-қарши томон, яъни қарама-қарши күч булиб, бир-биридан кочадылар.

Бу вокелик нарса ва ҳодисалар (тадрижи)нинг ички заруриятидан келиб чиқкан қонуният булиб, бутун борлық шу қонуниятга буйунсинади.

Бундай қарама-қарши томонлар бир вактнинг ўзида бир-бирига интилиб, бир-бирига қарши күч булиб қолаверадылар. Ички тортилиші ва итарилиш натижасида нарса ёки ҳодиса ичидә күчланиш пайдо булади. У маълум бир вактдан кейин, міндер жиҳатидан мөйёрига етганды, нарса ёки ҳодисада ҳаракат пайдо қылады, шунда улар аввалги

хочини ўзгартириб, янги бир холатга ўтади. Бу холаларни иғоди-  
шорчи диалектикашинг яна икки қонуши бор. Булар – “Микдорини  
сифатга ўтиши” ва “Ишкорни инкор” қонуналариидир. Бу қонунлар  
борининг ҳар бир мажмусида ўз кучини кўрсатганилиги учун хар бир  
нешда бу қонунларни хисобга олмаслик ва улардан энг умумий методо-  
логик асос сифатида келиб чиқмаслик, ҳаракат жараёнимизни ногури  
нишил килганимизни билдиради ва бундай ҳаракат максадига олиб  
формайди. Чунки бу ғайритабиййидир.

Бу қонунларнинг маърифий жараёнда намоён булишини кўриб  
чиқамиз.

қилиш ва ўтган дарсни қайтариш кисмiga 2 – 3 дақиқа берилади. Бу  
вактда үқитувчи ўтган дарсни қайтармай, қисқача эслатиб ўтади, хо-  
лос ва хоказо. Куйида бу типдаги дарсларнинг ички тузилишини қўриб  
чиқамиз.

**Янги билимларни әгаллаш дарси ёки уни тушунтириш дарси ҳам**  
**деб юритилади.** Бу типдаги дарс қисмларининг тахминий жойлашуви  
куйидагича.

1. Илтари ўтилған билимларни эслаш.
2. Янги билимлар беріш.
3. Янги билимнинг үзлаштирилғанлығини текшириш.
4. Назарияни қўллаш намунасини кўрсатиш.
5. Үйга вазифа беріб, дарсни яқунлаш.

**Эгалланған билим ва күникмаларни мустаҳкамлаш дарси**  
**куйидаги унсурларни уз ичига олади:**

1. Назарий билимларни эслаш.
2. Эгаллаган билимлар бўйича машқлар қилиб, кўнинки ҳосил қўрниш.
3. Дарсни якунлаш.
4. Уйга вазифа бериш.

**Такрорлаш дарси.** Эгалланган билимларни мустаҳкамлаш билим тикрорлаш дарслари орасида анча умумийлик мавжуд. Бу умумийлик, энг аввало, мазкур дарсларнинг вазифалари ва дарснинг ички тузилишига таалтуқлидир. Шу билан бирга бу дарсларнинг орасида такрорлашга ётган аввалги дарсларда материал тўлиқ берилмаган, баъзи жойлари такрорланади. Билган нарсасини хадеб такрорлайвермайди. Такрорлаш дарсларида авваллари билмай қолган жойлари такрорланади.

**Эгаллаган билимларни умумлаштириш ва билим ҳамда кўнинкамларини такомиллаштириш дарси.**

Бу дарснинг унсурлари куйидагича:

1. Умумлаштирувчи билимга доир билимларни эслани.
2. Билимларни умумлаштириш ва улар орасидаги функционал алоқадорликни кўрсатиш.
3. Назарий билимларни ўзлаштирилганлигини текшириш.
4. Билимларни умумлаштирган коида билан таништириш.
5. Мавзу бўйича эгалланган билимларга ҳосил килган кўнинкамларни такомиллаштириб, малака даражасига етказиш.
6. Дарснинг натижаларини якуплаш.
7. Уйга вазифа бериш.

**Эгаллаган билим ва кўнинкамларни текшириш дарси.** Назорат иши ўтказиладиган дарснинг тузилиши мураккаб эмас. Ўқитувчин топширикларни эълон қиласи, ўкувчи ва талабалар уларни бажарадилар ҳамда дарс охирида ишлар йигиб олишади. Назорат ишининг савол ва топшириклари шундай ифодаланиши керакки, ўкувчиларнинг жавобларидан улар билимларни шунчакни эслаб қолгани эмас, балки ишнинг моҳиятини тушунгани ҳам кўринишб туриши лозим.

**Ушбу мавзу бўйча назорат саволлари:** 1. Диадактикашнинг тадқиқот обьекти нима? 2. Тадқиқот предмети нима? 3. Диадактикашнинг тадқиқотлар олиб боришидан мақсади нимада? 4. Диадактика илми қандай вазифаларни бажаради? 5. Фаоллик назарияси нимани анатлади? 6. Муаммоли ўқитиш заминида нима ётади? 7. Қонуният билан Қонун орасидаги фарқ нимада? 8. Тамойил деганда нимани тушунамиз? 9. Коида деганда нимани тушунмок лозим? 10. Таълим қонунлари нечта ва улар кайсилар? 11. Диадактика тамойиллари нечта ва уларни санаб беринг? 12. "Онглилик ва фаоллик" тамойилини тушунтириб беринг? 13. "Онглилик ва фаоллик" тамойилининг қоидаларини са-

нанг? 14. "Күргазмалик" тамойили ва унинг қоидаларини кўрсатиб беринг? 15. "Илмийлик" тамойили ва унинг қоидалари ҳақида гапириб беринг? 16. Дарс ва ўкув машғулотини турлари нечта? 17. Дарс ва ўкув машғулотининг типларини кўрсатинг? 18. Дарс ва ўкув машғулотига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишда дидактика конун, тамойил ва қоидаларга қандай килиб амал қилинади?

## 4 БҮЛИМ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ – МЕТОДИКА

### 4.1. Ўкув машғулот мажмуи


Таълим-тарбия соҳасида, “Мажму ёндашув тамойили”ни қўллаб иштепни мақсаддан келиб чикиб, турли мажмуларни ажратиш мумкин. Бу тутун узлуксиз таълим-тарбия тизимини, унинг ҳар бир босқичини проходида мажму сифатида кўрса бўлади. Ўқитувчи фаолиятини, уни проходида дарсларга тайёргарлик кўриш жараёнини, дарс ўтишини, ўкув минн улотининг ўзини алоҳида-алоҳида мажмулар сифатида ўрганиш мумкин.

Расмий таълим-тарбия жараёни ва унинг алоҳида босқичларининг исосини, шунингдек, ўқитувчи ва педагоглар фаолиятини амалга ошириш жойи ва таълим-тарбия соҳасининг биринчи гишти умумтаълим мисқабларида дарс, академик лицей, касб-хунар ва олий таълимда ўқуп машғулоти дейилади.

**Дарс ва ўкув машғулоти** – таълимнинг асосий ташкилий шакли, у муайян миқдордаги доимий ўкувчи ёки талабалар таркиби билан қатъий тартибда уюштириладиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбир. Дарс ва ўкув машғулотига мажму сифатида ёндашадиган бўлсак, олдимиизга кўйган мақсаддан келиб чиккиб, битта дарс ва ўкув машғулотининг ўзида бир неча турдаги мажмуларни ажратса бўлади.

Ўкув машғулоти қандай унсурлардан ташкил топган? деган саволга, куйидагича жавоб берамиз. Дарс ва ўкув машғулотини амалга ошиши учун, авваламбор, ўкувчи ёки талибайлар бўлиши шарт. Иккинчидан, дарс ёки ўкув машғулотини олиб бориш учун ўқитувчи ёки педагог бўлиши лозим, бу дарс ва ўкув машғулотининг навбатдаги таркибий кисми. Шу билан бирга, дарс ва ўкув машғулотини амалга ошириш учун ўкув биноси, ундаги синф ва аудитория хоналари, уларнинг ичидаги жиҳозлар – доска, стол ва ҳоказо, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари, яъни **техник воситалар** зарур, бу дарс ва ўкув машғулотини учинчи унсури. Ўқитувчи ва педагогларнинг дарс ўтишлари ёки ўкув машғулотини олиб боришлари учун рсржа, дастур, дарслер ва бошқа бир катор **меъёрий хужжатлар** керак бўлиши ҳам баҳс килинмайдиган ҳақиқат. Ҳар қандай таълимий жараённи амалга ошириш учун, ўқитувчилар педагогик **усуллар** билан куролланган бўлишлари ҳам баҳс талаб қилмайдиган ҳақиқат. Бу дарс

ва ўкув машгулоти деган бир бутунликнинг ажралмас бешинчи унсури хисобланади (З-расмга каранг).



З-расм. Ўкув машгулот мажмуи.

Куйида, дарс ва ўкув машгулотини таркибий қисмларининг ҳар бирини таснифлаб, улар орасидаги алоқадорликларни кўрсатиб беришга ҳаракат қиласиз.

**Ўкувчи ва талаба.** Кўриб турганимиздек, мажмунинг марказида “Ўкувчи ва талаба” деган ҳалқа жойлашган. Бунинг боиси шундаки, бутун таълим-тарбия тизими ва унда иштирок этувчи моддий ва маънавий унсурларнинг ягона максади таълим олаётганларда, яъни ўкувчи ва талабаларда, замон талабига жавоб берадиган ижтимоий сифатларни шакллантиришdir.

**Ўқитувчи ва педагог.** Дарс ва ўкув машгулотининг иккинчи таркибий унсурларидан бири – бу ўқитувчи ва педагоглардир. Бу узлуксиз таълим-тарбия тизимидағи билим берувчи ва тарбияни амалга оши-

рунчиларнинг умумий номи булиб, аслида узлуксиг риемий таълим-тарбия тизимининг турли боекичларида улар турличи номинициси. Миктабгача таълим муассасаларида мураббий, бошлангич таълимда устоз, умумтаълим ўрта мактабда – ўқитувчи, лицей ва коллекцијириди педагог, олий ўкув юртларида – илмий даражасига қараб – ассистент, китоб ўқитувчи, доцент, профессор, олий таълимдан кейинги таълимди профессор ва малака оширишда маърутачи деб юритилади.

**Ўкув комплекси.** Дарс ва ўкув машғулотининг навбатдаги унсуру – дарс ва ўкув машғулотига керак бўладиган меъёрий ҳужжатлар. Уларга мутасадди тапкилётларда тасдиқланган намунивий дастур, шунчидаги дастур, ўкув режаси, тақвимий режа, дарслек, ўкув-методик кулланмалар, маърузанинг матни ёки дарс лойиҳаси ва бошқа дидактик материаллар киради. Буларнинг ҳаммаси дидактика тамойилларинга асосан тузилган булиб, ўзаро бир-бирига мос тушиши шарт. Шу кунда бизда улар “Ўкув комплекси”, узоқ хорижий мамлакатларнинг ҳаммасида эса, уларнинг йигиндисини, бир сўз билан “Куруюклуюм” дейилади.

**Ўқитишнинг техник воситалари.** Буларсиз дарсни амалга ошириш мүмкин эмас. Ўқитишнинг техник воситалари таркибига: ўкув биноси, ичидаги аудитория ёки синфхоналари, хоналар ичидаги жихозлар – парта ёки стол-стул, ўқитувчининг курсиси ва ишчи столи, маъруза учун минбар, доска ва ахборот-коммуникация техникалари киради.

**Усул ва услублар.** Бизга маълумки, инсон муаяйн мақсадга эришиши учун бир қатор усуллардан фойдаланади. Услуб эса – усулнинг таркибий кисми булиб, мақсадга эришишида қўлланиладиган чора-тадбирларга айтилади. Инсон бу усул ва услубларни маълум бир тартибда қуллайди. Усуллар кўлланиш тартибини – методики, усулуб, йўл, тарикат каби атамалар билан номлайдиlar.

Дарс ва ўкув машғулотининг бу беш унсури ўзаро функционал боғлиқликда булиб, бир бутунликни, яъни дарс ва ўкув машғулоти деган мажмуни ташкил қиласидилар. Бир унсурининг мавжудлиги бошқасининг мавжудлигини тақозо этиб, бирининг йўқ булиши бошқа барча унсурларининг фаолиятини йукка чиқаради. Дарҳақиқат, ўқитувчи ва педагог булмаса, дарс ва ўкув машғулоти бўлмайди. Ҳаммаси бўлсаю, ўкувчи-талабалар булмаса ҳам дарс ва ўкув машғулоти амалга ошмайди. Ҳамма унсурлари мужассамланиб, дарс ва ўкув машғулотларни амалга оширишинг дастур ва дарслиги йўқ бўлса, дарс ва ўкув машғулоти бўлмайди. Бўлган тақдирда ҳам дарс ва ўкув машғулоти дейилмайди ва ҳоказо.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дарс ва ўкув машғулоти деган мажмуунинг бирон-бир унсури бўлмаса, уни амалга ошириб бўлмайди, унинг бирон-бир унсурининг сифати ўзгарса, яъни сифати пасайса ёки ошса, конуний равишда бошқа унсурларининг ҳам сифатини шунга тенглантиришга тұғри келади. Масалан, беш унсурдан ташкил топган ўкув машғулот деган мажмуунинг биронтаси, масалан, ўқитувчининг сифати баланд бўлсаю. ўкувчиларнинг лойқайдлиги туфайли сифатлари паст бўлса, кўзланган мақсадга етиб бўлмайди ва ёки аксинча. Шунингдек, техник воситалар деган унсурининг сифати баланд бўлсаю, ўқитувчи ундан фойдалана олмай ўз сифатини пасайтиrsa, техник воситаларнинг сифатини баландлиги зое кетади ва ҳоказо.

Демак, дарс ва ўкув машғулоти – аниқ мақсадни кўзлаб, ажратилган вақтда бир хил ёшдати ўкувчи ва талабалар билан ўқитувчи ва педагоглар раҳбарлигига олиб бориладиган машғулот экан. Дарс ва ўкув машғулотининг мақсади, мазмuni ҳамда ҳажми Давлат таълим стандартлари асосида белгиланади.

Дарс ва ўкув машғулоти – таълимийнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ҳамда фаол булиши, билимлар мустаҳкам узлаштирилиши, ўкувчи-талабаларнинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши шарт. Бу дидактикациинг асосий тамойилидир.

Хозирги кунда узлуксиз расмий таълим тизимида таълим-тарбия синф-дарс шаклида олиб борилади. Инсоният тарихий ривожланишига назар таъслайдиган бўлсан, таълимни ташкилий шакллари жамиятнинг тараккиёт босқичларига мос равишда амалга ошганини курамиз.

Дастлабки даврларда таълим бериш фақат одамларнинг меҳнат фалияти, кундалик турмушни билан узвий бояланган булиб, билим бериш, ахлок-одоб ва касбга ўргатиш якка тартибда олиб борилган.

Давр ўтиши билан кўпчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо була бошлаган. Таълим ва тарбиянинг мазмуни, билимларнинг мураккаблашуви, болаларни гурух-гурух қилиб ўқитишни тақозо этгани ҳолда, таълим-тарбия билан шугулланувчи мутахассислар, яъни ўқитувчиларни тайёрлаш зарурияти келиб чиқди.

Үрта Осиё тарихига назар солар эканмиз, эрамиздан илгариги минггинчи йилларда оташхона ибодатхоналарида коҳинлар ёшларни түплаб, уларга зарурый билим бериш билан шугулланганлиги “Авесто” ва бошқа тарихий маибалардан бизга маълум. Тахминан шу вактнинг узида болаларни бир жойга йигиб ўқитишни Мисрда ҳам ташкил қилинганлиги тарих саҳифаларидан бизга етиб келган. Марказий Осиё

ші мисериклардан ўрганиб, болаларни тұплаб үқитиш одағы құдимті. Қоюнметонда ҳам олиб борилғанлиги, уларда Спарта ва Афинна мінекебашыры бұлғаптың ҳаммага маълум. Аммо қадимда таълим-тарбияни салынып көзегераланған яқтда, бир хил ёшдаги болалар билан олиб болған, таълимни босқичма-босқич беріш масаласига аниқтік кириллескен түрде.

Таълимнинг ташкилий масалалари Ал-Форобийнинг “Фан на аюн-и-кават” асарида үкув фанларини гурухларга бұлиб үқитиш, уларниң тарбиякий моҳиятини очиш масалаларига эътибор берилған. Бундай иншалар Мирзо Улуғбек даврида ҳам маълум даражада амалға оширилген. Мирзо Улуғбекнинг фармойиши бүйіча, мадрасадаги болшалар соң 12 нағардан ошмаслиги, мударрисларнинг маоши оиласининг барча ҳаражатларига етадиган міндорда давлат хазинасидан ажратылышын қайл қилингас.

Педагогика тарихида, таълим-тарбияни ташкил этишнинг асосий шекли дарс ҳисобланған синф-дарс тизимини, юкорида айтганимиздес, биринчи бор буюқ чех файласуф олими ва педагоги Ян Амос Коменский (1592–1670) ишлаб чиққан ва амалиётда жорий этган.

Бұгунға келиб синф-дарс тизими ривожланиб, давр уни яхлит бир бүтүнлік – мажму сифатида идрок қилишликни тақозо этмокда.

### **1) Замонавий дарс ва педагог фалолиятига зарур булған мөһөрий ҳужжатлар**

Юкорида дарс ва үкув машгулотини мажму сифатида күриб, уни ташкил қылувчи үнсурларини санаб чиққан әдік. Күйіда “Замонавий дарс” ва “Замонавий үкув машгулоти” деган түшүнчаларни шархлаб берсіб, дарс ва үкув машгулоти жарапшида керак бўладиган мөһөрий ҳужжатлар билан батафсилроқ таништирамиз.

Хозирги пайтда “Замонавий дарс” ва “Замонавий үкув машгулоти” түшүнчалари тез-тез тилга олинмоқда. Замонавий дарс ва үкув машгулоти – үқитувчи-педагог ва үкувчи-талабаларнинг мавжуд имкониятларидан мохирлик билан фойдаланиб, уларнинг аклий салоҳиятини ишга солади ҳамда биоижтимоий ривожланишларини таъминлайди. Үкувчи ва талабалар эса, уз нағватида, билимларни чуқур үзлаштиришади ва уларни үзлариниң күнікмаларига айлантириб, мәннавий баркамоллик сари одимлайдилар.

Замонавий дарс ва үкув машгулоти мезонлари күйидагилар:

- дарс ва үкув машгулотлар үкувчи-талаба шахсига йушалтирилған бўлиб, уларнинг ўзаро фаол муносабатларига асосланади;

- дарс ва ўкув машғулот жараёни, табақалаштириш ҳамда ўкувчи-талабаларнинг шахсий қобилиятларига ёндашув асосида амалга оширилади;
- дарс ва ўкув машғулоти, ўкувчи-талабаларнинг юкори даражадаги қизиқишлари, аклий фаолликлари ва муваффакиятларга эришувига қаратилади;
- дарс ва ўкув машғулоти, педагогиканинг умумумий ва хусусий методологик асосларидан келиб чиқиб амалга оширилади;
- дарс ва ўкув машғулотида бериладиган билим мазмунига кўра, турли педагогик усул ҳамда услублардан фойдаланилади;
- дарс ва ўкув машғулоти давомида, назария ҳамда амалиёт ўзаро боғликлиқда талқин этилади;
- дарс ва ўкув машғулотида, уни сифат ҳамда самадорлигини тъминловчи турли назорат турларидан фойдаланилади;
- дарс ва ўкув машғулотида, вактдан унумли ҳамда мақсадли фойдаланилади;
- дарс ва ўкув машғулоти, илм-фандаги “Мажму ёндашув” тамоили асосида амалга оширилади.

Дарс ва ўкув машғулотини замонавий тарзда ташкил килиш учун куйидаги меъёрий хужжатлар таҳт бўлиши шарт.

Дарс ва ўкув машғулотини бошлишдан аввал, биринчидан, ўқитувчи ва педагог қўлида ўз фанидан, мутахассислар томонидан тузилган ҳамда мутасадди вазирликлар тасдигидан ўтган намуниай ўкув дастур бўлиши керак. Иккинчидан, шу дастурдан келиб чиқсан ҳолда ҳамда ўкув муассасасининг йўналиши, модний техника базаси ва ўқитувчининг шахсий имкониятларидан келиб чиқиб, ишчи ўкув дастури тузилган бўлиши шарт. Учишчидан, мазкур фанини ўқитиш учун берилган соатлар ва тузилган ўкув жадвалидан келиб чиқиб, таквимий ўкув режа тузилган бўлиши лозим. Тұртингчидан, ушбу ўкув фанидан ўтилаётган ҳар бир дарс учун конспект ёки маъruzалар матнин ёки педагогик технология тамойиллари асосида дарснинг лойиҳаси тузилган бўлиши шарт. Педтехнология асосида дарснинг лойиҳаси тузилган бўлса, технологик харита талаб қилинмайди. Чунки у лойиҳанинг ичига киритилган бўлади. Айтилган меъёрий хужжатларга яна кўргазма куроллар, тарқатма материаллар ва бошқа бир қатор дидактика мөтериаллар талаб қилинади. Шунингдек, талабаларнинг мустақил иш мавзулари, консультация ва қолдирилган дарсларни кайта топшириш жадвали, баҳолаш мезонлари ва тест саволлари жамулжам бўлиши шарт.

Булар болаларга билим бериш мақсадида дарс ва ўкув машғулотига кириш учун зарур бўлган меъёрий хужжатлар саналади. Уларга

Сүйнімчі қилиб, үтиладиган фан бүйіча оның охирғы дисертиациясындағы методик күлланмалар ҳам тайёрлаб күйилған бұлшының мәселе-  
ти шүлеуфикациясынан. Методик күлланмаларда мазкур фаннинг инварианттарынан аны-  
даныш машгулолттарни олиб бориш методикасы, курсе шылдаршының баяншы-  
шырынномаси ва бошқалар ҳам булиши мүмкін.

**Намунашындың үқув дастири** педагогик илмий тадқынот институттың  
арылдағы ёки үқув муассасаларидаги йирик олимлар томонидан шылда-  
чиқылады. У үқув муассасасини битирудын күйилдігін талаб-  
шырында келиб чиқиб, 100 фоиз Давлат таълим стандарты асосида ту-  
зилди. Уни тузишида дидактикалық барча тамойилларидан фойдалы-  
шылдағанды. У фаннинг үқитилишидан күзланған асосий максады мөс-  
булуды. Педагогникиң үқув услугбий мажмусининг асосий унсурлары-  
дан бири намунашындың үқув дастиридир.

**Ишчи үқув дастур** – намунашын дастандағы келиб чиқиб, мүшінен  
үқув муассасасининг жұналиши хамда ушбу фанни үқийдиган педагог-  
никтің имкониятидан келиб чиққан холда, педагог томонидан тузи-  
лиди ва аввал үқув муассасасининг илмий-услубий кенгашидан, сүн-  
нәтәрмек вазирилғы тастығидан үтади. Агар педагог, үқув машгулолттың  
педагогик технология тамойиллари асосида лойихалаб туриб үтмокчи  
бұлса, ишчи дастур көнгайтирилған тарзда, яғни үқув материалини мон-  
тулларга бұлиб, уларни максадларини аникланиб туриб тузилади. Бу  
педагогникиң дарега олиб кирадиган иккінчи мөңгөрий хужжатидир.

**Тақвимий үқув режа үқув** муассасасида тузилған жадвал ва ишчи  
дастурда күрсатылған мавзулар асосида тузилиб, педагогникиң дарс-  
шының ёки маъруза үқиши хамда амалий машгулолттарни олиб бориш-  
нинг ой ва күнлар бүйіча тартибини күрсатади.

**Конспект** ё маърузалар матни, ёки дарс лойихаси. Гарчы дарс-  
ва үқув манипулятори яңги билимларни бериш учун анъанавий отынды-  
кында олиб боришига мүлжалланған бұлса, педагогникиң күлида дарс-  
и шыланмалари ёки конспект, ёки маърузалар матни, ё үқув машгулолттың  
сценарийсі бўлишлігі талаб қилинади. Бу үқув методик мажмусини  
асосий унсурларидан бири. Агар дарс ва үқув машгулолттың педагогик  
технология асосида олиб борилса, педагогникиң күлида шу дарснини  
ложихаси бўлиши шарт. Үқув машгулоллар, педагогик технология тамо-  
йиллари асосида лойихаларни тузиш үқув күлланмамизинде 4.2.  
бўлимида батафеил тушунтирилади.

**Дарс ва үқув машгулолт ишланмаси.** Агар дарс ва үқув машгулолттың педагогик  
технология асосида олиб борилмайдыган бўлса, педагогникиң күлида конспект ёки маърузалар матнидан ташкари, дарснини  
ишланмаси бўлишлігі талаб қилинади. Дарс ва үқув машгулолттың

**ланмасига** – мавзунинг номи, дарс ва ўкув машгулотининг мақсади, кутилаётган натижа, асосий гоя, таянч тушунчалар, машгулотини жиҳозлари ва унинг режасига анъанавий тарзда – ташкилий қисм, инвалги машғулотда эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ҳамда бу учги бериладиган билимларга кўпприк ўрнатиш мақсадида тақорорли, янги дарс мазмунини тушунтириш, гурухларда ишлаш, мусобакалинг ташкил қилиш, дарсни якунлаш ва уйга вазифа бериш деган унсурларни киритиш лозим. Шунинг ичига технологик харита ҳам киради.

Технологик харита жадвал шаклида бўлиб, унинг биринчи устунда мавзунинг номи, ўкув жараёшининг мазмуни, ўкув жараёнини амалга оширишда кўлланиладиган усуллар ва уларнинг тизими, кутиладиган шатижалар ўз ифодасини топиши керак. Иккинчи устунда биринчи устунда кўйилган саволларга жавоблар берилади.

Ўқитувчи ва педагоглар қўлида бўлиши талаб қилинадиган меърий хужожатлар ичидаги талабаларнинг мустақил иш мавзулари, консультация жадвали ҳам булиши мақсаддага мувофиқдир.

**Дарслик** – юқори малакали ва тажрибали олим ҳамда педагоглар томонидан тузилиб, юз фоиз намунавий дастурдаги гоялар ҳамда дидактика тамойилларидан келиб чиқиб яратилади. Дарслик ўқитувчи ва педагоглар ҳамда талабалар учун асосий ўкув куроли ҳисобланиб, у оддий ва ҳаммага тушунарли адабий тилда ёзилади. Дарслик барчага умумий ёки олий ўкув муассасасининг ҳусусиятларидан келиб чиқиб маҳсус бўлиши мумкин.

**Ўкув қулланма** – дарсликнинг ҳали кенг педагогик жамотчилигининг тажрибасидан ўтмаган кўриниши бўлиши ёки муайян бир мавзу буйича, тажрибали педагоглар томонидан ёзилган, дарс ва ўкув машғулот ишлашмалари, у ўқитувчи ва педагогларга кўшимча ўкув куроли бўлиб хизмат килади.

**Дидактик материаллар** дарс ва ўкув машғулот мазмунини тула ифодалаш ва ўкувчи-талабалар дарс мазмунига яхши тушуниб етишлари учун хизмат килади. Буларга ҳар турли кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар, турли муаммоли вазиятларни яратувчи мосламалар, тарбияловчи ўйинлар ва ҳоказолар киради. Дидактик материаллар ҳам дидактикаси барча конун, коида ва тамойилларига мос равишда яратилади. Шуни эътиборга олиш зарурки, дидактик материалларни эътиборини чалғитишига эмас, факат ўкув машғулот мазмунини ёритишига хизмат қилишлари керак. Баъзилар кўргазма материалларга катта эътибор бериб, уларни кўпайтириб юборадилар. Бундай қилиш нотўғри.

## 1) Укувчи ва талибалар бажаришилари шарт бўлган қондалар

Умумиътим урга мактаблардаги дарс ва академик лицей, касб-шарф комплекслари ҳамда олий ўкув юртларидағи ўкув машгулотига келтирилган укувчи-талабалар куйидаги талаб ва қондаларга риоя килишлари мөрзи.

**Укувчи-талабаларга кўйиладиган асосий талаб.** Ўкувчи-талабалар дарс ва ўкув машгулотига кечикмай, уст-боши саромтани сирининг ҳолда билим эгаллаш иштиёқи билан келишлари шарт. Чунки ҳар кандай билимни эгаллаш учун анчагина руҳий ва аклий кувват сарфлаши талаб этилади. Агар киши, ўкув машгулотига тайёр гарнил кўрмай, уст-боши тўзиган, санитария ҳолати қониқарсиз бўлса то ширега кеч қолиб келса, демакки унинг руҳи энг нозик ва покиза ширга хисобланган билим эгаллашга тайёр эмас. Шунингдек, ўкувчи-талабанинг билим олишга иштиёқи бўлмаса, унда билим эгаллаш учун тарокли кувват пайдо бўлмайди. Иштиёқ ва унинг натижасида келиб чикувчи кувват ўкувчи-талабаларда бўлмаса, дарс ва ўкув машгулоти ажрабинида, эгаллашиши шарт бўлган билимларни улар ололмайдилар, яхшикни, дарс ва ўкув машгулоти олдига кўйилган мақсадга етолмай, руҳий азоб ческадилар. Бу дегани ўкувчи-талабаларни асаби бузилиб, уннинг үринсиз чарчок ҳосил бўлади. Натижада уларнинг 45 ёки 90 дикикалик умри зое кетиб, умришининг шу қисми увол бўлади. Умрни зоен қилиши эса, катта гуноҳлардан хисобланади. Чунки зое кетган умрни кайтариб бўлмайди.

Дарс ва ўкув машгулотига тайёргарлик куриш деганда – эргарок туриб, дарс жадвалига қараб, бутуни бўладиган дарс ва ўкув машгулотларни аниклаб оладилар. Шундан сунг, бўладиган ўкув машгулотларга керак бўладиган китоб ва дафтарларни ҳамда ручка, қалам ва бошқа зарур ўкув анижомларини пашкага солиб қўядилар. Бугун ўтилиши режалаштирилган дарс ва ўкув машгулотларнинг аввалги машгулотларида нималар утилганини эслаб, уйга берилган нацифаларни кўздан кечириб қўядилар. эсдан чиқсан жойлари бўлса, уни қайтариш орқали эслаб оладилар. Шундагина, улар дарс ва ўкув машгулотига тайёр деб хисобланадилар.

**Ўкувчи-талабалар бажариши шарт бўлган қондалар:**

**Биринчи қонда.** Ўкув муассасасига билим олиш мақсадида келадиган ўкувчи-талабалар ўқитувчи-педагогнинг сўзларига диккат килиб, бутуни вужудини билим эгаллашга тайёрлашни урганишлари талаб килинади. Диккат килиш билим эгаллашнинг асосий қондаси. “Диккат билим эгаллашнинг эшигидир” деган эди буюк рус педагоги

**Константин Димитрович Ушинский.** Диққат қилмасдан туриб, киши, билим әгаллашдек ззгу мақсадига әриша олмайды.

Унутмаслик лозимки, узок муддат, яъни 2–3 дақиқа диққат килиб ўтириш анча мураккаб. Киши қанча хохламасин, 1 – 1,5 дақиқадан сунг уни диққати тарқаб кетаверади, бу табиий ҳол. Шунинг учун ўқувчи-талабалар хар дақиқада, ўзини мажбурлаб туриб, ўқитувчи-педагогнинг сўзларига диққатини қайтариб туриши талаб килинади. Бу анча қийин иш, аммо уни бажармаса, ўқувчи-талаба диққат қилип амалити бажара олмаган бўлади. Натижада, ўқитувчи-педагог тушунираётган билимларни англаб етмай, шу соатда кўзланган мақсадига әришмайди.

**Иккинчи қоида.** Ўқувчи-талабалар, ўқитувчи-педагогни диққат билан эшитиб, сўзларини муҳим жойлари ҳамда ажратиб берадиган таянч тушунчаларни ёзиб боришлари шарт. Даре ва ўқув машғулоти жараёнида саволлар пайдо булиб колса, конспект дафтарини бир честига ушбу саволларни ёзиб қўйиши лозим.

**Учинчи қоида.** Ўқувчи-талабалар дарс ва ўқув машғулоти жараёнида англаб етилган билимларни, ўзларининг кўникмасига айлантириш мақсадида, уларни дарсдан ташқари пайтларда, уйда қайта-қайта такрорлашлари ҳамда уйга берилган вазифаларни тўлиқ бажаришлари шарт. Киши қанчалик әгаллаган билимларини қайтариб турса, улар шунчалик унинг кўникмасига айланади. Қайтарилиб турмаган билим, эсдан чиқиб кетади. Бу табиий конун.

**Тўргинчи қоида.** Уйгаберилган вазифани – у машқми, қайтаришми, амалий иш бажаришми, ўтган дарсни тахлил қилишми ёки адабиётлар билан ишлишми, катъи назар, бу вазифаларни у шу кунни узида бажариши лозим. Эртага бажараман деган ўқувчи ва талабанинг бугун әгаллаган билимлари эртага юз фоиз эсдан чиқиб кетади, бу катъий қоида, унга амал қилиш лозим.

**Бешинчи қоида.** Ўқувчи-талаба амалий машғулотларда, албатта фаол катнашиб, назарий машғулотларда әгалланган ва уй вазифасини бажарини жараёнида уларни ўзининг кўникмасига айлантириб улгурган билимларини бошлангич малакага айлантириб қўйиши шарт. Акс ҳолда әгаллаган ва кўникмага айлантириб олинган билимлар оралиқ ва якуний назоратларгача эсдан чиқиб кетади.

### **3) Ўқитувчи-педагогнинг касбий компетентлик даражаси**

Ўз олдига ёш авлодга таълим бериш ва уларни тарбиялашдек масъулиятли вазифани мақсад қилиб олган кишининг ижтимоий моҳияти, яъни ўқитувчи-педагогларнинг ижтимоий сифатлари қандай булади? деган саволга куйидагича жавоб қайтариш мумкин.

**Ўқитувчи-недағоларнинг шахсий ижтимоий сиғатлариғи яшашпидин эътибор қаратиб келинган ва ҳар бир замон талабидан келиб ошиб, педагогга қўйиладиган талаблар такомиллашиб, муракқабини бораверган.**

Зардўшт таълимотида, “муаллим – коҳинларнинг бурчлари бошшарга билимларни яхшилик йўсинда ўргатиб, уларни яхши билан ёмонни ажратадиган килиб тарбиялаш ва тўғри йўлга хидоят этишдири” дейилган. Авестонинг “яшт”ларида ақлу фаросат билан ёмонликни қирши курашни амалга ошириб, болалар рухиятига рост сўз, пок якида, ҳалол ниятни сингдирадиган устоз-муаллимлар пешвоси мадҳимилиниади.

Шунингдек, унинг “яшт”арида танбаллиги, бефарклиги, масъуниятилизлиги, лоқайдлиги, фаросатсизлиги, укувсизлиги, билими ёш малакасини такомиллаштирмаслиги оқибатида болалар зеҳнини, уннинг мустакил тафаккурини ўтмаслаштирадиган, айни чогда, ёшларнинг аклини занглатадиган, ҳаётга, меҳнатга муносабатниши сусайтирадиган, имон-эътиқодини заифлаштириб, маънавий жиҳатдан кашшоқлаштирадиган “ёмон устозлар” қаттиқ кораланади.

Зардўштнинг Олий Тангри Ахурамазда билан мулокотида ҳам яхши ва ёмон устозлар ҳакида шундай дейилади: “Ношуд, ёмон муаллим ўкувчи калвидан хунармандчиликни йўқотар экан. Эй Яздон, ёмон устоздан ўзинг асра”.

Талабаларга билим бериш ўқитувчининг масъулиятли бурчидир, деб **Иби Сино** ўқитувчининг шахсияти қандай бўлиши кераклиги ҳакида қуйидаги фикрларни билдирган:

- болалар билан муомалада босик, жиҳдий бўлиши;
- бериладиган билимни талабалар қандай ўзлантириб олбўтшили эътибор бериш;
- таълимда турли усул ва шакллардан фойдаланиши;
- талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш;
- фанга қизиктира олиш;
- берилган билимларнинг энг муҳимини ажратиб ўқитиш;
- билимларни талабаларнинг ёши, ақлий даражасига мос равиша бериш;
- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш зарур.

Мирзо Улугбек даврида илм-фан, адабиёт ва санъат, маърифатчилик жадал тараққий этган. Шунингдек, ўқитишнинг синф тизимлари,

болаларни ёши бўйича табакалаштириб ўқитиши, ўкув-тарбия ишларининг аник бир муддатини белгилаб кўйиш каби ғоялар илгари сурнинган ва маълум даражада амалга оширилган. Шу билан бирга Мирзо Улуғбек ўқитувчи ва мударрисларнинг инсоний хислатларига, билими ва маҳоратига катта аҳамият берган. Уларнинг моддий эҳтиёжлари давлат таъминотидан қондирилишини йўлга кўйган, энг маҳоратли устотларни зъоззлаган. Айни пайтда, у мударрисларнинг дарс беришдан ташқари имлый тадқиқотларда иштирок этишларини талаб қилган.

Шунга ўхшаш фикрларни Farb педагоглари ҳам айтиб кетишиган. Жумладан, Дистерверг: “Яхши ўқитувчи ўзининг тарбия тамойилларидан ҳеч қачон қайтмайди. Ўқитувчи ўз устида доимо мустакил ишлаши лозим. Ёмон ўқитувчи ҳакиқатини айтиб қўя қолади, яхши ўқитувчи эса болаларни ҳакиқатни топишга ўргатади” деган.

Ўтган Шарк алломаларию, Farb педагогларининг фикри ҳамда кўп йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар ўқитувчи ва педагог, яъни ўзига ёш авлодни тарбиялашни касб қилиб олган инсон қуидаги ижтимоий сифатларга эга бўлиши шарт эканини кўрсатди.

**Биринчидан**, ўқитувчи-педагог фалсафани яхши билиши шарт. Чунки фалсафа одамга абстракт фикр юритишни ўргатади. Ўқитувчи-педагог синф ёки аудиторияга кирганда унда абстракт тафаккур суст ривожланган бўлса, ўзини йўқотиб кўяди. Синф ва аудиториядагилар лиққатини ўзига қаратиб олиши учун, кишида абстракт тафаккур яхши ривожланган бўлиши керак.

Ундан ташқари, фалсафа дарс пайтида кечадиган билиш жараёнини ўргатади. Билиш жараёнининг конуниятларини, яъни гнесологияни билмаган ўқитувчи ҳамда педагог дарс ва ўкув машгулотини олиб боришда бир қатор қийинчиликларга дуч келиб, дарс ва ўкув машгулотини амалга ошира олмайди, оширганда ҳам нотўғри амалга оширади.

Шу билан бир қаторда фалсафанинг асосий конунлари инсоннинг барча амалий фаолиятида, шу жумладан, педагогик фаолиятида ҳам умумий методологик асос вазифасини ўташлигини юкоридаги бўлимдан билдик.

Юкорида бир неча бор тақидланганидек, замон талабига жавоб берадиган мутахассис бўлишлик учун, у объектив борлиқга “Мажму ёндашув тамойили”ни тўлик эгаллаган булиши шарт, Буни эса мутахассисга, шу жумладан педагогга ҳам, фалсафа ўргатади.

**Иккинчидан**, ўқитувчи-педагог ёшларни таълим-тарбияси билан шугулланишини ўзига касб қилиб олган экан, педагогиканинг жамият хаётидаги ўрнини, унинг пайдо бўлиш тарихини яхши билиши керак.

Педагогика тарихини ўрганиш жараёнида киши педагогиканы физиче-  
ски илесоният хаётидаги ўрнини, педагогикадаги асосий үзүүнүн буюу  
оюн тамойилларн ҳамда асосий тушунчаларнинг инк泱ашини барынан  
бийтбэләди.

Умрини ўқитувчиликка багишлаган киши, педагогиканы таарифтэ-  
ни, шын дидактикани жуда яхши билиши керак. Чунки дидактика  
үкитувчини педагогиканинг назарий асослари билан куроллигири,  
оюн бериш ва уни ҳаётда күллашга ўргатиш жараёнини имолти оюн-  
жининг асосий тамойилларига амал қилишликни илмий томондан  
жөнелб беради. Шунингдек, педагогиканинг назарияси, ўқитувчини  
яңбидә күлланиладиган асосий тушунчаларнинг ишлатилиши ўрин,  
тоңдасы, яъни категориал аппаратини тушунтириб беради.

Шу билан бир қаторда, педагогик касбни танлаган киши, дидактиктэ-  
ни тамойилларидан келиб чиқувчи умумий педагогиканинг тадқикот оби-  
ектти, предметти ва мақсадини кўрсатиб берувчи ҳамда педагогиканы оли-  
ширча умумий масалаларни ечиб берувчи "Умумий педагогики"ни  
яхши билиши шарт. Ҳар қандай ўқитувчи-педагог дидактика тамойил-  
ларига суюнучи ва умумий педагогиканинг барча қонун-қоидаларидан  
келиб чиқувчи **хусусий педагогиканинг** ўзига хосликлари ҳамда ди-  
дактика тамойилларини ўзи танлаб олган хусусий фанда күллашни  
тўлик билиши керак.

Болаларга билим бермоқчи бўлган ўқитувчи дарс бериш усу-  
лирининг мажмуини ва тартибга келтирилган дарс бериш йўли (ме-  
тодика)ни мукаммал эгаллаб олган бўлиши лозим. Дарс бериш усул  
ва услубларини билмаган педагог дарс ўтолмайди. У дидактикани  
барча тамойилларига суюнган холда, умумий педагогиканинг қонун-  
қоидаларини ўзи ўтаётган фанда күллашни яхши билиши, педагогика-  
да мавжуд усуллар ичидан ўзига мосларини танлаб олиши, дарс жара-  
ёнида ўз ўрнига қўя олиш йўли билан ўз услубини тузба оладиган киши  
бўлиши керак.

**Учинчидан**, ўқитувчи ва педагог, ўқувчи ва талабаларга ўргатамин  
деб, танлаган фан билимларини, ўзи пухта эгаллаган бўлиши шир.  
Ўз фани буйича билимларни яхши ўзлаштиргмаган киши, педагогики  
назарияси ва амалиётини канчалик эгаллаб олган бўлмасин болалар-  
га тўлик билим бера олмайди. Ўқитувчи ўқитаётган ўқув фанини иш-  
тимохони назариясини чукур билиши, уни кизикарли қилиб ўқувчи иш та-  
лабаларга етказа олиши уларнинг шу ўқув фанига бўлган қизиқинини  
оширади. Бу эса ўқитувчи обрўсини кўтаради.

**Тўртничидан**, ўқитувчи ва педагог болаларга билим берини  
оюн амалга ошираётганда, муайян ёшдаги болалар вужудиди солир

бўлаётган физиологик ва руҳий ҳодисаларни яхши билиши лоим. Акс ҳолда, ўзини ҳам, болаларни ҳам қийнаб, дарс олдига кўйинчилик мақсадига ета олмайди. Бунинг учун педагог болалар анатомини ишлаб, физиологиясини ҳамда **психология** фанларидан тулиқ билимни таъмин бўлиши керак. Бундай билимга эга бўлмаган педагог болаларнинг муроди би бузилишига сабабчи булиши мумкин. Мактабда учраб турадиган бу каби ҳодисалар, ўқитувчиларнинг бола физиологиясини ёки ёш психологиясини яхши билмаганидан келиб чиқади.

**Бешиничидан,** Ўзбекистон Конституциясига кўра дин давлат ишларига аралашмайди, шунга қарамай, у ижтимоий ҳаётдан четлатилилди эмас. Дигу кундалик ҳаётимизда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Динни яхши билмаган ёшлилар баъзан диний таълимотга зид бўлган, онинг ҳамда жамият тинчлигиги бузувчи турли диний оқимларга кириб қолмоқдалар. Уларни бу йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солиб юбни риш учун ўқитувчининг ўзи ислом динини яхши билиши шарт. Шунинг учун ҳам, ўқитувчи-педагог ислом динининг асл мақсади, унинг қонун-коидаларини батафсил билмоги, бунинг учун эса у диншунослик фанини ўқиган бўлмоги лозим.

**Олтииничидан,** ўқитувчи болаларга ўз фанидан билим бериш жараённида, уларни муайян жамият ва унда олиб борилаётган сиёсат билан таништириб бориши шарт. Шу сабабли ўқитувчи ва педагоглар сиёсат-шунослик билимларини пухта эгаллаб, уларни ҳаётда қўллай олишлари керак.

**Еттииничидан,** педагог муайян жамиятда тарихан шаклланган ижтимоий гурухлардан ҳам талабаларни хабардор этмоги лозим. Бунинг учун ўқитувчи-педагог **социология** билимларидан хабардор булиб, улардан педагогик амалиётида фойдалана олиши керак. Шунинг учун ўқитувчи социология фанини пухта эгаллаган бўлиши шарт.

Шу билан бир қаторда, ўқитувчи болаларга маданият тўғрисида бошлангич тушунчалар бериб, уларда маданият унсурларини шакллантириб бориши лозим. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи маданиятшунослик билимларини эгаллаган ва уларни педагогик амалиётида қўллай оладиган бўлиши керак.

**Саккизиничидан,** педагог ёнг авлодга муайян фан билимлари билан бир қаторда ахлоқ ва одоб коидаларини ҳам ўргатиши шарт. Бу ўқитувчи-педагогларниң бурч ва масъулиятига киради. Бунинг учун, аввало, ўқитувчининг ўзи ахлокий тарбияланган булиши лозим. Ўқитувчининг юксак маънавияти, унинг теран билим доираси, айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ҳалқимиз тарихи, маданияти ва урғодатларини чукур билиши таълим-тарбия ишларининг муваффақиятли

жоншига ёрдам берали. Ҳозирги замои ўқитувчиси, айникса, гурух зорбадиине миллий қалриятларимизни билигина қолмай, кенг оташ оржымоғчилиги ичидә, синфда унинг тарғиботчиси хам оғози лозим.

**Түккизичидан.** Ўқитувчининг асл фазилатларидан яна бири, юнани, қандай одамни шакллантираётганлигини тұлық билиши ва ўқитувчиги боласи шундай ижтимоий сифатларға, албатта эга булишига постессан ишониши керак. Үшбу фазилатларға эга, имони мустаҳкам үшіншілар болаларни халқ педагогикаси дурдоңалари билан таништырып, уларни миллий қадриятларимиз асосида тарбиялаши керак. Шуннингдек, уларнинг нұтқи равон, тили бой, ифода усули ва тасвир жомындары адабий тил мөһөрларидан честга чиқмаган булиши лозим.

Ўқитувчилик касбиға хос бўлган бундай фазилатларни ундағи педагогик одоб шакллантиради. Педагогик одоб бу ўқитувчининг юксак юнани фазилатидир. У ўқитувчига саботли бўлиш, уз ҳиссиятини идора кила олиш, болаларға педагогик таъсир ўқказиш восита ва мөъенини тағдилаш, аниқлашда ёрдам берадиган фазилат хисобланади. Юксак педагогик одобга эга бўлган ўқитувчигина синфда мұтадил психологик мухит ўрнатиб, болалар қалбига тез йул топа олади.

**Ушничидан.** Уз хизмати хусусиятига кўра ўқитувчи-педагоглар иннишотчилик фазилатига хам эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун улар ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятига эга булиб, ҳар доим солом ва тетик, гайратли, уз кучи ва имкониятига ишонгани булиши керак. Ташаббускор ва гайратли ўқитувчигина болаларни уз ортидан приастира олади, ўқувчилар эса унга эргашадилар.

Ўқитувчилик касби жуда катта руҳий ва жисмоний күч талаб этади, шунинг учун ўқитувчи-педагогнинг саломатлигига хам маълум талабшар кўйилади. Ўқитувчи-педагогнинг овоз пайчалари ривожланган, куриш қобилияти яхши булиши керак, узоқ вақт тикка турға олиш, күп юриш, эпчил ҳаракат қилиш каби ижтимоий сифатларға эга бўлмоғи шарт.

Уи биринчидан, таълим-тарбия билан шугулланувчи инсон, сүзсиз, эстетик тарбияланган булиши лозим. Эстетик тарбиянинг жамият тараққиётида нақалар муҳим роль ўйнаши хаммага маълум. Эстетик тарбия маънавий тарбиянинг муҳим ва таркибий қисми эканини унутмаслик керак. Эстетик диднинг пастлиги ижтимоий ҳаётнинг барча жабжаларига салбий таъсир үтказади. Жумладаң, баъзи ёш оиласларда иктисолий камчилик туғайли эмас, балки маънавий, асосан, эстетик диднинг пастлигидан бузилиб кетиш ҳоллари кам эмас. Туйгуларнинг пастлиги, қашшоқлиги, гүзалликни сеза билмаслик, қадрлай олмаслик каби омиллар эр-хотин уртасидаги муносабатларга пултур етказмоқда.

Эстетик дид деганда ихчам, нафис, чиройли кийинишга ўрганиш, уй-жойни саронжон-саришта ва озода тутиш, ҳаётдаги түлликларни, санъатдаги нафосатни тез илгаб олиш ва унга интилиш, ундан таъсирланиш, юксак, соғ туйгуларга тўлиб-тошиб яшаш тушунилади.

Эстетик диднинг шаклланиши давр характери билан боғлиқ. Ҳар бир давр эстетикага кўядиган талабига мос ҳолда эстетик диднинг янги-янги мезонлариши вужудга келтиради. Бу янги мезонлар барча кишилар томонидан ўзлаштирилганча анча вакт утади. Бизнинг давримиз ҳам бу жихатдан ўз хусусиятларига эга. Давримиз мураккаб, шунга кўра, эстетик тарбиянинг ҳам шаклланиши силлиқ ва осон кечмайди.

Жамият таракқиётидаги маънавий ва иқтисодий томонлар ҳамма вакт ҳам бир хилда шаклланиб бормайди. Баъзан маънавий томон, баъзан иқтисодий томон ўзиб кетади. Узбек ҳалки утмишида иқтисодий томонга нисбатан маънавий томонларнинг кўпроқ шаклланиб кетган даврлари кўп бўлган. Жамият аъзоларининг маънавий тарбияланганлик даражасига ўқитувчи-педагоглар масъулдир.

Эстетик камолот маънавий ҳаётнинг энг нозик, шу билан бирга, мураккаб кўринишларидан бири. Инсон шахсиятида эстетик диднинг шаклланиши аста-секин давом этадиган узок жараёндир. Эстетик кўнилмалар инсон вужудига сингиб, унинг зътиқодига айланна бориши зарур. Бу борада маълум тадбир асосида иш кўрилмаса, эстетик тарбия соҳасидаги барча ҳаракатлар зое кетади.

Гўзаллик билан яхшилик кондош эгизак, улар доим бир-бирини такозо этган, бир-бирини тулдирган. Қадимги юнонларда бу икки тушунча бир бутуннинг икки томони сифатида қаралган. Ҳозирги пайтда ҳам этика билан эстетиканинг бирлиги кишилар ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этмоюда. Чин инсоний ахлоқ меъёрларини ривожлантириш чин эстетик дидни шакллантиришни талаб этади. Фақат одобга эга, ахлоқли, виждонли кишини стук инсон деб бўлмайди. Одобахлоқли кишида эстетик дид шаклланган бўлса, у ҳар томондан ривожланган шахс хисобланади. Ўқитувчи-педагог факат ҳар жихатдан ривожланган шахс булиши керак.

Юқорида тавсифлаб ўтилган билимларнинг асосий ўн бир турини ўзида жамлаб, уларни кўнилма ва малака босқичларидан ўтказиб, маънавиятига айлантириб улгурган кишигини ўқитувчилик ва педагоглик амалиёти билан шуғулланишга ҳақли.

Ўқитувчининг касбий шаклланиши олий ўкув юрти даргохида касбий таълим олиш жарабёнида бошланади. Педагогика олий ўкув юртларининг ўкув-режа ва фанлар буйича дастурларида булажак ўқитувчиларга шу касбнинг сир-асрорларини ургатиш, илмий билим-

дор бериш, ўқитувчи касби ҳақида маълумот бериш ва кўникма ҳосил ишниш пазарда тутилади.

Таълим жараёнида фанлар буйича амалга ошириладиган сенниар, амалий ва лаборатория машгулотлари назарий билимларни мустаҳкамлашга ҳамда уларни кўникмага айлантиришгагина эмас, балки уларни амалий иш жараёнида қўллашга ҳам имкон беради. Бундай мишигулотлар танлагани касби тўғри эканига ишонч хиссини уйготади.

Олий ўкув юртидан кейинги даврдаги ўқитувчининг касбий шаклнини жараёнида мактаб раҳбарияти, айникса, илмий мудир ҳамда педагогик жамоатчилик катта роль ўйнайди. Ёш ўқитувчиларга тажрибали ўқитувчиларни бириктириб қўйиш, уларнинг дарсларини кузатиш, успубий ишларга жалб этиш мактаб раҳбариятининг асосий вазифа-ниридан бири. Ўқитувчи ўз касбини секин-аста ўзлаштириб бориши билан бирга ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб этади. Шу йул оркали ҳам касбий шаклланиши такомилланиб боради.

Ўқитувчилик касби ва педагогик маҳоратни эгаллаш, мактаб ўқитувчилар жамоасига киришиб, унда ўз ўрнини топиб кета олиши ёш ўқитувчининг ўзига боғлиқ. Жамоанинг ёрдамидан ўз уғирмаслик, кийинчиликларга дуч келганда рухан тушкунликка тушмай, ўз хатоларини кўра билиш ва уни бартараф этиш учун ҳаракат қилиш унинг ўқитувчи бўлиб шаклланишидан дарак беради.

Шу билан бирга, ўқитувчининг касбий шаклланиши ўз-ўзини тарбиялаб бориши, ўз устида тинмай ишлани ва ўз вактида малакасини ошириб боришига узвий боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси касбий фазилатларнинг ажралмас қисми хисобланади.

#### 4) Ўкув жараёнида иштирок этадиган техник воситалар

Юқорида дарс ва ўкув машгулотини мажму сифатида кўриб, унинг унсурларидан бири ўкув жараёнида иштирок этадиган техник воситалар мажмuinи қайд килган эди. Дарс ва ўкув машгулотини шу ном билан аталиши учун уларда куйидаги техник воситалар мавжуд бўлиши лозим. Авваламбор, техник воситаларга инсон тафаккури ва жисмоний ҳаракатлари натижасида бунёд бўлган сунъий моддий нарсалар киришини маълум қилиб кўяйлик. Шу нуктаи назардан келиб чиққанда, энг асосий техник восита бу ўкув биноси ва унинг ичидаги ўкув хоналари – синф, аудитория ё лаборатория ёки устахона. Кейинги зарурий техник воситалар – ўкувчи-талабаларнинг партаси ёки стол-стуллари, ёзув доскаси, ёзув бури, ўқитувчининг иш столи ва стули, минбари, лаборатория ҳамда устахоналарда олиб бориладиган дарс ва ўкув

машғулотлари учун уларнинг жиҳозлари хисобланади. Булар ўзаро функционал боғлиқ булиб, бир-бирини тақозо этади. Чунончи, синфхонаси бўлмаса дарс ижро бўлмайди. Синфхонаси бўлсаю, унда парто, стол ва стуллар бўлмаса, дарс ўтиб бўлмайди. Авваламбор, синфхона керакли техник воситалар билан жиҳозланмаган бўлса, у синфхона деб хисобланмайди ҳам. У бўш хона дейилади, синфхонаси, стол-стул, ўқитувчининг иш жойидаги стол-стуллар билан жиҳозланган бўлсаю хонада ёзув доскаси бўлмаса, дарс ва ўкув машғулоти тўлақонли ўтмайди. Доска бўлсаю, унда ёзиш учун бўр бўлмаса, досканинг бор булгани бекор. Дарс ва ўкув машғулоти яна тўлақонли ўтмайди ва ҳоказо.

Авваллари, техник воситалар деганда факат ўқитишининг техник воситалари тушунилар эди. Эндиликда мажмулар назарияси таълимтарбия жараёшига кириб келгандан кейин, техник воситалар деганда дарсни ташкил қилиш учун зарур бўлган барча сунъий моддий нарсалар тушунилмоқда. Авваллари ўқитишининг техник воситалари деб номланган нарсалар, шу кунда ахборот-коммуникация технологиялари дейилмоқда.

Дарс ва ўкув машғулотидаги техник воситларнинг ажралмас қисми, ўкув машғулолар учун мўлжалланган ахборот-коммуникация технологиялари хисобланади. Уларга эпидоскоп, кодоскоп, компьютер мажмуси, электрон доска, мультимедиа ва ҳоказолар киради.

### 5) Ўкув машғулотида қўлланиладиган педагогик усуллар

Дарс ва ўкув машғулот жараёни факат педагогик усул ва услублар орқали амалга оширилиб, дарс ва ўкув машғулотининг ажралмас қисми хисобланади. Ўқитувчи ва педагогиз ҳамда ўкувчи ва талабаларсиз, шунингдек, ўкув дастур ва режасиз дарс билан ўкув машғулотини ўтиб бўлмагани каби, педагогик усулларсиз дарс ва ўкув машғулотини амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун, дарс ва ўкув машғулотига керак бўладиган комплекс ҳужскатлар қаторига дарс ва ўкув машғулотини ўтиш усуллар тизими кўшилса, айни муддао булади. Бу усуллар тўплами ўқитувчи-педагоглар учун катта қулийлик яратади. Дарс ва ўкув машғулотига тайёргарлик кўриниш жараёнида, қайси усулни қўлласам экан, деб уйлаб ўтирмай, тайёр усуллар тизими ичидан танлаб олишлари мумкин.

Таълим-тарбия усуллари ўкув ахборотни мантикий ўзлаштириш, уни англаш ва ташкил қилишни кўзда тутади. Билимни узатиш ва уни кўнижмага айлантириш усулларидан ташқари, ўкув фоалиятини

юңбылтандырыш ҳамда таълимда бурч ва масъулиятни ассоциаш усун-  
дары ҳам бор.

Шу билан бир каторда, таълим-тарбия жараённини назорат килини  
шы бошқариш усуллари ҳам мавжуд булиб, уларсиз таълим-тарбияни  
демілгә ошириб бүлмайды.

За ниҳоят, үқитувчи ва педагоглар томонидан стказіб берілген  
оғылымлар, үкувчи ҳамда талабаларнинг қанчалик үзлаштириб олыш-  
дини аникловчи усуллари булиб, уларни құлланмамызшың кейинги  
сахифаларда батағсил күриб чиқамиз.

Усул ва услубларнинг фалсафий таърифи билан китобимизшың би-  
ринчи кисміда танишган здик. Энди бу категорияларнинг педагогика-  
лы қулланиши ва педагогик усуллар тизимини, шу жумладан, техноло-  
гиялаштирилған вариантини ҳам күриб чиқамиз.

Педагогикада үқитиши усули деб, таълимий мақсаддарга эришишда  
құлланиладиган педагогик чора-тадбирлар йигіндисига айтилади. Чо-  
ра-тадбирлар йигіндиси эса, услугуб деб номланишини биламиз.

Педагогикада яна методика деган түшүнча мавжуд. Бу түшүнча,  
таълимий мақсадға эришишда құлланиладиган педагогик чора-тадбир  
на усулларни құллаш йүрікномаси сифатыда түшүнілади.

Педагогикада усул атамаси устида бошқа түшүнчалар ҳам мавжуд.  
Чүпончи, усулларни педагог құллайдыған бұлса – үқитиши усули, тала-  
ба құллайдыған бұлса – ўрганиши усули дейилади. Үқитувчи ва талаба-  
ларнинг билим әзгелаш мақсадыда биргаликда құллайдыған усуллар-  
ны – маърифий усуллар дейилади. Усул ва услублар юзасидан бошқача  
ғынрлар ҳам бор.

Таълимий усул – мураккаб, күп погонали, күп кирралы диссеп-  
тив, очик, қайтариувчан марказлашған мажму булиб, даре жарієни-  
ни амалға оширишда ҳал килювчи ақамиятта оға. Педагогик усуллар-  
да, таълим жараённің объектив мажжуд бўлған қонуниятлар, таълим  
мақсади, мазмуни, тамойиллари ва таълим берішиншы шакллари үз  
иғодасини топған булади. Таълим-тарбия усулларыда дидактиканиң  
барча тамойиллари үз иғодасини топған өкап, улар үшір функционал  
боғлиқ булиб, таълим усуллари үзгариши билди дидактика тамойилла-  
ри ҳам такомиллаша боради ва бутун үзлуксиз таълим-тарбия жараённі-  
нинг такомилига үз таъсирини үтказади.

Педагогик усулларнинг **объектив** па **субъектив** услублар деган  
кисмлари мавжуд. Педагогик усулларнинг таркибидеги объектив услуб-  
ларга, ҳамма усулларда истиносиз ва доимий равишда ҳукм сурадиган  
қонуниятлар, қонун ва қоидалар ҳамда таълимий мақсад, мазмун ва  
шаклидан келиб чикувчи услублар киради. Субъективларига үқитувчи  
– педагогнинг шахсий сифатларидан, үкувчи-талабаларнинг ҳамда үкув-

жараёнининг ўзига хос хусусияти ва шароитидан келиб чикувчи услублар киради.

